
Тоғлик қиз қисмати
Набижон Хошимов

Одамийлик, тақдирлар ўйини, ҳамюртлар ўртасидаги инсоний муносабатлар, замонамиз ёшлари ўртасидаги соф ва самимий муҳаббат, миллий қадрият ва урф-анъаналаримизга чексиз ҳурмат, ота-онага эҳтиром тобора тараққий этаётган озод ва обод ватанни эъзозлаш каби туйгулар мазкур асарнинг диққат марказида туради.

Уни мутолаа қилар экансиз ўзингизни она-юртимизнинг мафтункор тоғларида, бутакрор миллий удумларимиз сафида, кўрасиз, қолаверса, Красноярск ўлкасининг гўзал гўшаларида ҳам лирик ва миллий қўшиқларимиз қанотида сокин парвоз қиласиз.

Асар “Тоғлик қиз қисмати” деб аталсада, аслида у уч замондошларимиз спортчи, чегарачи ва тадбиркор ёшларининг тақдири ҳақида бўлиб, реал воқеаларга асосланган.

Лойиха муаллифлари: Неъматжон Хошимов ва Марҳабо Сафоевалар

Такризчилар: Ориф Фармон (адиб) ҳамда Ўктамой Холдорова (шоира), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари.

Асарда Ўзбек халқ ижодиёти Фарғона халқ терма қўшиқлари, шунингдек, шоира Марҳабо Сафоеванинг шеърларидан фойдаланилди.

ОҚШУВОҚЛАР НОЛАСИ

(муқаддима ўрнида)

Бу йил Чотқол тоғларига куз барвақт келди. Ариқбўйи қишлоғидан то Қумлой тепаликларигача ястаниб ётган, баҳорда лолақизғалдоқлардан алвони гилам қопланадиган тоғ олди даштликларида етилган оқшувовқлар изғирин шабодасида майин увиллайди. Уларнинг ноласи сирли, ситамли бўлиб, гўё маъсума аёлнинг қайғули йиғисига ўхшаб кетади. Қирра тошли, қора ўрқачли тоғлар сари чиқиб борар экансиз, негадир бутун Терагистон дарасининг мағрур қоялари ҳам боши қуйи эгилгандек, масрур кўринади. Али Қурбон булоғи атрофида қадди букчайиб, сийрак бутуқлари билан гўё чўккалаб қолган кекса ўриклар янада баландроқ фарёд чекмоқчидай туюлишади, Усмон ота тош кўрғонидаги азим ёнғоқзорларга тўшанган хазонлар эса, маҳзун шилдирайди.

Оқшувовқлар бугун бежиз нола қилмаётган, мағрур қояларнинг бошлари бекорга эгик, кекса ўрикларнинг фарёди ҳам еру-кўкни бесабаб тутмаётганди. Иллоҳ, ўша нолалар тоғ ёнбағридаги бепоён кенгликлар бўйлаб Ариқбўйи қишлоғининг осмони узра сокин парвоз қилишар ва марҳум Шокарим ота ховлисидан чиқаётган мунгли қайғу овозларига ҳамоҳанг кўшилиб, бутун еру кўкни ларзага соларди.

Бугун бундан ўн йил муқаддам оғир инфаркт хасталигини бошидан ўтказган ва тажрибали шифокорларнинг «Агар мўжиза юз бермаса, узоқ яшай олмайди» деган хулосаларидан сўнг ниҳоят Руқия хола ҳам бу боқий дунёни тарк этди. Руқия хола Хасан-Хусан ўғиллар, Гулчирой ва Гулхайри исмли қизларнинг оқила онаси эди. Бу нохуш хабар тезликда узоқ-яқин қариндошларга етказилди. Келини Муштарий бўлса дарҳол Россияда ишлаб юрган қайноғаси Хасанга зудлик билан кўнғироқ қилиш ниятида туман марказига шошилди.

Телефон алоқа станциясида одам гавжум эди. Шундай бўлсада, аёлнинг илтимосига кўра, Красноярскни тезликда улаб беришди.

– ... Бўпти Муштарий, ҳаммасини тушундим. Айтинг, онамни чиқаришмай туришсин. Мен шу бугуноқ етиб бораман. Хусанни ҳам бирга кўшиб дафн қиламиз, – деди Хасан шоша-пиша.

Муштарийнинг овози титраб кетди:

– Алло, унда Хусан акамга ҳам аза очаверайликми?

– Ҳа, очаверинглар... Мабодо кеч қолсам амакимга бўлган ишни ўзингиз бафуржа тушунтиринг. Қабр ҳам қўшалок бўлсин. Мени кечгача кутинглар, хўпми, алло?...

– Хўп... – дея олди Муштарий аранг.

У ичидан гўё бир кучли босим билан чиқиб келаётган аламини аранг тийиб тураркан, бундан ўн йил аввал ҳалок бўлган турмуш ўртоғи Ҳусан ҳақида қайғурмоқда эди. Инчунун Ҳасан акаси билан бўлган ўзаро келишувга кўра, эрининг ўлимини бемор қайнонаси Руқия холадан яшириб ўтказган укубатли умри, фарзандларига айтиб келаётган ёлғонларию, ҳазон бўлган ёшлиги ҳақида ўйлаб, гўшакни қўйиб-қўймай кабина ичида беихтиёр ўтириб қолди-да, келин қилиб тушириб келинган тош йўл бўйидаги ўша оқшувоқлар каби мунгли, аммо унсиз нола қилиб, ўзидан кетди.

Одамлар унга ёрдамга шошилишди уни ўзига келтириб машинага ўтказиб қишлоғига жўнатиб юборишди.

* * *

Йиғилган аёллар «Вой онам!» деб фарёд қилишар, йиғи-сиғи товуши еру кўкни тутарди. Муштарий аввалига биров улар билан қўшилишиб йиғлаган бўлди. Сўнгра кутилмаганда ичкарига чошиб кириб кетди. Кўп ўтмай эри Ҳусаннинг кулиб турган фотосурати билан доим кийиб юрадиган спортча кийимини кўтариб чиқди ва уларни тўғри Руқия хола жасадининг боши томонга жойлаштирди. Йиғи-сиғилар овози бир сония таққа тўхтагандай туюлди. Ҳамма ҳайрон эди. Чунки Муштарий дабдурустдан «Вой тўрам!» дея дод сола бошлаганди.

Келинпошшанинг бундай ноўрин, нохуш ҳаракати барча аёлларни танг қолдирди. Тазияга дарвоза олдига тўпланаётган эркаклар ҳам бир-бирларига маъноли қараб олишиб, ҳайрон елка қисиб қўйишди. Қулоғи оғирок бир мўйсафид ёнида турган ҳаммаҳалласидан, ҳатто, «Ким ўлибди, ўзи? Шокаримнинг хотиними ё ўғлими?» деб ҳам сўради. «Ҳар иккиси ҳам» деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолган қўшни киши «Астаффуруллоҳ...» дедию хушёр тортди. Муштарий бўлса тинимсиз сўзлаб нола қилар: бир гал «Вой онам!» деса, бир гали «Вой тўрам!» дея дод соларди. Унинг сўзларини тобора фаҳмлай бошлаган азадор аёллар энди сергакланишиб, Муштарийнинг атрофига жамлана бошлашди. Муштарий тинимсиз фарёд чекарди:

– Фарзандларининг бахти-камolini кўрмаган-а, вой тўрам!

Ўн йил онангизни кўролмадингиз-а, вой тўрам!

Ўн йил болангизни кўролмадингиз-а, вой онам!

Вой, мен гуноҳкор қизингизни кечиринг-га, вой онам!

Уйларида ўйнаб кулган, вой тўрам,

Ёрим десам оғзим тўлган, вой тўрам,

Гўдақларин менга ташлаба, вой тўрам,

Умрини тамом қилган, вой тўрам!

– Ҳой-ҳой, вой-вой, нималар деяпти у?! «Ҳой келинойи, сизга нима бўлди? Нега унақа деяпсиз?! Нима бало акажонимниям ўлдига чиқариб қўяпсизку!» – деди ниҳоят Гулчирой жаҳли чиқиб, – Оғзингизга унақа кўп эрк бераверманг!

– Вой ўлмасам, нима гап? – дея гапга аралашди Муштарийнинг онаси Саломат хола ҳам хайратланиб.

У қудачисининг вафотидан хабар топгач, тоғдан биринчилар қаторида тушиб келганди. Саломат хола тинимсиз куйиб йиғлаётган қизини аввалига тезлик билан иссиқ бағрига олди ва «Бўлди, бас қил. Юрчи, ичкарига кирайликчи. Мундоқ ўзинг тушунтириб берчи...» деди-да, уни хоналардан бири томон етаклади. Чин юракдан куйиб-пишаётган қизини бу аҳволда кўриш муштипар онанинг дилини вайрон қилганди.

Гулчирой, Гулхайри ва бир неча аёллар уларнинг кетидан шоша-пиша эргашишди. Аёллар бир неча сония танаффус қилгандек азани бас қилишди. Орага оғир, аммо сирли сокинлик ҳукм сурди. Бир пайт ичкаридан Гулхайри отилиб чиқди-да, эркаклар турган дарвоза томон «Амакижон!!!» дея изтиробли ҳитоб қилди ва юз-кўзини юлиб дод сола бошлади.

– Ҳа-ҳа, тинчликми жиян, нима бўлди?! – дея шошиб келди Нодирбек ака.

– Акам!... – дедию гапи томоғига тикилиб бошқа гапиролмади ва «тез боринг!» дегандай Муштарийлар кириб кетган хона томон ишора қилди.

Ичкарида аёллар пиқиллаб йиғлаб ўтиришарди. Нодирбек воқеа тафсилотини ўзини анча тутиб олган Саломат холадан эшитди. Эшитди-ю, лол қолди.

– Нима, Хусан-а?... Ўн йил аввал?! Ё алҳазар!... Бу қандай кўргулик бўлди?!.. – деди у хайратдан лол қолиб ва бошини чангаллаб тиззалаб ўтириб қолди. – Нега? Нега бу хақида ўз вақтида айтмадингиз? Нега буни биздан яширдингиз, синглим?!...

– Хасан акам илтимос қилувдилар, – деди Муштарий пиқиллаб, – “Хусаннинг ўлганини онамлар асло эшитмасинлар, эшитсалар юраги дош беролмай нобуд бўладилар”, дегандилар...

– Нима?! – дея қичқирди Гулчирой таажубда, – Ахир Ҳусан акам ҳар йили келиб-кетиб турардиларку!...

– Ҳа, бир Хасан бўлиб, бир Ҳусан бўлиб... У киши Хасанакамнинг ўзлари эди.

Ичкарида нима гап эканига қизиқиб эшик олдида кулоқ тутиб турган бир тўда аёллар «Воҳ!» деб юборишди.

– Вой-вой, унда болаларингизчи?... – ажабланиб қичқирди Гулҳайри.

– Хасан акам болаларимнинг бир оталари бўларди, бир амакилари... деди Муштарий ерга қараб.

Гулчирой ёмон фикрга бордими, Муштарийнинг ортидан унга янчиб ташламоқчи бўлган қоплондай олайиб назар ташлади. Нодирбек буни сезди шекилли, қизнинг елкасига «ўзингни бос» дегандай қўлини қўйди.

– Муштарий бизга мундоқ тушунтириб беринг. Бу ёлғондан муддао нима эди? Бизлар ахир ҳозир марҳумнинг шундоқ тепасида турибмиз-а... Эҳтимол марҳум Шокарим акамнинг, агар рост бўлса, марҳум Хусанбойнинг руҳлари ҳам бизга термулиб туришган бўлишса ажабмас, – деди Нодирбек. – Энди бу ёғига ёлғон аралашмаслиги керак. Йўқса марҳумларнинг руҳлари бизни тинч қўйишмайди, қолаверса, икки дунёда ҳам бизни кечиришмайди.

Саломат хола бошини соат капкиридай тебратиб, қизини жавоб беришга ундади. Муштарий бошини кўтарди ва Нодирбекнинг кўзларига намли кўзлари билан тик боқди.

– Бу ишлардан муддао фақат қайнонамнинг умрларини узайтириш бўлганди, холос. Натижаси мана аён бўлиб турибди: улар яна ўн йил кўп яшадилар. Она учун фарзанд ҳаётининг гулидир. Ана шу гулни яна ўн йил туйиш у кишига насиб этди. Мен, Хасан акам иккимиз Ҳусан акамнинг ўлимини каттиқ сир тутдик. Қанчалар азоб тортганим фақат Яратгангагина аён холос. Лекин бугун марҳум Хусан акамга ҳам аза очмасак бўлмайди, ака... Ҳадемай Хасан акам етиб келадилар. Кейин нима бўлганини сизларга ўзлари бафуржа тушунтириб берадилар.

Тўпланганлар Муштарийнинг маънос гапларини эшитиб ўзларини энди тутиб туришолмади, “Дод” деб юборишди. Уй ичкарасидан чиқаётган фарёд овозига ташқаридагилар овози ҳамоҳанг бўлиб қўшилиб, шундай жўровоз хайқирик, фарёд бошландики, марсия садолари Ариқбўйи осмонини титратиб тоғлар сари оғир парвоз қила бошлади ва изғирин шамоллардан аламли тебранаётган окшувокларнинг мунгли нолаларига қўшилиб то Терагистон дарасининг боши эгик қоялари қадар етиб борди.

Букчайиб қолган кекса ўрикларнинг қуриган шохлари бўлса янада илтижоли, изтиробли “қўл чўзарди”...

I—ҚИСМ МАҒЛУБЛАР. ТОҒ ҚИЗИ

Муштарий тоғ бағрида, катта бобосидан авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган Усмон ота кўрғонида ўсиб улғайди. Отаси Сарбардин ака асли қипчоқ қавмидан, моҳир чўпонлардан эди. Онаси Саломатхон кўтондаги уй юмушлари билан тинимсиз банд бўлиб, тонг ёриша бошлаши биланоқ сигир ва эчкиларини соғар, нон ёпар, таппи қилар, кувда қаймоқ ийлар, сут қайнатиб қатиқ уютар, сузма, пишлоқ, қуртлар тайёрлар ва тинимсиз бошқа уй-рўзгор ишларини бажарар, жун рўмол тўқир ва ҳар окшом тоғдан ҳориб-чарчаб келган эрини ювиб-тарар, болаларига қарарди. Тоғда электр чироғи бўлмагани учун улар барвақт ётиб, эрта туришар, тоғу тошда дунёнинг ишларидан деярли беҳабар жуда оддий умргузаронлик қилишарди.

Муштарий мактаб ёшига етганида уни Ариқбўйилик холасиникига ташлаб келишди. У синглиси Сурайё билан фақат дам олиш ва таътил кунларигина тошқўтонга келишар, баъзан оталари отлик бориб улардан хабар олиб, қайтишда бозордан зарурий нарсалар билан қайтарди.

Муштарий болалигидан тоғма-тоғ қўй-эчкиларни боқиб, мусаффо хаводан тўйиб, фақат суту қатиқ ичиб улғайганиданми, ўзининг чаққонлиги, шаддодлиги, қолаверса, иқтидорли экани билан бошқа тенгдошларидан кескин ажралиб турарди. Айниқса, спорт мусобақаларида, миллий ўйинлар ўйналганида, рақс кечалари, шеърый мушоиралар бўлганида унга тенг келадигани йўқ эди. Баъзан Ариқбўйи, Ғова, Балиқчи, Маданият каби қўшни қишлоқларнинг ёшлари билан ҳам беллашувлар бўлиб турарди. Наврўз кунлари бўлса, тўрттала қишлоқнинг ёшу қариси тоғ ёнбағрида лолақизғалдоқлар билан қопланадиган алвон даштлару ям-яшил тоғларга халқ сайлига чиқишар, бу жойларда асосан, тўрттала қишлоқ вакиллари иштирокида миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказиш доимий анъанага айланиб қолганди. Баъзан улоқ, кураш, от ва эшак пойгаларида, айниқса, футбол мусобақаларида иштирок этиш учун Олмос, Чуст, Тўрақўрғон ва Попдан меҳмонлар, таниқли ҳофизу хонандалар ташриф буюришарди. Ҳар бир қишлоқ жамоаси ўз ҳудудига яқин хушманзара жойларда сайлга келганлар учун хўкиз сўйиб,

дошқозонларда сумалак ва бошқа миллий таомлар тайёрлашарди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз ўйин гуруҳлари бўлиб, аввалига уларнинг сардорлари, қишлоқ оқсоқоллари, ҳакамлар кенгашиб бўлғуси мусобақалар тартиби, қўйиладиган совринлар ҳақида кенгашиб олишарди.

Йиллар ўтиб Муштарий улғайиб, 9-10 синфга ўқиб юрган кезларида элга танилди ва Маданият қишлоғининг гуруҳ сардорига айланди. У нафақат чакқон спортчи балки, моҳир ташкилотчи, гўзал ва латофатли қиз эди. Баъзилар ҳазиллашиб, кинодагидек уни «Спортчи, комсомол, соҳибжамол!» деб ҳам чиқаришарди. Аммо бошқа қишлоқларнинг сардори турли ёшдаги йигитлар бўлиб, Ариқбўйиники Хасан, Ғованики Тўлқинбек, Балиқчиники Бекмирза исмли деган йигитлар эди.

Муштарий бошқа қизлардан фарқли ўларок, деярли барча мусобақаларда, ҳаттоки футбол, от пойгасида ҳам ўзи иштирок этар, унинг «Ҳа бўл!», «Ташла!», «Ҳайда!», «Кўтар!», «Ур!» дея ҳаяжон билан қичқиришлари алоҳида овозда жаранглаб турарди. У фақат Фарғонача курашдагина иштирок этмас, чунки унга муносиб қиз бола рақиб топилмасди. Шундай бўлсада, «Кўтар!», «Бос!» дея қичқириб ўз жамоасидаги курашчини рағбатлантириб, томошабинларни олқишлаб туришга даъват этарди.

Қизнинг бундай кескин ажралиб туриши, унинг тез орада эл оғзига тушиши, баъзи мусобақаларда ғолиб бўлиши ёки жамоасини ғалабага олиб кела олиши баъзи абжир йигитларнинг ҳам эътиборидан қолмаслиги кундай равшан эди, албатта. Ана шундай чабдаст йигитлардан бири Ғова сардори Тўлқинбек бўлиб, у ҳар сафар от пойгасида Муштарий билан беллашишни хуш кўрарди. Унинг арабий оти қизниқидан кўра чакқонроқ бўлсада, отлар деярли тенгма-тенг чопишар, финишга етиб келганида ё ютар, ё “атайин” ютқазарди. Қизнинг камчи уриб қичқиришлари, қора сочларининг байроқ мисоли сокин ҳилпираши, нозик жуссасининг эгар устида енгил кўтарилиб тушиши Тўлқинбекни махлиё қилганди. Бу нозик ҳолатларни англаб қолган Ариқбўйи сардори Хасаннинг эса Тўлқинбекга нисбатан негадир ғайри келарди.

Хасан ҳам Муштарийни ёқтирар, қизни беихтиёр зимдан кузатиб юрарди. Тўлқинбекнинг мақсади мусобақада ё ўзи ғолиб бўлиш ёки Муштарийни ғолиблик поғонасига олиб чиқиш бўлиб, у қиз учун ҳам рақиб, ҳам хайрхоҳлик қиларди.

Тўлқинбекнинг тобора Муштарий томон яқинлашишга бўлган саъйи ҳаракатлари, қолаверса, унинг ҳуда-беҳуда гап отиши ва қочиримлар қилиши Хасаннинг жиғибийронини чиқара бошлади. Кураш мусобақасида унинг ўзи билан беллашиб, эзиб

ташлашни, футболда бўлса, бошлаб жуссасига калла қўйишни, улоқ пайтида эса пайт топиб қамчи билан тоза савалашни ва шунга ўхшаш жазоларни ўзича режалаштириб юрарди. Аммо ғовалик Тўлқинбек ҳам анойи йигитлардан эмасди. У ҳам тоғда ўсган, кўркам ва бақувват эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у бошқа йигитлардан кескин ажралиб турар, Муштарийга ҳам унинг шу жиҳатлари маъкул бўлиб, унинг тимсолида худди эртақлардагидек, ўктам ва паҳлавон йигитни кўраётган бўларди. Хасан ҳам, албатта, жисмонан Тўлқинбекдан қолишмасада, ҳамон Муштарий билан ҳамон яқин мулоқотда бўлмаганди.

Аммо икки йигит ўртасидаги рақобат тобора кескин тус олиб, келгусида тақдир уларни турли томонларга аёвсиз улоқтириб ташлаши, айниқса, Муштарийнинг изтиробли ва аччиқ қисмат кутаётгани унинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаганди.

Ўқувчилик даврида Муштарий Хасаннинг укаси Хусан ҳақида умуман эшитмаган ва уни танишмас ҳам эди. Бир қуш уясида икки хил полапон бўлгани каби эгизак ака-укалар бир-бирларига жуда ўхшасалар-да, Хусан акасининг ғирт тескариси, дангаса, камгам ва ёввойи бўлиб улғайди. У спорт мусобақаларида, халқ сайилларида қатнашишни хушламас, томошаларга ҳам эл қатори оддий томошабин сифатида Хасаннинг сояси каби борар, ўйинларга деярли бефарқ қарар, ким ғолибу ким мағлуб, уни асло қизиқтирмас ва ғалаба шуқухидан завқланмасди. У абжир қиз Муштарийни илк бор ўша мусобақаларда кўрган ва одамлардан қиз ҳақида ижобий таърифлар эшитганди.

* * *

Хасан бу сафар ҳам Тўлқинбек Муштарийга от пойгасида атайин ютқазганини сезиб қолди. У ғалаба нашидасида завқланиб қийқираётган Муштарийга эътибор ҳам бермай, пишқириб, баданидан ҳовур чиқиб турган отлар оралаб Тўлқинбекнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Менга кара, Тўлқин. Сен нега пойгада атайин ютқаздинг? – деб сўради Хасан бетоқат отининг юганини ўзига тортаркан.

– Ишинг бўлмасин! Бор, тошингни тер, – деди Тўлқинбек гезариб.

– Сен ғирромлик қилдинг!

– Ютқаздим-ку, ахир!

– Ҳа, атайин.

– Бу менинг ишим, билдинг?

– Бу ерни спорт майдони дейдилар ҳалол ўйнашинг керак. Шахсий ишингни бошқа жойда қиласан.

– Сен бола жиғимга тегма! Муштлашсанг, юр муштлашаман.

– Сен билан муштлашиб аҳмоқ бўлибманми. Истасанг кураш тушамиз. Мағлуб бўлсанг, пойгада атайин ютқазганингни кўпчилик олдида тан оласан. Ғолиб бўлсанг мен сендан узр сўрайман, келишдикми? – деди Хасан типирчилаётган отининг юганини ўзига тортаркан.

– Келишдик, – деди Тўлқинбек совуққина ва отига қамчин босиб чоптириб кетди.

Улар кураш майдонига чиқишди. Муштарий ҳам эл қатори икки сардорнинг режадан ташқари беллашувига катта қизиқиш билдирди. Аммо уларнинг нима сабабдан баҳслашиб қолишгани ва кураш майдонига қай йўсинда кириб келганларидан беҳабар бўлиб, от пойгасидаги ғолиблик нашъасидан сархуш эди.

Сардорлар ўртасида совринсиз кураш бошланди. Кураш ишқибозларидан бўлган бир мўйсафид уларга ҳакамлик қиладиган бўлди. Бу қизиқарли мусобақа ҳақидаги гап теварак атрофга тез ёйилди ва ишқибозлар майдон айланаси бўйлаб тўплана бошлашди. Рақиблар белбоғни кўлларига маҳкам ўрагач, ҳакам уларни бир қатор текшириб кўрди.

– Эҳтимол, менга ҳам атайин йиқилиб берарсан-а? – шивирлади Хасан Тўлқинбекнинг ғашига тегиб.

– Аҳмоғинг йўқ, – деди Тўлқинбек ва Хасанни бир силташдаёқ кўтариб ташламоқчи бўлди. Лекин Хасан усталик билан бир оёғини тираб ўзини ҳимоя қилиб қолди.

– Ҳа, Тўлқинбек ака, бўш келманг! Ҳа, Хасан ака сиз ҳам! – дея Муштарийнинг жарангдор қийқириғи кела бошлади.

Бошқалар ҳам «Ҳая-ҳая!» қичқиришар, аммо Муштарийнинг овози ҳар икки йигит қулоғига ниш каби санчилмоқда эди. Тўлқинбекда, албатта, ғолиб бўлиб Муштарийга ўзини кўрсатиб қўйиш иштиёқи баланд бўлса, Хасан орийат, ҳалоллик учун курашга бел боғлаганди.

Кураш жуда узоқ давом этди. Икки паҳлавон қум устида пайт пойлаб айланаверишди, айланаверишди. Ишқибозлар қичқиравериб чарчашди. Шу маҳал ўйин ташкилотчиларидан бири Муштарийга келиб бир нималар деди. Қиз курашаётган йигитларга қарата қичқирди:

– Ҳой йигитлар эплай олмаётган бўлсанглар, бас қилинглар!

Томошабинлар буни аскияга олиб қичқиришди, йигитлар қаттиқ хуштак чалишиб, қийқиришди.

– Ҳой Хасан ака, мен жиддий айтяпман! Бу ишларингиз режамизда йўқ экан. Телевидениедан келишибди. Сизнинг жамоангиз билан бизникилар арқонда беллашишлари керак экан.

Рақибини пайт пойлаётган Хасан бир лаҳза эътиборини қизга қаратди. Муштарий уни ҳеч қачон исмини айтиб чақирмаганди. Йигит учун бу ўзгача шукуҳ бағишлади. Аммо бу алдамчи лаҳза эди. Уддабирон Тўлқинбек рақибининг ана шу нозик ҳисларидан фойдаланиб улгурди ва Хасанни даст кўтариб ерга қапиштирди.

– Ҳалол!! – дея хурсанд қичқириб юборди мўйсафид. – Говалик сардор Тўлқинбек ютди!!

Қий-чув олқишлар тоғларда шундай акс-садо бердики, баъзи илиниб турган ҳарсанглар думалаб тушаётгандек туюлди.

– Тўхтанглар. Бу ҳалол эмас. Хасан акамни мен чалғитиб қўйдим, – дея қичқирди кутилмаганда Муштарий.

– Ҳой қиз, сен аралашма! – дея жеркиб берди кимдир.

– Ҳалол қизим, ҳаммаси тўғри, – деди мўйсафид хижолат бўлиб.

– Кўяверинг, Муштарий, – дея Хасан ва Тўлқинбекга юзланди. – Узр ошна, сен от пойгасида атайин ютқазмаган экансан, билмабман.

– Нима, от пойгасига курашни нима даҳли бор? – ҳайрон бўлиб сўради Муштарий.

– Сиз аралашманг, – деди Тўлқинбек ва Хасанга «Бу нима қилганинг. Ҳали мендан кўрасан, ярамас» дегандек олайиб қараб қўйди.

Қиз шундагина йигитлар ўртасида қандайдир гап ўтганини фахмлади ва қалбида Хасанга нисбатан илк бор ҳурмат пайдо бўлганини ҳис қилди. Чунки бир жиҳатдан Хасаннинг мағлубиятига сабабчи бўлиб қолганидан ўзи хижолатда эди.

* * *

Ариқбўйи ва маданиятликлар қирқ кишидан бўлишиб бақувват арқонни тортишларига буйруқ берилди. Ҳар икки жамоага уларнинг сардорлари бошчи бўлиб, ўртадаги чегара чизикни қатъий назоратга олишди. Мусобақада, яна «Торт-торт» бошланишининг дастлабки дақиқалариданоқ сардор йигит ва қизнинг кўзлари бир-бирларига тўқнаш келди. Хасаннинг оловли нигоҳи қизнинг шижоаткор кўзларини бир

бахя таъқиб қилиб, Муштарийнинг юрагига чўғ ташлагандек бўлди. Қиз алланечук бўлиб кетди.

Томошагоҳда гоҳ у жамоа, гоҳ бу жамоа кучли келар, сардорлар қаттиқ тираб олган оёқларини ғалаба чизигига сари яқинлаштирмасликка чунонам чиранишар, бу хол томошабинларнинг қий-чувиға сабаб бўларди. Мусобақа иштирокчилари бўлса, бор билак кучлари ва эътиборларини арқонни тортиб олишга, ўзаро «Ҳа, бўл!» «Яна-яна!» дея хайқиришга қаратгандилар.

– Бўш келманг, Муштарий! – дея қичқирди шу маҳал томошабинлар орасидан Тўлқинбек.

У сал нарида балиқчиликлар билан бўлган худди шундай беллашувда ғолиб бўлган ва бу ерга навбатдаги рақибни ким бўлишини аниқлаш учун келганди. Албатта Муштарий ғолиб бўлишини ва қиз билан арқон тортишишни истар, гўё ҳаёлида унинг жамоаси қўлидаги арқонни ҳеч қандай қийинчиликларсиз тортиб оладию, қиз бўлса унинг қучоғига лоп этиб ёпишиб қоладигандек тасаввур қиларди.

Ҳозир Муштарий енгилган тақдирда ҳам барибир Хасан билан тўқнашади. Унда яна яхши, ўч олади. Бир марта узр сўради, иккинчи марта доғда қолади. Умуман кейин мен билан ўчакишишни ўзига эп кўрмайди. «Лекин енгилсамчи... Йўқ-йўқ, бунга асло йўл қўймаслигим керак. Ахир Муштарийнинг олдида нима деган одам бўламан», – деди у ҳаёлан ва ҳали бичилмаган чопонга тугма қадаётганини ўйлаб ўзича кулиб қўйди.

Шу маҳал Муштарий устунлик қила бошлади. Хасаннинг оёқлари чизик томон бир оз сурилгандай бўлди.

– Ҳа Хасан, сен ҳам атайин енгилсанми, дейман-а?! – дея беихтиёр қичқирди Тўлқинбек.

Хасаннинг жаҳли жумбушга келди, ҳаёлида гўё арқонни Муштарийдан тортиб олгану, уни Тўлқиннинг бўйнига чирмаштириб ағдариб соладигандай ўзида ғайриоддий ғайратни ҳис қилди ва энди арқонни янада жон-жаҳди билан торта бошлади.

Тўлқинбекнинг «Атайин» сўзини яна бир бор ишлатгани Муштарийнинг ҳам ҳамиятига тегди. «Наҳотки у чиндан ҳам от пойгасида менга атайин ютқазиб берди? Мақсади нима? Наҳотки шу йўл билан менинг ишончимни қозонмоқчимми? Чучварани хом санабсан...» – деди қиз ҳаёлан ва бетўхтов чиранаётган Хасанга нигоҳини қаратди. Кўзлар кўзларга яна тўқнашди. Йигитнинг нигоҳи шундай ўткир эдики, у қизнинг вужудини алланечук қилиб бўшаштириб ўзини Хасаннинг бағрида қандай қилиб пайдо бўлганини

билолмай қолди. Қиз бир сесканди-да арқонни апил-тапил ташлаб нари кетди. Хасан унинг ортидан бошини қашлаб унсиз қараб қолди.

– Ҳа, яна беллашамизми? – дея кескин сўради Тўлқинбек унинг хаёлини бўлиб.

– Намунча сўйиладиган хўроздай қичқиравермасанг, – дея эътироз билдирди Хасан.

– Ахир финалда, ошна. Сен ҳам ютдинг, мен ҳам.

Муштарий бу маҳал сал нарироқда юзини юваётганди. Хасан қиз томон беихтиёр нигоҳ ташлади ва деди:

– Йўқ, бу финал эмас. Иккимиз беллашамиз, ютган жамоа Муштарийнинг жамоаси билан тортишади.

– Ўх-хў. Бу ёғи «Бой без правил» бўларканда-а? Лекин қўлни бер, таклифинг менга мақул.

Икки йигит қўл беришди.

– Ҳой, Муштарий эшитдингизми?

Қиз йигитларни қўл ушлашиб туриганини кўриб кўнгли ёришди. «Ҳар ҳолда енгилганим ёмон бўлмабди, шекилли» деб ўйлади у.

– Сизнинг командангиз финалга чиқди! Ҳозир қайси жамоа ғолиб бўлса, ўша билан яна беллашасизлар, тушунарлими?

– Вой ростданми?! – деди қиз ширин табассум қилиб.

Бу табассум ҳар икки сардорга куч бағишлагандек бўлди ва ўз жамоаларини йиға бошлашди. Радиодан бош ҳакамнинг «Диққат қилинлар! Ҳозир арқон тортиш бўйича Ариқбўйи билан Ғова жамоалари беллашишади. Қайси томон ғолиб бўлса, Маданият жамоаси билан финалга чиқади» деган овози янгради.

Шу маҳал Балиқчининг сардори Бекмирзанинг жаҳли чиқиб кетди ва бош ҳакамнинг олдига чопиб борди.

– Қанақасига? Ахир бу ғирромликку! Биз ҳам ярим финалда иштирок этмадик, ҳали! – деди бақириб.

– Бўпти-бўпти, Маданият билан беллаша қолинглар. Ҳой, Муштарий, қанисиз! – дея қичқирди бош ҳакам.

Хуллас, ҳар икки жойда ярим финал мусобақаси яна бир пайтда бошланди. Бекмирза ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилди. Улар кўп мусобақаларда мағлубиятга учраганликлари учун оқсоқолларидан яхшигина дакки-дашном эшитганди. Шу туфайли балиқчилик йигитлар ғурури учун курашишга бел боғлашди.

– Йигитлар бўшашманглар! – дея қичқирди сардор ўз жамоасига қарата. – Наҳотки шу қизлар жамоасидан ҳам енгилсак. Ахир бу уят-ку!

Муштарий жамоасининг деярли қирқ фоизи, ҳақиқатдан ҳам, ўзи тенгқур қизлардан иборат эди.

– Қизлар, сизлар ҳам бўш келманглар! Нимага қодир эканлигимизни балиқчиликларга кўрсатиб қўйинглар! – қичқирди Муштарий.

– Эҳтиёт бўлинглар, қармоқларига илинтириб олишмасин, тагин! – дея кимдир қочириб қилди.

Кулгу кўтарилди.

– Бизларни илинтиргунча ўз араваларини итаришсин! – деди ўйин иштирокчиси бўлган шаддод қизлардан бири.

Яна гурр кулгу кўтарилди. Ҳам «торт-торт», ҳам фарғонача аския томошабинларга ўзгача завқ–шавқ бағишламоқда эди.

– Шодмон бобо, бизларга ёрдамлашворсангизчи! – деди ҳалиги қиз тўқсонни қоралаб қолган хассасига таяниб аранг чўккалаб ўтирган бир чолга қараб.

– Йўқ, сенга ёрдам беролмайман-да, қизим.

– Вой, нега?

– Яхшиси, балиқчиликларга ёрдамлаша қолай.

Яна кулгу кўтарилди.

– Ҳой Бекмирза, намунча чиранмасанг! – қичқирди томошабин мўйсафидлардан бири.

– «Жон куйдирмасанг, жонона қайда», деганлар-да тоға.

– Эҳтиёт бўл! Бу жон дегани орқангдан чиқиб кетмасин, тагин!

Шундай қаттиқ кулги бўлдики, ҳар икки томоннинг иштирокчилари кўм-кўк майсалар узра думалаб қолишди. Ўртага бош ҳакам аралашди.

– Тўхтанглар! Ҳой, нима қиляпсизлар? Қоидада бунақа ётиб олиб олишиш йўқку! – деди у кулиб.

Жамоалар яна бошқатдан саф тортишди.

– Жим бўлинглар! Гап отмай ўтиринглар, бунақада ғолибни аниқлаб бўлмайди, ахир.

Яна беллашувга ишора берилди. Одамлар яна завқ билан қийқира бошлашди. Нариги жамоаларда бўлса, кучлар тенглик қилаётгани учунми худди кураш каби ўйин узоқ давом

этмоқда эди. Ниҳоят иштирокчилар чарчаб кучдан қола бошлашди чоғи, баъзилар тиззалаб қолишди.

Хуллас, финалга Хасан билан Боймирзанинг жамоалари чиқишди. Муштарий билан Тўлқинбеклар уларни кузатиб ўтиришди. Муштарий негадир Хасан акаси ғолиб бўлишини жуда ҳам хоҳларди. У ғолиб бўлди.

Шундан сўнг бошқа кунлари анъанавий улоқ, эшак пойга, от устида кураш, футбол мусобақалари ўтказилиб, тўрттала жамоа ўз қишлоқларининг шаъни учун беллашишди ва наврўз сайли, миллий халқ ўйинларининг қахрамонларига айланишди.

* * *

Наврўз таътилларидан сўнг яна мактабда ўқиш давом этди. Мактабда Муштарий унинг обрўйи янада кўтарилди. У фанларни ҳам тиришқоқлик билан ўзлаштира бошлади. Мақсади пединститутнинг тил ва адабиёт бўлимига ўқишга кириш эди. Аммо унинг асли ариқбўйилик экани ва бу ерда холасиникида яшаб, спорт мусобақаларида маданиятликларга сардор бўлиб олгани негадир баъзи синфдош ўғил болаларга маъқул эмасди. Кунлардан бир куни шундай бир нохуш воқеа юз бердики, болалар уни чиндан ҳам ёмон кўриб қолишди.

Воқеа шундай содир бўлди:

Мактаб ёнида кичик бир дўкон бўлиб, у ерда аҳоли учун энг зарурий нарсалар сотиларди. Муштарий дарсдан кейин қолиб, институтга тайёргарлик кўриш учун устозидан кўшимча дарс ола бошлаганди. Бир пайт ручкасининг ранги тугаб қолди ва устозига дўконга бориб келишини айтди. «Хўп, мен ҳам сигарет чекиб келаман» – деди муаллим. У синф раҳбари, математика ўқитувчиси Латиф ака бўлиб, анчагина жаҳлдор киши эди.

Латиф ака ташқарига чиқиб сигаретаси қолмаганига кўзи тушди ва у ҳам дўконга бориб келмоқчи бўлди. Қиз дўконнинг ён томонида беш-олти нафар синфдош болаларнинг сигарета чекиб, лақиллаб ўтиришгани устидан чиқиб қолди ва ёнларидан уларни кўрмаганга олиб ўтиб кетди. Бироқ йигитлар унга кўзи тушиб «Устозга айтиб қўйса-я» деган ҳаёлга боришди.

Муштарий оладиганини олиб тез изига қайтди. Латиф ака эса дўконнинг олд томонидан келиб, кишилар билан бир-бир сўрашиб, сўнгра дўконга кириб сотувчи аёлдан «Бир кути «Пальма» бериб юборинг» деди.

– Вой, бошқа қолмади-ку, домла.

– Ие, ахир мен фақат шунақасидан чекаман-ку.

– Охирини ҳозиргина ўқувчиларингиз сотиб олишди. Улар менимча ҳозир дўконнинг бу ёнида чекиб ўтиришибди, бориб сўрай қолинг, устозларига йўқ дейишмас, – деди сотувчи аёл пичинг қилиб.

– Нима?!... Вой шумтакаларей, – деди муаллим ва дўкон ёнига ўтиб ўқувчиларига кўзи тушди.

Устозини пайқаб қолган йигитлар тум-тарақай қочишди. Латиф ака уларни таниб олди. Энг ёмони, болалар «Бизни Муштарий сотибди, ярамас дарров кириб айтибди-да» деган ўйга боришди. Латиф ака эртаси уларни доска олдига чиқариб бирма-бир тарсаки уриб чиқмаганида, эҳтимол, улар Муштарий ҳақида ёмон ўйга боришмаган бўлармиди? Калтак зарбидан ўзига кела олмаган йигитчалар «арикбўйилик келгинди, тоғлик чўпон қизи» – Муштарийни жазолаш пайига тушдилар.

Ўша куни улар тил бириктиришиб, дарсдан сўнг мактаб кийимларини уйларига ташлаб қайтиб келиб, Муштарийнинг қўшимча дарсдан чиқиб холасиникига борадиган йўлнинг четида пойлаб ўтиришди. «Бу ерда унинг холасидан бошқа ҳеч кими йўқ, бизни таниб ўтирибдими, бир чақимчини таъзирини бериб кўяйлик» – деди уларни уюштираётган Сардор исмли йигитча.

Нихоят қиз кела бошлади. Болалар теварак атрофга яширинишди.

– Нима қиламиз? – сўради улардан бири.

– Уни ўраб оламиз. Кейин сумкасини олиб копток қиламиз, – деди Сардор.

– Урамизми?

– Йўқ, кўрқитамиз. Кийимларини тупроққа бежаймиз. Токи синфдошлар олдида биздан кечирим сўрасин.

Қиз етиб келди. Сардор тўсатдан унинг олдидан чиқиб келди. Бир зумда атрофида бошқа аламзада болалар ҳам пайдо бўлишди.

– Ўҳ-ҳў, бу ахир ўзимизнинг «Спортчи, комсомол, соҳибжамолимиз!» ку!

– У яна чақимчиям, – деди Суннат исмли йигитча кемшик тишларини кўз-кўз қилиб.

– Вой, қочларинг йўлимдан! – деди қиз хайрон бўлиб.

– Сен нега бизни устозга сотдинг?

– Нима?! Ҳеч нима тушунмаяпман.

Суннат орқадан келиб унинг елкасидаги сумкасини тортиб олди. Болалар сумкани бир-бирларига ўзаро итқита бошладилар.

– Ҳой, нима қияпсизлар. Беринглар, сумкамни!

– Бизни сотганинг учун кечирим сўрайсан.

– Қанақа кечирим? – янада хайрон бўлди қиз ва сумкасини илиб олишга ҳаракат қила бошлади – Мен ҳеч кимни сотганим йўқ. Ярамаслар! Мен сенларга йўл тўсишни хали кўрсатиб қўяман.

Қиз сумкасини ушлаб турган Суннат томон ташланди, Муштарий йигит ушлаб турган сумкани камари билан тортиб олганида, йигитча йиқилиб тупрокка беланди.

– Мен сенга тупрокка белашни кўрсатиб қўяман ҳали! – дея қичқирди Сардор ва шахд билан ўрнидан туриб, қиз томон яқинлашди.

Муштарий бу ҳаракатни ёмон ният деб тушунди чоғи жон жойига қарата тепиб юборди ва ўрнидан туриб уни ўраб олган безори болалардан ўзини ҳимоя қилишга чоғланди. Лекин тепки еганлари оғриқ азобидан жаҳли чиқиб, энди қизга жисман озор етказа бошладилар. Бирови алам ичида сумкасини тепиб юборган унинг оғзи очилиб ичидаги ўқув қуроллари турли томонга сочилиб тупрокка беланди. Қиз ўзини ҳимоялаб чўккалаб ўтириб қолди.

Яхшики, шу пайт орқада кимдир пайдо бўлди ва йигитларни дўппослай кетди.

– Ярамаслар! Уялмайсанми, шунча йигит бир қиз билан олишиб?! Мана сенларга!...

Сардорнинг кўзларида олов чакнади, Суннат орқасидан тепки еб ариқ ичига йиқилди. Қолганлар ҳам насиб қилганича ўз улушларини олиб қоча бошладилар. Муштарий эса юзини беркитиб юм-юм йиғларди.

– Қочинглар болалар, бу спортчи акани танийман, Ариқбўйилик у! – дея қичқирди Сардор.

– Ҳе сенларни, ўша!... – дея бўралаб-бўралаб сўкинди ўша ҳаласкор йигит.

Унинг овози Муштарий учун танишдай туюлди. Кўз ёшларини артиб, китобларини тераётган йигитга қаради. Йигит сумканинг чангини қоқиб, қизнинг тепасига келди. Кўзлар тўкнашди.

– Вой, сизмисиз?! – сўради Муштарий хушёр тортиб.

– Ха.

Бу Хасан эди.

– Ие, ахир бу ўзимизнинг сардор қизку. Наҳотки спортчи бўла туриб уларга енгилдингиз-а?

– Мен уларни аядим. Улар менга тухмат қилишди-да, – деди Муштарий пичирлаб.

Хасан рўмолчасини олиб унинг кўз ёшлари ва бурнини артгандай бўлди.

– Хафа бўлманг. Улар ҳали бу қилмишлари учун жавоб беришади.

– Ундай қилманг. Улар менинг синфдошларим. Англашилмовчилик бўлди, шекилли.

Хасан қизни уст бошларини ҳам қоқиб қўя бошлади. Кийим бошлари тупроқ, чангга беланган Муштарий ариқда юз қўлларини ювиб ўзини эпақага келтириб олди.

– Сиз қаёқдан келиб қолдингиз?

– Шундай бир иш билан келгандим. Юринг, уйингизгача кузатиб қўяй. Яна анавилар сизга тажовуз қилишмасин. Ҳа айтмоқчи, бирор ерингизга қаттиқ лат емадимми?

– Йўқ, оёғим сал шилинди холос. Лекин анави Сардорни қаттиқ урдингизда. Энди эртага мактабга юзи кўкариб боради.

– Сардор деддингизми? Яна кимлар бор эди?

– Сизга даҳли йўқ. Ўзимиз келишиб оламиз.

– Э йўқ. Бу ишни бундай ташлаб бўлмайди. Ахир бунинг учун жавоб беришлари керак.

– Мен бу ерлик эмасман, шунинг учун аяб ўтиришмади, шекилли. Қўяверинг ўзлари ҳали уялиб қолишади.

– Ие, шунақа денг. Қаерликсиз, ўзи?

– Катта бобомиз асли ариқбўйилик. Биз тоғда яшаймиз, у ерда мактаб йўқ. Шунинг учун бу ерда холамникида тураман.

– Буни қаранг, ҳамқишлоқ эканмизку.

Хасан севиниб кетди. Бу унинг учун кутилмаган ҳол эди.

Улар шу тариқа ширин суҳбат қуриб кетишди. Хасан аслида уни қидириб келган ва мактабдагилардан «Мусобақаларда сардорлик қиладиган қиз»ни суриштирганида улар, қизни ҳозиргина уйига кетганини ва кетган йўлини тушунтириб беришганди. Яхши бўлди. Айни пайтида етиб келди. Шундай қилиб Хасан қизни то холасининг дарвозасига қадар кузатиб келди.

– Демак, мен ўзимга сингил топиб олибманда-а... Агар қарши бўлмасангиз бундан буён мен сиздан тез-тез келиб хабар олиб тураман, хўпми?

– Вой, қанақа қилиб, ахир уйингиз бу ердан узоқ-ку!

– Ўн беш километр холос. Велосипед ё от учун бу ҳеч гапмас.

– Нима сиз ўқимайсизми?

– Мактабни ўтган йили битириб Фарғона Политехника институтига топширувдим, ўтолмадим. Бу йил яна уриниб кўрмоқчиман. Яна киролмасам, Россияга ишлагани кетмоқчиман. Сизчи?

– Мен ҳам ўқишга уриниб кўрмоқчиман, Наманган пединститутга.

– Яхши. Хўп, хафа бўлманг. Энди мендек халаскорингиз бор. Худо хоҳласа мағлуб бўлмайсиз.

– Сиздан бир нимани сўрасам майлими?

– Ҳа, бемалол.

– Ҳалиги, от пойгасида, анави ғовалик Тўлқинбекни менга атайин ютқазгани ростми?

– Билмасам.

– Нега унда ўчакишдингллар?

– Ахир бизлар ёмон рақиб эдик-да.

– Менчи?

– Сиз яхши рақиб. Айтмоқчи, мабодо Тўлқинбек ҳам олдингизга келмадими?

– Йўқ. У менимча ҳарбий хизматга кетди.

– Э шунақами? – деб кўйди Хасан ва хотиржам кулиб кўйди.

– Намунча хурсандсиз?

– Йўқ ўзим. Демак у янаги йил Наврўз мусобақаларида қатнашмас эканда.

– Эҳтимол.

– Мен ҳам, қатнашмасам керак – деди Хасан маюс.

– Нега?

– Ахир Ариқбўйининг захирадаги сардори бор эканку. Ҳа, агар Россияга кетсам ўрнимга сардорлик қиласиз, келишдикми?

– Келишдик.

Қиз кўлини силтаб «Хайр» ишорасини қилди. Улар самимий хайрлашдилар.

* * *

Муштарий эртаси мактабга борганида негадир кечаги безорилар кўринмасди. «Нима бало, Хасан акам уларни бир нима қилиб қўйган бўлсалар-а?» деган нохуш ўйга борди. Биринчи соат ўтди, «прогуль» қўйилди. Уларнинг келмаганлиги сабабини ҳеч ким билмади. Муштарий ҳам бўлган ишлар ҳақида ҳеч кимга чурқ этмади. Фақат танаффус пайтида дугонаси Ҳанифа уни аста кўшни синфга чорлади.

– Ҳа, қаёққа?

– Бу сир. Борсанг биласан.

– Э йўқ, бормайман.

– Юр, гап бор.

– Қанақа гап?

– Яхши гап. Сардор илтимос қилди. “Ҳеч ким билмасин”, – деди.

– Нима гапи бор экан? – сўради Муштарий хавотир олиб.

– Э, кўркма. Ахир у тоғамнинг ўғли бўлади. Сендан кечирим сўрамоқчи, шекилли.

Муштарий Ҳанифа билан кўшни синф хонага кириб боришди. Сардорнинг кўлида бир даста гул, Суннатда улкан торт кутиси. Яна бирови ёрлиғини олинмаган янги сумка ҳам олиб келиб столга қўйди.

– Кечаги иш учун бизни кечир, Муштарий, – деди Сардор.

– Энди бошқа бундай қилмаймиз, – деди Суннат бурнини тортиб.

– Фақат устозга айтмагин, хўпми.

– Бизни кечир, илтимос – дейишди бирдан ҳаммалари.

– Манавилар сенга, тортни қизлар билан енглар, – деди кўзи кўкарган Суннат.

Қутичани оҳиста суриб қўяркан.

– Майли болалар, бўп туради, – деди Муштарий кулиб, – Лекин мен сизларни аядим.

Каратэдан ҳам хабарим бор. Энди аяб ўтирмайман–а.

– Вуй, ростданми? – деди Обид деган ҳовлиқмароқ бола.

– Ҳа, ана Ҳанифадан ҳам сўранглар.

– Тўғри, – деди Ҳанифа жилмайиб, – Юринглар бўлмаса.

Улар синфдан чиқишаркан, Суннат Муштарийдан секин сўради.

– Хасан ака, ростдан аканг бўлар эканда-а?

– Ҳа, нимаиди?

– Йўқ, ўзим шундай. Лекин отини зўр чоптиради-да...

Шундан сўнг Муштарий болалар билан яна дўстлашиб кетди. Хасан эса унинг акаси сифатида тез-тез келиб турар ва қизни кузатиб қўярди. Улар то холасиникига қадар қизгин суҳбатлашишарди. Бундай илиқ муносабатлар даври то охириги имтиҳонларга қадар давом этди. Ўшанда Хасан Муштарийни охириги бор мактабдан кузатиб қўяркан, беихтиёр юзидан ўпиб қўйганди.

Ниҳоят битирув оқшоми ўтказиладиган кун ҳам етиб келди. Маълум бўлишича, Хасан Суннат билан ошна бўлиб олишибди. Муштарийнинг битирув оқшоми Чуст

истироҳат боғида ўтказилди. Боғ ҳар дойимгидай сўлим ва гавжум эди. Кунига етти тонна гуруч дамланадиган мазкур машҳур боғнинг чойхоналаридан бирига дастурхон безашди, дискотекага бориб замонавий ўзбекча рақсларга ўйнашди, музқаймоқлар ейишди, келгуси режалари ҳақида қизгин баҳс юритишди.

Хасан ҳам туни билан ўша ерда бўлди. Фақат ўзини уларга кўрсатмади. Қарши тарафдаги бир кафеда куну-тун худди телевизор томоша қилаётгандай уларни кузатиб ўтирди. У фақат бир кишидан, ғовалик Тўлқинбекнинг пайдо бўлиб қолишидан чўчир ва Муштарийни эсон-омон уйига элтиб қўйиш ҳақида қайғурарди.

Фақат оқшом чўккан пайтдагина у Суннатни топиб, Муштарийни чақиртирди.

– Вой, сиз шу ердამидингиз? – сўради қиз севиниб.

– Э йўқ. Биз ҳам ўртоқлар билан ош егани келувдик. Қарасам, таниш башаралар...

– Юринг, биз билан ўтиринг.

– Йўқ раҳмат. Нима демокчийдим! Кеч бўлиб қолди. Машина бор, юринг, уйингизга элтиб қўяман.

– Менинг уйим тоғда-ку?

– Нима бўпти, баҳонада кўриб оламан-да.

– Қандай бўларкин, ахир...

– Бўпти, сизга яна бир соат етадимиз? Мен анави кафеда телевизор кўриб тураман.

Болаларга акам келди, тоққа уйимизга кетаман, денг, хўпми!

– Бугун холамникида қолавераман, дегандим-ку.

– Нима қиласиз холангизни безовта қилиб, уйингизга боринг. Давай, марш!...

– Хўп бўлади, акажон, – деди қиз ва севиниб дугоналарининг ҳузурига чопди.

– Муштарий, ростдан у акангми, ё?...

Қиз «Ҳа» деб қўйди ва ўзини шундай бахтиёр ҳис қилдики, беихтиёр рақсга тушиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Қизларнинг ўзаро баҳси шу кунларда фақат йигитлар бўлиб қолган: «кимнинг қанақа йигити бор?», «севган йигитинг ким?» ва ҳоказо. Муштарийнинг бу масалада негадир кўнгли жуда хотиржам эди.

ЭГИЗ ҚОЯ

Ўша тунда Хасан Муштарийни то тоғдаги уйигача элтиб қўйди. Такси билан ўз қишлоқларига келиб, уйдан мотоциклини олиб чиқди. Улар тун қўйнига ботаётган шафақларида мағрур акс этиб турган Чотқол тоғ тизмалари томон йўл олдилар ва баҳорда

спорт мусобақалари ўтказилиб турадиган ўша таниш даштликлар бўйлаб, қорайиб, турли шаклларда кўринаётган Қумлой тепаликларнинг ўткир қиррали қоялари сари чиқиб боришди. Ҳар икки ёш ҳам шу паллада жуда бахтиёр эдилар. Чунки улар гўё улкан мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган, эртанги отадиган тонгда қуёш фақат улар учунгина бош кўтарадигандек туюлмоқда эди.

Йигирма километрлар чамаси юришгач, қорайиб тошқотган қоялар бағрига кириб келишди. Теварак-атроф ғира-ширада жуда сирли кўринарди.

– Етай деб қолдикми?! – сўради Хасан.

Мотоциклнинг вариллашидан Муштарий унинг саволини базўр тушунди.

– Ҳа. Ҳув анави тепаликда қорайиб кўринаётган ҳарсанг тош олдида тўхтанг, – деди қиз тепаликлардан бирини кўрсатиб.

– Кўрғонингиз қаерда?!

– Ўша ердан бир қадам. У ёғига ўзим кетавераман!

– Э қўйсангизчи, уйингизгача кузатиб қўяман!

– Йўқ! Отам сизни кўрмасин, дейман-да!

– Уйда яна ким бор?!

– Онам, укам, сингилларим!

– Отангизни исми нима?!

– Сарбардин ака!

– Оилада нечта фарзандсизлар, ўзи?!

– Башта!

– Ўх-хў, чироқ йўқ деб-а?!

– Э, қўйсангизчи?

– Чироқ йўқ қандай яшайсизлар-а?!

– Кўникиб кетганмиз! Қуёш билан ётиб, қуёш билан уйғонамиз!

– Эх-хе, хўроз бўлиб кетинглар-е, – деди Хасан мотоциклини маторини ўчираркан.

– Юринг, сизга курсимни кўрсатаман.

– Қанақа курси?

– Ҳув анави тепаликда бир ҳарсанг тош бор. Уни кундуз куни кўрсангиз худди шохнинг курсисига ўхшайди. Кетдик, устида бир ўтириб кўрамиз, ният қиламиз.

Улар тепаликда ҳақиқатдан ҳам курсига ўхшаб кетадиган улкан ҳарсанг ёнига чиқиб боришди. Қиз чакқонлик билан тошнинг устига чиқди-да чордана қуриб шоҳона ўтириб олди.

– Ўҳ-хў, мана шу кўринишингизга яна бир ойу юлдуз бўлсами?

– Ўзимнинг ойдан қаерим кам? – деди Муштарий қийқириб кулиб.

Қиз шу топбда еру кўкка сиғмаётган, бениҳоя хурсанд эди.

– Ҳа, тўғри, – деб қўйди Хасан ва юраги гупурлаб кетди.

– Чиқинг, сиз ҳам ўтириб кўринг. Кейин бир яхши ният қилинг. Эҳтиёт бўлинг.

Хасан ҳам курсига чиқиб ўтириб, димоғига келаётган салқин тоғ шабодасини туйиб чуқур тин олди.

– Ажойиб! Эҳ-ҳе-ҳей, мен шоҳман! – дея қичқирди у тўсатдан.

Узоқда итлар хурий бошлашди.

– Ҳой бақирманг, ҳозир бу ерга итларим етиб келишади-я.

– Ие, ростданми? Чўпон итларини ёмон дейишади.

– Ҳа. Яхшиси энди кетинг. Бўлинг тез!

– Бу ёғига кўркмайсизми?

– Йўқ. Кўрғонимиз яқин. Ҳув, ана!

– Бу ерда ҳар хил булоқлар кўп деб эшитганман. Менга уларни кўрсатасизми?

– Хўп. Яқшанбада келинг, акам бозорга, отам тоққа кетадилар.

– Қаерга келай?

– Шу ергада. Мана шу курсида шоҳона бўлиб ўтириб турасиз. Бу ер бизнинг деразамиздан, узоқдан кўриниб туради.

– Соат нечаларда?

– Соат тўққизларда. Иложи бўлса отингизда келинг, хўпми? Яхши боринг, раҳмат.

– Хўп яхши қолинг, бироз орқангиздан караб турайинми?

– Йўқ, хув ана итларим келишяпти. Менга ҳамроҳ бўлишади.

Хасан тезда мотоциклини ўт олдирди-да, итларнинг ҳужумига қолмасликдан чўчиб, тез жўнаб қолди.

* * *

Курсини антиқа эканини Хасан ўша белгиланган куни келиб кўрди. Унда ўтириб ўзини шундай улуғвор ҳис қилдики, гўё бу ердан кўм-кўк водий оёқ остида ястаниб ётарди. Шундай қилиб, ушбу ҳарсанг курси кейинчалик уларнинг муҳаббат ришталаридан

огоҳ, севишганларнинг баъзан учрашиб турадиган муқаддас тошга айланди. Бу ерларда на электр чироғи, на телефон бор эди. Тоғга келиб кетувчилар жуда ҳам кам учрарди. Чўпон қўтонлари ҳам бир-биридан анча узоқда, улар қаерда булоқ бўлса, ўша ерда тошдан кўрғон қуриб олгандилар.

Муштарий ҳам айтилган пайтда отда етиб келди. У эгнида ўзбекларнинг қипчоқ қавмига хос қадимий миллий кийимлардан кийиб олган, асосан қўлда тўқилган гулдор кўйлагу камзул, бошида тегарак гулли дўппи. Бўйни ва қулоғидаги турли-туман такинчоқлар, тумору осилчоқлари ўзига жуда ярашган эди.

– Хўш маликам бугун менга булоқларингизни кўрсатасизми?

– Ҳа, юринг.

– Мени энг ширин сувлисига олиб боринг, хўпми?

– Вой, уларнинг ҳаммаси ҳам ширин.

– Йўқ. Биз сиз билан уларнинг ичидаги энг ширинини ахтарайлик, хўпми?

– Нега?

– Мен ўша ерга ошён қуриб, яъни тошдан кўрғон қуриб, севганим билан бир умр яшасам дердим-да.

– Ўх-хў, шахзодам, иштаҳангиз карнайку, – деди қиз майин жилмайиб.

– Иштаҳам курсида ўтирганимда очилиб кетди. Хўш, қайси булоқдан бошлаймиз, бўлмаса?

Отлар бир-бирига қараб гўё «Ишимиз кўп экан» дегандек бир-бир кишнаб олишди.

– Ёмон булоқдан – деди қиз тўсатдан. Лекин ноўрин гапириб юборганидан бир оз хижолат чекиб қўшиб қўйди: – Бу ерда энг яқини ўша-да. Шундоқ йўлимизда, у.

– Ие, нега энди Ёмон булоқ? Сафаримизни ёмон жойдан бошламасак бўлармиди...

– Вой, сиз ҳам иримларга ишонасизми?

– Ҳа энди, номи хунук экан-да. Нега унақа-а?

– Сувини кўп ичолмайсиз, нордон. Сигирлар ҳам аранг ичишади. Эчкиларимиз бўлса умуман у булоққа яқинлашмайдиам.

– Эчкини сутини жуда шифобахш дейишади. Шу тўғрими?

– Ҳа. Чунки улар инсон қадам боса олмайдиган қоялар тепасига чиқиб фақат фойдали гиёҳларни териб ейишади. Айтишларича, тоғ эчкиларининг янги соғилган сути саратон касалига ҳам давомиш.

– Сиз буни қаердан биласиз?

– Отамнинг олтиариклик икки ошнаси бор экан. Улар ҳар йили бедана овига келиб қўрғонимизда бир ойлаб туриб кетишаркан. Бирининг исмини Абдулла қассоб, иккинчисини Абдуманноп беданавоз дейишаркан. Абдулла қассоб ҳозирда ўтиб кетган, Абдуманноп тоға бўлса ҳозирда ҳаёт, ёши тўқсонларга бориб қолган бўлсаям бақувват, тетик дейишади. Бунинг сабаби бизнинг эчкимиз бўлган экан.

– Ие, қизиқку. Нега энди айнан сизнинг эчкингиз?

– Чунки у киши ҳар йили келиб эчкимизнинг сутини эмиб кетарканда.

Хасан хохолаб кулиб юборди. Шундай кулдики, овози ўткир қоя тошларга урилиб акс-садо берди.

– Ҳалиги Абдулла қассобчи, у эммас эканми?

– Йўқ. Ўзи ўлиб кетган бўлса ҳам дўстининг узоқ яшашига ўша киши сабабчи бўлганмиш.

– Қандай қилиб?

– Абдуманноп тоға бундан ўттиз йил аввал саратон касалига чалиниб қолибди. Кейин касалхонада узоқ даволанибди. Лекин шифокорлар уни “яшамайди” деб уйига жўнатиб юборишибди. Абдулла қассоб Россияга мева-чева олиб кетган бўлади. Сафардан қайтганида дўсти Абдуманнопнинг ўлим тўшагида ётганини эшитади ва уникага тез етиб боради. Дўсти бедаво дардга чалинганини кўриб афсусланади. Лекин, тўсатдан, момоннинг айтган бир гапи ёдига келиб қолади. Айтаверайинми? – сўради қиз йигитнинг эътиборини билиш мақсадида.

– Ҳа-ҳа, жуда қизиқ экан. Булоққа яқин қолдимми?

– Ҳа, хув анави тепалик орқасида, – деди қиз қизғиш рангли қояни кўрсатиб.

– Момонгиз нима деган?

– “Эчкининг янги соғилган сути саратонга даво бўлади”, – деган эканлар.

– Хўш, кейинчи? – сўради Хасан отини енгил ниқтаб қўяркан.

– Абдулла қассобнинг ҳаёлига бирдан шу гап келиб қолибди-ю, сўрида ўсал ётган дўстини шарт кўтариб олиб машинасига ётқизибди. Ҳамма “Ҳай-ҳай, қаёққа олиб кетяпсиз?” деб қичқирибди. У “Тоққа, бедана овлайдиган жойимизга” – деганича машинасини ўт олдириб кетиб қолибди. Ортидан “Тўхтанг, ахир отам ўлиб қоладику!” деган ўғлига “Абдулланинг ё ўлиги келади, ё тириги, бу худодан!” деб, тўғри Олтиарикдан мана шу қўрғонимизга, момоннинг олдига олиб келиб “Моможон, ҳалиги эчкингиз қани, уни тез соғиб беринг, илтимос, бўлмаса, ўртоғим ўлиб қолади”, – дебди.

Улар тевараги кўм-кўк майса билан қопланган, тиниқ сувлари жилдираб чиқиб беш олти метрдан кейин яна тошлар орасига сингиб кетаётган булоқ ёнига келиб отдан тушишди.

– Хўш, кейинчи? – дея бетоқат сўради Хасан.

Муштарий булоқ сувига қараб ҳикоясини давом эттирди.

– Кейин момом Абдулла тоғанинг илтимосига кўра, беморга шундоқ кўра ичига, эчкиларнинг ёнига жой қилиб берибди. Мақсад эчкини янги сутини тез-тез соғиб ичириш экан. Абдулла тоғанинг ўзи ҳам дўсти билан қўй-эчкилар ичида тунаркан. Уч-тўрт кундан кейин Абдуманноп тоғанинг юзига бироз қизиллик югуриб, ўзига кела бошлабди.

– Астағфируллоҳ, ўладиган одам-а? – ажабланди Хасан.

– Ҳа. Икковлари ҳам бедананинг ашаддий ишқибозлари экан. Дўстининг тузалаётганини кўриб, Абдулла тоға роса қувонибди. Бир куни сахар пайти бедананинг чиройли овози эшитилибди. Абдулла ака қийқириб юборибди. Унинг овозидан жуда кам учрайдиган, баъзан Афғонистон тоғларидан тасодифан келиб қоладиган ноёб бедана эканлигини билишибди. Бунақасини тутиш уларнинг бир умр орзу-армонлари бўлган экан. Абдулла тоға бедана ҳар сайраганда “Воҳ!” деб қийқириб юборар, беморнинг ҳам кўзлари ётган жойида қувончдан пирпираб кетаркан.

– Абдулла, шу беданани бир кўрсам эди. Ўлсам армоним қолмасди, – дебди у аранг.

Дўсти момомни кутмай эчкини ўзи тез-тез соғиб беморга ичирибди-да, – Бўпти ўртоқ, сен тек ётиб тур, мен унинг қаердалигини билиб келаман, – деб ўрнидан туриб кетибди.

Бедана бўлса “ва-вақ!” деб уни ўзига чорлайверибди. Шундан кейин у анча маҳалгача қайтиб келмабди. Бир пайт бедананинг овози ўчиб қолибди. Бемор “Узоққа қувиб кетди, шекилли. Бечора дўстим, мени деб ўзини ўкка-чўкка ураяпти, ишқилиб омон бўлсин” деб дуо қилибди. Бир вақт ўша бедананинг овози шундоқ яқин, беш қадамча жойдан эшитилибди. Абдуманноп тоғанинг кўзлари катта-катта очилиб, беихтиёр ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Бедана тез-тез сайрайверибди. Бемор тоғанинг “дод!” дегиси келибди. “Эҳ, бу Абдулла бемахалда қаёқларга дайдиб кетди-я. Ахир қуш шундоқ ёнимизда эканку”, – дебди у ва теварак-атрофга галдираб момомни қидирибди. Аксига олиб у киши ҳам кўринишмабди.

– Нима учун? – шошиб сўради Хасан. Унинг кўзларидан ҳикояга жуда қизиқиб қолгани шундоққина сезилиб турарди.

– Ўрнидан туришига ёрдамлашиши учундир-да.

– Ҳа, бедананинг завқи унинг оёғига қувват бера бошлабдими? Қойил! Кейинчи?...

– Кейин бедана янаям яқинроқдан сайрабди. Абдуманноп тоға нима қиларини билолмай додлаб бақирибди, нажот излабди. Унинг дардини тушунадиган ҳеч ким кўринмабди. Шу маҳал она эчки мерай бошлабди. Унинг чала соғилган елинидан сут томчилаб турганмиш. Бедана яқин орада яна бир чиройли хониш қилибди. Бемор “Эҳ! Шу сут менга шифо бўладиган бўлса бориб эмганим бўлсин” деб эмаклаб бориб эчкини тўйгунича эмибди...

Шу ерга келганида Муштарий ўзини тутиб туролмади. Юзлари шолғомдай қизариб гунча лабларини тўсиб шундай кула бошладики, буни кўриб Хасан ҳам хохолаб кулиб юборди. Эҳтимол, Ёмон булоқ бундай шодликка илк бор гувоҳ бўлиши эди.

– Кейинчи, кейин, нима бўпти? – сўради Хасан ўзини базўр босиб олиб.

– Бир таёқни топиб олибди ва оҳиста ўрнидан туриб бир-икки қадам босиб кўрибди. Бедана яна “Ва-вақ” дебди.

Қиз энди ўзини тўхтатолмай тинимсиз кула бошлади. Ноилож Хасан булоқ сувидан ҳовучлаб олди-да, унинг юзига сепиб юборди.

– Вой, жинни нега унақа қилдингиз? – сўради қиз атайин қовоғини уйиб.

– Кейин нима бўлганини тезроқ айтинг-да. Бўлмаса ҳозироқ ёрилиб ўламан.

– Ажаб бўпти!

– Бўпти Муштарий, хафа бўлманг, бошқа бунақа қилмайман. Кейин нима бўпти?

– Айтмайман!

– Ҳозир мен ҳам “дод” деб юбораман.

– Аввал боринг, эчкингизни эминг.

Икки ёш энди шундай завқланиб кула бошлашдики, гўё қоялар силтаниб, булоқ суви чайқалиб кетгандай туюлди. Лекин булоқни чайқатган Муштарий эди. У ҳам чаққонлик билан ҳовучига сув олди-да Хасаннинг юзига сепди. Сўнгра икковлари булоқ атрофида бир-бирларини қува кетдилар. Отлар ҳам безовта бўлиб бир-бирига юзларини ишқаб-ишқаб қўйишди. Атрофдаги қушлар париллаб уча бошлашди. Чигирткалар ура қочишди. Сал нарироқда ўтлаб юрган дайди бир оқ эшак эса ҳанграб юборди. Ниҳоят Хасан Муштарийни тутиб олди.

– Мана мен беданамни тутиб олдим.

– Э, қўйворинг.

– Ё сайраб беринг ё кейин нима бўлганини айтиб беринг.

– Хўп-хўп, айтиб бераман, ўтиринг!

Хасан уни қўйиб юборди ва рўмолчасини олиб юзини артди, Муштарий ҳам ўзини босиб олди. Отлардан бири “Хаҳ, хайрият” дегандай бошини сарак-сарак қилиб қўйди, иккинчиси бўлса, туёғини депсиниб енгил пишқирди.

– Лекин зўр бедана экан. Қаранг, бемор қолиб бизниям ўрнимиздан турғазиб юборди-я, – деди Хасан кулиб.

– Хуллас, бемор тоға таёқ ёрдамида оҳиста туриб қуш сайраётган томон бора бошлабди. Қушнинг овози бир кичик тепалик орқасидан келаётган экан. Тепаликка эмаклар аранг чиқиб олибди. Шу ерга келганида қуш жуда ҳам яқиндан сайрабди. У киши шунақаям завқланиб кетибдики, таёқни ҳам унутиб қушга томон интилибди. Унинг кўз олдида бедана сакраб-сакраб учгани сайин у завқланиб бир дўпписини, бир бўйнидаги рўмолини отиб ортидан чопибди. Беморлигини унутиб, узоқ қувибди. Сўнгра чўпонини ечиб “бор таваккал” деб қушнинг устига итқитиб устига ўзини отибди. Сўнгра қўлини чўпон остига аста тикиб қушни авайлаб ушлаб олибди. Кейин қуш билан овора бўлиб, унга бир нималарни сўзлай-сўзлай қўрамизга бемалол юриб кириб келса, Абдулла қассоб уни пойлаб кулиб ўтирганмиш.

– Воҳ! – деб юборди Хасан. Аммо у жуда таажубда эди. – Қандай қилиб, бемор одам-а? Э йўк... Ахир бундай қушни соғ одам ушлаши қийин-ку.

– Тўғри, лекин ўша беданани аллақачон Абдулла қассоб ушлаб оёғига узун ип боғлаб ўша тепалик ортига қўйиб юбориб, ўзи дўстининг ҳаракатларини кузатиб турган экан. Бу ерда гап беданада эмас, балки ҳамма гап беморнинг яшашга бўлган ишончни пайдо қилишда, уни даволашда бўлган. Ҳаётдан завқлангани учун касалликни енга олганда.

– Қойил! Демак Абдулла ака шу йўл билан дўстини умрини узайтиришга эришибди-да-а?

– Ҳа!

– Нима учун ўзи кўп яшамаган?

– У қассоб бўлган. Ҳар куни хайвон ёғли таомлар еявериб семириб кетган. Кейин 63 ёшида қон босими кескин кўтарилиб вафот этган. Абдуманноп тоға бўлса ҳозир ҳаёт, у кишини жуда бақувват дейишади. Айтишларича у ҳозир ҳам велосипед минармиш. Унинг 200 дан ортиқ беданаси бор эмиш. Ҳар бирининг ўз исми билан чақираркан. Беданаларини сайрашидан, овозидан таниркан.

– Ҳа, хикоянгиз жуда қизиқ экан. Эҳ, қани энди бир мўъжиза юз берсаю, менинг ойимнинг ҳам умрларини узайтириб бўлсайди, – деди Хасан чуқур хўрсиниб.

– Ойингизга нима бўлган?

– Юраклари хаста. Бир марта қаттиқ хуруж қилди. Доктор “Ойингизни эҳтиёт қилинглар. У кишига оғир гап, қаттиқ ҳаяжонланиш, асабийлашиш мумкин эмас”, деди. Кейинги инфаркт хуружини кўтара олмаслиги мумкинмиш. Шунга биз жудаям хавотирдамиз...

Ёшлар бироз сукутда қолишди. Жимликни фақат чигирткаларнинг безовта чириллашларию, тоғ қушларининг чуғурлаб сайрашлари бузиб турар, салқин тоғ шабодасидан йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам сочлари беҳол ўйноқларди.

– Хафа бўлманг. Яхши бўп кетишади. Эҳтимол у кишини бизникига бирор ойга олиб келарсиз. Тоза ҳаво дардларига дармон бўлармиди? Онам билан мен у кишига қараб турамыз.

– Раҳмат, Муштарий. Яхши бўларди, – деди Хасан ва булокқа қараб нималарнидир ният қилиб юзига фотиҳа тортди.

– Вой, нима қияпсиз?

– Ният қилдим.

– Ахир бу Ёмон булокку!

– Нима, сиз иримларга ишонасизми?

– Йўқ-ку, ҳар ҳолда... Яхшиси юринг, Али Қурбон булоғига борамиз. Унинг сувини ичмабсиз, бу дунёга келмабсиз, – деди қиз ва чаққонлик билан отига миниб олди.

Улар тоғ даралари бўйлаб энди жим кета бошлашди. Хасан энди жиддийлашиб қолган, эҳтимол хаста онаси ёдига келгани ва Ёмон булокқа қараб ният қилиб қўйгани учунми, кўнгли ҳижил бўлиб қолганди. Қиз ҳам бу гапни ўйламай гапириб қўйгани учун ўзини-ўзи қойиб борарди. Аммо ойисини тоққа олиб келиш таклифи Хасанга жуда маъқул тушди. Баҳонада уларнинг оиласи билан яқиндан танишиб олиш имконияти пайдо бўлганди.

Улар тобора баландлик сари чиқиб боришаркан, ўсимлик ва наботот дунёсининг ўзгача ўзгара бориши манзарасига гувоҳ бўлишди. Тоғ тепаликлари ям-яшил ўт-ўланлар билан қалин қопланган, улкан тош қоялар бетакрор шаклда эди. Хасан бир қадам жой бўла туриб шундай хушҳаво, сўлим жойларга илгари ҳеч келмаганидан афсус чекди ва дилидагини ошкор қилди:

– Қаранг, туғилиб ўсган ватанимизнинг шундай сўлим жойлари бор экану, билмас эканмиз-а?

– Ҳа “Олдиндан оққан ариқнинг кадри йўқ” дейишади-ку. Бу ерлар, айниқса, баҳорда ниҳоятда гўзал бўлади, оқ ва сариқ лолалар очилиб ётади.

– Ўх-хў, унда лола сайлига ҳам келарканмизда-а?

– Албатта. Ҳув ана, бораётган манзилимиз кўринди, – деди қиз анча наридаги тол ва ўриклар бўй чўзиб турган ораликни кўрсатиб.

– Айтган ширин булоғингиз ўша ердами?

– Ҳа.

– Кетдик, унда тезроқ борайлик, – деди йигит ва отига қамчин босди.

Қиз ҳам шу буйруқни кутиб тургандек, “Ҳайт!” дея қийқириб олдинга интилди. Икки ёшнинг руҳияти яна чўққилар қадар кўтарилди. Бу кўтаринкилик отларга ҳам ўз таъсирини ўтказгандай туюлар, улар ҳам бир-биридан ўзмоқликни истаб, туёқларини эркин ташлар, икки ёшнинг ёшлик шукуҳи, қийқириқларидан улкан қоя тошлар гўё завқланиб мусобақа майдони четида чўнқайиб ўтирган томошабинлардай ортларидан олқишлаб, кузатиб қолишмоқда эди.

Ниҳоят Али Қурбон булоғига ҳам етиб келишди ва чарчаган отларни озод қўйиб юборишди-да, ўзлари булоқ сари тошлардан-тошларга сакраб-сакраб чиқиб боришди.

– Нима бало, бу сакрашингиздан сиз ҳам эчки эмиб катта бўлганмисиз дейман-а?, – дея ҳазил қочирим қилди Хасан.

– Ҳар ҳолда сизга ўхшаб бузоқнинг ҳақини ичмаганман-да, акажон, – дея жавоб қайтарди қиз шаддодлик билан.

Улар шу зайл зилол булоқнинг сувидан тўйиб-тўйиб ичишди ва сирти текис, офтобда қизиб олган ҳарсанглар тепасига чиқиб чуқур нафас олишди, табиат латофатидан завқланишди. Бу ерда илгари кимдир яшаб ўтган экани тош кўрғон изларидан кўриниб турар, кекса ўриклар ҳам бир вақтлар инсон қўли билан экилгани ва кейинчалик қаровсиз қолиб ёввойилашиб кетгани, баъзи шохлари куриб гўё “Менга яна умр бер!” дея илтижо қилаётган инсонни эслатарди.

– Ҳақиқатдан ҳам булоқнинг сувига гап йўқ экан. Жудаям ширин.

– Ҳа. Қанча ниятингиз бўлса, ана энди шу булоққа айтаверинг. Бу ерда катта бобомларнинг ҳам руҳлари кезиб юрибди. Улар ҳам кўмак беришади.

– Ростданми? Нима улар...

– Ҳа. Бундан қарийб 150-200 йиллар муқаддам катта бобом севган қизини шу ерларга олиб қочиб келиб бирга ҳаёт кечиришган экан. Анави ўриқларни ҳам ўшалар экишган. Бу ерда уйлар, чорва учун қўрғонлар қуришган.

– Мабодо ўша келинчак сизнинг катта момонгиз эмасми?

– Ҳа, худди ўзи. Кейинчалик бола-чақалик бўлишгач, пастроққа тушиб, ҳозирги яшаб турган қўрғонимизга асос солишган. У ерда ҳам шунақа булоқ бор, лекин суви бунчалик ширин эмас.

– Нима учун улар қочиб келишган?

– Эшитишимча, бобом момом билан аҳду паймон қилишган экан. Лекин момоннинг оталари қизларини ҳали уйланмаган акасининг ўғлига унаштирибди. Тўй куни ҳам белгиланибди. Бобом бўлса бу ишлардан беҳабар бўлган. У қишлоқдагиларнинг қўй-сигирларини мана шу тоғларда боқиб юраркан. Ўзларининг қўй-эчкилари ҳам жуда кўп экан.

– Хўш кейин, қаердан билибди?

– Қиз, яъни момом бобомнинг бошқа бир чўпон дўстидан хабар юборибди. Хуллас, бобом бор таваккал қилиб, келинни тўйи куни олиб қочибди. Бир умр азобда яшагандан кўра, бобом шу йўлни афзал деб билибди. Кейин ҳамқишлоқларининг қўй-сигирларини бошқа чўпон дўстига топшириб, ўзининг жониворларини ажратиб олибди-да, шу ерни макон қилиб яшай бошлашибди.

– Ҳа... Бу ерлар худди мен орзу қилгандек жойлар экан. Бобонгизга қойил! Мард йигит бўлган экан. Унинг ўрнида бўлганимда мен ҳам шундай қилган бўлардим.

– Қўйинг. Бунақа ишлар сизнинг бошингизга тушмасин. У замонлар бошқа эди.

– Келинг, шу ерда ўтганларнинг рухларига Қуръон тиловат қилиб, яхши ниятлар қилайлик.

– Хўп майли.

Хасан тиловат қилди. Сўнгра ҳар иккаласи булоқ сувидан ҳовучлаб олиб унга қараб ҳам яхши ниятлар қилишди.

Булоқнинг ён томонида жуда ҳам баланд тепалик бўлиб, унинг чўққисида бир жуфт ҳарсанг тош виқор билан бўй чўзгани кўриниб турарди. Энг қизиғи, тошлар орасида бир дарахт ўсган, у гўё кўкка томон бўй чўзиб илтижо қилаётган аёлни эслатарди. Хасаннинг кўзи ўша эгиз ҳарсанга тушди-ю, ҳаваси келди.

– Қаранг, хув анави чўққидаги қояларни кўряпсизми? Қандай ажойиб-а?

- Вой, худди эгизакларга ўхшар эканми?
- Ҳа. Хасан-Хусан, яъни мен билан укамга.
- Вой, сизни эгизак укангиз ҳам борми?
- Ҳа бор.
- Сизлар бир-бирингизга ўхшайсизларми?
- Ҳа, жудаям ўхшаймиз.
- Нега унда укангизни ҳечам кўрмаганман?
- У сал одамовироқ, кўпчиликни хуш кўрмайди.
- Мусобақаларда қатнашганмиди?
- Ҳа, томошабин сифатида. Юринг, ўша чўққига чиқиб келамиз.
- Майли. Қаранг, ўртасида бир дарахт ўсган экан. У худди қуёшга илтижо қилаётганга ўхшайди-я, тавба.
- Ҳа. Билсангиз, табиатнинг ўзи бир дунё фалсафа-да. Кетдик, бўлмаса...

Ёшлар ўша эгиз қоялар кўриниб турган тиклик сари аста кўтарила бошлашди. Тепалик ўткир қиррали тошлар билан тўлиб тошган бўлиб, чиқиш жуда ҳам мушкул эди. Эгиз қоялар яқин кўрингани билан унга чиқиб боргунича Хасаннинг тили осилиб қолаёзди. Муштарий бўлса бунақа жойларда эчки боқавериб ўрганиб кетганиданми, ликиллаб барвақт чиқиб олдида, уни узоқ кутиб ўтирди. Ниҳоят терлаб пишган Хасан деярли эмаклаб етиб келиб ўзини улкан ҳарсанглар пойига ташлади.

- Қаранг қандай гўзал манзара, – деди қиз ястаниб ётган водийни кўрсатиб.

Хасан ўрнашиб ўтириб, кўз олдида намоён бўлган ажойиб манзарани кўриб ҳаяжондан қичкириб юборди.

- Э-ҳе-ҳе-ҳей!!!

Тоғлар “ҳе-ҳей!” деган ака-садо берди. Йигит ниҳоятда бахтиёр эди. Сўнгра эгиз ҳарсанг тошларни кўздан кечиришди. Улар ҳақиқатдан ҳам бир-бирига жуда ўхшаркан. Илгари ягона тош бўлган бўлса керагу, кейинчалик яшин урганми, ҳар ҳолда ўртасидан қирқиб қўйилган, баландлиги 8-10 метрлар чамасида эди. Аммо ўртасидаги бежирим Қатаранғи дарахти кўкка бўй чўзиб турарди. Шу маҳал йигитнинг кўзи дарахт тагида аллақандай гулсимон ўсимликка тушди. Бунақасини у илгари учратмаганди. Уни узиб олмоқчи бўлди.

- Анави, қанақа гиёҳ бўлди? – сўради у ажабланиб.

– Ие вой, бу ёмон гиёҳ. Номи ёдимда йўқку, лекин момом бунақа гиёҳдан қадим замонда захар таёрлашганини айтгандилар. Яхшиси унга тегманг.

Улар яна бироз ўтиришди. Аммо энди Муштарийнинг кайфияти негадир ўзгарди. Ўзини беҳол ҳис қила бошлади.

– Хасан ака, кетайлик.

– Йўғе, яна бир оз ўтирайлик.

– Ҳали тушишингизниям ўйланг. Чиқишдан тушиш қийин. Камида икки соат кетади, кеч бўлиб қолди. Уйдагилар мени қидириб қолишади.

– Бўпти, кетдик. Бошқа бирор кун келармиз.

– Ҳа, насиб қилса, – деди қиз. Аммо унинг кайфияти негадир сустр эди. “Ёмон булок, унга қилинган ният, эгиз тошлар ва улар орасидаги улғайган дарахт, дарахт тагидаги захарли гиёҳ. Қизик, булар нимадан дарак бераркин? Охири баҳайр бўлсинда, ишқилиб”, – деди қиз хаёлан.

Улар пастга жуда қийинчилик билан тушдилар. Хасаннинг яп-янги туфлиси деярли дабдала бўлди. Қиз ўзи билан калиш кийиб олган экан, деярли қийналмади. Булок ёнига аранг етиб олишди-да, сувдан яна тўйиб-тўйиб ичишди. Муштарий отига минаркан негадир кўнгли бир ғашликни туяр, камгап бўлиб қолганди. Унинг чехрасига фақат кўрғонларига яқин қолганидагина майин табассум инди.

– Анави бизнинг кўрғонимиз, – деди қиз бир тоғ оралиғидаги булок атрофидаги қалин дарахтзор ва тошдевор билан ўралган кўрғонни кўрсатди.

– Эҳ-ҳе, жуда ажойибку! – дея хайратини яшира олмади Хасан. – Шу ер ҳали менинг ватаним бўлади денг.

– Ҳа!

– Бахтли қиз экансиз. Нима учун айтайми?

– Айтинг.

– 200 йил аввал катта бобонгиз ўз севган ёри бўлмиш катта момонгизни шу ёқларга олиб келиб, у билан ширин ҳаёт қуриб, мана шундай ажойиб масканлар барпо қилишибди. Уларни авлодларига қолдиришибди. Сиздай гўзал зуриёдлар пайдо бўлишига сабабчи бўлишибди. Қойил! Мен катта бобонгизга тан бераман ва у кишига ҳозир чиндан ҳам ҳавасим келаяпти.

– Сиз ҳам яхши ният қилаверинг, “Орзуга айб йўк” деганлар., – деди Муштарий ширин табассум қилиб.

– Албатта. Бўлмаса яна қачон учрашамиз? Менга бор-йўғи иккита булок кўрсатдингиз холос-ку. Унинг бири яхши, бири ёмон экан.

– Сизга яна қанақаси керак, ўзи?

– Зўри керак, “Импортный” бўлсин, – деди Хасан хазил қилиб.

– Ундан ҳам зўри бор. Лекин бир шарт билан.

– Қанақа шарт?

– Ҳозир сиз ҳам, мен ҳам имтиҳонларга таёрланыпмиз. Энди “тест жавоблари” чиққан кунининг эртаси келасиз. Ўшанда сизни Терагистон дарасига олиб бораман.

– Хўп, келишдик!

Улар бир-бирларига омад тилаб хайрлашдилар. Хасан пастлик томон отини чоптириб кетди. У ниҳоятда хурсанд эди.

РЎМОЛЧА

Кунлар шу қадар тез ўтдики, Муштарий Наманган педагогика институтига, Хасан бўлса Фарғона Политехника институтига тест имтиҳонларини топшириб келишди. Жавоблар чиқишига бироз муддат бор эди. Аммо йигит билан қиз бир-бирларини шундай кўргилари келмоқда эди. Улар ҳали дил изҳори қилиб улгуришмаган бўлсалар-да, ҳар иккисини ҳам тош курсининг оханграбоси ўзига тинимсиз чорлайверди. Хасаннинг сабри чидамади. Ҳеч бўлмаса курсида бир бор ўтириб, узокдан бўлсада, Муштарийларнинг кўрғонини кўриб келмоқчи бўлиб, йўлга отланди. От бир маромда борар, унинг туёк товушларига монанд Хасан ҳам халқ термаларидан бирини куйлаб борарди. У бўш пайтларида ва умуман кўшиқ куйлашни ёқтирарди:

Олма отгим келади,

Беҳи тотгим келади,

Суйиб қолган ёримни-ей,

Олиб ётгим келади.

Ёрим келади яшнаб,

Зар кокилини ташлаб,

Хипча белини ушлаб-ей,

Шакар лабини тишлаб...

Муштарий ҳам энди негадир уй ичига сиғмай қолди. Юрса ҳам, турса ҳам фикри хаёли Хасанда эди. Эчкини соғаётганида ҳам, булоқларидан сув олаётганида ҳам, отига

миниб тепаликларни сайр қилаётганида ҳам, узоқ-узоқларда хиёл кўришиб турган ўша чўққидаги эгиз қояга кўзи тушганида ҳам негадир бўлган гапларни ёдига олар, йигитни қўмсарди. Энди бўш пайтлари тош курсига бориб рўмолча тўқиб ўтиришни ва кутган йигитининг тўсатдан келиб қолишини пойлашни одат қилди. Онасига ҳам ҳар доим “Мен тош курсида бўламан” деб айтиб кўярди-да, кетарди. Саломат хола ҳам узоқдан қизининг иш қилиб ўтирганини кўриб хотиржам эди.

Кунлардан бир куни рўмолчасидаги гул шохида ўтириб сайраётган булбул суратини ип билан беаб, қўшиқ хиргойи қилиб ўтирганида Кумуш ҳузурида Отабек мисоли Хасан пайдо бўлди. Хасан аста сездирмай бориб, курсининг орқасига ўтириб олди-да, севиб қолган қизининг нолаларини мароқ билан тинглай бошлади. Муштарий ҳам халқ қўшиқларидан мароқ билан куйларди:

*Сув келар гулдур-гулдур,
Суйганим қизил гулдир.
Суйганим топилмаса-ё,
Ўлганим ўшал кундир.*

Хасан энди чидай олмади ва “Воҳ!” деб юборгани ўзи ҳам сезмай қолди. Қиз бир чўчиб тушди. Унинг завқига яна завқ бағишлаш учун йигит халқ лапарини қолган жойидан давом эттирди:

*Сув айланиб оқмайди,
Ёр қайрилиб боқмайди,
Ёр қайрилиб боққанда-ё,
Бир қулоғи ёқмайди.*

Қиз ҳам энди ташабусни ўз кўлига олди:

*Олма берсам олмайсан,
Беҳи берсам олмайсан.
Айтчи қайси боздансан-о,
Куйдирмоқни ўйласан?*

Йигит ҳам бўш келмади:

*Мен богингга бормайман,
Олма берсанг емайман,
Энди ақлим кирибди-ё,
Бошқа билан юрмайман.*

Қиз “Ҳо!” деб кўйди-да, давом этди:

*Ака отинг кўкмиди?
Кўк бедаси йўқмиди?
Мунча менга қарайсан-о,
Қора кўзинг йўқмиди?*

Аммо Хасан кутилмаганда шундай якун ясади:

*От минсам ҳам ўйлайман,
Минмасам ҳам ўйлайман,
Севиб қолган ёримга-ё,
Минг боқсам ҳам тўймайман*

– Э яшанг, қойил сизга! Истеъдодингизга гап йўқ! – деди Муштарий йигитни алқаб.

– Сиз ҳам чакки эмассиз.

– Бу соҳада ҳам беллашсак бўларкан, тўғрими?

– Ҳа албатта, яхши фикр. Мен халқимиз термаларини яхши кўраман. Уларни тўплаб, ёзиб юраман, кейин хиргойи қилиб дегандек.

– Шеър ҳам ёзасизми?

– Йўқ. Нима эди?

– Мен оз-моз машқ қилиб тураман-да.

– Ўх-хў, ростданми? Бир эшитайликчи, қани.

– Унчалик яхшимасда. Ўзим учун ёзиб юраман холос.

– Энди бундан буёғига мен учун ҳам ёзинг, бўптими?

– Бўпти... Мана эшитинг бўлмаса:

*Куздан сўнг баҳор келмас,
Бу ёшлик такрор келмас,
Ҳеч қачон ашъор келмас,
Севмаган кўнгилларга.*

*Гулми, тикан бари-бир,
Унга бил, фарқи надир?
Вафосизликдан гапир,
Севмаган кўнгилларга.*

Хасан қарсак чалиб юборди.

– Э, яшанг! Қойил !Сиз тайёр шоира экансиз-ку. Шеърларингизни туманимиз газетасига ҳам бериб турасизми?

– Э, йўқ. Бир борувдим, ҳафсаламни совутишди.

– Нимага?

– Бир сўхтаси совуқ бўлим мудирни бор экан. Шеърларимни қўлига узатсам “Яхши қиз, маълумотингиз қанақа?” деб сўради. Мен “Маълумотимни шеър ёзишга нима дахли бор?” – дедим. У бўлса “Ие, билиб-билмай ҳар нарсани ёзаверадими? Аввал ўқинг, диплом олинг, кейин ёзинг”, – деди. Мен “Ака, шеър ёзиш учун диплом керакмас, ахир у юракдан ёзилади-ку” десам шеъримни ўқимай туриб “Менга ақл ўргатманг”, – деб қўлимга қайтариб берди.

– Оббо, ифлосей. Демак у шеър, ижод, истеъдод нималигини тушунмайдиган бир молфаҳм амалдор эканда. Хафа бўлманг, энди шеърларингиз халқ сайларида, йиғинларида ўқиб беринг ёки қўшиқ қилиб айтинг. Айтмоқчи, жуда яхши овозингиз ҳам бор экан-а?

– Сизники ҳам чаккимас.

– Хўш, шоирахон айтган зўр булоғингизни энди кўрсатасизми?

– Э йўқ. Бугун эмас. Ахир мен сизга нима дегандим?

– Имтиҳонлар натижаси чиқсин, дегандингиз.

– Ҳа ўлманг. У ер анча узоқ, ул-бул егулик олволиш керак бўлади-да.

– Э бўлди, сизни тушундим. Битта эшакдай қўйни пишириб олсам бўладими?

– Йўғе, куёндек товук ҳам бўлаверади, – деди қиз жилмайиб.

– Яхши. Унда сочма ўқли милтиғим ҳам бор, қушларни ов қиламиз.

– Э, йўқ. Ундай қилмайлик. Шундоқ ҳам қуш бечоралар камайиб кетяпти.

– Бўлмаса бундай қиламиз. Уйда битта қари хўрозим бор. Уни олиб келиб қўйиб юборамиз, кейин орқасидан росса қувлаймизда, кейин тутиб олиб кабоб қиламиз, қалай?

– Чархпалай!

Ёшлар мириқиб қулишди. Шу маҳал узоқдан бир аёлнинг чақирган овози эшитилди.

– Ие, вой яширининг! – деди Муштарий. – Бу киши онам бўладилар, бизни узоқдан кўриб қолибдилар, шекилли.

Хасан тош ортига яширинди. Қиз кўрғонлари томон рўмолини силкитиб “Мана хозир бораман!” – дея қичқирди.

– Бўпти, Хасан ака. Бошқа куни гаплашармиз-а?

- Мени кўриб қолишган бўлса, нима дейсиз?
- Анави қўшни яйловдаги Асқар деган чўпон бола дейман, яхши боринг.
- Қўлингиздаги нима?
- Рўмолча тўқиётувдим.
- Нега?
- Нега бўларди. Ахир урф-одатларимизни яхши биласизку.
- Ким учун тўқияпсиз?
- Бўлғуси ҳаёт йўлдошим учун-да.
- Ростданми?
- Ҳа.
- Чиройли экан менга берақолинг – деди Хасан ўсмоқчилаб.
- Бўпти. Беш дақиқа ўтириб туринг бўлмасам, битиб қолди.
- Мақул. Беш дақиқа эканку, керак бўлса бир умр кутганим бўлсин.
- Оҳ-хо, яхши ният қилинг.
- Худо хоҳласа ўқишга кириб кетсак, учрашиб турамиз, хўпми?
- Йўқ. Хаёлни чалғитмай ўқиш керак бўлади.
- Оббо, худди онамга ўхшаб насиҳат қиласиз-а.
- Айтмоқчи, у киши тузукмилар?
- Ҳа раҳмат. Яхши эслатдингиз, у кишини қачон опкелсам бўлади?
- Истаган пайтингизда. Мехмонхонага жой қилиб қўяман.
- Муштарий, рўмолчангиз битгунича шеърларингиздан айтиб беринг, илтимос.
- Хўп, фақат битта шарт билан. Сиз ҳам битта қўшиқ айтиб берасиз.
- Бор овозим биланми?
- Ҳа.
- Унда онангиз эшитиб қолсаларчи?
- “Қўл магнитофоним эди” дейман.
- Бўпти, аввал сиз айтинг.

Муштарий қора қалам қошларини нозланиб бир чимириб олди-да, шеърларидан бирини ифодали қилиб айтиб берди:

*Баҳорлар йўқламас боғман, мен,
Оҳулар тарк этган тоғман, мен,
Осмонга сизмаган моҳман, мен,*

Бағрингизга яширинг, мени.

Ой парилар олиб кетмасдан,

Умр поёнига етмасдан,

Фурсатингиз кўлдан кетмасдан,

Бағрингизга яширинг, мени.

– Вой-дод!...

– Қалай?

– Чархпалай!

– Сиз ҳам кўшиғингизни айтинг.

– Эшитинг. Сизга Зебижонни айтиб бераман. Халқ кўшиғи, халқ куйи, ижро этади халқнинг битта вакили, яъни каминаи камтарин! – деди йигит хурсанд томоғини бир қириб оларкан дўпписини доира қилиб олиб, гўё “даранглатиб” чалди ва завқ билан куйлай бошлади:

Зебижон, ҳайда, қўйингни боқаман,

Лабларингда ниста-бодом чақаман.

Лабларингда ниста-бодом чақмасам,

Эшигингда чашма бўлиб оқаман.

Зебужон, жон Зебу, Зебужон

Зебужон, Зебужон –

Зебижонни боғи бор, боғбони йўқ,

Юрак оғриқ дарди бор, дармони йўқ.

Зебижон боғингга боғбонинг бўлай,

Юрагингни дардига дармон бўлай...

– Э, яшанг! Зўр айтаркансиз, Хусан ака!

– Хусан эмас, Хасанман. Нима бало укамни кўрмай туриб ҳозирдан бизни адаштириб қўйяпсизми?

– Вой, узр. Укангиз ҳам кўшиқ айтадимми?

– Ҳа. У ландовур ҳам баъзан қовоқарига ўхшаб гинғиллаб туради.

– Бирга айтсанглар, жўровоз бўлиб зўр чикса керак-а?

– Эҳтимол. Лекин болалигимизда биргалашиб йиғлаганимизда биздан бутун маҳалла безор бўларди.

Муштарий кулиб юборди. Шундай кулдики, тўсатдан онаси эсига келиб тўқиётган рўмолчаси билан оғзини ёпди.

– Ҳой, бўлдими? – сўради Хасан бетоқат.

– Ҳа, мана, – деди қиз ва қайчисини олиб ортиқча ипларини қирқиб текислади. Мана, марҳамат, насиб қилсин.

– Ишқилиб Дездемонаники эмасми? – сўради йигит ҳазил қилиб.

– Йўғе, бизлар у даражага бормасмиз.

Хасан рўмолчани олиб ўзида йўқ шодланди... Уни узоқ хидлаб турди-да “Э-хе-хе-ҳей!!” дея хайқирди.

– Ҳой жинни, бақирманг, жўнанг тез!

– Муштарий, раҳмат сизга...

Қиз ерга каради.

– Арзимаиди.

– Арзийди. Бу мен учун энг азиз совға бўлади, – деди йигит ва пастлик томон қуш каби парвоз қилди. У жуда бахтиёр эди. Чунки берилган рўмолча Муштарийнинг унга бефарқ эмаслигини эслатувчи нишона ҳисобланади.

Қиз ҳам ширин орзулар оғушида кўрғонлари томон “парвоз” қилди.

* * *

Орадан кунлар ўтди. Ниҳоят тест жавоблари чиқди. Афсуски ҳар икки қалби қайнок ёшларга олий ўқув юртига кириш насиб этмади ва бу ҳол кутилмаганда ҳаёт тақдирларининг кескин ўзгариб кетишига сабаб бўлди.

Ҳафа бўлган Муштарий эртаси ўша келишилган жойда Хасанни кутиб тош курси тепасида тиззаларини қучоқлаганича хомуш ўтирарди. Унинг фикри-ўйи Хасан акасида бўлиб, “Ишқилиб у киши кириб олган бўлсинларда, йўқса Россияга кетиб қолишлари мумкин. Менку янаги йили ҳаракат қилиб кўраман. Аммо ўшанда ҳам кира олмасам отам мени турмушга узатиши аниқ. Чунки синглим Сурайё ҳам кейинги йили мактабни томомлайди. Қолаверса, бизникени совчилар ҳам топиб келишлари мушкул. Шундан чўчишади...”

– Салом ! – деди шу пайт тўсатдан Хасан ва қизга бир даста атиргулни узатди, – Манави сизга!

Қизнинг баҳри дили очилиб кетди ва нохуш ўйлари шу ондаёқ барҳам топди.

– Вой, раҳмат! Нима бўлди?! – сўради у шоша-пиша.

– Бўлмади, – деди йигит.

Бироқ у жуда хотиржам эди.

– Контрактга илинишим мумкин экан, лекин керакмас. Яхшиси ишлагани кетаман, тўй учун пул ишлаб келаман.

– Хм-м, тўй учун денг..., – деди қиз хаёлан ва кўнглидан “Ишқилиб келин сизни кутармикан” деган ўй ўтди.

– Ўзингизчи? Нима бўлди?

– Бўлмади, – деди қиз лўнда қилиб. Лекин негадир йиғлагиси келиб кўзлари намланди.

– Хафа бўлманг, ҳали ҳаёт олдинда. Яхши тайёргарлик кўринг, янаги йили, албатта, кирасиз.

– Хўп, – деди қиз гулдастани юзига босиб тўйиб хидларкан.

Гулларнинг муаттар ҳиди уни ҳам хотиржам қилди.

– Кетдикми?

– Кетдик!

– Хўрозингиз қани?

Хасан хуржунга ишора қилиб:

– Қувиб хўрозни қийнамайлик дедим-да, уни қозонда беш соат кайнатдим.

Шўрвасини шифо бўлсин деб онамга бердим.

– Яхши қилибсиз.

– Борадиган жойимизда сув борми, ишқилиб?

– Бўлганда қандоқ, билакдай сув отилиб чиқади, чиқади-ю икки метрдан кейин яна тошлар орасига сингиб кетади.

– Қизик. Ўша ерни боғ қилса бўларканда-а?

– Бўлади. Лекин у булоқ асосан чорваларни суғориш учун хизмат қилади.

– Жўнадик, бўлмаса.

– Лекин Хасан ака, бугун тезроқ қайтамиз-а? Ўтган сафар уйдагилардан хийла гап эшитувдим, – деди қиз ўз тулпорига чаққонлик билан миниб оларкан.

– Майли. Мен ҳам кечки пайт Красноярск билан телефон орқали гаплашмоқчиман.

– Ким билан?

– У ерда амакиваччам бор. Мен ундан шароитларни сўраб, “Кел”деса тезроқ кетмоқчиман.

Муштарий индамади. Кутилаётган айриликни ўйлаб алланечук бўлиб кетди. “Қуриб кетсин, тоғда на почта бор, на телефон” деб фикран ранжиган бўлди. “Хат ёзиб турасизми?” деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин хатни қаерга, кимга ҳам ёзарди. Бу тоғга ким ҳам уни олиб келиб берарди. Шуларни ўйлаб оғиз очмай қўяколди.

Ўртадаги жимликни фақат беозор отларнинг туёқлари бузар, улар баъзан ўзаро маъноли пишқириб қўйишарди. Ўйигитнинг ҳам хаёлида турли ўйлар ғужғон ўйнарди. “Муштарий мени кутасизми?” деб сўрагиси келар, аммо юраги дов бермаётганди. Ниҳоят лоп этиб бошқа бир таклифни ўртага ташлади:

– Муштарий...

– Ҳа, лаббай.

– Мен билан Россияга кетмайсизми?

– Вой! Мен у ерда нима қиламан?

– Бирга юрамиз. Аёлларга ҳам иш топилади. Эҳтимол ўша ерда ўқирмидингиз?

– Йўқ. – дея кескин жавоб берди қиз. – Биринчидан, отам-онам рухсат беришмайди, иккинчидан, рус тилини мутлақо билмайман. Сиздан илтимос, бу ҳақида бошқа гаплашмайлик.

– Хўп. Лекин сизни соғинаман...

– Соғинсангиз тезроқ қайтасиз-да.

– Кутасизми?

– Билмасам. Бу менга боғлиқ эмас. Чунки мендан кейин синглим бор. Агар ўқишга кириб олганимда эди, турмушга Сурайёни узатаверишарди.

– Ҳм-м, шунақами?

– Ўзингизчи? Бормасангиз бўлмайдимиз?

– Нима десам экан. Гапнинг тўғриси тўй қилишга имкониятимиз йўқ, Ҳусан иккимиз бир вақтда уйланишимиз керак бўлади. Кейин икки синглимиз ҳам бор. Бунинг устига онамизнинг юраги хаста... Отамиз бўлса уста эди, томдан йиқилиб тушиб ногирон бўлиб қолганлар.

– Тушундим. Демак, сиз оила бошисизда-а?

– Ҳа, шунақароқ...

– Қачон кетмоқчисиз?

– Бугун амакиваччам билан гаплашайинчи. Шунга қараб Наманганга чипта олгани бораман.

Йигит ва қизнинг кайфиятлари тушиб кетди. Анча вақтгача миқ этмай кетишди. Улар теварак табиатнинг гўзаллигига ҳам бефарқ бўлиб қолдилар. Шу пайт йўлларидадан бир ёввойи қуён чошиб ўтмаганида, ким билади оғизларига яна қанча талқон солишарди?

– Қуён! – дея қичкириб юборди тўсатдан Муштарий.

Жониворга кўзи тушган Хасан отдан сакраб тушди-да унинг кетидан қува кетди. Лекин қанча уринмасин, уни тута олмади. Муштарий завқланиб кулди. Унинг кўнглидаги нохушлик унут бўлаёзди. Тутқич бермас қуён йигитни масхара қилгандай бир дўнглик тепасига чикди-да, чўнқайиб ўтириб олди.

– Ана қаранг, сизга қараб “Тутолмайсан, кал-кал” деяпти.

– Ҳе сени қараб тур, қўлимга тушсанг бўридай ғажийман!

– Вой, у сизга нима ёмонлик қилди?

– Ёмонлик қилгани йўқ, у мени енгди.

– Демак чаққон спортчи экан-да.

– Қиссадан ҳисса шуки, ёв билан олишадиган одам қочишни ҳам билиши керак.

– Ҳа, лекин қуён юрак бўлиб эмас.

– Албатта шерюрак бўлиб.

– Хасан ака келинг, бир лапар айтишув айтамин.

– Қайси бирини?

– Ҳм-м... Масалан “Ёр, унда на қилгайсан?” дегани менга ёқади. Уни биласизми?

– Ҳа-ҳа, эсладим “Сен тоғ каптари бўлсанг...”, шуми ?

– Сайлда Говаликлар айтишувди-ку.

– Э, бўлди. Бошланг қани?

Қиз : *Сен тоғ каптари бўлсанг,*

Орқамдан қувиб юрсанг.

Мен тезгир лочин бўлиб,

Чангалга олиб қолсам,

Ёр, унда на қилгайсан?

Йигит : *Тез учар лочин бўлсанг,*

Чангалга ушлаб қолсанг,

Мен мерган овчи бўлиб,

Милтиқда отиб олсам,

Ёр, унда на қилгайсан?

Қиз : *Сен мерган овчи бўлиб,
Милтиқда отиб олсанг.
Мен боғда анор бўлиб,
Қизариб пишиб турсам,
Ёр, унда на қилгайсан?*

Йигит : *Сен боғда анор бўлсанг,
Қизариб пишиб турсанг,
Боғинга боғбон бўлиб,
Битталаб узиб олсам,
Ёр, унда на қилгайсан?*

Қиз : *Боғимга боғбон бўлиб,
Битталаб узиб олсанг.
Мен боғда узум бўлиб,
Саргайиб пишиб турсам,
Ёр, унда на қилгайсан?*

Йигит : *Сен боғда узум бўлиб,
Саргайиб пишиб турсанг.
Мен юрган ари бўлиб,
Шакар лабингдан сўрсам,
Ёр, унда на қилгайсан.*

– Ҳе ўлинг, уятсиз! – деб жеркиб берди қиз.

– Ахир буни мен тўқиганим йўқ, аждодларимизнинг миллий кўшиғи-ку, бу. Давом этинг. Қани уялманг – деди йигит, эътироз билдирган бўлиб.

– Сен юрган ари бўлсанг. Шакар... Э, йўқ бошқасини айтайлик.

– Эх, эссиз шундай ажойиб кўшиқни тўхтатиб қўйдингиз-а. Бунинг жаримасига энди ўзингиз битган шеърлардан айтиб берасиз.

– Хўп, – деди қиз ўзининг муҳаббат ҳақидаги дилбар шеърини бошлади

Розим сўзлай сабога,
Дардим айтай навога,
Қолдирмасдан жафога,
Кетсангиз, олиб кетинг.

Кўнгилга кўнгил бойлаб,
Ишқ аро мени сайлаб,
Ўзингиз бемор айлаб,
Кетсангиз, олиб кетинг.

Ишқ гулимни сўлдирманг,
Юрагимни куйдирманг,
Жонимдан хўб тўйдирманг,
Кетсангиз, олиб кетинг.

Ҳаётимда сиз борсиз,
Ўйларимга сиз ёрсиз,
Кўнглим рубоб, сиз торсиз,
Кетсангиз, олиб кетинг.

Сизсиз келмайди баҳор,
Юрак йиғлайди бедор,
Айриликқа қилмай хор,
Кетсангиз, олиб кетинг.

Хасан шеърнинг маъносидан лол қолди. Гўё оти ҳам унинг ҳолатини сезгандай таққа тўхтади.

– Муштарий, қойил! Лекин мен сизни албатта олиб кетаман. Фақат бориб жойлашиб олай, бирор ишнинг этагини тутай.

– Э йўғе, нималар деяпсиз. Бу дилим изҳори холос. Майли руҳимни ола кетинг.

– Худо хохласа, сизни бир кун олиб кетаман. У ёқнинг ўрмонлари шундай гўзалки, таърифи йўк. Енисей дарёси сокин оқади. Қани энди ўша дарё соҳилида бирга ўтирсак, фарзандлар ортирсак.

– Ўх–хў...

– Нима бўпти, яхши ният ярим мол деганлар.

– Ха албатта, орзуга айб йўқ. Лекин тақдиримизга нималар ёзилганини хали билмаймизку.

– Муштарий, мени кутасизми?

– Билмасам...

– Мана кўрасиз, биз барибир бирга бўламиз кўнглим сезиб турибди. Шунинг учун мен хотиржамман. Бирор йил ишлай сўнгра уйингизга отамни юбораман. Қўлингизни сўратаман.

Муштарий индамади. Қизариб кетди. Отини кафти билан оҳиста туртиб қўйди. У беҳад шод эди.

* * *

Шундай қилиб даралар оралаб баландлик сари узоқ юришгач, ниҳоят улкан қоя тошларга бурканган ва қоялар орасида кўкка масрур бўй чўзган ёлғиз терак ва тол дарахти кўриниб турган Терагистон дараси кўзга ташланди. Муҳаббат изҳоридан сармаст Хасан бундай улуғвор гўзал масканни кўриб “Воҳ!” деб юборди.

– Қандай ажойиб-а?!... Юринг, тезроқ бора қолайлик, – деди йигит ва тулпорини илдам ниқтади.

Муштарий ҳам завқланиб унинг ортидан эргашди. Терагистонга етмасдан анча берида ўша билакдек сув фаввораси очилиб чиқиб турган булоққа дуч келишди. Сувда ҳузур қилиб юз-қўлларини ювиб, тўйиб-тўйиб ичишди. Аммо сув ўта совуқ экан, тишларини қамаштириб юборди.

– Маззаси қалай экан? – сўради қиз.

– Ҳм-м... Али Қурбон булоғичалик эмас. Маззаси ўхшайди-ю, лекин ундан совуқроқ экан.

– Тўғри. У булоқнинг сувини бемалол ичса бўлади, кейин таъми ҳам бошқача эди.

– Лекин бу жой ҳам чаккимас, бўлаверади. Бу булоқнинг номи нима?

– “Бургутли” дейишади. Нима дам олгани келмоқчимисиз?

– Йўқ. Шу ерга бир ошиён қуриб бола-чақа билан яшамоқчиман. Хўш, розимисиз?

– Э, йўғе, нималар деяпсиз?

– Ҳа энди, бир айтдим қўйдимда.

– Суғорилган бўлсангиз, акажон, унда тезроқ юринг. Йўкса мен айнаб қолсам Терагистонга ўзингиз борасиз.

– Бўлди. Қани етакланг бўлмаса, кетдик. Э тўхтанг, шу ерда тушлик қилиб олмаймизми-а?

– Йўк. Тушликни Терагистонда қиламиз. Ажойиб жой.

Улар яна олға юришди ва икки чақиримгача улкан ҳарсанглар оралаб аланг-буланг юришиб, ниҳоят ғаройиб қоялар ва қулоч етмас улкан дарахтлар уйғунлашган масканга етиб келишди.

– Бу ёғига отлар боролмайди, яёв кетамиз, – деди қиз. Какликлар сайрашига қулоқ тутаркан.

– Бўпти, унда егуликларни олволамиз – деди йигит.

Улар қоялардан қояларга тирмашиб, узоқ-узоқлардан тоғ тепасида маҳобатли бўлиб кўриниб турган Терагистон дарасига чиқиб боришди. Тошлар улкан, ўткир қиррали ва сип-силлиқ бўлиб, баъзан Хасаннинг оёқлари сирғаниб кетмоқда эди.

– Эҳтиёт бўлинг, хой шаҳарлик, ким айтади сизни чакқон сардор деб.

– Ҳа, шуғулланмаганим алпинизм қолувди.

– Шу соҳада ҳам мусобақалашсак бўларкан-а?

– Бунинг учун тоғингизни қишлоғимизга кўчириб боришимиз керак бўлади, холос.

Улар улкан қояларни баъзан ёқалаб, баъзан тирмашиб ғаройиб дарахтзор ҳузурига ошиқишарди. Муштарий чакқонлик билан тошлардан-тошларга сакрар ва ҳамроҳига йўл кўрсатмоқда эди.

Ниҳоят қулоч етмас улкан терак поёнига етиб келишди. Унинг ёнида ҳам кичик булоқ бўлиб, суви тошлар орасидан жилдираб оқиб турарди.

– Эҳ-ҳе, таърифлаганингизча бор экан.

– Зўр эканми?

– Ҳа! Энди шу ерда овқатланамиз. Кейин теварак-атрофни тамоша қиламиз. Нима дедингиз?

– Бўпти.

Улар теракнинг бўртиб чиққан улкан томирларига ўтириб, ўртага дастурхон ёзишди. Хўроз гўштани паққос тушириб, булоқ сувидан тўйиб ичишди.

– Юртимизнинг шундай гўзал гўшалари бор экану, билмас эканмиз-а, қаранг?

– Бу ерлар одамлардан йироқлиги учун сақланиб қолган, яқин бўлганида манави теракни аллақачон кесиб кетишарди.

– Ҳа, бундай ерларни, умуман, табиатимизни асраш керак.

– Менимча, бу ерларга янги тераклар, арча, толлар экиш керак. Шунда дам олиш масканлари кўпаяди. Ўзбекистонимизда одамлар, асосан, иссиқ даштликларда, дала чўлларида истиқомат қилишади. Бунақа жойларга келиб ҳаво алмаштириб туришса ёмон бўлмасди.

– Тўғри. Катта бўлсангиз сиздан яхшигина жонкуяр депутат чиқади. Қаранг, “Спортчи, комсомол, соҳибжамол, шоира, кўшиқчи, альпинист, депутат ва ниҳоят севимли ёр”.

– Ўҳ-ҳў, ўрисчани қийворар экансиз-ку, уни қаердан ўргангансиз?

– Кўшнимиз Россиядан уйланган. Унинг ўғли билан дўстлашиб кетганмиз. Исми Эмир.

– Хўп, Эмирнинг ўртоғи, Хусаннинг акаси, бўлмаса ортимизга қайтайлик. Энди кеч бўлиб қолди.

– Дарров-а?

– Ҳали сизга нима дедим. Энди тушишнIAM ўйланг.

– Хўп, дедим-ку. Қани омин, қадам етди бало етмасин, нима яхши ният қилган бўлсак ҳаммаси ижобат бўлаверсин!

– Айтганингиз келсин, илоҳим! Хўроз боққанга раҳмат.

– Уни егангаям.

Ёшлар завқланиб кулиб олишди ва ўринларидан туришиб, бу азиз жойни тарк этишга ҳозирланишдилар.

– Муштарий тўхтаг, мана шу азим теракка исмимизни ўйиб ёзиб қўяйлик.

– Э йўғе, дарахтга озор бериб бўларканми? Ана истасангиз тошга ёзинг, тарихда қоласиз.

– Эҳ, эссиз бўёқ олиб келмабманда.

– Кетдикми?

Хасаннинг хаёлига бир фикр келди, тўхтаб қолди ва ийманиб оғиз жуфтлади.

– Муштарий тўхтаг, ҳалиги...

– Нима?

– Бир муҳим гап сўрасам майлими?

– Сўрайверинг.

– Мана, шу азим тераклар хаққи ва унинг гувоҳлигида шуни айтмоқчиманки...

– Нимани атмоқчисиз?

– Сизни яхши кўраман.

Муштарий уялиб “Вой!” деб ерга қараб олди.

– Сизчи Муштарий? Мени ёқтирасизми?

– Ҳа... – деди қиз ерга қараб билинар билинмас.

– Мана шу азим терак хаққи кутасизми?

Қиз бошини “Ҳа” дегандек оҳиста қимирлатди. Йигит эса хурсанчилигидан қийқириб юборди.

– Эҳ-хе-хе-ҳей! Эшитяпсизми тоғлар?! Муштарий мени кутаркан!

Қоялар “кан-кан!” деган акс-садо берди.

Улар энди қўл ушлашиб бир-бирларига ёрдамлашиб пастлик сари туша бошлашди. Қалбларида ҳаяжон, ёшлик шукуҳи жўш урар, оташин муҳаббат ғунчалари эндигина куртак ёза бошлаганди...

* * *

Шундай қилиб Хасан Россияга ишлагани кетди. Бошқа булоқларга боришга ҳам улгурмадилар. Чунки амакиваччаси “Тезда етиб кел”, – дебди. Кетиш куни аниқ бўлгач, Хасан Муштарийни ўзи қидириб келди. Тош курсига ўтириб уларнинг тошқўрғонлари томон ойна синиғининг нури билан гўё хабар бера бошлади. Вақти зик эди. Ҳа деганда қиз бу “хабар”ни англайвермади. У орзулар оғушида халқ термаларидан хиргойи қилиб, сепи учун палак тикиб ўтирарди. Яхшики, “хабар”ни тезакни тош деворга таппи қилиб ёпаётган онаси Саломат хола сезиб қолди.

– Ҳой, Муштарий!

– Ҳувв!

– Қарагин, анави томонда бир нарса ҳадеб ялтираяпти-я?

– Нима экан?

– Билмасам. Анави чўпон Асқар шекилли. Сен борадиган тошга чиқиб ўтириб олибди, қара.

Қизнинг хаёлига ялт этиб тош курси келди. “Бу Хасан акам, Хасан акам, бу!” дея сапчип ўрнидан туриб кетди ва чопиб чиқиб боғлиқ турган тулпорини етаклади.

– Ҳой, сен қаёққа?!

– Ҳозир келаман. Асқар менга бир китоб бермоқчи эди.

– Тез қайтиб кел, хамир кўпиб қолди.

– Хўп бўлади, ҳозир келаман.

Қиз отига чакқонлик билан минди-да, уни чоптириб кетди. Саломат хола ортидан хайрон қараб қолди.

– Хаҳ, хайрият, – деди Хасан у бориши биланоқ. – Бир соатдан бери сигнал бераман-а. Энди таваккал ўзим қўрғонингизга “Зебижон”ни айтиб бостириб бормоқчи бўлиб турувдим.

– Яхши келдингизми? Нима гаплар?

– Ўша гап?

– Кетятпсизми?

– Ҳа.

– Қачон?

– Бугун тунда.

– ... К-кейин, қачон келасиз?

– Агар тинчлик бўлса, келаси йили шу вақтда-да.

– Нима, ўқишга бошқа топширмайсизми?

– Йўқ. Ишлаб пул топганим маъқул. Ўқиш қочмас. Сизга шароитни тушунтирдим-ку.

– Ҳа, тушунаман.

– Укамга айтаман, баъзан сиздан хабар олиб туради.

– Онангиз келадиларми?

– Ҳа отамга айтдим. У отангизни яхши биларкан. Онамни ўзлари олиб келадиган бўлишди.

– Яхши. У кишига ўзим қарайман. Соғайиб кетса ажабмас «Тоғ ҳавоси – дард давоси» деганлар.

– Ҳа, бу ерлар тинч, хушҳаво жойлар экан. Худо хоҳласи оила ташвишларидан холи бўладилар, мен иложи борича пул жўнатиб тураман. Кейин мана сиз борсиз...

– Ҳа, албатта. Сиз хотиржам бўлаверинг. Биз сизни кутамиз, – деди қиз ерга қараб.

Хасан қизнинг қўлини меҳр билан ушлади. Бу «Мени кутинг, мен албатта келаман, кейин тўй қиламиз» дегани эди.

Йигит қиздан бўса олмоқчи бўлди. Аммо қиз ўзини олиб қочди.

– Яхши боринг, Хасан ака. Ҳалиги ойим узоқдан қараб турибдилар. Хамирим кўпиб кетгандир.

– Хайр бўлмаса, Муштарий, – деди Хасан унинг қўлини маҳкам қисиб. Шу гапни айтди-ю, юрагининг бир чети узилиб ерга тап этиб тушгандай туюлди.

– Хайр, – деди Муштарий ҳам. У ҳам ўзини хотиржам тутса-да, беихтиёр кўзидаги ёш томчилари думалаб тушди.

Хасан тулпорига чаккон минди-да, унинг бошини қайириб, «Чух!» – дея, пастлик томон чоптириб кетди. Қиз тош курсига суянган ҳолда то йигит узоқлашиб кетгунига қадар ортидан қараб қолди. Агар онаси чақириб қолмаганида, ким билади яна қанча вақт турарди.

МАҒЛУБЛАР

Куз ўтиб қирчиллама қиш келди. Тоғда совуқ қаттиқ бўлади. Ҳаммалари уй ичида қалин кийиниб сандал, ўчоқ атрофида уймалашишади. Саломат хола эчки юнгидан арқоғида ип йиғириб ўтириб фарзандларига турли халқ лапарлари, ҳикматлар ва эртаку афсоналар айтиб берарди. Уларни жон деб эшитишарди. Баъзан кўшиқларни ёд олишиб, чирманда билан хўр бўлиб, ўйин ҳам қилишарди. Муштарий ҳам рўмол тўқишни шу соҳага ихтисослашган Маданият қишлоғидаги холасиникида яхши ўзлаштирганди. Маданиятлик баъзи ишбилармонлар рўмолларни аҳолидан тўплаб олиб шимолий ўлкаларга олиб кетишарди. Умуман тоғликлар эчки юнгидан тайёрланган ипдан аёлларнинг иссиқ юнгли рўмоли, қишки уст боши, пайпоқлар тўқишга одатланишган бўлиб уларни маданиятлик воситачиларга улгуржи арзон нархда ўтказишар ва тушум пулини қизлари учун сеп тайёрлашга сарфлашарди. Муштарий рўмол тўқиб ўтираркан баъзан дафтарига муҳаббат, соғинч, хижрон ҳақидаги ишқий шеърлар битарди.

Ҳафа бўлманг, баҳорлар мендан,
Сизни қўйиб кузни куйласам,
Яхшиликка бурканса олам,
Мен нотавон кузни изласам.

Ҳафа бўлманг, баҳорлар мендан,
Ахир хуш дамларим унда бўлакча
Хазон тўла ўша йўлакча,

Барглар сузиб юрган кўлмакча...

Ҳафа бўлманг, баҳорлар мендан,

Қачон нолам ёрга етади?

Дилдан хижрон қачон кетади?

Телба кўнглим кузни нетади?

... Кўзлар ёниб тушганда кўзга,

Илк бор бизлар учрашдик кузда.

Ҳафа бўлманг баҳорлар мендан,

Куз фаслида изласам сизни.

Қиз жўнатмаса ҳам Хасан акасига ўзича мактублар битар, уларни қайта-қайта ўқир, баъзан эса ўзига жавоб мактуби ёзиб ҳам кўрар, бундан завқланар, шу зайл гўё ижодий маҳоратини кун сайин ошириб борарди.

ТОҒЛАРГА БАҲОР КЕЛДИ

Ҳадемай қорлар эриб, тоғларда баҳор таровати уфура бошлади. Мудраётган тоғлар уйғониб, бойчечаклар бош кўтарди. Чуст қишлоқларининг осмонини дошқозонларда тайёрланаётган сумалакларнинг хушбўй ҳиди ва наврўз қўшиқларининг ёқимли оҳанглари эгаллади. Яна наврўз одамлар қалбига қувонч олиб келди. Ҳар йилгидек бепоён тоғ олди даштларини яна бойчечак термоқ учун тўдалашиб бораётган болалар, лола сайлига чиққан ёшлар, тулпорларини чоптираётган чавандозлар, эшагу ёки араваларда сайр қилаётган кексалар билан тўлиб тошди.

Наврўз мусобақаларини бошлаб берадиган спорт ўйини – бу футбол бўлиб, унинг дастлабки босқичи ҳам бошлаб юборилди. Бу йилги футбол ўйинлари ҳар йилгидан ҳам завқли ўтадиган бўлди. Чунки мусобақада Олмос, Парда Турсун, Чуст ва Тўрақўрғон жамоалари ҳам иштирок этишни ихтиёр этишди.

Беллашув бошланишидан аввал жамоа сардорларини аниқлаб олиш керак эди. Шу туфайли Ариқбўйи қишлоқ оқсоқоли Иброҳим оға тоғлик Сарбардин тоға хонадонига ташриф буюриб, Хасаннинг ўрнига мусобақа жамоасига Муштарий бошчилик қилиб туришини илтимос қилди. Маълум бўлишича бу ҳақида Хасан сафар олдидан тайинлаб кетганмиш.

Шундай қилиб Муштарий Ариқбўйига, Сардорнинг акаси Бехзод Маданиятга, Бекмирза Балиқчига, қолаверса, аскар йигит Тўлқинбек Ғова жамоаларига сардорлик қиладиган бўлишди. Айтишларича, Тўлқинбек чегара қўшинларида яхши хизмат қилгани учун Наврўз пайтида унга таътил беришганмиш. Шу туфайли у ўзининг ташаббускор, шижоаткорлиги ва ҳарбийча интизоми билан бошқалардан кескин ажралиб турарди.

Ҳар йилгидек мусобақалар тартиби, ҳакамлар ҳайъати, бериладиган совринлар ва бошқа ташкилий шарт-шароитлар келишиб олинди. Тўлқинбек бу йил Ариқбўйи жамоаси билан қаттиқ беллашишга ва Хасандан “ўч олишга” қатъий аҳд қилганди. Аммо кутилмаганда унинг ўрнини Муштарий эгаллаганини кўриб танг қолди, режалари чалкашиб кетди. Шундай бўлсада, қизнинг олдидан бир ўтиб мусобақаларда қандай қилиб ўзаро ҳамкорлик қилиш, жилла қолса, унга кўмак бериш, шу тариқа унинг кўнглига қўл солиш, агар рўйхушлик берса ҳарбий хизмати даврида совчиларини юбориб, қайтишига тўйни тахт, келинчакни нақд қилиш ҳақида ўйларди. Бундай эзгу мақсадларни амалга оширмақ учун, аввало, у ўз жамоасининг устунлигини кўрсатмоғи, якка курашларда эса, албатта ғолиб чиқмоқлик зарур деб биларди. “От пойгасидачи? – Савол берди у ўзига-ўзи. – Уни енга олармиканман, ёки яна ютқазаманми? Ҳар ҳолда вазиятга қараб ҳалол ўйнаганим дуруст”.

Йигит ўз жамоасига турли йўл-йўриқлар бериб тиниб-тинчимаётган Муштарийни зимдан кузатди ва кўнглидан “Ажойиб қиз”, – деган ўй ўтди. “Нима бўлса ҳам унинг муҳаббатини қозонмоғим керак. Қизик, қаерда тураркин, Маданиятдами ёки Ариқбўйидами? Бугун унинг изидан бораман, манзилени аниқлайман. Эҳтимол, эртага отлик маҳалласига ўтиб бирга ҳамсуҳбат бўлиб келарман. Ўтган йили муносабатимиз жуда яхши эди. Эссиз, унга яқинроқ бўлиб уй манзилени билиб олишим, кейин хат ёзиб турсам бўларди. Лекин ҳалиям кеч эмас шекилли, қолаверса, бу сафар пачакилашадиган Хасан йўқ.”.

Муштарий футбол жамоаси Маданиятликлар билан, Тўлқинбекники эса Олмосликлар билан тўп суришди. Ариқбўйиликлар маданиятликлар устидан ғалаба қозонишди. Ғоваликлар бўлса, Олмосликлардан енгилишди.

– Хафа бўлманг, Тўлқин ака, тўп думалокда, – деди Муштарий кочирим қилиб.

– Мен учун чиндан қайғураётган бўлсангиз сиз аввало Олмосликларни, албатта, енгишингиз керак, – деди Тўлқинбек унинг далдасидан тўлқинланиб.

– Олмосликлар жамоаси жуда кучли. Лекин сизлар руҳан бизга мададкор бўлсангизлар, уруниб кўрармидик.

– Биз улар билан илгари ҳечам ўйнамагандик. Қайси ўйинчи қанақа ўйнаши бизга номаълум-да.

– Эндичи, билиб олдингларми?

– Ҳа, ҳар ҳолда...

– Унда финалгача ўйин кўп, яна учрашишларингиз мумкин.

– Ҳа тўғри, “Яхши от кейин чопади” деганларку.

– “Тўн кийганники, от минганники” деган гап ҳам бор. Сизга омад ёр бўлсин, – деди қиз ва ширин табассум ҳадя қилиб жўнаб қолди.

“Нима от минганники” – дедими? Бу билан “Отингизни қамчиланг” демоқчи бўляпти, шекилли. Мен унга томон йўл қидираяпман, унинг ўзи бўлса менга қочиримлар қиляпти. Демак, у ҳам менга бефарқ эмас. Отингни қамчила, Тўлқин, дадил бўл!” – деди у ўзига ўзи.

Кейинги ўйинларда ғоваликлар анча устунликка эриша бошлашди, биринчи ўринда Олмос, иккинчида Ариқбўйи ва учинчи ўринда Ғова футбол жамоалари борарди. Ярим финалда ариқбўйиликлар олмосликлар билан, ғоваликлар Парда Турсунликлар билан белашадиган бўлишди ва Муштарий башорат қилганидек ғоваликлар олмосликлар билан финал босқичига чиқиб яна юзма-юз бўлишди.

Ариқбўйи ва Олмос ўйини ғоваликлар учун жуда муҳим эди. Шу туфайли Тўлқинбек жамоасининг ўйинни зимдан кузатишди ва сардорнинг буйруғига кўра, ариқбўйиликларни ишқибоз сифатида қўллаб туришди. Ўйин жуда қизиқарли ва кескин курашлар тусида ўтди. Иккинчи бўлимда Ариқбўйининг асосий ҳужумчиси ҳисобланган Обид сариқ оёғидан қаттиқ жароҳат олди ва майдонни тарк этишга мажбур бўлди. Аммо унинг ўрнини эгаллаш учун захирада ўйинчи йўқ эди. Шу туфайли ҳеч иккиланмай майдонга Муштарийнинг ўзи чиқди. Қиз боланинг футбол майдонига чиқиши қишлоқда кутилмаган воқеа бўлди. Лекин Муштарийнинг ўғил болалар билан бирга бемалол тўп суришини ва тинмай қичқириб жамоага йўл-йўриқ кўрсатиб, жон куйдираётганини кўриб, ишқибозлар қўйиб беришди. Сардор қизнинг сайи-ҳаракати билан 2:1 ҳисобида ютказаётган ариқбўйиликлар кўп ўтмай ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди ва фақат сўнгги дақиқалардагина ҳимоячининг айби билан дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди.

Ариқбўйиликлар енгилган бўлишса-да, яхши ўйин кўрсата олишгани учун ўйин кўргани келган барча ҳамқишлоқлари улардан мамнун бўлишди. Улар орасида Хасаннинг отаси Шокарим ака ва укаси Хусан ҳам бор эди. Шокарим ака чаккон ва латофатли Муштарийнинг бошқа мусобақалардаги иштирокини ҳам жон дили билан кузатиб, беихтиёр “Балли, қизим!” – деб ишқибозлик қилиб турди.

Ота хотини Руқия холани Хасаннинг топшириғига кўра, кеч кузда тоққа – Усмон ота кўрғонига олиб борган ва ундан бир-икки бор хабар олганди. Шунда Муштарийнинг бемор аёлига нисбатан қилаётган хушмуомаласи, айланиб ўргилишини кўриб, “Қани энди шу қиз менинг келиним бўлсайди” деб ҳавас қилганди. Қизнинг мусобақалардаги иштирокини, унга халқнинг ҳурмат этибори тушаётганини кўриб қизиқиши янада ортди. “Яхши қиз экан, одамлар ҳавас қиладиган чаккон келин бўлади, соғлом, бақувват фарзандлар туғиб беради. Уни кўлдан чиқармай, албатта, ўғилларимдан бирига келин қилишим керак” деб ўшанда ният қилганди. Сўнгра бир-икки бор майда-чуйда қилиб Сарбардин чўпон билан чақ-чақлашиб ҳам келди. Охирги боришида ош дамлаётган Муштарийга ишора қилиб “Худо насиб қилса, агар йўқ демасангиз, мана шу қизингизни Хасан-Хусан ўғилларимдан бирига келин қилиш ниятим бор” дея ошкора айтди.

– Қаний, тақдир насибда, ошна. Ҳали қизим ўқишга кираман, деяпти, – деди Сарбардин тоға самимий.

– Ҳа албатта. Ёшларни ўз ихтиёрларига қўйиб берамизда. Барибир қиз болани узок ушлаб туриб бўлмайди. Ўғлим Хасан Россияда ишляпти. Ҳали келсин, ёшлар бир-бирини кўришсин, ўшанга қараб иш кўрамизда. Бўлмаса мана укаси Хусан шу ердаку. Қизингизга бир ҳавасим кетди-да. У аёлим Руқиягаям жуда ёқиб қолди, – деди Шокарим ака чин дилдан кулиб.

– Э, шунақами? Ҳа, албатта ўша кунлар келаверсинчи. Нима бўлса ҳам бизлар бир қавмданмиз, ота-боболаримизниям руҳлари шод бўлади. Сиз билан қуда бўлмасак, ким билан бўлардик, – дея кулиб жавоб берди чўпон.

Бу суҳбатдан Шокарим аканинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Хусан бўлса Муштарийга нисбатан бутунлай бефарқ, ҳатто мусобақаларда кўриб, қиз ҳақида “Ўғил бола чалиш қиз эканми, намунча чиранмаса?” деган ўйга ҳам борарди. Уй-рўзғор ишлари билан қаттиқ банд, ювошгина, айтганини қиладиган қизга уйланишни орзу қиларди.

Ниҳоят футбол мусобақалари якунланади деб қолди. Асосий рақибларини енга олишгани ва биринчиликни қўлга киритгани учун Муштарий Тўлқинбекдан беҳад қувонди ва уни биринчилар қаторида қутлади.

- Қойил, Тўлқин ака! Ғалаба муборак!
- Раҳмат Муштарий. Сизнинг гапингиз бизга далда бўлди-да.
- Қолган ўйинларда ҳам сизларга омад ёр бўлсин!
- Раҳмат, лекин мен энди бу ёғига қатнаша олмайман.
- Нега?
- Тез гапиртириб қолишди. Эртага хизматга қайтаман.
- Вой, эссиз... Нима, натижаларни кутмайсизми?
- Йўқ. Энг муҳими мен учун футбол эди. Кейин...
- Нима?
- Сизни далдангиз.
- Хўп. Унда яхши боринг.
- Муштарий, узр, сизда бир оғиз гапим бор эди.
- Қанақа гап?
- Агар йўқ демасангиз хат ёзишиб турсак, дегандим.
- Менинг манзилим йўқда.

Йигит бу сўзни ҳазилга йўйиб кулибди.

- Мен халиги, беҳазил...
- Мен ҳам жиддий айтяпман. Биз тоғда яшаймиз. У ерда на почта бор, на телефон, хатто электр чироғи ҳам бормаган.
- Э, шунақами. Унда кўрғонларингиз қаерда жойлашган ўзи!
- Хизматга кетаётган аскар учун бунинг нима аҳамияти бор.
- Ҳа энди, қайтиб келгач, бир ўтсамми, дегандим-да?
- Сизни тушундим, Тўлқин ака. Кўрғонимиз бепаён тоғлар орасида. Лекин мени ўз кутаётганим бор.
- Нима?!
- Эшитганингиз.
- Мабодо анави Хасан эмасми?
- Эҳтимол... Шунинг учун хафа бўлманг, хўп? Бу сафар ҳам мағлуб бўлдингиз.
- Йўқ. Энди мени мағлуб бўлишга ҳаққим йўқ. Сиз менга ёқасиз, Муштарий!

– Узр, Тўлқин ака, мен бировга сўз бериб қўйгандим, бир оз кечикдингиз.

– Ахир у...

– Хўп хайр. Яхши боринг. Мендан хафа бўлманг-га. Сиз яхши йигитсиз. Бир дилбар қизни албатта бахтли қиласиз, – дея қиз қатъий ва отини бепоён қояли тоғлар томон буриб чоптириб кетди. Тўлқинбек ҳам аввалига унинг ортидан бормоқчи ва у қаерда истиқомат қилишини билиб олмоқчи бўлди. Аммо “Мен бировга сўз бериб қўйгандим” деган гапини эслаб шаштидан қайтди. Шундай бўлсада, қизнинг қайси дарага кириб ғойиб бўлишини ва тахминан қаерда истиқомат қилишини англамоқ мақсадида то у кўздан ғойиб бўлгунга қадар кузатиб қолди.

Майдалаб ёмғир ёға бошлади. Тоғларда бетўхтов чакмоқлар чақар, момоқалдирикларнинг бетиним гумбирлашлари йигитни масхара қилаётгандек туюлар, лолақизғалдоқлар гўё “Қўй хафа бўлма” дегандай силтаниб алвон баргларини оёқ пойига сочар, майин еллардан кўтарилаётган гиёҳ тўзғоқлари бўлса, йигитнинг аламли юз-кўзларига аста урилмоқда эди. Тулпори ҳам ҳамроҳига ҳамдардлик билдиргандай бошини сарак-сарак қилиб, гоҳ-гоҳ пишқириб қўярди.

* * *

Муштарийга Тўлқинбекдан ташқари яна кўплаб йигитларнинг назари тушди. Бири ошқора, бирлари яширин қиз ҳақида суруштира бошладилар. Қишлоқлардан йироқда бўлса-да, Сарбардин отанинг ҳузурига совчилар ташриф буюра бошлашди. Қиз уларнинг ҳаммасини албатта қайтарар, чунки бу фақат Шокарим аканинг одамлари келишига умидвор эди.

Шокарим акага спортчи бу қизни сўраётганлар кўплиги, лекин негадир у ҳеч кимга кўнмаётгани ҳақида миш-миш гаплар ҳам етиб келди. Ўша кунлари Руқия опанинг яна мазаси қочиб бир неча бор “тез ёрдам” чақиришга тўғри келди. Бу ҳол Шокарим акани янада ташвишга солиб қўйди.

У туман марказига бориб Хасан билан телефон орқали гаплашди:

– Ўғлим, ойингни аҳволи ёмон. Сен тезроқ уйланмасанг бўлмайди шекилли, нима дейсан? – деб сўради ота.

– Мен “Леспром”да эндигина иш ўргандим, ўқувчи ҳисобидаман. Аввалига бир оз пул ишлай, ҳеч бўлмаса ўз тўйим учун, сармоя йиғай...

– Сен учун бир қизни мўлжаллаб қўйгандик, ахир.

– Мен учун ташвиш қилманглар, қаллиқни ўзим топаман.

– Хўп, ўйлаб кўр, онангни ўйла. Ахир у ғанимат, сен билан укангни тўйини кўролмайдир армонда кетмасин, тагин.

– Хўп ота, мен ўйлаб кўраман.

Орадан бир ой ўтди. Рукия опа анча ўзига келиб қолган бўлса ҳам фикр-ўйи эгиз ўғилларини тезроқ уйлантириш бўлиб қолди. Шу туфайли асабийлашиб, Шокарим акани хавотирга солмоқда эди. Шокарим ака “Сарбардин чўпон қизини бирортага бериб юбормадимикан?” деган ўйда, майда-чуйда қилиб яна тоғдаги кўрғонга ташриф буюрди. Муштарий уни “Хасандан бирор хабар олиб келган шекилли” деган умидда қизариб-бўзариб кутиб олди. Чўпон кўй-молларни қорли тоғ этакларига то кузга қадар олиб кетган экан. Саломат ҳола қизига жуда кўп совчилар келаётганини ва эри яйловдан қайтса, албатта, тўй қилишларини айтди.

– Қизим ҳадеб совчиларни қайтараяпти. Қаёқаям борарди, пешонасига ёзилган биттасига кўнадида. Бу ёгда синглиси ҳам бўйига етиб қолди, – деди аёл Шокарим аканинг мақсадини фаҳмлаб.

– Тўғриси, мен шу масалада, яъни Муштарийхонни ўғилларимдан бирига келинликка сўраб келувдим. Сарбардин ҳам ёшлар бир-бирларига маъқул бўлса, қарши эмаслигини айтувди.

– Ҳа, хабарим бор. Энди бу ёғи тақдир насиб-да. Қизим билан бир гаплашиб кўраман, рози бўлса совчи бўлиб келаверсизларда.

– Хўп бўлади, – деди Шокарим ака қуллуқ қилиб ва “Хасан ўйланишга кўнмаган тақдирда, бу қизни албатта Ҳусанга унаштирамиз” деган ўйга борди. Унинг фикрича, Ҳусан акасига ўхшаган қайсар эмас, топганига йўқ демайдиганлардан эди.

Шундай қилиб ота узоқ юртдаги ўғлига навбатдаги кўнғироқни қилди:

– Хасанбой, ўғлим. Гапимга қулоқ сол. Бу сафар гапим жиддий. Сен бола унақа қайсарлик қилаверма, тез етиб кел, уйланасан-да, кейин яна қайтиб кетаверсан.

– Ота тушунинг, кўлимга энди пул тушаяпти. Қандай ташлаб кетаман? Аммо...

– Онанг бир жойда бўлиб қолди, ахир. Унга қарайдиган бир чаққон келин керак. Сингилларинг ўқишда, кейин улар ҳали ёш. Аёлни аёл қараш керак-да, тушун, ўғлим.

– Бўпти ота, жа шунчалик бўлса ана укам Ҳусанни уйлантираверинглар.

– Сенчи? Эгизаклар бирга уйланишса яхши бўлади-ку.

– Иккита келин учун маблағчи? Қийналиб қоламизку, ота. Ундан кўра мен ҳозирча топганимни сизларга жўнатайин-да, сизлар укамни уйлантираверинглар.

– Сенга ҳам бирорта келин топаверайликми?

– Йўқ. Менинг ўз вадалашганим бор. У қиз мени кутаяпти. Хижолат бўлманг, ота.

– Бўлмаса укангни уйлаш ҳаракатида бўлаверайликда-а?

– Ҳа, дедимку.

– Тўйга эртароқ келасанми?

– Ҳаракат қиламан.

– Қанақасига ҳаракат қиласан? Ахир у укангнинг тўйи-я, келмасанг бўлмайди, ўғлим.

– Аввал келинга бўлаверингларчи...

– Келин нақд, ўғлим.

– Яхши. Кейин тўй кунини белгилаб менга хабар қилинглари. Мен ўша кунга самолётда етиб бораман. Бўладими?

– Бўлади, ўғлим?

– Сизлар ҳаракатни бошлайверинглари, мен ойлик маошларимнинг ҳаммасини жўнатаман. Ойимга шундай денг. Мен, албатта, у кишига ёқадиган қалиққа уйланаман. Соғ бўлишсин, умрлари узок бўлсин.

– Хўп ўғлим, бу гапингни албатта онангга етказаман. Сен ҳам омон бўл!

* * *

Саломат хола ҳам қизининг кўнглига кўл солиб кўрди.

– Анави Шокарим ака сени ўғлига сўратиб келибди. Нима дейсан-а, қизим?

Муштанийнинг юраги “жизз” этиб кетди. “Хайрият Хасан ака отасига айтган шекилли”, деб қўйди қиз хаёлан ва ич-ичидан қувониб кетди.

– Сен у кишининг ўғилларини кўрганмисан, ўзи?

– Ҳа, кўрганман.

– Унда нима дейсан, розилик бераверайликми?

Қиз нима деярини билмай қизариб-бзарди. Сўнгра “ҳа” дегандай онасини кучоқлаб ўпиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин орийат қилди ва аста “Билмасам ...” деб қўя қолди.

– Яхши одамларга ўхшайди. Ўзимизнинг уруғлардан экан. Кейин ўтган сафар келганида отанг билан ҳам гаплашиб кетганди.

– Отам нима дебдилар? – Дабдурустдан сўради қиз ва ўзининг саволидан ўзи чўчиб тушди.

– “Агар ёшлар бир-бирларини кўриб рози бўлишса, қаршилигим йўқ” деганмиш.

Қиз ич-ичидан гўё мусобақада ғолиб бўлганидек “Ур-ра!” деб кўйди. Эртаси бўлса, худди уйга қамалиб қолиб, дераза ойнасидан чиқиб кетмоқчи бўлаётган куш каби патирлай бошлади.

– Нима деярини билмай ҳаяжондан довдираб турган қизини маҳкам бағрига босаркан, – “Она қизим, бўйларингдан айланай. Мана сен ҳам улғайиб қаторга кириб қолдинг. Илоҳим бахтинг очилсин... Бўлмасам, мен қизилтошга келган Олмослик асаларичиларга бориб айтай, улар Шокарим аканикига тушиб бизнинг розилигимизни билдириб қўя қолишсин. Хўпми, она қизим? – деди, она.

– Хўп... – деди қиз базўр ва онасини кучоқлаб севинганидан кўз ёши қилиб олди.

Она бола шу куйи анча маҳал йиғи-сиғи қилишди. Шундан сўнг уларда қандайдир шижоат пайдо бўлди ва кўтаринки руҳ билан тўй тайёргарлигини бошлаб юборишди.

Ҳадемай совчилар ҳам келишди. Улар асосан эркаклардан иборат эди. Руқия опа дардман бўлгани учун келаолмапти. Қуда томон хотин-халажлари фотиҳа қилинадиган кунга келишадиган бўлишди ва унинг кунини ҳам белгилаб олишди. Тўй кунини бўлса, Сарбардин аканинг тоғдан қайтадиган кунлари аниқлашадиган бўлишди.

... Ва ниҳоят тўй 20 августга белгиланди. Бу хушхабар ҳақида Шокарим ака шошилиб, Красноярскдаги ўғли Хасанга қувониб маълум қилди.

– Тўйлар муборак бўлсин, ўғлим!

– Э, раҳмат сизга ҳам қутлуғ бўлсин!

– Сеникиниям кўшиб ўтказиб юборсак зўр иш бўлардида, ўғлим!

– Тўғри, лекин сиз билан келишдик-ку ота.

– Сен иложи борича эртароқ келавер, бизни илҳақ қилма.

– Хўп ҳаракат қиламан. Анави охирги юборган 200 долларни ҳам олдингизми?

– Ҳа, ўғлим. Илоҳим умрингдан барака топ. Уканг ҳам сенинг тўйингга, худо хоҳласа, ишлаб берар.

– Янаги ҳафтада яна 500 жўнатаман. Ишхонамдан қарз олаяпман. Кейин ишлаб беравераман. Тўйни кўркмай каттароқ қилаверинглар.

– Хўп ўғлим. Ўзинг тўйдан бирор ҳафта олдин келсанг яхши бўларди. Келинникига юкни ўзинг олиб борармидинг, ўртоқларингни ҳам айтардинг.

– Ҳаракат қиламан. Лекин Хусанга айтинг у “таклифнома” ёздириб анави нариги қишлоқлардаги ҳамма оқсоқоллар, сардорлар, ҳакамларни тўйга айтиб келсин.

Қишлоғимиздаги фольклор ансамблининг бошлиғи Насиба опаниям айтсин. У киши ансамбли билан хизмат қиламан, деб менга ваъда беришган.

– Хўп ўғлим, Насибахонни ўзим айтаман. Демак дастурхонни каттароқ қилаверарканмизда-а?

– Ҳа. Мен эртароқ борсам кураш ҳам ташкил қиламиз, видеочиниям айтиб қўйинглар, хўпми?

– Хўп, тушунарли ўғлим. Ҳаммаси яхши бўлади. Тезроқ ҳаракатингни қилавер бўлмаса. Хайр, омон бўл.

– Хайр ота, ойимга, бошқа яқинларимизга мендан салом айтинг.

ТЎЙ!

Тўлқинбек ҳарбий хизматдан Хусаннинг тўйига икки кун қолганда етиб келди. Онаси унинг қўлига таклифномани тутқазди.

– Сени ариқбўйилик бир ўртоғинг тўйга айтиб кетувди. Насибанг бор экан-да, кара, – деди Тожинисо ая қувониб.

Йигит қоғозни олиб “Ариқбўйида ўртоғим, ким экан у?” дегандек хайрон бўлди.

– Тенгқур ўртоқларинг ҳаммаси уйланишяпти, энди сенга ҳаракатни бошлайверсак бўларди. Бирор кўзлаганинг бордир ахир, болам?

Тўлқинбек нима деярини билмай довдираб қолди. Чунки қоғозда “Ҳурматли биродари азиз Тўлқинбек! Сизни 20 август куни нишонланадиган фарзанларимиз Хусанжон ҳамда Муштарийхонларнинг никоҳ оқшомига лутфан таклиф этамиз. Эҳтиром билан Шодмоновлар оиласи. Ариқбўйи қишлоғи” деб ёзилганди.

– У Хусан дегани ким экан, ойи?

– Анави сен билан беллашадиган сардор йигит бор-ку, ўша бўлса керакда.

– Унинг исми Хасан. Бу ерда Хусан дейишибди.

– Ўша йигитнинг укасидир-да. Улар эгизак, ака-укалар бўлишса керак.

– Нима? Ахир у...

– Ҳа нима эди, тинчликми ўғлим?

– Э йўқ, ўзим шундай. Бўпти бир жойга бориб келаман, отимиз қани?

– Ахир сени йўқлаб хозир тоғаларинг келишади-ку, ҳеч қаёққа кетиб қол!

– Тез келаман. Зарур ишим бор, – дея Тўлқинбек ва шошиб отини эгарлашга тутинди.

Ариқбўйига бориб индинга бўладиган тўй Хасанникими ёки Хусаникими? Келинчи, у қиз ким, ўша Муштарийми ёки бошқаси? Шуларни тез аниқлаб келмоқчи бўлди.

Йигит Гова сойдан Ариқбўйи томон кетган катта ариқ бўйлаб отини чоптириб бораркан, Хусанни кўз олдига келтирди. Уни бир бор томошалар бўлаётган жойда, говалик аёллар ичида мудраб ўтирганига кўзи тушган ва жаҳли чиқиб “Хасан бу ерда нима қиляпти? Обба хумпар ...” деб қўйганди. Бир оз ўтгач яна унга қараб қўйди. Хусан мудраб аёллар томон мункиб кетди. Аёллар чуғурлай бошлашди. Тўлқинбек бориб унинг елкасидан туртди.

– Ҳой Хасан! Бу нима қилиқ?

– Мен Хасанмас, Хусанман, – деди у чайналиб.

– Хасан сени акангми?

– Ҳа.

– Бўлмаса тур бу ердан, жойингни топиб ўтир!

– Бўпти, – деди у чўзиб ва лабини қийшайтириб ўрнидан аранг қўзғалди.

Ўшанда Тўлқинбек “Тавба, ака-укаларнинг шунчалик ҳам фарқи бўладими?” деб кўнглидан ўтказганди. “Энди бўлса у уйланаётганмиш. Яна кимга? – Муштарийга. Оббо, анқовей...” Ўйге, бу эҳтимол бошқа Муштарийдир. Исмдош қизлар ҳам кўпку. Ё Хасан атайин бир хил исмли қизларни топаётганмикан-а? Бораверайинчи...”

Тўлқинбек қишлоққа келиб унинг махалласи бўйлаб бироз юрди, танишларини излади. Лекин кўнглидагидек дардкаш инсонни топа олмади. Ёдига қишлоқ оқсоқоли Иброҳим ота тушди. У билан бир-икки бор зиёфатларда бирга ўтирганди. Мўйсафид ўзини дилкаш ва самимийлиги билан Тўлқинбекка маъқул бўлганди. Шунинг учун уни қидириб идорасига борди. Оқсоқол туман марказига йиғилишга кетган экан. Кутиб ўтиришга тўғри келди.

– Хўш айтайлик, ўша мен ўйлаётган Муштарий, ҳақиқатдан, Хусанга тегаётган бўлсачи, унда нима бўлади? – дея бошини чангаллади йигит. Ё у писмиқ Хусан бирор ножўя иш қилиб қўйдимикин? “Муштарий унга ўз ихтиёри билан тегаётган бўлсачи?... Унда у ғирт нодон экан. Наҳотки у мени оёқ ости қилиб шу ландовурни танлаган бўлса... Ярамас! Одам танлашни сенларга кўрсатиб қўяман. Агар бу ишлар чин бўлса, тўйингни ҳаром қилмаган номард!”

Йигит ана шундай нохуш ўйлар билан бир четда ўтириб оқсоқолни келганини ҳам сезмай қолди.

– Анави от кимники? – сўради оқсоқол қоровулдан.

– Ҳув анави ғовалик йигитники. Сизда зарур иши бор шекилли, уч соатдан буён кутиб ўтирибди.

– Ахир бу сардор йигитлардан-ку. Чақиринг, олдимга кирсин.

Оқсоқол Тўлқинбекни илиқ қарши олди.

– Ие-ие, аскар йигит, келинг! Биз томонларга қайси шамол учирди?

– Яхши шамол. Дўстим Хасанбой уйланаётганмиш деб эшитувдим. Шунга бирров...

– Хасанбоймас, тўй Хусанбойники. Акаси укамни уйлантираверинглар, мени ўз қаллиғим бор, кейин уйланаман деганмиш. Ҳа тинчликми, ишқилиб.

– Э шунақами? Бир нарсани аниқлаштириб олмоқчи эдимда, узр.

– Бемалол сўрайверинг.

– Бу келин, ҳалиги, ўзимизнинг сардор қизми, ё...

– Ҳа-ҳа, худди ўзи, – деди оқсақол севиниб, – Сиз келин томон бўлсангиз ҳам бўлаверади. Юринг, унда Шокаримникига тўй олдидан бир ўтиб келамиз.

Тўлқинбекнинг юраги “шув” этиб кетди. “Нахотки ҳаммаси рост бўлса, оббо ифлосей!”

– Мен айтганингиздай келин томонга ўртоқлар билан ўтиб бир табрикламоқчи эдимда. Куёвникига тўй куни келармиз.

– Яхши унда нима хизмат бор?

– Ўша келиннинг манзили керак эди. Уларни тоғ томонда деб эшитувдим, лекин тоғ бепоёнку.

– Э-ҳа, тушунарли. Мен ҳам бир марта боргандим. Қўрғонлари жа ораликда экан. Усмон ота қўрғони дейишаркан. Шу ердан тик борилаверади. Тахминан йигирма километрлар бор чамамда.

– Раҳмат менга шу керак эди. Мен бораёй бўлмаса.

– Ўтиринг, чой қилиб берай, меҳмоним бўлинг.

– Йўқ, раҳмат. Тўй куни, худо хоҳласа шу ердамиз. Айтмоқчи билмайсизми, Хасанбойнинг ўзи ҳозир қаерда?

– Россияда. Тўй куни етиб бораман, – деганмиш.

– Шунақами? Майли тоға, раҳмат сизга.

– Арзимаёйди, бемалол.

Оқсоқол йигитни кузатиб чиқди ва у кетгач, “Қизик, шу гап учун наҳотки у мени уч соат кутдия” деб хонасига кирди ва ташриф буюрувчилар билан чалғиб уни унутди.

“Демак Усмон ота қўрғонида. Ҳозир ўша ерга борсаму, шарт қизни олиб қочсамчи? Лекин қиз мени умидвор қилгани йўқку”, “Кутаётганим бор” деганди. Наҳотки у Хусанни ёктириб қолган бўлса... Ифлос Хасан, хаммасига ўша сабабчи. Ўшанда Хасан ўзига эмас, анқов укаси учун Муштариийни мўлжаллаб юрганини билганимда эди... Аблах Хусан ё ўша қизни чиндан ҳам йўлдан урганмикан-а? Наҳотки мен шунчалар ношудман. Аслида мен ўзим аблахман, ифлосман. Бахтим учун кураша олмадим. Буниям бир спорт мусабақасидай кўрибман, кучлиман, енгаман дебман. Мана оқибати, индинга тўй!... Тўй! Йўқ, тўй бўлмаслиги керак! Нима мен оғзимни очиб қолавераманми?! Тўйини бузаман, уйига ўт қўяман!” – дея хаёлан бақирди йигит ва Усмон ота қўрғони томон от сурди. Уч километр чамаси юргач, Ғова томондан келаётган ва зилол сувлари шошқин оқаётган катта ариққа етиб келди. Отидан тушиб юз-қўлини ювди ва ҳовурини босгандай бўлди.

“Агар Хусан билан Муштариий бир-бирларини ростдан ҳам севишган бўлишсачи? Уларда нима айб? Ҳамма айб Хасанда. У тўй куни келаркан. Яхшиси уни бир четга олиб чиқаман-да, бошлаб таъзирини бераман”.

Тўлқинбек шундай ўйлар оғушида оқаётган сувга тикилиб узоқ ўтирди. “Хайр, Муштариий. Мен яна сендай қизни учратармикинман?... Эҳ, Хусан-Хусан, сен ландовур эмас омадли йигит экансан. Майли тўйинга борганим бўлсин. Ноилож, тақдирга тан бераман, шекилли” – деди у ва ўрнидан туриб келган йўлидан қишлоғи томон салмоқланиб жўнади.

Йигит негадир тоғ томон ўкинч нигоҳи билан қараб-қараб бораркан, юрагида бир армонли қўшиқ янграётганини хаёлан ҳис этди:

*Йўлақларда хазонларни тўзгитар шамол,
Эссиз менинг туйғуларим кетдилар увол.
Ойдаи ёрқин орзуларим топдилар завол,
Не холки, мен мағлуб, маюс бораман.*

*Ёримдан ажралиб хижронда қолдим,
Росту ёлгонларга гумонда қолдим,
Оқибат ранг-рўйли самонда қолдим,
Не холки, мен мағлуб, маюс бораман.*

* * *

Тўй маросими барча миллий урф-одатларига амал қилинган ҳолда ўтказила бошланди. Қишлоқда ташкил этилган миллий фольклор ансамбли иштирокчилари эрта тонгданок карнай-сурнай, ноғора чалишди. Сўнгра маҳалла-куйга ноҳорга ош тортилгач, аёллар доира чалиб халқ терма кўшиқ ва лапарларини ижро этиша бошлашди. Мана улардан бири:

*Тоғда арча минг йил умр кўрарму,
Шохи синса, заргар кумуш қиларму,
Заргар қилган кумуш-кумуш бўлар-му-ё,
Суймаганга тегсанг, турмуш бўларму?*

*Бу кўринган тоғлар Олмос тоғидир-о,
Юрагимда қолган ёрнинг доғидир.
Юринглар, жўралар тоққа борайлик-о.
Узоқдаги кўринган ёрнинг боғидир.*

Аммо ўша “Ёрнинг боғига” боришда кутилмаганда муаммо пайдо бўлди. Гап шундаки, анъанага кўра, тўй куни куёв жўралари билан машиналарни ясатиб келинникига боришлари, уни олиб келишлари, никоҳдан ўтишлари, Чуст боғида айланишлари, сўнгра уни яна ўз уйига ташлаб келишлари, оқшом эса, яна куёв жўралар билан бориб келинни олиб келишлари ҳамда тўй базмида “Давранинг гули” бўлиб ўтиришлари керак эди. Бу одатий анъана, албатта.

Бироқ бу сафар куёв жўралар борадиган машиналар қиррали тош ва ҳарсанглардан, сел сувлари ювиб ўнқир-чўнқир қилиб ташлаган йўлдан бора олмади. Бу йўлдан фақат махсус машиналар, трактор, мотоцикл ва от уловларгина юра оларди. Чанг-тўзон, лой сачраши ҳақида айтмаса ҳам бўлаверади. Шу сабаб тоғ томон бироз юрган ясатиқлик чиройли, машинанинг эгаси йўлни дабдала эканини кўриб такқа тўхтади. Негаки қиррали тошлардан бири машина остига “так” этиб урилганди.

- Ҳа, нега тўхтадингиз, юрмайсизми? – сўради Хусан.
- Э, ука. Ахир биз бундай келишмагандик-ку. Келин тоғнинг ичида деб менга нега айтмадинглар?
- Мен ҳам қаёқдан билай, уни отам топган-да.
- Бўлмаса отангизга айтинг, келинни ўзи олиб келсин.
- Қанақа қилиб?

– Билмасам. Ана кейин шаҳарми, қишлоқми, қаерга десангиз олиб боравераман.

Куёв жўралар “ғиди-биди” қилиб гапга аралашиди. Бирови жанжалашишга ҳам чоғланган бўлди. “Э қанақа одамсиз, шартлашдикми тамом, хақингизни оласиз!” – дея қичқирди у.

– Хой бола, машинам неча пул туришини биласанми?

– Менинг ишим нима? Киракашлик қилмангда, бўлмаса!

– Машинамнинг бир жойи синса ё букилса, тўлайсизларми? “Тоғдан тош думалаб тушмайди” деб ким кафолат беради. Йўқ ука, мен боролмайман. У ёққа ё “Жип” ё “Нива” билан бориш керак. Майли мен шу ерда кутаман, келинни бориб олиб кела қолинглар.

Куёвнинг боши қотди. Узоқ баҳслашишди. Йигитларнинг жаҳли жунбушга чиқди. Ниҳоят қайтиб бориб “Нива” машинасини ёллашга қарор қилишди.

Куёв ўғлини “қурук” қайтиб келганини кўриб Шокарим акани фиғони фалакка етди.

– Ҳе, ландовур, латта бўлмай ўл! – дея ўғлига қарата ўшқирди. Ўрнингда Хасан аканг бўлганида бир ўзи отлиқ бўлсаям бориб келинни ортига миндириб олиб келган бўларди. Боринглар, бўлмаса ота-боболарингизга ўхшаб от-аравада миниб “Ёр-ёр” айтиб боринглар!

– Эҳтимол тракторда борармиз-а, тоға, – деди куёв жўралардан бири масхара қилиб.

– Нима қилибди, борсаларинг! Мақсад қай усулда боришларингда эмас, келинни, яъни манави ландовурнинг бўлғуси хотинини эсон-омон олиб келиб олишда тушундингми?

Хусаннинг жаҳли чиқди. Чунки отаси уни ўртоқлари олдида қаттиқ мулзам қилаётганди.

– Менга хотин керакмас! Керак бўлса ана, ўша Хасаннингизни ўйлантираверинг! – деди у ўшқириб ва қўлини бир силтаб боши оққан томонга қараб “ўпкасини қўлтиқлаб” кета бошлади.

– Хой қаёққа?! Тўхта, дедим! Ҳе муаммо туғдирган сени ўша!... – дея қичқирди ота ҳам янада асабийлашиб унинг ўртоқларига қарата ўшқирди:

– Бирортанг шу галварсга ақл бўлолмадингми?! Боринглар, уни тез изига қайтаринглар!

Икки йигит куёв томон чопиб кетишди. Ота бироз ўйланиб турдида, ўзининг қарорини эълон қилди:

– Ҳеч қанақанги ЗАГС бўлмайди. Уни тўйдан кейин ҳам ўтказаверамиз. Уч-тўрт киши юк машинасида борамиз-да, келинни кўч-кўлони билан юклаб келаверамиз. Кейин уларни шу ерда никоҳлаймиз. Кечки базмга келин-куёв шу ердан чиқаверишади. Гап тамом!

* * *

Эҳтимол тақдир ўйини Муштарийни шу ҳолда ҳам чалғитгандир. Агар ўшанда куёв жўралар уни ЗАГС маросимига олиб кетгани келишганида эди, ким билади, балки қиз Хусанни таниб қолиб тўйни таққа тўхтатган бўлармиди. Аксинча, келин куёвни кундузи машиналарни ясаиб келмаганини ва бўлғуси қайнотаси бир-икки йигитлар билан куёвсиз бир юк машинасида келишганини хотиржамлик ила қарши олди. Чунки бу ҳол келинчакнинг назарида куёв бўлмиш Хасан акаси чиққан самолётнинг гўё кечикаётганидан эди. Шокарим аканинг “ЗАГСни тўйдан кейин қилаверамиз” дейишини ҳам у бепарво қабул қилди. “Нима бўлса ҳам энг муҳими” ўз севганимга етишяпманку, расмий ишлар кейин ҳам бўлаверади” – деб қўйди у ўзича.

Шундай қилиб келиннинг ўзи янгалари, бир неча дугоналари билан юк машинасига ортилган янги, юмшоқ кўрпалар устига ўтириб, миллий кийимлар ва бошига оқ рўмол солиб, тоғу тошлараро доирани варанг қўйиб, “Ёр-ёр” айтиб ўнқир-чўнқирларда тебрана-тебрана тошбақа юриш қилиб тоғдан “ўрмалаб” тушиб келавердилар.

Мана ўша унутилмас оҳанглар:

Тоғдан тушган арчани,

Саккиз денглар, ёр-ёр,

Саккиз қизнинг сардори

Келди денглар, ёр-ёр.

Мусобақа шартига,

Келишган қиз, ёр-ёр.

Баҳс бойлашиб ўйинда,

Севишган қиз, ёр-ёр.

Куёв-қайлиқ Ватанни

Она билсин, ёр-ёр.

Фарзандлари халқ учун

Хизмат қилсин, ёр-ёр

Дарёларнинг бўйларига,

Экдим райҳон, ёр-ёр.

Суйганига теккан қизга,

Йўқдир армон, ёр-ёр.

* * *

Тўйга Муштарийнинг маданиятлик синфдошлари, спортчи мусобақадорлар, қолаверса, ғовалик аламзада Тўлқинбек ҳам келди. У тўйхонага киришдан аввал қишлоқ дўконига кириб бир шиша ароқни сотиб олдида, уни шарт кўтарди. Умрида ичмагани учун гангий бошлади. Сўнгра тўй базмига бор овозда қийқириб кириб келди-да, “Муножотга” ҳам, “Андижонча”га ҳам, “сўнгги ахборотга” ҳам мириқиб рақсга тушаверди. Сурлик қилиб, ўртани бўшатмади. Унинг хурматини жойига қўйиб бир-икки бор давра столига ўтказиб иззат-икром кўрсатдилар. Аммо табрик сўзлари айтилиб мусиқа бошланиши ҳамано ароқдан ичиб ҳадеб ўйнайвериши, меҳмонларнинг иззат нафсига тегди. Бечора ўртакаш куёв жўралардан “Анави нухани олиб чиқиб кетинглар, илтимос” деб айтиб кетди.

Меҳмонни яхши танишарди. Чунки у спортчи, бокс бўйича республика чемпионни ва Ғова спорт жамоасининг сардори эди. Уни ҳеч ким илгари бундай ҳолатда кўрмаганди. Шу туфайли, тўғриси, унинг олдига бориб “дўқ-пўписа” қилишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Ниҳоят қишлоқ оксоқоли бир барзанги киши билан келишиб “Азиз меҳмон”ни меҳмонхонага “лутфан таклиф” қилдилар. Уларнинг мақсади уни яна ичириб ўша ерда ухлаб қолишига эришиш эди. Ширакайф Тўлқинбек “йўқ” демади. Зиёфатдан тўйгунича еб, ичди. Зиммаларига бундай масъулиятли вазифа юклатилган бир неча узоқ-яқиндан келган меҳмонлар у билан анча маҳалгача “чақ-чақлашиб, лақиллашиб” ўтиришга мажбур бўлишди. Сўнгра ўзлари ҳам маст бўлиб Тўлқинбекни деярли назоратларидан чиқариб қўйишди.

Келинчак Муштарий бўлса бу маҳалда гўё бир олам орзулар ҳаёлотида сокин парвоз қиларди. “Тавба, никоҳ пайтида “Хасанбой” дейиш ўрнига домла “Хусанбой Шокарим ўғли” деб юборди-я. Хасанакам бўлса “Янглишдингиз, отажон мен Хусан эмас, акаси Хасан бўламан” деб эътироз билдириб ҳам қўймадилар” деди келинчак ёнида ўтирган севиклисидан ўзича ўпкалаб. Сўнгра аста нигоҳини томон қаратди. Унинг назарида Хасан ориқлаб, янада қорайиб кетгандай кўринди. “Бечора, Хасанакам оилам деб, пул топаман деб анчагина ўзларини олдириб қўйган кўринади. Иши оғир шекилли. Россияга борганлар

одатда оқариб келишарди. Бу киши бўлса...” деган ўйларни хаёлидан ўтказаркан тўсатдан ёнидаги Марҳабо исмли дугонаси уни туртиб қўйди.

– Хой, намунча анграясан. Куёвингни жамолига тўйдан кейин ҳали хоҳлаганча тикилаверасан. Ол, манави овқатдан, ширинликлардан еб ол, чойдан ич. Куёвга ҳам айт, олишиб ўтирсин. Олинг ака, олишиб ўтиринг! – деди у Ҳусанга. Ҳусан “Хўп” дегандай бўлдида яна тўй томошасига махлиё бўлиб ўтираверди.

Муштарий индамади. Қаттиқ хаяжон босганидан, ҳозир томоғидан ҳеч нима ўтмасди. Иккинчидан узоқ соғиниб кутган Хасан акасини унга бир оғиз ҳам гапирмаётганидан ўзича хафа эди. “Тавба, мундоқ гаплашгилариям келмайди. Анча ўзгариб қолибдилар”, – деб қўйди у ўзича ва дугонасининг қўлидан пиёлани олиб оқ парда остида чойдан бир қултум ичган бўлди.

– Энди манави чойни куёвингга узат, – деди Марҳабо иккинчи пиёлани узатиб.

Муштарий пиёлани олди ва Ҳусанни охиста туртди, “Ака, олинг” деди аммо қаттиқ хижолат бўлиб, бахт ва иқболидан сармаст ҳолда “Хасан акаси”дан уялиб кўзларига негадир тик қарай олмади.

– Чойдан ичинг, – дея олди у яна ерга қараб.

Ҳусан чойни ола туриб келинчакка бир нигоҳ ташлади ва хаёлан “Наҳотки бу ўша спортсменка қиз бўлса. Буни қандай жиловлай бўларкин? Ишқилиб у билан яшай олармикинман-а? Жилла қолса уни ташлаб Хасаннинг ёнига жўнайман” – деб қўйди у ландовур хаёлан.

Бошидаги ҳарир шох рўмолида давранинг гули бўлиб ўтирган келинчак кейин миқ этмади.

Ниҳоят тўй шодиёнаси авж паллага чиққани маҳал давракаш Россиядан келган азиз меҳмон ҳақида тантанавор равишда эълон қилди. Хасан келибоқ ичкарида ўтирган бемор онаси, тўйхонада бош-қош бўлаётган отаси ва сингиллари билан бир-бир кўришиб чиқди. Уни кўриб қолган куёв жўралардан бири “Хусан учун хурсандчилик – сюрприз” бўлдида деган ўйда бу ҳақида давракашнинг қулоғига тезлик билан шипшитди. Давракаш бўлса машоқчиларга “ҳозир энг яхши тушум бўлади, зўридан айтасизлар” деб тайинлаб қўйди.

Ўртакаш олифта кийими билан ажралиб турган Хасанни узоқдан таниб олди-да, то у таниш-билиш ўртоқлари билан қўл олишиб даврага келгунига қадар тантанавор равишда, бетўхтов шеър қасидалардан айтиб турди. Созандалар созининг оҳанги азиз меҳмоннинг чиқишига интизор ҳолда эринмай тинғирлаб жўр туришди.

– Марҳамат азиз меҳмон! Давра сизга мунтазир! – деди ўртакаш яхши бир ғазалга яқун ясаб, – сиз узоқ ўлкаларни кезиб, гўзал ва обод юртимизни, ҳамқишлоқларингизни жуда ҳам соғиниб келганингизни яхши биламиз! Қолаверса, даврамизнинг гули бўлиб ўтирган, янги оила пойдеворини қураётган мана бу икки севишган ёшлар сизнинг дил сўзларингизни сабрсизлик билан кутишмоқда. Марҳамат, бир йўла икки оғиз табрик сўзларингиз билан келин ва куёвнинг дилларини хушнуд айлангиз! – деди давракаш ва микрофонни Хасанга беихтиёр тутқазиб қўйди.

Хасан унинг қўлини қайтара олмади ва бир йўла укаси Хусанни, қолаверса ҳали исмини билиб улгурмаган нотаниш келинболани табриклашга, сўнгра бориб улар билан қўл олиб кўришишга жазм қилди. Давракаш бўлса, созандаларга қарата “ҳалиги гап” дегандек маъноли имо қилиб қўйди. Меҳмонхонада ранги кесакдай оқариб мудраб ўтирган Тўлқинбек Хасаннинг овозини таниб, бошини кўтариб хушёр тортди. “Келибди-да, номард! Мен у билан ҳисоб-китоб қилиб олишим керак. Бўлмаса алаимдан ёрилиб ўламан”, – деди ва ўрнидан аранг туриб, чайқалиб чиқиб кетди. Уйнинг бир бурчагида “Мен сенга айтсам” деб ўтирган икки улфат эса унга эътибор ҳам беришмади.

Ширин орзулар ҳаёлотига берилган келинчак бўлса тўсатдан Хасаннинг табриклаётганига кўзи тушиб бир давра ўртасидаги Хасанга, бир ёнидаги куёвтўрага тикилиб нима гаплигини англай олмай эси оға бошлади...

– Ҳурматли юртдошлар! Азиз меҳмонлар! Аввало хонадонимизга хуш келибсизлар! – деди Хасан самимий, – Қадрдон укам Хусанбой! Келинпошша!... Мен сизларни ҳаётларингиздаги энг гўзал, унутилмас кун бўлган, бугунги муқаддас никоҳ тўйларинг билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Укажон, аслида бизнинг тўйимиз бир пайтда, бирга бўлиши керак эди. Буни қара, тақдири насиб эканда, сенинг тулпоринг илдамрок чопиб кетди. Лекин сени кўриб ҳозир ўз тўйимни кўргандай бўляпман. Худо хоҳласа, хонадонимизда ҳали тўйлар кўп бўлади. “Яхши от секин чопади” дейишадику... Бахтимизга ота-онамиз соғ-омон бўлишсин, умрлари узоқ бўлсин! Сизлар ҳам бахтли-тахтли бўлинглар! Келинпошша узр, ҳали исмингизни билмайман, сиз ҳамиша укамнинг сеvimли ёри, ота-онамнинг суюкли қизи бўлинг! Эътиборларингиз учун раҳмат! – деди Хасан ва тўғри бориб укаси билан кучоқлашиб кўришди. Унинг белидан маҳкам қисиб “Омадингни берсин, ука, бахтли бўл!” – деб кўтариб-кўтариб ҳам қўйди. Хусан ҳам жавобан “Раҳмат ака, сизнинг тўйингизниям кўриш насиб қилсин!” – деб пичирлади.

Ака-укаларнинг бундай “самимий ҳаракат”ларидан эси оғаёзган Муштарий гўё “ҳазилнинг чўзилиб кетаётганига” йўйди ва эс-хушини йиғиб олиб бу томошани тезроқ бартараф этишга ўзича уриниб кўрмоқчи бўлди.

– Ҳой йигитлар! Етар энди, жойларингни билиб ўтиринглар, – деди у секин алам билан.

Назарида овозини гўё бутун тўйхонадагилар эшитиб қолиб ярқ этиб унга қарайдигандек туюлди. Бироқ бу гапни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. Бир ёқда машшоқчилар Россиядан келган “Азиз меҳмон ўз сўзининг исботини тасдиқлатиб олишига” имкон бериш мақсадида рақсбоп шўх мусиқалардан бирини варанглатиб чалиб юборишди. Шу туфайли эси оғаёзган Муштарийнинг бир оғиз аламли гапи ҳам тўр парда ортида “димланиб” қолиб кетди.

Давракаш Хасанни ўртага ундаганида “Хозир-хозир” деб қўйди ва у келинчакка томон юзланди. Киссасидан бир қутича чиқариб уни очиб кўрсатди. Тилла занжир экан. Занжир кўзни қамаштириб ялт-юлт қилди.

– Келинпошша, сизни табриклайман! Бахтли бўлинглар! Арзимаса ҳам манави совғамни олиб қўйсангиз, – деди Хасан кулиб тўр парда ортида хайрат ичида ёниб турган кўзларга нигоҳини қаради. Кўзлар тўқнашди...

Бу маҳалда “Андижонча” кўшиғи авж олган ва ҳеч ким лутфан таклиф қилмаса-да, ўртага чиқиб, пишмаган ғиштдай гезариб, Тўлқинбек “Нозик хиромини” бошлаган эди. Унинг рақси кўпроқ боксчилар машқига ҳам ўхшаб кетарди.

Келин “ҳа” деганда қўлини кўтариб совғани олавермади. Чунки у қалбан “Хасанга, нималар қилаяпсиз, ўзи?!” дея хайқирмоқда эди. Шу лаҳзада Хасан ҳам нима деярини билолмай тили лол бўлиб қолганди. “Хиром айлаб” етиб келган ширакайф Тўлқинбек шу оний лаҳзаларнинг ҳам гувоҳи бўлди.

“Наҳотки бу Муштарий бўлса... Йўғ-е, кўзларимга ишонмайман. Чехралари жудаям ўхшар экан. Эҳтимол унинг бирор яқин қариндошидир” деган ўй билан тилла занжирни узатиб турган Хасаннинг фикрини тўсатдан Ҳусан бузиб юборди. У келинга қараб ўшқирди:

– Ҳой қиз?! Сенга акам ахир совға узатяптику, нега олмаяпсан?!, – деди у ўзини кўрсатиб.

Беўхшов рақс қилаётган Тўлқинбек, кутилмаганда хохолаб кулиб юборди. Келин бир чўчиб тушди ва воқеани чигаллаштирмаслик учун қутичани тез қўлига олиб қўяқолди.

Хасаннинг миясига ток ургандек туюлди, “Нима?! Нахотки бу Муштарий бўлса... Бу бўлиши мумкин эмас”, дея довдираб турган йигитни ғовалик ошнаси хиралик билан судрагудек даражада давра ўртасига олиб чиқиб кетди ва уни гўё кураш тушмоқчидек маҳкам қучоқлаб олди. Билмаганлар бу ҳолатни узоқ кўришмаган икки дўстнинг самимий учрашуви дейиши, табиий эди. Тўлқинбек Хасаннинг қулоғига охиста шивирлади. Данғур-дунғир бўлаётган бўлса-да, бу гапларни Хасан яққол эшитди. Овоз ўта кесатикли ва аламли эди:

– Биласанми Хасан, сен кимсан? Ахмоқсан!... Сен мени лақиллатдинг. Ўшанда Муштарийни сен ўзинг яхши кўрасан деб ўйлаб мен галварс йўл берибман. Сен бўлса, ҳаммасини уканг учун қилаётган экансан ифлос. Шунинг учун мен сени асло кечирмайман, ҳозир тўйни бузаман. Сени абжағингни чиқараман, номард, ифлос!

– Т-тўхта, ошна! Бир четга ўтиб гаплашайлик, илтимос, – деди Хасан ҳолатни тез ўзига таҳлил қилиб. Чунки уни тўхтатмаса ҳозир уни дўппослаб қолиши ва кўпчиликнинг олдида шарманда қилиши яққол сезилиб турарди.

– Бўпти, битта шарт билан. Ҳозир бирга ракс тушамиз. Тушмайдиган бўлсанг, ўзингдан кўр. Сениям, укангниям уриб дабдала қиламасам, одаммасман. Хўш розимисан? – деди у бақувват муштини рақибига кўз-кўз қилиб.

– Бўпти, ахмоқлик қилма. Одамлар қараб туришибди...

Тўлқинбек қўлларини ракс учун шайлантириб созандаларга қарата “Дилхирож”ни чал!!” – дея қичқирди.

“Дилхирож” янгради. Давра ўртасида икки аламзада йигит “нозик” хиром айлай бошлашди. Ўртакаш тез келиб ҳар иккисига Чустнинг чуқур дўписидан кийдириб кетди ва пул ҳам кистириб қўйди. Пуллар бетўхтов кистирила бошланди. Ора-орада Тўлқинбек “Вой-дод!” деб бир овозда бақириб юборар, томошабинлар эса, бу ҳолни завқланиб, қарсак билан кузатишарди. Даврадаги ракс гўё икки сардор йигитларнинг навбатдаги спорт мусобақасига ўхшаб кетмоқда эди. Албатта Тўлқинбекнинг бу гал “ғолиб” келиши яққол кўриниб турарди. Чунки Хасан қўлларини ноиложликдан ихтиёрсиз кўтарар, ўзи ўйнард-ю, кўнгли йиғларди, “Нималар бўлаяпти ўзи? Нахотки бу ўша Муштарий?... Ахир қандай қилиб? Бўлиши мумкин эмас...” – дея ўз-ўзига тинмай савол берарди у.

– Ҳой ошна, сен ҳам менга пул кистирмайсанми? Российскийсидан йўқми-а?! – дея сўради даврадаги ҳамроҳи баланд овоз билан.

Хасан киссасини ковлаштирганди, кўлига бир мунча қоғоз пуллар илашди. Уларга қарамай ҳам тўғри шеригига қистирмоқчи бўлди. Аммо кутилмаганда Тўлқинбек пулларни олдида, “Пулингни пишириб е” – дегандек унинг юзига сочди. Унинг мақсади қандай бўлмасин уруш чиқариш ва Хасаннинг таъзирини бериб қўйиш эди.

– Ошна юр, бу ердан кетайлик, – деди Хасан уни судраб.

– Йўқ. Бугун биз сен билан то тонггача ўйнаймиз, билдинг, – деди аламзада шериги ва алам билан хо–холаб кулиб юборди.

– Юр энди. Сен ахир меҳмонимсан, Россия ароғидан олиб келганман. Сени бир меҳмон қилмоқчиман, кетдик, юр.

– Бўпти, ичамизми? – сўради Тўлқинбек боши айланиб – деди Хасан ялинганнамо.

– Ичамиз!

– Фақат бир шарт билан.

– Қанақа шарт?

– Кейин ташқарига, кенг майдонга бориб тўйгунимизча муштлашамиз! – деди рақибни бош бармоқни “Сенга кўрсатиб қўяман” деган маънода.

– Бўпти, ичкарида гаплашайлик.

– Йўқ. Агар шартимга кўнмасанг, шу ерда, ҳозир муштлашамиз! – деди қайсарлик билан Тўлқинбек.

– Хўп, деяпманку!...

– Қўлни бер. Кейин стадионга борамиз, ёлғиз иккимиз, “один на один” келишдикми? Лекин айтиб қўяй бировни бу ишга аралаштирмайсан. – сўради Тўлқинбек қўлини узатиб.

– Хўп дедимку, келишдик!

Икки дўст даврандан кўлларини кўксига қўйган ҳолда илиқ табассум билан ўзларини кўлга олган ҳолда чиқиб кетишди. Уларни самимий қарсак ва олқишлар билан кузатиб қолишди. Давракаш чоғиб бориб уларнинг бошида қистирилган пул ва дўппиларни олиб қўйди. Тўй яна давом этди. Аммо бу пайтда қулоқни қоматга келтираётган овоз хушини йўқотаётган Муштарийнинг юрагига найза мисоли санчилар, қулоғи остида нохуш шовқин бетўхтов чийилларди. Шу туфайли “Дод!” деб қичқариб юборишдан ўзини аранг тўхтатиб турар, ўртада рақс тушаётганлар бўлса, унинг кўзига шайтонлар каби кўрина бошлаганди. Хаёлида гўё уни ҳозир дошқозонга солиб, тагидан олов ёқиб қўйишгану, у дод солар, шайтонлар уни эшитмас, хурсанд бўлиб рақс тушишмоқда эди... Шу маҳал куёв уни бир туртди.

– Ҳой, сенга айтяпман, тур ўрнингдан!

Қиз бир чўчиб тушди. Шокарим ака келин ва куёвни қизгин табриклади-да, аввал ўғли, сўнгра келинининг совуқ пешонасидан ўпди. Қиз эса гаранг бўлиб ҳеч нима фарқлай олмай беҳол бўлиб қолганди. Тўй гўё уни тушида содир бўлаётгандек туюларди. Бир пайт кўшиқ ўйин таққа тўхтади. Ҳамма “ғувв” этиб қаёққадир қарашди. Йигитлар тез ўша томонга чопа бошлади. Қандайдир ноҳуш воқуа содир бўлган шекилли... Қиз бошини ортидаги гиламга қўйди-да, ўзидан кетиб ўтириб қолди. Улар юмшоқ курсида ўтиришаргани туфайли у йиқилиб тушмади. У шундай гўзал кўринардики, гўё парда ортидаги уйқудаги маликага ўхшаб кетарди.

Кўп ўтмай куёв олдидаги жўралар ҳали ўйнашга улгурмай армонда қолган қизу-жувонлар ҳам кўзлари олазарак, қаёққадир шошилиб кета бошлашди. “Ғовалик йигит Хасан акамни ураяпти!” – деди қичқириб, бир йигит. Хусан бўлса кимгадир қарата бақирар, лекин унинг овозини ҳеч ким эшитмаётганди. У алам билан ёнидаги келинчакка қаради, лекин у ҳам бепарво “ухламоқда” эди. Дардини кимга тўкиб солишни билолмаган куёв, ором олаётган келинни эл қатори тарк этмоқчи бўлди. Аммо амакиси Нодир ака уни маҳкам тутиб қолди.

– Ҳой, сен қаёққа?!

– Мен ҳам борай, ахир акамни уришаётганмишқу!

– Ҳеч қаёққа бормайсан! Хотинингни қара, ухлаб қолибди, бечора чарчаганда. Уни кўтариб олиб, жойига олиб кир! Тўй томом! Сизлар энди ҳеч қаёққа чиқмайсизлар! Чиллаликсизлар, тушундингми?

– Ахир...

– Хотиржам бўл милицияга хабар берилди. Уришаётганларни ўзлари тинчителиради. Сенинг вазифанг бошқа – келиннинг кўнглини олиш, тушундингми?

Хусан елкасини қисиб “Ҳа, тушундим”, – деб қўйди.

– Ол, бўлмасам келинни кўтар... Ҳой, янгалар! Гўшанга тайёрми?!... – дея қичқирди Нодир ака ва ўзича ғудраниб сўкиниб қўйди – Мен акамга неча марта айтдим-а, ичкиликни кўп қўймайлик, деб. Мана оқибати...

Хусан келинни шарт кўтариб олди-да, ясатиқлик чимилдиқли уй томон йўналди. Ортидан унинг янгаларидан бири эргашишди. Биров “Бечора тоғдан келгунича чарчаганда” деса, бошқаси “Тавба, одам ўзининг тўйида ҳам ухлаб қоларканда-а” деб шериги томон пичирлаб, қиқирлаб қулишмоқда эди.

– Кўяверинлар, ухлайверсин. Бошқа урф-одатларимизни эртага салом билан ўтказаверамиз, – деди Хусаннинг холаси Муниса опа.

– Ҳой, қўшилишса бўлаверар-а? – сўради бир шаддод қўшни аёл хихилаб кулиб.

– Вой, бемалол. Бу ёғига илоҳим куёв болага қувват берсин, – деди хола куёвга атайин эшиттириб. Аёллар қийкириб кулишди.

– Ҳой, жиминглар, келин уйғониб кетмасин, – деди Муниса опа шивирлаганнамо.

Хусан келинни кўтариб оқ поёндоз ёзилган гўшанга узра ўтаркан аёллар “Илоҳим, кўчқордек фарзандлар дунёга келтиришсин, бахтли-тахтли бўлишсин” – дея юзларига фотиҳа тортишди. Фақат улар кириб кетгачгина танга ва қандларни сочишди. Ёш болалар дувв этиб уларни тера бошлашди. Шу маҳал “лоп” этиб чироқ ҳам ўчди. Туман бўйича ўчганмиш...

* * *

Тўлқинбекни даврандан кетишга аранг кўндирган Хасан уни бир четдаги алоҳида дастурхон томон етаклаб бораркан бутун фикри-хаёли хозир Муштариёда эди. “Қизик улар қачон топишиб улгуришди? Оббо, Хусан писмиғей... Мен бўлса қишнинг совуғи-ю, ёзнинг ботқоқ, чивин босган шимол ўрмонларида энамни кўриб меҳнат қилиб, емай-ичмай топган маошимнию, олган қарзимни наҳотки ўз бахтимни йўқотиш учун жўнатган бўлсам. Қандай беъманилик бу?... Тўлқинбек бўлса менга мардлик қилиб йўл берган экан. Шунинг учун у аламзада, муштлашишга тўла ҳаққи бор уни... Ҳамма айб ўзимда бўлса керак, отамдан бир оғиз келин ҳақида сўраб суриштиришим, ҳеч бўлмаса тўйдан бир-икки кун аввал этиб келишим керак эди. Ўзимча мақтаниб, укамга “Сюрприз” қилмоқчи бўлибман-а... Энди нима қиламан? Дардимни кимга айтаман? Бу қилмишим учун ҳар қанча мушт есам ҳам кам... ”.

Икки рақиб дастурхонга ўтиришлари ҳамоно хизмат қилаётган дастурхончи ака қўлини дуога очиб “Омин, икки ёш бахтли бўлсин! Хуш келибсизлар”, – деб нон синдирди. Йигитлар фотиҳа қилишни ҳам, қилмасликни ҳам билмай қўлларини очганча қотиб қолишди.

– Қани нонга қаранг, Тўлқинбек, – деди Хасан дуога очган қўли билан ишора қилиб.

– Қани бисмиллоҳ..., – деди Тўлқинбек нон бўлагини олариб беўхшов чайнарган Хасанга “Ҳали сен мендан кўрасан” дегандек олайиб, қараб қўйди.

Хасан чаққонлик билан чойдан қуйиб узатди. Аммо Тўлқинбек уни олгиси келмади.

– Нима куядиган бошқа нарсанг йўқми?

– Аввал бироз тамади қилиб олайлик, жўра. Мен узоқ йўл босиб келдим ахир.

– Овқатингни пишириб е!

– Ҳой, ҳазиллашма ўртоқ, – деди Хасан сохта кулиб ва арокни очиб пиёлаларга куйди.

– Тўлдириб куй!

Хасан шеригининг қадаҳини тўлдириб, ўзига озроқ куйди.

– Бу нима қилганинг? – сўради қилдан қийиқ қидираётган улфати.

– Мен умуман ичмайман, сенинг ҳурматинг учун...

– Нима?! Ичасан, ичмай ҳам кўрчи...

Хасан ўзини анча бепарво тутар, барибир бу шишадоши билан муштлашиши аниқ эканига тобора ақли етиб бормоқда эди. Туриб кетай деса яна бўлмайди. Уларнинг ўртасида бўлаётган можаронинг сабабини ҳар иккисидан бошқа ҳеч ким билмасди. Тўсатдан Тўлқинбек шошилмай Хасаннинг ёқасидан олиб, ғижимлаб, уни ўзи томон охиста тортди.

– Ҳой, мен билан бошқа пачакалашма. Ҳаётимни расво қилдинг. Истасам ҳозирок тўйни бузаман, тушундингми? – деди у шеригини ўзига қаттиқроқ тортиб.

Кўйлакнинг бир тугмаси “чирт” узилиб тушди. Яхшики, овқатни келтириб қолишди.

– Яхши ўтирибсизларми? Ие, нима қияпсизлар?

– Ҳеч нима. Раҳмат, кўяверинг, – деди Тўлқинбек, Хасанни қўйиб юбориб, – Қани ўша гаплар учун олдик, ошна – деб сохта кулиб кўйди.

– Тинчликми? Бирор муаммо йўқми, ишқилиб? – сўради хизматдаги йигит Хасандан.

– Ҳеч гап йўқ. Ўртоғим билан анчадан буён кўришмагандик.

– Хўп, овқатдан олинглар бўлмаса совутмай, – деди у негадир хавотирли қараб.

Тўлқинбек пиёладагини сипқордида, Хасанга қаради.

– Ҳа, нега ичмаяпсан?

– Овқатни ейлик, кейин...

– Кейин мен сенга онангни кўрсатаманми? Ол ич!

– Ҳой, онамни тинч қўй... Муштлашмоқчимисан, ўзи? – Тўсатдан Хасаннинг жаҳли чиқиб кетди.

– Ҳа, кетдик!

– Қаёққа?

– Айтган жойингга.

Хасан ширакайф шериги билан тўйхонада муштлашиб кетмаганидан ҳар ҳолда хотиржам бўлди. “Бориб бўлган гапларни ётиғи билан тушунтираман. У тушунадиган йигит. У ҳам Муштарийни қаттиқ севаркан. Алам қиляпти”, – деди хаёлан ва мусобақалар пайтидаги Муштарий билан Тўлқинбекнинг муносабатларини бир-бир кўз олдига келтирди. “Энди нима қилсам экан? Манави беъмани, поёнсиз суҳбатимизга чек қўйиб, Муштарий билан бир гаплашиб олсам бўларди. Эҳтимол, у ўз эмин-ихтиёри билан тегмаётгандир... Хусан уни мажбур қилган бўлсачи?... Э, йўғе, нималар деяпман? Бу ландовурнинг қўлидан бунақа иш келмайди”.

У шериги билан базм майдонини кесиб ўтиб бораркан келин-куёв томон бир бор нигоҳини ташлаб қўйди. Хаёлидан кутилмаган ўйлар ўтаверди. “Нима бўлса ҳам Муштарий билан ҳозирок, шу бугуноқ гаплашишим керак! Эртага кеч бўлади, кеч!” – деди у катъий. Бу ҳақида ҳамроҳига бафуржа тушунтириб тезроқ ундан кутилмоқ чорасини излай бошлади.

Улар кўчага чиқиб хилватроқ жойга ўтиб бордилар. Тўлқинбекнинг одими аскарча – тез ва шахдам эди.

– Тўхта Тўлқин, гаплашиб олайлик, илтимос.

Аммо ёниб турган Тўлқинбек бу пайтда учун бир гап кам, иккита гап ортиқ эди. У кутилмаганда хужумга ўтди. Хасаннинг башарасига “Мана сенга гаплашиш” деб шундай бир зарб туширдик, Хасаннинг кўзидан олов чакнаб кетди. Уни тушунишни истамаётган Хасаннинг ҳам жаҳли чиқди. “Сен билан яхшиликча гаплашиб олайлик, деяпман!” – дея қичқирди у. Бироқ Тўлқинбек бу гапга ҳам яхшигина мушт билан жавоб қайтарди. “Мана сенга! Номард, ифлос!” дея қичқирди у.

Кўчада улфатчилик қилиб, чекиб турган бир неча йигитлар муштлашиш бўлаётганини пайқаб қолишди ва шу ёққа чопиб келиб уларни ажратиш пайига тушдилар. Лекин жаҳли жумбушга келган Тўлқинбек уларни ҳам бир-бир уриб ташлай бошлади.

“Уларга тегма, номард!” – дея қичқирди Хасан ва у ҳам химояни бас қилиб ростакамига ҳужумга ўтди. Калтак еган йигитлардан бири тўйхона томон чопиб кетди... Бир зумда теваарак-атроф бепул томошага келганлар билан тўла бошлади. Ажратиб қўймоқчи бўлганлар ҳам муштдан бебаҳра қолишмаётганлиги учун энди аралашмай қўйишди. Баъзилар кўчадаги жангни икки сардорнинг қоронғудаги беллашуви деб қабул қилган бўлишса, баъзилар “ғоваликлар билан ариқбўйиликлар уришишяпти” деган шов-шув гап тарқатишди.

Кўп ўтмай милиция машинаси етиб келди ва икки безорининг кўлларни қайириб олиб кетишди. Қишлоқда шу топда умумий чироқ ҳам ўчиб қолди. Тўй тугади. Гўшангага ҳам жажжигина шам ёқиб қўйишди...

* * *

Урушқоқ икки ошналарни алоҳида қоронғу камераларга қамаб қўйишди.

– Бизни қўйиб юборинглар. Ахир бугун укамнинг тўйку! – деди қичқириб Хасан чаккасидан оққаётган қонни артиб оларкан.

– Бекорларни айтибсан! Қайси аҳмоқ ўз уйидаги тўйни бузаркан? Жим бўл, эрталаб гаплашамиз. Ҳе ароқхўр... – деди, милиционерлардан бири уни юзига электр фонарни тутиб. Сўнгра темир эшикни шарақлаб қулфлаб нари кетди.

Хасан бақириб эшикни батарроқ тарақлатаверди. Аммо унинг овозлари бесамар қолаверди.

– Ҳой, мен ароқ ичмаганман очинглар! Мени қўйворинглар! Тушунинглар ахир бугун севган қизим эрга тегяпти! – дея Хасан бошини эшикка уриб йиғлай бошлади. Аммо унинг изтиробли овозини ҳеч ким эшитишни хохламади. Чунки ҳар ҳолда аламидан чиқиб ҳовурини босиб олган нариги камерадаги Тўлқинбек бу маҳалда тинмай хохолаб куларди. “Бу кунингдан баттар бўл” – дер эди у ора-орада.

У кула-кула ётиб ухлаб қолди ва энди заҳ ва қоронғу ертўлани хурракнинг “жозибали” овози тутиб кетди. Аммо Хасан тор камерада то тонга қадар у ёқдан бу ёққа бетоқат бўлиб юриб чикди... Гўшангада юз бериши мумкин бўлган хунук ҳолатни кўз олдига келтириб “Дод!” деб бақирди, бетон полни муштлади. Муштлайверди, муштлайверди, қўллари моматалоқ бўлиб, шишиб кетди.

* * *

Гўё Хасаннинг чорасиз, сўнгги ҳайқирғини Муштарий ҳис қилгандек бир чўчиб уйғонди. Аввалига қаерда, ким билан эканини англай олмайди? Хавотир аланглади. Шам охиригача ёниб, тугай-тугай липилларди. Ғира-ширада деворга илиб қўйилган сепларга кўзи тушди ва шундагина бугун тўйи бўлиб ўтгани ёдига тушди. Лекин тўй қачон тугади, бу ерга қачон кириб ётди, эслай олмади. Ёнида пишиллаб ухлаб ётган куёв тўрага қарадида, “Хасан акам” деб қўйди. Қотиб ухлаётган йигитнинг юзига қараб кўнгли хотиржам тортди ва ширин орзуларга берилди...

– Ҳа, ўзинга келдингми? – сўради бир пайт куёв эришган уйқисираб.

Муштарий ғалати бўлиб кетди “Хасан акам мени сенсирамас эдику, кизик, ўзига яқин олаяпти шекиллида...” – деб қўйди у ўзича,

– Хасан ака? – деди паришон ўйларга берилган қиз.

– Ҳа, нима дейсан? – деди Хусан тишини ғижирлатиб.

– Терагистонга қачон борамиз?

– У ерда пишириб қўйибдимиз, ухла, Тарагистомиша, тентакми, бу қиз?...

– Нима, эсингиздан чиқдимиз, Хасан ака?

– Э... Нега ҳадеб Хасан-Хасан деяверасан, жонга тегдингку.

– Ахир энди эримсизда, нима бўпти? – нозланиб сўради Муштарий.

– Биринчидан, мен Хасанмас, Хусанман! Иккинчидан, уйқимни расво қилма.

Ухламасанг бор, иссиқ сув қил, чой дамла, кўчани супур. Мени бошқа безовта қилма. Чарчаганман, билдингми? – деб оғзини варанг очиб ёпдида, куёв тўра ўраниб терс қараб ётиб олди. “Совуқку” дегандай бир жунжикиб ҳам қўйди.

“Нима, Хусан дедими? Бу нима дегани?” – деди қиз хаёлига яшин тезликда келган ўйдан бир чўчиб, ирғиб ўрнидан туриб ўтирди. Сўнгра кўрқа-писа йигитни аста туртди.

– Ҳой, хазиллашманг, ей.

– Уф-ф... – деди куёв ва “Бор” дегандек кўрпага янада бурканиб ўраниб олди.

Келинчак бир оз тугаб-тугаб бораётган шамга нажот тўла нигоҳи билан термулди. Юраги хавотирликдан тез-тез ура бошлади. Унинг орзу-умидлари, бахти худди ана шу шам мисол сўнгги “нафас олаётган” нини англаб кўрқиб кетди. Шу маҳал лоп этиб электр чироғи ёнди. Муштарий бир сесканиб тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб кўрпани очди, аммо оқ чойшабдаги кип-қизил қон доғларига кўзи тушиб тўсатдан каттиқ чинқириб юборди. У шундай чинқирдики, гўё оёғига илон ўралашиб олгандай ўта изтиробли бўлиб, бу ҳол нарироқдаги уйда хотиржам ётган бетоб қайнонанинг ҳам кўзини очиб юборди.

Рукия опа ўғлига ўз орзусидаги келинни олиб берганидан ва тўй осойишта ўтканидан хотиржам ётарди. Чунки қишлоқдаги жуда кўп тўйларнинг жанжал билан яқун топиши ҳақида кўп эшитганди. Ҳеч ким Хасан ҳақидаги нохуш гапни ҳали унинг қулоғига етказмаганди.

“Келин бечора, нимага кичқирди экан-а? Бирор сичқон ё каламушни кўриб қолдимикан-а? Мен дадасига юз марта айтдим-а, сичқон дори опкелинг” деб. Сўнгра у ёнида каттиқ ухлаётган қизини уйғотди.

– Ҳой, Гулчирой, Гулчирою. Келиндан бир хабар олчи, янгаларидан сўрачи, келин бир нимадан кўркиб кетди, шекилли.

Гулчирой уйқусираб ўрнидан турди. У гўшангали уйга етиб келганида янгалар ҳам уйғонган, Хусан ўрнидан гезариб туриб олган, Муштарий бўлса тентакнамо бўлиб ўзини у ёқдан бу ёққа уриб, бакириб ташламоқда эди. Ниҳоят у гўшангадан қочиб ташқарига отилди ва бошини қаёққа уришни билмай беихтиёр Руқия хола ётган хонага кириб кетди. “Болам сизга нима бўлди?” – дея сўради қайнона бағрига олиб. Келин юм-юм йиғлаб ўзини муштипар аёлнинг бағрига отди. Она унинг бошини силаб хай-хайлаб узоқ ўтирди, кирганларни, “кетинглар”деб кескин хайдади.

* * *

Эртаси Хасан ва Тўлқинбекни милиция катта нозири ҳузурига олиб кирди.

– Ҳа, жўжаҳўрозлар, кеча тўйда нимани талашдиларинг? – сўради у жиддий.

– Келинни. – деди Тўлқинбек қисқа қилиб.

– Қайси келинни?

– Ўша, эрга тегаётганнида.

– Унда сен куёв экансан-да-а? Нега шуни вақтлироқ айтмадинг, – деди ходим Хасанга юзланиб.

– Куёв укам Хусан эди, – деди Хасан шишган лунжини силаб оларкан.

– Тушунмадим.

– Хуллас ака, иккаламиз ҳам ўша қизни яхши кўрардик. Лекин мен ўртоғимга йўл бергандим, у бўлса билибми, билмайми қизни укасига тортиқ қилиб юборди. Шу алам қилдида...

– Билганим йўқ эди, ўлай агар, – деди Хасан ерга қараб.

– Эҳ-хе, бу ёғи мелодраммаку... Сизларга кафилик берган Оқсоқолнинг ва бошқа маҳалла фаолларининг айтишларича, иккинги хам эсли-хушли, обрўли, спортчи йигитлар экансизлар. Тўйда тўпалон қилиш яхшими, ахир?

– Кечиринг айб бизда, – деди Хасан.

– Ўртоқ нозир биз жанжаллашмадик, балки, бу сафар ҳам кўл жанги бўйича мусобақалашдик, халос – деди Тўлқинбек хушёр тортиб.

– Хўш, унда ким енгди?

– Ҳеч ким. Иккимиз ҳам енгилдик. – деди Хасан хўрсиниб.

– Нега энди, Хусан енгди-ку. – деди Тўлқинбек тиржайиб.

У кулганида лунжига оғриқ кирди шекилли “ух” деб ушлаб қолди. Шундай бўлсада Хусанни енганини тасаввур қилиб, аввалига оҳиста эҳтиётлик билан, сўнгра эса тиззасини шапатилаб чинакамига кула бошлади.

– Хусанга гап йўқ, ўртоқ нозир. У бир йўла учта қишлоқ сардорларини енгди.

– Қанақасига?

– Мана қаранг, мен Ғованики, Хасан Ариқбўйиники, келинбола Муштарий бўлса, Маданиятники.

– Обба, хумпарей, зўрку. Уканг сендан ҳам бақувват бўлса керакда-а Хасанбой? – деди самимий кулиб нозир.

– Э, йўғе, – деди Хасан кулиб.

– Улар бир қориндан тушишган бўлишса ҳам Хусан Хасаннинг ғирт тескариси, ёввойи у.

– Барибир учта сардорни енгибдику.

– Ҳа, у писмиқ омадли экан. Биз ҳечам кутмагандик. Шунақа бўлиб қолди-да..., – деди Хасан тан олиб.

– Ҳа майли. Сизлар ҳақингизда яхши маълумотлар олдик, қолаверса, бу ҳол биринчи марта содир бўлгани учун бу сафар жазоламай қўйиб юборамиз. Лекин келгуси сафар хафа бўлиш йўқ. Сизлар ахир эл назаридаги йигитларсиз, соғлом, бақувватсизлар. Шунинг учун аксинча юртимиз осойишталигини сақлашда бизга ёрдам беришингиз керак.

– Узр ака, йигитчиликда бир бўлиб қолдида.

– Ҳа, тушунаман. Қани бир-бирларингизга қўл берингларчи... Яхши. Майли, бора қолинглар, бошқа ичманглар. Омадларингни берсин.

– Хўп, раҳмат.

Икки “уришқоқ” милиция идорасидан чиқиб келишаркан, бир-бирларининг “бежалган” башараларига қараб кулиб қўйишди.

– Узр ошна. Тўйда сени меҳмон қила олмадим, – деди Хасан дўстининг қўлини сифаркан.

– Ҳечқиси йўқ. Сен мендан қарздорсан. Қарзингни тўйингда қайтарарсан, – деди Тўлқинбек.

– Албатта.

Икки дўст самимий хайрлашишди.

II-ҚИСМ. ҲАЁТ ҚЎШИҒИ МУҲАББАТ ОСТОНАСИДА

Муштарий ўша уқубатли тунни Руқия опа билан бирга ўтказди. Она ўзининг бисотида қанча илиқ сўзи бўлса, ҳаммасини келинига тўкиб солди, орқасини силаб унга таскин берди.

– Биладан қизим, ҳозир сизга жуда қийин. Бир умр тоғда ота-онангиз бағрида ўсгансиз. Тўсатдан бегона жойга келиб қолдингиз, ҳаммасига ҳали кўникиб кетасиз. Энди менга ҳақиқий қиз бўлдингиз. Сизга меҳрим тушиб қолган. Сизларникида турганимда сизни келин қиламан деб яхши ният қилгандим. Оллоҳга шукр, йўқ демадингиз. Қанча умрим қолган билмайман. Илтимос, энди мени энг яқинингиз, ўз меҳрибонингиз деб билинг, онангиз ўрнида кўринг. Ҳали этак-этак фарзандлар туғиб берасиз. Худо хоҳласа ҳаммасини ўзим катта қиламан. Тақдирингизга тан беринг энди, қизим. Ўзим ўргилай, сиздан...

Келинчак қайнонасининг панд-насихатларини йиғлаб-сиқтаб тинглади. Аммо “Бўпти онажон” деб туриб кета қолмади, балки йиғлайвериб, йиғлайвериб онанинг ҳам юрак бағрини эзиб юборди.

* * *

Гўё хўроз ўйинида ютқазиб қўйган қашқа таёқдай кириб келган Хасанни кўрган отаси уни совуқ қарши олди.

– Келдингми?... Лекин бу аҳволда онангни кўзига кўринма. Ўзинг яхши биласан иккинчи инфарктни бошидан ўтказди. Бир жойда, бир сирда бўлиб қолган. Яна қанча умри қолди, худо билади. Тавба, келиб-келиб укангни тўйида ҳам муштлашасанми? Эл-юрт олдида мени шарманда қилдинг! Бу ёқда Хусан ўз тўйи куни “Мен уйланмайман, Хасанни уйлантираверинглар” деб мени тоза аҳмоқ қилди. Сен бўлсанг меҳмон билан жанжаллашиб юрибсан-а, аҳмоқ. Бу ёқда келин гўшангадан қочиб чиқиб онангни пинжигга кириб олиб ҳадеб йиғлаётганмиш. Ҳозир ахир саломга чиқиши, қариндош-уруғлар уни кўриши керакку. Мен ҳеч ҳозирги ёшларни тушунолмай қолдим-да, тавба. Эркалик ҳам эви биланда....

Хасаннинг миясига бу гап яшин тезлигида урди: “Нима, Муштарий гўшангадан қочиб чиқди? Ҳозир йиғлаяпти?... Нега?! Нима қилсам экан, у билан гаплашайинми?... Нима

дейман?” деган бир олам саволлар оғушида турган эди ҳамки, шу маҳал орқадан Хусаннинг овози келиб қолди.

– Ассалому алайкум, ака, тузукмисиз? Юринг, чой ичамиз.

Хусаннинг димоғи чоғ кўринарди. Хасаннинг мушт еган юзини кўриб ачингандек бўлди.

– Ғовалик билан ортиқча ичиб юборибсизлар, шекилли-да-а?

– Ҳа, бироз... Ўзинг яхшимисан?...

Хусан лабини буриб тиржайди-да, қўлини мамнун силтаб қўйди.

– Э, бу келин қурғурнинг шайтонлайдиган одати бор, шекилли?

– Нима? Нега энди?

– Алахсираб қанақадир Терагистонга борайлик дейдими-эй! Ҳадеб менинг исмимни сизники билан адаштираверади. “Бошимни қотирма” деб сўкиб бергандим шайтонлаб қолди. Кейин аразлаб ойимни олдига кириб олди. Шунақа бош оғриқ қизни менга нима кераги бор эди, хайронман?

– Нега уйландинг бўлмаса?

– Отам қўймадида. Онанга қарашга шу қиздан яхшиси йўқ, уйланасан, деб оёқ тираб туриб олишди. Мана энди касал онамизнинг бошини қотиряпти. Ишқилиб, юраклари безовта бўлмасинда... Лекин ўзи яхши нарса экан, қзталок – деди Хусан тиржайиб.

– Нимаси яхши?

– Уйланиб кўринг, кейин биласизда.

– Сен у билан қўшилдингми?

Хусан ўз ёқасини тўғрилаб, томоғини маъноли кириб гердайиб қўйди.

– Албатта. Ана, янгалари чойшабларни ювишяптику.

Хасан тўсатдан яна бир оғир зарба егандай гангиб кетди. Нафаси гирибонига тикилиб гапира олмади. Зарба тўғри унинг юрагига текканди... Аранг ўзини босиб олдида, индамай бориб отни бўшатди.

– Ҳой, қаёққа? Чой ичмаймизми? – сўради Хусан.

Лекин унинг саволи жавобсиз қолди. Хасан отининг жиловини кўчага бурди-да, “Чух!” дея шашт билан аллақаёққа чоптириб кетди. Туёқларнинг асфальт йўлдаги тарақатарақ овози атрофни тутди. Ўтган-кетган одамлар Хасаннинг ортидан хайрат ва надомат ила қараб қолишмоқда эди. Чунки мўмин-қобил, хушсурат йигит тўсатдан айнаб қолган,

кеча укасининг тўйида бемаъни муштлашишган бўлса, бугун маҳалла бўйлаб беодобларча отини тез чоптириб бормоқда эди.

Хасан шу зайл то тоғ ёнбағри бошланадиган Гова ариғигача етиб борди. Бу чамаси беш чақиримча масофа эди. От ҳам ҳолдан тойиб пишқириб қўйди. Бу ёғига эса ҳаракатни уловининг ўз ихтиёрига қўйиб берди. Эгасини соғинган ва кўпдан бери оёқларининг чигали ёзилмаган от завқланиб пишқири-пишқири Усмон ота қўрғони томон йўналди. Хасан минг бир нохуш ўйларга ғарқ бўлган ҳолда ўша, неча марта ишқий учрашувларидан воқиф – тош курси томон беихтиёр борарди.

“Наҳотки Муштарий мени Хусан билан адаштириб қўйган бўлса. Ахир қандай қилиб? Эй худо, нималар бўляпти, ўзи? Энди нима қиламан, унинг кўзларига энди қандай қарайман? Наҳотки у менга янга бўлди? Нега? Нега?!...” дея алам билан хайқирди у. Ҳайқириғи қояларда акс-садо берди. У шундагина ўзини тоғ тепаликлари оралаб кетаётганини ҳис қилди. Узоқдан қадрдон тош курси кўринди. У худди яқинидан жудо бўлиб тош қабр олдида маюс чўкалаб ўтирган инсонни эслатарди.

Тош курси офтоб нурида қизиқ, тафтли эди. Хасан унинг сип-силлиқ сиртини қўли билан сийпалар экан, бу ерда Муштарий билан кечган суҳбатларини эслади, назарида қиз ҳозир шу ерда-ю, қиқирлаб тош атрофида қочаётган, йигит бўлса, уни тутиб олмоқ илинжида изидан қувламоқда эди.

Шу зайл тош атрофини айланаверди, айланаверди. Аммо қувлаганини, излаганини тута олмади. Курсининг иссиқ бағрига чиқиб, узоқ ўтирди. Кўзларини юмиб, қўли билан пайпаслаб қизнинг қўлини излади. Силлиқ тош тафти гўё унга қизнинг баданидек, эсаётган илиқ шаббода эса унинг нафасидек туюлди.

Кечаги босиб келган олис йўл, тунги алғов-далғовлар, хибсхонадаги тунги беуйку изтироблар уни жуда чарчатган, икки кундан буён деярли туз тотмагани учунми, ширин хаёллар оғушида каттиқ ухлаб қолди. Туш кўрди. Тушида Муштарий билан тотли учрашувга чиқишди. Булоқларга бориб бир-бирларига сув тутишди, завқланиб мушоиралар қилишди, қўшиқлар айтишди. Ёмон булоқда бўлишди. Хасан унинг сувидан ётган ҳолда тўйиб ичди ва дуога қўл очди.

– Вой нима қияпсиз, Хасан ака! – дея қичқирди Муштарий. – Бу булоққа ният қилиб бўлмайдику. Ахир бу Ёмон булоқ-ку!

Тоғларда “Ёмон булоқ-ку!-Ёмон булоқ-ку” деган сўзлар элас-элас садо берди. Хасан яна ётиб сувдан ичмоқчи бўлди, аммо тўсатдан сув ичидан Тўлқинбек чиқиб уни ёқасидан

тортиб юборди. Хасаннинг пешонаси бир тошга тегди... Хасан ўзига келди ва уйқусида мункиб кетиб пешонасини тош четига уриб олганини англади. Тош совиб кеч бўлиб қолибди. Сувга ташна оти ҳам ер депсиниб “Тур энди, ҳе лапашанг” дегандек кишнаб қўйди. Хасан отига минди-да, Ёмон булоқ сари йўналди. Чунки отни суғориш учун булоқларнинг энг яқини шу эди. Кўп ўтмай ўша ерга етиб борди. Муштарий билан бу ерда ўтказган тотли суҳбатини хаёлидан ўтказди. От сувдан бироз ичган бўлди. Аммо “Намунча бемаза бўлмаса” дегандек бошини силтаб пишқириб қўйди. Хасан “Лаънати!” – дея сувга томон бир тош отган эди от хуркиб қочди. Лекин йигит уни тез ушлаб олди-да, чакқонлик билан миниб “Юр, сени ширин сувли булоққа олиб бораман” дегандай уни ниқтаб Али Қурбон булоғи томон дадилроқ юришга ундади.

Ширин булоқ сувидан Хасан ҳам, от ҳам тўйгунича ичишди. Йигит Муштарий билан бу ерда ўтказган гўзал онларини ҳам ёдга олди. Ҳаммаси, худди куни кеча бўлганидек ер қаридан лопиллаб чиқиб турган сув юзида Муштарийнинг акси гўё бузук телевизор экранидай тўлқинланиб намоён бўла бошлади. Шу пайт қиз хайр дегандай қўлларини силтади. Йигит қўрқиб кетди.

– Муштарий, қаёққа?! Тўхтанг!! – дея қичқирди.

Аммо бироз ўтгач қиз акси ғойиб бўлди. Хусан булоқни бетўхтов ҳовучлай бошлади ва муздай сув ичига ўзини ташлаб бор овози билан ҳайқирди. Ҳайқирик шундай кучли эдики, қояларга ин қурган қушлар қувв учишди. Ҳатто мовий осмонда қанот ёзган бургут ҳам бир сония жойида қотиб қолгандай туюлди. Шалаббо бўлган йигит ўрнидан туриб қоялар томон яна бир аламли нара тортди. Унинг “А-а!!!” деган овозига қоялар гўё “Ўла-ўла!” дегандай жавоб қайтаришди.

Боши айланган Хасаннинг кўзи шу маҳал Муштарий билан чиқиб борган чўккидаги ўша эгиз қояга тушди. Гўё икки тош орасидан туриб у томон қиз қўлини силтаётгандай, ўзига чорлаётгандай туюлаверди. Улар илгари қиз иккиси ўша чўкки сари ёнланма тепалик орқали айланиб чиқиб боришган эди. Ҳозир эса Хасан чўкки сари тик чикмоқ ва у ерга тезроқ чиқиб боришга ошиқди. Аммо тош бўлақлари билан уюлган тиклик сари чиқиб бораркан, оёқлари сирғалиб кетар, тиззалари тошларга урилар, сирғаниб ортига тушиб келгани сайин йигитнинг баттар жаҳли чиқар ва сўкиниб бақириб чақирарди.

У чўккининг ярмига етганида ҳолдан тойиб ўтириб қолди ва шундагина туфлисининг таг чарми чиқиб кетганини, шимининг тиззаси йиртилгани ва оёғи моматалоқ бўлиб шилиниб кетганини кўрди. Эгиз қоялар яна анчагина тепада мағрур боқиб туришар, қиз

эса кўринмасди. Йигит ўз севганига етиша олмагани етмай мана шу оддий чўққини ҳам забт этолмаётганидан қаттиқ ранжиди. Шу ерда нима қиларини билолмай узоқ ўтирди. У шу пайтда эгиз қоя тепасига чиқиб ўзини жарлик томон ташлаб юборишни жуда-жуда истаётганди. Аммо табиат, тоғу тошлар уни асраб чўққига чиқиб боришига монелик қилмоқда эдилар.

Унинг кўзи пастликдаги юз йиллар муқаддам экилган, аммо қариб қаровсиз қолган, Муштарийнинг катта бобоси экиб кетган кўхна ўрик дарахтларига тушди. Улар гўё “Тўхта, эй йигит! Ўзингни қўлга ол! Сен ҳали кўп яшашинг керак!” – дегандай илтижо қилардилар. Хасан уларнинг мунгли овозини қалбан ҳис қилди-да, оҳиста ва эҳтиётлик билан келган изига қайтди. Тошлар уни олқишлар, шариллаб, оёқларининг остидан пастлик томон “қувона-қувона” думалардилар...

Оқшом чўкаётган бўлишига қарамай Хасан Терагистонни ҳам зиёрат қилмоқни ихтиёр қилди. Яна силлиқ ва улкан қояларга илашди. Муштарий билан бу ерга охирги бор келганини эслади. Чакқон қиз унга йўл кўрсатиб, базан қўлини узатган бўлса, баъзан йигит унга ёрдамлашган, тошдан тошга сакраганида тутиб қолганди. Энди бўлса, фақат ширин хотиралардагина қотиб қолган унутилмас мўъжизакор жойлардан бир ўзи ўтиб борарди. Ниҳоят кучоқ етмас ўша азим терак пойига етиб борди. Дарахтга опичлаб бошини қўйди-да, ўз толейини лаънатлаб ўксиб-ўксиб йиғлади. Бу ер ҳар қанча йиғласа бўлаверадиган эчки ва каклик қушлардан бўлак ҳеч қандай жонзот келмайдиган овлок жой эди.

У шу ерда у қалбини забт этган Муштарий билан видолашди... Бир шеър тўқиб, уни қўшиқ қилиб юракдан куйлади:

Сенинг ойдек жамолингга,
Паривашдай рухсорингга,
Етолмадим висолингга,
Энди бизлар бегонамиз.

Билсанг сенсиз холим хароб,
Қўймас кўнглим сени сўраб,
Ишқ булоғи экан сароб,
Энди бизлар бегонамиз.

Хаёт шундай тахир экан,
 Жафо чеккан фақир экан,
 Не ҳам дердим тақдир экан,
 Энди бизлар бегонамиз.

* * *

От Хасанни ота уйига ярим тунда, бир аҳволда олиб келди. У ҳам, Хасан ҳам жисмонан эзилган ва руҳан тушкун кайфиятда эдилар. Уларни кўриб минг хавотирликда кўчадаги ўриндикда ўтирган ота “Хах, харом ўлгур-а” дея жаҳл билан тиззасини шапатилаб ўрнидан туриб кетди. Бу сўзни у отига айтдимиз, ўғлигами, тушуниб бўлмасди.

– Қаёқларда юрибсан, ахмоқ?!

– Ота, илтимос, ҳозир мендан ҳеч нимани сўраманг.

– Яна мушглашдингми?

– Йўқ ҳаммаси жойида.

– Қаерда эдинг?

– Тоғда.

– Нима, тоғда пишириб кўйган эканми?

– Сиз ҳам менинг саволимга жавоб беринг, ота!

– Қанақа савол?!

– Нега бизларни онам эгиз тукқан?!...

– Нима дединг?... – дея Шокарим ака лол бўлиб қолди.

– Деганимни дедим, – деди Хасан ва отининг узангини отасининг кўлига тутқазди-да, ичкарига кириб кетди.

Кирди-ю ўзини сўрига отди. Ҳеч нима демади, емади. Шу кўйи ухлаб қолди. Синглиси Гулчирой устига қалин кўрпа тўшаб кўйди.

Шокарим ака уни барвақт ўйғотди.

– Турақол, энди ўғлим. Ювиниб-тараниб ол. Келин ҳозир саломга чиқади, кейин бирга нонушта қиламиз.

Хасаннинг юраги “шувв” этиб кетди.

– Ота сафар сумкам қаерда билмайсизми?

– Мехмонхонада. Бемалол кийимингни алмаштириб ювиниб олавер, кейин сўрига чиқарсан.

Хасан шоша-пиша юз-қўлини ювди. Эрта тонг бўлгани учунми хўроз қичқирикларига турли бошқа ҳайвонлар, ўтаётган транспортлар ва яна кўча томондан “шип-шип” овозлар қўшилиб баралла эшитилмоқда эди. Йигит кийимларини апил-тапил алмаштириб кияркан дераза ортидан, кўчани гўё фаришта каби супураётган, бошига оқ харир рўмол ташлаб олган келинчакка кўзи тушди. Тушди-ю футболкасини бошига илган ҳолда бир лаҳза қотиб қолди. Сўнг ўзига келиб дераза дарпардаларини оҳиста кўтарди. “Чиройли келин бўлибди” – деган сўз ўтди кўнглидан ва дилида ўкинч ва армонли бир қўшиқни куйлади:

Сени кутиб кўзларим толди,
Юрагимда лек исминг қолди,
Тақдир бошга неларни солди,
Сен ўзганинг ёрисан бугун.

Дилни ўртар аламу, армон,
Бу ишқ мени қийнади ёмон,
Жоним олар айрилиқ, хижрон,
Сен ўзганинг ёрисан бугун.

Адо қилар мени бу савдо,
Дардларимга энди йўқ даво,
Мен кетарман, хайр, алвидо,
Сен ўзганинг ёрисан бугун.

Қўшиқ оҳанглари ўз “қулоғини кар” қилаёзди ва шу алпоз тўғри онасининг уйига кириб бориб унинг қайноқ кўксига бошини қўйиб бир оз тин олди.

– Вой болам, бормисан? Айланай сендан, тўйлар билан чарчамадингми?

– Йўқ ойи. Ўзингиз тузукмисиз? – деди Хасан шивирлаб.

– Шукур, раҳмат. Келин олиб мана уйимиз ҳам тўлиб қолди, болам. Сенга ҳам Муштарийхонга ўхшаганидан бир дилбар келин топамиз. Навбат энди сеники.

– Йўқ ойи. Мен ҳали-вери уйланмоқчи эмасман – деди Хасан бошини кўтариб.

– Вой нега?

– Ишлашим, сизларни қўллашим керак.

– Ўзингни кўп уринтириб қўйма болам. Энди сен учун уканг ҳам ишласин. Чилласи чиққандан кейин уни ҳам ёнингга олиб кет. Эгизаклар доимо бирга бўлишгани маъқул.

Бир-бирларига эш-қўш, тиргак бўласизлар, хўпми, жон болам. Мендан хавотир олманглар, энди мени қарайдиганим бор. Бу қиз менга тоғда ҳам қараган жуда ақлли маъқул қиз.

– Мен бўлмаса бориб Хусанга ҳам иш жойи тайёрлайман, кейин уни чақиртириб оламан. Бўпти, яхши ўтиринглар, ойи.

– Вой-вой, кетаяпсанми? Дарров-а?...

– Ҳа, ишларим жудаям кўп. Атайин тўй учун келгандим. Хўп, хайр бўлмаса.

Она-бола бир-бирларини маҳкам бағрига босишди. Онанинг кўзидан шашқатор ёш чиқиб кетди.

– Қанча умрим қолди, билмайман болам. Ўзингниям, укангниям эҳтиёт қил. Агар бировларингга бирор гап бўлса мен дош беролмайман, ўлиб қоламан, болам.

– Хавотир олманг, ойи. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сиз ҳали кўп яшайсиз, ҳали менинг тўйимни ҳам набираларингизнинг тўйларини ҳам кўрасиз.

– Илоҳим айтганинг келсин... Қани омин, – деди Руқия опа ва узоқ сафарга отланаётган катта ўғлига узундан-узоқ дуо қилди.

Хасан тез бориб сафар сумкасини олиб чиққанида, келинпошша ошхонада чой дамлаётганди.

– Ҳой, сен қаёққа? Ие-ие, бу ахир қанақаси бўлди? – деди сўрига ўтирган отаси.

– Самолётдан кеч қоляпман. Узр, ота кўнғироклашамиз.

– Онангчи? У билан...

– Ҳа хайрлашдим, дуоларини олдим, – деди-да Хасан ва дарвозадан шашт билан чиқиб кетди.

– Ие, хой, тўхта! Қаёққа?! – дея ота ўғлининг ортидан шошилди. Аммо шу тобда калиши қурғур оёғига илашавериб панд берди.

Келинпошшанинг қўлидаги пиёла ерга тушиб чил-чил синди...

УМР МАКТУБЛАРИ

Муштарий Хусан билан бир ёстикқа бош қўйганидан кейин бу изтиробли ҳаётга аста-секин кўника бошлади. Кечираётган турмушини тақдирга йўйди. Кўпроқ қайнонаси Руқия опага суяниб қолди. Хомилали бўлди. У дарди, изтироблари ва хасратларини оқ дафтарга туширадиган одат чиқарди. Шеърларида – ёшлиги, қайноқ муҳаббати, соғинч ва армонларини баён қиларди. Шу билан ўзини овулар, шеърлари унинг йўлдоши, сирдоши, яқин ҳамроҳига айланиб қолганди. Мана улардан бири:

Орзулар армонга айланди,
 Висоллар хижронга айланди,
 Тақдирим ўзгага бойланди,
 Мен кутган шаҳзодам келмади.

Бу телба юрак ҳеч кўнмади,
 Уни зор кутишни қўймади,
 Ўзга ёр кўнглимни билмади,
 Мен кутган шаҳзодам келмади.

Юзларим сарғайди хижрондан,
 Юрагим минг пора армондан,
 “Бахтлиман” дейману ёлғондан,
 Мен кутган шаҳзодам келмади.

Бир кун паймонам тўлади,
 Қабримда у йиғлаб туради,
 Афсусу армонлар қилади,
 Мен кутган шаҳзодам келади.

Баъзан эса туғилажак гўдагига кўйлақлар, бешик учун ёстиқчалар тикиб, ўзи билган халқ ўланларидан куйлаб ўтирарди:

*Қошингни қаросига пайвастаман,
 Сени бир кўрмоқликка ҳавасдаман.
 Сени бир кўрмоқлик мушуқул экан,
 Тўти қушининг боладай қафасдаман.*

*Тош қўйган тарновнинг томчисиман,
 Олис кетган ёрим қамчисиман.
 Олис кетган ёримнинг йўли бўлсин,
 Янги чиққан шойидан тўни бўлсин.*

* * *

Олис юртларда Хасан бўлса, юрса ҳам турса ҳам, ишласа ҳам, қишласа ҳам, тишласа ҳам қўшиқлар хиргойи қилишни, давраларда гитара билан муҳаббат ва армон ҳақида

куйлашни одат қилди. Уни кўшиқ завқи, куй сеҳри овутар, санъат унинг йўлдошию кўлдошига айланиб борарди.

Гитаранинг мунгли оҳанглари олов атрофида ўтирган дарахт кесувчиларнинг ҳам дилларига жо бўлар, ўз тақдирлари, узоқларда қолган яқинларини, интизор кутаётган севикли ёрлари-ю фарзандларини, ҳаётида кўрган-кечирган хуш-нохуш онларини кўз олдига келтирардилар:

Қайдасан севгилим, гўзалим?

Сен менинг борлигим, асалим.

Сен ҳали юракда сўнмаган,

Чирогим, битмаган газалим .

Ой бўлиб тунларингда отдим,

Нур бўлиб, кўзларинга ботдим.

На қилай, бу тавқи дунёда,

Мен сени топдим, йўқотдим...

Красноярск ўлкасининг дарё бўйидаги Заречная қишлоғида тез орада Хасаннинг номи яккахон хонанда сифатида кўрина бошлади. У дарди-аламини дилдан куйлагани сайин ўзи билмаган ҳолда кўшиқ уммониға ғарқ бўлиб кетар, гитара чалиш маҳорати ҳам тобора ошиб борарди. Маҳаллий аҳоли унинг кўшиқларини доимо олқишлар билан кутиб оладиган бўлишди. Қарсақлар унга қанот бағишларди. Кўп ўтмай у эл орасида танилиб қолди. Ишдан сўнг уни клублар, мусиқали кечалар ва бошқа тадбирларга ҳам таклиф қилишадиган бўлишди. У Владимир Высоцкий услубига яқин оҳангда куйласа-да аммо ўзининг Осиёча лаҳжаси мусиқага шарқона шукуҳ бағишлаши билан ўзига хос овоз соҳиби сифатида ажралиб турарди. Кўшиқлари армонли ва дардли бўлиб, матнларини, асосан ўзи тўқир ва ўзи куй басталарди.

Ҳар якшанба дарёнинг у соҳилидаги кенгликда “Ярмарка” деб аталган улкан халқ тадбири бўларди. Бу ерга ўлканинг турли тарафларидан одамлар келишиб олди-сотти қилишар, сўнгра рус халқ миллий фольклор кўшиқлари ва рақсларини ижро этиб ўз маҳоратларини намойиш этишар, кечгача мириқиб дам олиб кетишарди. Ёз фаслида дарёни паром ёки қайиқ билан кечиб ўтилса, асосан узоқ давом этадиган қиш кунлари дарё сирти қалин муз билан қоплангани учун одамлар от, ит ёки буғи қўшилган чаналар ёки қор чанғиларида пиёда ўтиб боришарди. Хасан ҳам орқасига гитарасини осиб олган

ҳолда чанғида учишни ва ўтиб бораётган бирор чанага илиниб олишни ёқтирар, бу эса унга ўзгача завқ бағишларди.

Кўп ўтмай Хусан ўғилли, Хасан жиянли бўлди. Хасан укасини ҳам ўзи қўним топган рус қишлоғига чақириб олди. Эгизаклар бир ерда бирга бўлишгани учунми дастлаб руҳиятлари баланд, кайфиятлари кўтаринки даражада эди. Умрида қишлоғидан четга чиқмаган Хусан учун дунё янги кашф этилгандек туюлди. У кутилмаганда сезиларли даражада ўзгара бошлади. Акасининг юракдан айтаётган қўшиқлари, мусиқа нолалари унинг ҳам дил торларини чертмай қўймади. Қўшиқлар унга ҳам маъкул бўлди ва баъзида беихтиёр қўшилиб кета бошлади. Ака-укаларнинг жўр овози қўшиқларга янада файз киритди. Айниқса, уларнинг ўхшаш чехрали экани томошабинларни завқлантира бошлади. Буни сезган Хасан укасида яшириниб ётган истеъдод қирраларини кашф этишга ва уни ҳам зерикарли ҳаёт домидан тортиб олишга қатъий бел боғлади. Саъйи-ҳаракатлари беҳуда кетмади. Кўп ўтмай улар дуэт ҳам ижро этишга уриниб кўрдилар. Хусан синтезаторни жон деб ўргана бошлади. Шундай қилиб Заречнаяда ака-ука Хасан-Хусанлар дуэти пайдо бўлди. Хасан ҳам ўзини янги оилага кириб бораётгандек ҳис қилди. Эски дард ва армонлардан чалғиди. Энди унинг қўшиқлар репертуари завқли рус халқ қўшиқлари билан ҳам бойий бошлади. Топиш-тутишларига ҳам барака кирди.

Ака-укалар қишлоқда қолган ота-онасини, айниқса, бемор оналари ҳақида кўп қайғуришар, яхшигина топиб-тутаётганларини ота номига юбориб туришарди. Шокарим ака укасини ўз тарбиясига олгани учун Хасандан жуда миннатдор эди. У ўғилларидан тез-тез хат ёзиб туришларини, мактублари оналарига қувват бағишлаётганини уқтирарди. Йигитлар ҳам ота илтимосини ерда қолдирмас, бир Хасан, бир Хусан навбатма-навбат хат ёзишдан чарчамас эдилар. Хатларнинг ҳаммасини оналарига Муштарий ўқиб берар ва уларнинг номига ҳам ўзи жавоб битарди. Айниқса, она номидан битадиган жавоб мактублари жуда ҳам таъсирчан ва чуқур мушоҳадали бўлиб, йигитларга ўзгача кайфият, руҳий қувват ва қанот бағишларди. Хатларда, деярли, Муштарийнинг номи тилга олинмас кўпроқ кичкинтой Сардорбекнинг қилиқлари ҳақида ёзиларди.

Бир гал ака-укалар ўзларининг кичик сахнада қўшиқ ижро этаётган пайтдаги суратларини юборишди. Ҳар иккиси ҳам бир хил уст-бош ва бўйинларига капалак нусха бўйинбоқ тақиб олишибди. Уларни кўриб лол қолишди. Айниқса Хусаннинг бунчалар тез ўзгаргани кутилмаган ҳол эди. Шу туфайли Муштарийда энди эрига нисбатан илиқлик пайдо бўлди. Айниқса, кун сайин улғайиб бораётган гўдак, ришталарини янада

мустаҳкамроқ боғлаб борарди, меҳрларини тобларди. Ўғилчаси, ширинсухан қайнонаси, орзуларга йўғрилган шеърлари ва тунлари айтадиган аллалари энди келинчакнинг доимий ҳамроҳига айланди.

Алла оҳанглари қуш каби майин парвоз қилар ва тоғлар ортига ботаётган қуёшнинг заррин нурлари қўйнига сокин кириб кетарди:

Улғай болам, гул ватанда-ё, алла

Ботир бўлиб ўсгин қўзим-о, алла

Сени кўриб бу чаманда, аллаё

Яйрай-қувнай, юлдузим-о, алла

Болам қувнаб ўсасан-о, алла

Доим сенга бахтинг ёр-о, алла

Ғам-кулфатни билмайсан-о, аллаё

Она юртинг Ўзбекистон-ей, алла

Суқсур деган қуш бўлар-о, алла

Тортсам пати бўш бўлар-о, алла

Отангдан гар хат келса-ё, алла-ё

Менинг кўнглим хуш бўлар-о, алла

* * *

Шокарим аканинг энди фикр-ўйи Хасанни уйлантиришда бўлиб қолди. Бироқ Хусан қишлоққа, оиласидан хабар олгани ҳар йили бир бор меҳнат таътилида келиб кетарди-ю, бироқ Хасан турли баҳоналар қилиб келмаётгани отани ташвишга солмоқда эди. “Бу жин ургурга нима бўлди, ўзи? Мундоқ ота-онасини кўриб кетай ҳам демайди-я. Бунақада қачон уйланади? Укаси яқинда иккита фарзандли бўлади. Бу тенгилар, эҳ-хе...” деб қўярди у чувт дўпписини қўлига олиб бир қоқиб қўяркан.

Муштарийнинг иккинчи фарзанди қиз бўлди. Унга Меҳрибон деб исм қўйишди. Шу муносабат билан бу сафар ака-укалар бирга келишди. Хусан туғриқхонага икки-уч марта бориб келди. Ниҳоят кечки пайт уни Хасан йўқлади.

– Сизни кўргани яна хўжайинингиз келди, – деди ҳамшира.

– Вой, у киши яқинда келиб кетувдилар-ку?

– Билмасам. Жуда ҳам посон бўлиб кийиниб олибди. Нима бало, косметика қилганми дейман, юзлариям сип-силлик, оппоқ.

– Йўғе, эримнинг унақа одати йўқ.

- Ана боринг ҳовлида, ўриндикда сигарета чекиб ўтирибдилар.
- Эрим сигарета чекмайди.
- Ўзларидан сўранг-да, тавба...

Муштарий ташқарига чикса нариги томонга ўгирилиб сигарета чекиб ўтирган эрига кўзи тушди... Бирор зарур гапи бормикин-а? Ё акаси билан менинг ёшликдаги муносабатларимиздан хабар топдимикан, – дея ўзича нохуш мушоҳадага борди.

– Ҳа, келинг дадаси, тинчликми? – сўради Муштарий йигитнинг рўпарасига ўтаркан ва Хасанни таниб қолиб қизариб кетди, – Ие, сизмидингиз?

- Ҳа мен... Қизча муборак бўлсин!
- Қутлуғ... Узр, танимабман.
- Тўғриси айтинг, тўйда ҳам шунақа янглишганмидингиз?
- Йўқ. Сизни кутгандим.
- Қанақасига?

– Билмасам. Ака-укалар шунақа келишиб олгансизлар деб ўйлабман-да. Яъни ўрнингизга куёв ролини бажариб туришни укангизга илтимос қилиб тургансиз дебман. Табриклаганингизни эшитиб ўзимдан кетиб қолгандим... Энди бу ёғини айтишга ҳожат йўқ.

– Ҳа, тақдир бизни учраштиради. Энди бўлар иш бўлди...

Орага жуда оғир жимлик чўкди. Муштарий ўзини шундай ноқулай ҳис қилмоқда эдики, гўё игна учида ўтиргандай эди. Орада Хасан яна бир сигарета олиб тутди-да, оғир хўрсиниб қўйди.

– Хасан ака, сиз тезроқ уйланинг, – деди Муштарий аста.

– Йўқ. Ҳали уйланмоқчи эмасман. Ўзимга келолмаяпман. Ўша тўй кунини эсласам, бу дунёга келганимга баъзан ачиниб кетаман. Яхшиям Тўлқинбек бор экан бир-икки мушт тушуриб эсимни киритди.

– Вой, нега уришдинглар, ўзи?

– Сизни деб. У ҳам сизни яхши кўраркан. Лекин йўлида мен бўлганим учун тўсик бўлолмабди. Хусанга тегаётганингизни кўриб жуда алам қилибди. Ана шунақа гаплар. Энди буларни ҳаммасини унутайлик. Биз энди сиз билан ака-сингилмиз. Мен эртага жўнаб кетаман, Хусан кейинроқ борар. Жиянчамни ўпиб қўйинг. Мен унга ул-бул олиб келгандим, олиб қўярсиз, – деди у целофан халтани узатиб ва ўрнидан оғир қўзғалди. – Кўришмасак хайр, яхши қолинг.

– Хайр Хасан ака, яхши боринг. Хат ёзиб туринг.

– Ҳа, албатта. Энди бизни фақат шу хатлару хотираларгина боғлаб туради халос, – деди Хасан зўраки табассум қилиб. Унинг кўзларида бир олам дард акс этиб турарди.

Ким билади, эҳтимол шу онда унинг юрагида яна бир янги кўшиқ басталангандир. Ҳар ҳолда у кеч бўлсада, мардларча орани очик қилди, гўё ораларидаги деворни кулатиб ташлади. Муштарий ҳам мунг тушган куйи қанча туриб қолганини билолмади. Ҳамшира қиз “Ҳой, болангиз йиғлаяпти!” деб чақирганидагина ўзига келди. Хасан акаси олиб келган халтани қўлига олди. Унда чақалоқ учун бир дунё совға бор эди. Ичидан бир рўмолча ҳам чиқди. Бу ўша, Муштарий тош курсида совға қилган, ўз қўли билан тўкиган бежирим рўмолча эди... кўзларидан ёш думалади, юракда бир шеър битилди:

Муҳаббатим ўйин қилдингиз,
Тақдиримни қийин қилдингиз,
Келажагим тайин қилдингиз,
Севганимми, айбим, айтинг сиз?

Пинҳон севги армон бўларму,
Соғинчлари ёмон бўларму,
Хижронлари ёлғон бўларму,
Севгагимми айбим, айтинг сиз?

Васлингизни хайрон қилдингиз,
Ишқ қасримни вайрон қилдингиз,
Мени нечун сарсон қилдингиз,
Севганимми, айбим, айтинг сиз?

* * *

Ниҳоят Хусан ҳам жўнаб кетди. Муштарий икки гўдаги ва “учинчи гўдаги” – қайнонасига парвона бўлиб қолаверди. Қиш ўтиб яна баҳор келди. Бир Хасандан, бир Хусандан она номига хатлар кети узилмади. Аммо Муштарий кейинги хатлардаги ёзувнинг бир хил эканига, яъни улар айнан Хасанники эканини сезиб қолди. Аммо бу ҳақида ҳеч кимга чурқ этмади. “Қизик нега Хусан акам ёзмай қўйдилар? Бунинг боисини, албатта, таътилга келганларида ўзларидан сўраб биламан”.

Ҳаш-паш дегунча ёз ҳам келди. Ўғилчасини тили чиқиб хадеб “Дад-да” дея бошлаган кунларнинг бирида, ярим тунда Хусан кириб келди. У тўғри кириб Муштарий ётган уйни тақиллатди. Муштарий эри келганини сезиб ички кўйлақда чопиб чиқди.

– Вой, нега тақиллатяпсиз, дадаси? Киравермайсизми? Яхши келдингизми?

– Мен Хусан эмас, Хасанман.

– Вой ўлмасам, – деди Муштарий ва хиёл очик кўкрагини яшириб тез ичкарига қайтди ва устига халатини ташлаб чиқди. – Хусан акам қанилар, тинчликми?

Хасан лабига “жим” ишорасини қилди-да, оғир хўрсиниб қўйди.

– Болалар ухляяптими?

– Ҳа.

– Ичкарида ҳоли гаплашайлик. Муҳим гап бор.

Улар ичкари хонага киришди. Муштарий тез кўрпача солди ва чой қуйиш учун тараддудланди.

– Ҳеч нимага уринманг, келин, – деди Хасан.

Гапининг оҳангидан олисдан жиддий иш билан келгани маълум эди.

– Тинчликми, ака? – сўради Муштарий бетоқат.

– Йўқ, синглим. Фақат бир илтимос, сиз оғир бўлинг.

– Нега?

– Бу гап ўртамизда қолиши керак. Ойим, хатто, отам ҳам, умуман, ҳеч ким билмаслиги керак, тушунарлими?

– Йўқ, очикроқ гапираверинг.

Хасаннинг кўзидан шашқатор ёш оқиб кетди. Унинг юраги тўлиб “Илтимос Муштарий, сиздан ўтиниб сўрайман”, – дея олди холос. Келиннинг юраги така-пука бўла бошлади. У кап-катта, эсли-хушли йигитнинг йиғлаётганини кўриб довдираб қолди.

– Нима гап Хасан ака? Мундоқ тушунтирсангизчи!...

Хасан даст ўрnidан туриб эшикни ёпиб келди. Панжарали деразани ҳам ёпмоқчи бўлди аммо ховли томон қарагани учун тегмай қўя қолди. Бу ҳолат аёлни янада хавотирга солди ва ўрnidан турди.

– Бўлди, бўлди, ўтиринг. Фақат ўзингизни қўлга олинг. Лекин онам асло эшитмаслиги керак. Эшитсалар бунга дош беролмайдилар. У киши яна яшашлари керак. Биз Хусан билан бу ҳақида келишиб олганмиз.

– Ўлай агар, ҳеч нимани тушунмаяпман.

– Ҳозир-ҳозир, – деди Хасан кўллари билан ишора қилиб, – Ҳозир сизга ҳаммасини тушунтириб бераман. Бир кружка сув олиб келсангиз, илтимос.

– Совуқ чой бор, бўладими?

– Бўлаверади.

Муштарий минг бир хаёл билан кўллари қалтираб чойнакдаги чойни олиб кирди. Қопқоқ қурғур пиёла ичига тарақ этиб тушиб баттар чўчитиб юборди. Қопқоқни олиб совуган чойни тез қайноғасига узатди. Умуман у келин бўлиб шунча йиллардан буён қайноғасига илк бор чой узатиши эди...

– Айтаверайинми? – сўради йигит келиннинг кўзларига маъюс қараб.

– Ҳа...

– Укамни... бериб қўйдик.

– Нима?!... – деди Муштарий ва кўрқинчдан кўзлари катта-катта очилиб ўтириб қолди. Қўлидаги чойнак эса қўлидан тушиб кетиб қаттиқ тарақлаб кетди. Дастаси синди. Ичкаридан болаларнинг безовталанган оқози эшитилди.

– Илтимос Муштарий, ўзингизни кўлга олинг, онам ҳаққи, йиғламанг,. Йиғи-сиғи керакмас, ўтинаман сиздан! Ялиниб-ёлвораман! Менга ҳам ҳозир жуда оғир, тушунинг. Онамга раҳмингиз келсин. Эшитса юраклари дош беролмайди. Бу гап отамга ҳам оғир ботади.

Муштарий довдираб “А-а...!” дея йиғламоқдан бери бўлиб гарангсий бошлади. Хасан келиб аста унинг оғзини ёпди... Энди ойимдан ҳам айрилиб қолмайлик, Муштарий. Ахир бунинг иложи борку. Мен Хусанга ўхшайманку, ахир!... Бир Хасан бўлиб, бир Хусан бўлиб келиб кетавераман. Майли, жиянчаларим мени бир гали “дада”, бир гали “амаки” деб чақира қолишсин. Мақсадим ойимизнинг умрига-умр қўшиш, холос. Ўз вақти соати келиб ойимизнинг умрлари тугаганида, бу ҳақида ҳаммага маълум қиламиз. Сўнгра ҳар иккисини узоқ сафарга бирга жўнатамиз, бўптими, Муштарий?! Сиз фақат “Хўп” денг, илтимос. Бу сир фақат иккимизга маълум бўлади. Мен бунинг учун бир умр уйланмасдан ўтишга ҳам розиман. Жиянларимни ўзим катта қиламан, сизларни ҳеч қачон ташлаб қўймайман. Ҳудо ҳаққи, қасам ичаман, – деди Хасан ва қалтираб, қаҳшаб тили айланмай турган келинпошшанинг пойига тиз чўқди. – Онамнинг ҳаёти сизнинг қўлингизда, Муштарий. Агар сиз Хусаннинг ўлганини ҳозир хабар қилиб қўйсангиз...

Хасан бошқа гапиролмади. Унинг томоғига оғир бир нарса тикилиб келиб нафаси қисилиб қолгандай туюлди. Кўзларидан тўхтовсиз ёш оқа бошлади.

– Ака! – деди Муштарий ва унсиз йиғлаб Хасаннинг кўксига бошини қўйди. – Сизни тушундим, ака! Лекин мен бунга қандай чидайман?! Қандай чидайман, ахир...?!

– Илтимос келин. Бардошингизга ишонаман. Мен шунинг учун келдим. Бўлмаса, Хусаннинг номидан ҳали ҳам хат ёзишда давом этаверардим.

Муштарий ярқ этиб қаради.

– Нима?! Наҳотки сиз...

– Ха. Бу ишга уч ой бўлди. Айни баҳор музлари эриётган пайт эди. Биз Хусан билан чанғида дарёнинг у юзига кўпчилик қатори музлик устида ўтиб борардик. Тўсатдан музлар ёрилиб кета бошлади. Мен бир музни, Хусан эса бошқа бир муз устида қолиб йиқилдик. Ҳар иккимиз совуқ сувга тушиб кетдик. Сўнгра бир биримизни чақириб аранг илиниб чиқа бошладик. Мен укамга “Хусан, агар менга бир гап бўлса, уйимизга бир ўзинг бўлиб, бир мен бўлиб бор. Онамизнинг юраги дош беролмайди! У киши яна узоқ умр кўришлари керак!” – деб қичқирдим. У ҳам “Акажон, агар менга бир гап бўлса, сиз ҳам менинг ўрнимга бир Хусан бўлиб, бир Хасан бўлиб боринг, илтимос. Онамни, болаларимни эҳтиёт қилинг!” деб қичқирди. Одамлар бизларни кутқаришга ошиқишди. Шу маҳал бир ёш бола мус устидан сувга йиқилиб тушди. Хусан ўша болани кутқаришга чоғланди. Сўнгра болани одамларга узатган маҳал бир муз парчаси урилиб уни сув қарига ғарқ қилди. Бошқа муз менга ҳам келиб урилди. Бизлар, ҳар иккимиз сув остига ғарқ бўлдик. Сув тагидан чиқишга кўп уриндим. Лекин музларни кўтара олмадим. Кейин ўзимдан кетдим. Кўзимни очсам касалхонада ётибман. Турибоқ Хусанни чақирдим, аммо ғаввослар уни ҳали топишмаганини, мени топганларига уч кун бўлганини айтишди. Ана шунақа гаплар... – дея Хасан бошини аламли силтаб жим қолдида, кўз ёшларини артиб олиб сўзида давом этди.

– Мени худо асради, лекин... Мен укамни асраб қололмадим. Уни на тириги, на жасади топилди.

Хасан “Ука!!” – деб бақириб юборай деди ва шарт ёстикни олиб оғзига ёпди-да, шу алпозда ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади.

Муштарий ҳам ўзини ўриндиқ устига отиб юзини ёстикқа босган ҳолда узоқ юм-юм йиғлади. Оғир жудолик ва тирикларни асраш маъсулияти ҳар икки ёш дилига жо бўлган, шу туфайли ҳам “Дод!!” деб юборишдан ўзларини аранг тийиб туришар, шу онда сабр-бардош деган буюк туйғу уларга хайрихоҳ ва ҳамроҳлик қилмоқда эди.

– Бўлмаса келин, келишдик-а? – деди Хасан анчадан сўнг ўзини босиб олиб. – Мен меҳмонхонада ётаман. Хасаннинг спортча кийимларини олиб келганман. Сиз эрталаб турингда ота-онамга эрингиз келганини маълум қилинг. Кейин ҳеч нима бўлмагандек ўз ишингизни қилаверинг, хўпми?

– Хўп...

– Худойим сизга сабр берсин.

– Сизга ҳам...

Хасан оғир қўзғалиб чиқиб кетаркан “Сабрли бўлайлик Муштарий” – деб қўйди.

Эрталаб Хусан ролидаги Хасан онаси билан кўришишди. “Дада!” деб чопқиллаб келаётган Сардорбекни меҳр билан бағрига босиб, уни кучоқлаб кўтариб юрди.

– Вой, Хусанбой, шу ростдан ўзингмисан? – деди она негадир ишонгиси келмай.

– Нега унақа деяпсиз, ойи?

– Хасанбойга ўхшаб оқариб кетибсан-да, гапларинг ҳам бошқача, ё атай қияпсизларми-а? Вой шумтакалар-ей. Ҳеч болаликларингиз қолмас эканда-а. Кичкиналикларингдаям бизни кўп довдиратардиларинг.

Хасанни бу мушкулотдан чой кўтариб келган Муштарий кутқаришга эришди.

– Вой ойижон, шимолий ўлкаларни совуқ дейишади-ку, у ёқларда қуёш кам чиқаркан. Қуёш бўлмагандан кейин ҳар қандай одам ҳам оқарадида. Дадаси, чойдан ичинг.

– Хўп-хўп, хотин, раҳмат... – деди довдираб Хасан.

– Ҳа ишқилиб, омон бўлинглар. Энг ёмони ўлим бўлмасин, – деб қўйди Руқия хола. Негадир унинг кўнгли ғаш эди.

– Ҳа, қизим. Отангиз қанилар? Ўғлим билан кўришдимми?

– Йўк. Сахар кўчани супираётгандим. Аллақаерда хатна оши бор дедилар. “Ўғлингиз келдилар” десам “Қўяверинг, дамани олаверсин”, – дедилар.

Аммо ўша куни ҳеч қандай хатна оши йўк эди. Шокарим ака шунчаки, тўғрироғи юраги сиқилганидан, қолаверса, қон босими кўтарила бошлаганидан, ўзини нохуш сезиб пахтазор далалари, тутзорлар кўйнига урди. Шудринг қоплаган ажриқлар устига ўтириб паст овозда “Вой болам!” деб юм-юм йиғлади. Негадир шу топда у Хусанни кўргиси келаётганди...

У ҳаммасини эшитди. Тунда ховлига чиққанди. Хусаннинг уй деразаси ховли томонда эди. Тўсатдан эркак кишининг овозини эшитиб қолди ва... Эҳ, гап пойлашнинг оқибати шунчалик ёмон бўлишини билганида эди ва ўша тунда у ховлига чиқмаганида

бундай изтиробда куйиб ёнмаган бўларди. Фарзанд доғи уни адоийи-томом қилди. Аммо суюкли хотини Руқиянинг ҳаётини сақлаб қолишга бўлган ёшларнинг саъий-ҳаракатларини кўриб уларга тан берди. Муздай ажриқлардан бир сиқимини юлиб қайноқ юзига босди. Ота ўша тун ухламаганди. Ўғли Хусаннинг ўлими ҳақида эшитди-ю “Воҳ!” дея юрагини чангаллаб, шафтоли танасига суяниб қолди. Очiq деразадан ҳамма гап эшитилиб турарди. Сўнгра бу томонга Хасан ўтиб қолиши мумкинлигини ўйлаб аранг ўрнидан турди-да, ётоғига етиб олди. Сўрида ўтириб Хасаннинг кўришиш учун кириб келишини кутди. Аммо у меҳмонхона чироғини ёқди-ю, ўчириб ётди. Бу уйда мўйсафид, сал наридаги уйда Муштарий, меҳмонхонада бўлса Хасан ўша тун мижжа қоқишмади.

Эрта тонг Муштарий рўмолини пешонасига маҳкам тугди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандек одатий кўча супуришга чиқиб кетди. Сўнгра нонушта тайёрлади ва қозонга мастава ташлаб қўйди. Хасан уйғониб чиққанида соат ўн бирлар чамаси бўлганди.

– Нима бало “хатна оши” шунақаям узоқ бўларканми, отангизнинг дараклари йўғ-а? – келинидан сўраб қолди бир пайт Руқия хола.

– Билмасам. Ўртоқлари билан ҳангомалашиб юргандирларда.

– Ахир ўғли келганини эшитган бўлса, тавба... – деб қўйди аёл қовоғини уйиб.

– Сиқилманг ойи, Хусан акам ҳали 5-10 кун шу ердалар-ку. Ҳали кўп гурунглашишади.

Аммо тушлик ўтиб соат учлар бўлибди ҳамки, мўйсафиддан дарак йўқ эди.

– Бор ўғлим отангни бир дараклаб келчи. Нима бало, бирор жойда ботиб қолдими дейман?...

Хасан отасини қидириб кетди. Йўл-йўлакай ошна-оғайни, қўни қўшнилар учрай бошлади.

– Э, Хасан қалайсан? – деди бир ўртоғи у билан қучоқлашиб кўришаркан.

– Акам учун яхшиман, ўзингиз яхши юрибсизми?

– Нега энди мени сизлаяпсан?

– Ахир мен Хусанманда.

– Ёпирай, одам шунчалик ҳам ўхшаш бўладими? Хўп аканга мендан салом айт.

Аммо энг хунуги унинг Тўлқинбек билан учрашиб қолгани бўлди. Тўлқинбек отлик чегарачи, ҳарбий дала кийимида бўлиб, ўша куни Арикбўйига бир иш билан келганди. У узоқда амакилар билан кўришаётган Хасанга кўзи тушди-ю, эски кадрдони билан кўришмай ўтиб кетишни ўзига эп кўрмади.

– Э, Хасанбой, ошна бормисан?

Икки сардор кучоқ очиб кўришишди. Хасан дўстини ўша муштлашган кундан буён кўрмаганди. Соғинганмиди, хар холда Хусанлигини унутаёзди. Бироқ хозиргина Хусанман деб кўришишган, ёнида турган бир синфдоши ва кўшнисига кўзи тушди-ю, дўстининг белини маҳкам қисиб турган кўлларини қўйиб юборишга мажбур бўлди. Лекин Тўлқинбек уни қўйиб юбормоқчи эмасди. Кўтариб силтаб-силтаб қўйди ва Хасандан ҳам худди шунга ўхшаш “жавоб қайтишини” кутди. Жавоб эса қайтмади.

– Ўзингиз яхши юрибсизми? Нима бало ҳали ҳам аскармисиз?

Тўлқинбек Хасаннинг сизлашидан хайрон бўлиб елкасини ушлаганича унинг кўзларига тикилиб бир оз жим туриб қолди.

– Биринчидан оғайни сизлашишни бас қил. Иккинчидан, мен чегара қўшинларида хизмат қиляпман. Қишлоғимиз биласан, Қирғизистон билан чегарадош... Обба Хасанбоей, энди қачон Россиядан бутунлай қайтасан-а? Хозир юртимизда ҳам қанча тадбиркорлик ишлари тикилиб ётибди. Сендан туппа-тузук бизнесмен чиқади, – деди у кулиб.

– Мен бу гапларингизни акамга етказаман, албатта.

– Қанақа аканг?

– Ахир мен Хусанман-ку...

– Э, қўйсангчи. Сен бола, нима бало, мен билан яна муштлашгинг келиб қолдими дейман-а?

– Мен сиз билан ҳеч қачон муштлашмаганман.

Тўлқинбекнинг кайфияти тушиб кетди, дўстининг кўзларига тикилди. Унинг қарашидан “Ҳой бола, мени лақиллата олмайсан” – деган маънони ўқиб олиш қийин эмасди.

– Шунақами, – деди у кесатиб, – муштлашмаганман де, ҳа майли, омон бўлсак кўришармиз.

– Менга манзилингизни ёзиб беринг акам ўзи сизга хат ёзади.

– Аканг ўзи қаерда? – деди Тўлқинбек отига илдам миниб оларкан.

– Кросноярскда. Ўша тўйдан буён қишлоққа келгани йўқ.

– Шунақами? – деди Тўлқинбек синовчан тикилиб ва блокнотига манзилини ёзди-да, қоғоз парчасини йиртиб узатди. – Хўп, омон бўл, ука! – деди у ва норози бўлгандек отига қамчин босиб, чоптириб кетди.

“Эҳ, яхши иш бўлмади-да – деди Хасан хаёлан. – У ишонмади. Демак мен Хусан ролини бажаролмадим. Тезроқ қайтиб кетишим керак. Тўлқинга хат ёзиб узримни айтаман. У тушунадиган яхши йигит”.

Шу маҳал бир “Дамас” машинаси келиб тўхтади. У киракаш Муродилхўжа эди. Бу одам билан Хасан салом аликдан нарига ўтмаганди. Киракаш кўришдида, мақсадга ўтиб қўя қолди.

– Отанг тузукми, Хасан?

– Худога шукур. У киши, хатна ошга кетгандилар.

– Қанақа ош? Мен ахир уни эрталаб касалхонага ташлаб келдимку. Сувчи Боймурод ака у кишини далада беҳуш ҳолда топиб олган экан. Менга илтимос қилувди. Ҳозир сизларникига кетаётгандим, яхши ўзинг учраб қолдинг.

– Ие, отамга нима бўпти?

– Қон босими анчагина баланд дейишди. Дўхтирлар билан ўзинг гаплашиб кўрарсан. Бўпти мени одамларим кутиб қолишди. Борсанг юр, Чустга кетяпман.

Машина орқага бурилиб эндигина бир-икки қадам юрган ҳам эдики, Хасан уни тўхтатиб чиқиб олди.

– Отам далада нима қилиб юрган эканлар?

– Билмасам, анча қийналган чоғи, ажириқларни бир уюм қилиб юлиб ташлаганмиш.

Хасан отасидан қаттиқ хавотирга тушди. “Нима бало Муштарий айтиб қўйдимикан-а... Ишқилиб онам эшитмаган бўлсинларда” деган ўй ўтди кўнглидан. Йўлда яна таниш-нотаниш йўловчилар чиқди. Кўп ўтмай машина “Тез тиббий ёрдам” жойлашган бино олдида етиб келди. Хасан йўл кирасини икки баробар қилиб узатди.

– Ҳе, ука, ҳеч бўлмаса бензин пулини бер, эрталаб отангни икки йўловчи билан олиб келгандим.

Хасан унинг олдида бир талай пул ташлади-да, “Рахмат ака” деб тушиб қолди.

Шокарим ака жонлантириш бўлимида ўзини билмай ётарди.

– Отангизнинг қон босими жуда баланд. Кейин қаттиқ асабий стрессни бошидан кечирган кўринади, – деди шифокор опа.

– Қачон ўзларига келади?

– Яна уч-тўрт соат ётсинларчи.

Ниҳоят Шокарим ака ўзига келди. Хасанни кириб кўришига рухсат беришди.

– Тузукмисиз, ота?

- Раҳмат, Хусанбой... Мендан хавотир бўлманглар, бироз мазам бўлмай қолди, шекилли. Онанга ҳеч нима демагин, хўпми.
- Хўп бўлади. Далага нима учун боргандингиз, ота?
- Нариги маҳалладаги Холтожининг новвоси бўшалиб кетган экан. Шуни қуваман деб йиқилиб тушибман... Ўзинг яхши келдингми, ўғлим?
- Ҳа, раҳмат. Сиз тузалгунингизча ёнингизда бўламан, ота.
- Баракалла ўғлим, – деди мўйсафид ва кўзларига беихтиёр ёш келди. – Сизлардек ўғилларим борлигидан фахрланаман. Менинг дардим ҳеч гапмас, ўтиб кетади. Лекин ойингни эҳтиёт қилинглар. Унинг умри ғанимат, болам.
- Сиз ҳеч ташвиш чекманг. Ҳали икковларинг ҳам соғайиб кетасизлар. Бўлмаса мен бориб ойимни тинчлантирай. Ойим сизни “ош”дан қайтмаганингизга хавотир олиб ўтирибдилар.
- Мени Парда Турсунга кетибди, қуролдош дўстлари йиғилиб келишган экан. Ўша ерда уч-тўрт кун дам олишаркан деб айт, бўптими?
- Ўша қуролдош дўстларингизга мен чой-пой дамлаб турсам майлими, ота?
- Майли ўғлим, майли.
- Мўйсафиднинг оқиш юзига хиёл қон югургандек, юзига табассум инди. Хасан “Бўпти ота мен тез қайтаман” – деди-да, шифокорга учрашиб керакли дори-дармонлар ҳақида маълумот олди.
- У кечки пайт овқат ва ул-бул олиб келди. Отанинг ёнидан жой қилиб беришди. Хасанга бир жиҳатдан яхши бўлди. Муштарийнинг ёнида уймаланиб юриш, кўча-куйда ҳам сўроқ-савол бераверишдан безиб турганди. Муштарий қайнонасига “Катта синглим касалхонага тушиб қолибди. Бориб кўриб келаман” деб эртаси қайнотасини кўргани келди. Яхшики, Хасан уни кўриб қолди.
- Отам тузукмилар?
- Ҳа. Ҳозир Парда Турсунда қуролдош дўстлари билан дам оляптилар. Ойимга шундай деб айтинг.
- Хўп.
- Отам анча дуруст. Уч-тўрт кунда жавоб беришаркан. Шунинг учун овора бўлиб бошқа келиб юрманг, хўпми?
- Мен анави гапдан хабар топдилармикин, деб кўрқиб кетдим-да. Шунга бир хабар олайн дедим.

- Тўғри қилибсиз. Демак хозирча ҳаммаси жойида.
- Хасан ака, сиз қачон қайтасиз? – сўради қиз кўзига ёш олиб.
- Отам тузалиб чиқишлари биланоқ. Нима эди?
- Мен ҳам сиз билан кетиб... қабрларига...
- Э, қанақа қабр? Укамнинг қабри шу ерда бўлади.
- Мен энди қандай яшайман, ахир?...

Муштарийнинг кўзидан дувиллаб ёшлар тўкилди.

– Уф-ф..., ахир биз келишиб олдик-ку. Ҳозир агар қўйиб берса дод-фарёд солар экансиз-да-а?

– Нима қилай, чидолмаяпман... – дея Муштарий пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Ҳа. Ҳозир ҳар биримизга ҳам осон эмас. Фақат сабр бардошли бўлишимиз керак.

Майли, бораверинг, фақат кўзингизни ёшини ошкора қилманг, илтимос.

– Хўп, – деди Муштарий маъюс – сиз нима десангиз шу...

У ўша куни Ҳусанакасига бағишлаб бир шеър битди:

Эрта топиб, эрта йўқотдим,
Саратонда куйдим, совқотдим,
Қай гуноҳим азобин тортдим,
Акам, сиздан айрилиб қолдим.

Энди ишқим кўчаси вайрон,
Унда сизсиз юрибман сарсон,
Гох куламан, гохо йиғлайман,
Ўз холимдан ўзим ҳам ҳайрон.

* * *

... Хасан жўнаб кетди. Тез орада ундан хат келди. Унда укаси Хусанбой борган куни оталарининг мазаси қочиб қолганини эшитиб хавотир олгани ва уларни, қолаверса, оналарини жуда соғинганлиги ҳақида ёзибди. Муштарий бўлса энди онанинг номидан эмас, балки ўз номидан жавоб мактуби йўллади ва хат сўнгида “Хусан акамга айтинг, бизга тез-тез хат ёзиб турсин” – деб қўйди.

Мактубларининг бирида Хасан муштарийдан шеър ижод қилишни тўхтатмасликни ва иложи бўлса янги машқларидан ёзиб юборишини илтимос қилди. Унинг мақсади агар

шеър кўнглига ўтирса қўшиқ қилиб айтиш эди. Муштарийнинг қуйидаги шеърини ўқиб у лол қолди:

Қанча олис кетсанг ҳам майли,
 Ҳаёлингдан ўчсам ҳам майли,
 Телба кўнглим хохиши майли,
 Тушларимга кириб турсанг бас.

Бизлар сира кўришмасак ҳам,
 Йиғлаб ўтай кўзларимда нам,
 Бу дунёнинг доим бири кам,
 Тушларимга кириб турсанг бас.

Ҳаёлимда бўлдинг ҳамма вақт,
 Менинг учун шунинг ўзи бахт,
 Ўтсам ҳамки дунёдан бевақт,
 Тушларимга кириб турсанг бас.

Кўнглим учун бораман дема,
 Майли менинг ғамимни ема,
 Бир умрга кутайин, келма,
 Тушларимга кириб турсанг бас.

Ўша кунлари Хасан ғовалик дўсти Тўлқинбекка ҳам хат йўллади. Унга бўлган гапни рўй-рост битди ва нома сўнгида “Сенинг белингдан маҳкам қисиб қолувчи Хасан” деб тугатди. Хатнинг асл мазмуни билан танишган Тўлқинбек ўзини қўйишга жой топа олмай бир хафта-ўн кун қаттиқ таъсирланиб юрди. Сўнг кунлардан бир куни яхши бир харажат қилиб, Хасаннинг ота-онасини, қолаверса, Муштарийни, йўқлаб борди. Мақсад уларнинг аҳволини ўз кўзи билан кўргач, дўстига жавоб мактуби юбориш эди.

– Э, келинг ўғлим. Сиз ҳалиги зўравон йигитсизда-а? – беҳол сўради Шокарим ака. У анчагина ўзини олдириб, Тўлқинбекнинг назарида қадди “букилиб” қолганди.

– Ҳа, топдингиз ота. Одам баъзида муштлашиб ҳам туриши керак эканда. Шунда танада қон яхши айланаркан, дўхтирлар айтишди, – деди зобит кулиб.

– Яхши-яхши – деб қўйди, ота.

– Хабарингиз бор, бизлар, яъни ўғлингиз Хасан, келинингиз Муштарий эски кадрдонлармиз, мусабакаларда доим бирга беллашардик. Шунга бир сизларни йўқлаб келувдим.

– Ҳа, эсимда, балли ўғлим.

Муштарий майин табассум билан келиб дастурхон ёзди.

– Яхши юрибсизми, Тўлқинбек ака?

– Ҳа, раҳмат. Хасанбойдан, ўртоғингиздан хат-хабар борми?

– Бор, сўраганларга салом айтяпти. Ҳалиям аскармисиз дейман-а?

– Йўқ чегарачиман. Хизматдан сўнг илтимос қилишувди қолавердим. Ёнимиз тоғли чегара, бизнинг тоғу-тошлардан унча-мунча аскар юролмайдиди-да.

– Ҳа тўғри. Тоғларимизни сиз яхши биласиз. Юртимизнинг осойишталиги сизларнинг кўлингизда-да. Қани олиб ўтиринг, меҳмон.

– Холам қалайлар, яхшими?

– Ҳа, раҳмат яхшилар, ичкаридалар.

– Бўлмаса кириб бир дуоларини олиб чиқай.

Шокарим ака ярқ этиб келинига қаради. Бундан “Ичкари сарамжон-саришталими?” деган саволни англаш қийин эмасди.

– Бўлмаса сизлар гаплашиб ўтиринглар. Мен сиз келганингиз хақида ойимга хабар қиламан, хўпми – деди Муштарий ва ичкари кириб кетди.

Аёлнинг икки оёғи ишламай бир жойда бўлиб, ётиб қолганди.

– Ўғлим, – деди Шокарим ака босиқлик билан ўртоғингиз Хасанга айтинг, у тезроқ уйлансин. Ҳа айтмоқчи ўзингиз уйланмаганмисиз?

– Йўқ. Келинга бўлиб кўйдик. Худо хоҳласа бахорга чиқиб сизларни тўйга айтиб кетаман.

– Яхши, қуллуқ бўлсин!

– Қутлуғ, раҳмат.

– Бизниям шартимиз кетиб, партимиз қолди. Ўртоғингиз ўша олис юртларда юришни энди бас қилса бўларди.

– Ҳа тўғри. Мана республикамиз мустақил бўлганидан кейин, кўз тегмасин, яхши ривожланыпти. Ҳаммаёқ ободончилик. Ёш мамлакатни тиклаш, бу ердаги барқарорликни таъминлаш бизнинг вазифамиз. Мен Хасанга албатта хат ёзиб айтаман “сен энди ўз юртингга кераксан, қайтиб кел”, – дейман.

– Яхши бўларди, ўғлим.

Шу маҳал Муштарий кулиб чиқиб келди.

– Кира қолинг, акажон. Ойим сизни кутяптилар.

Она Тўлқинбекни илиқ қарши олди.

– Бўйларингиздан айланай болам, илоҳим бахтли-тахтли бўлинг, ишларингиз бароридан келсин, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин, ҳамиша тинч, осойишта бўлсин, раҳмат болам, – деди Руқия хола дуога қўл очиб.

Шундай қилиб Тўлқинбек уларникида кўрган кечирганлари ҳақида Хасанга тўлқинланиб жавоб мактуби йўллади. Бир Хасандан, бир “Хусандан” мактублар оқими узилмади. Аммо орадан бир йиллар ўтгач, Шокарим ака бу фоний дунёни барвақт тарк этди. Ким билади, балки у киши фарзанд доғига дош бера олмагандандир...

* * *

... Маракага Хасан етиб келди. Аммо Хусаннинг не сабабдан келмаганини одамлар тушунишмади. Шу туфайли кўпчилик Хасанга “Қанақа ўғилсизлар, ўзи? Отанинг ўлимига ҳам келмайдими?” деб дашном беришди. Хасан қизариб изза бўлди ва узрини айтди. Аммо онанинг ёнига уст-бошини тез-тез алмаштириб бир Хасан, бир Хусан бўлиб кириб турди. Бўйлари етилиб қолган сингиллари Гулчирой билан Гулхайриларга ҳам акаларини биргаликда кўриш “насиб этмади”.

Бир пайшанба отани ёдга олиб Муштарий ош дамлади. Хасан тиловат қилмоқчи бўлди.

– Хасан ака тўхтаб турунг, ҳозир Хусан акам ҳам чиқсинлар, – деб қолди бир пайт Гулчирой. – Бор, Хайри Хусан акамни тез чақир.

– У киши нодир акамникига кетувдилар, – деб юборди тўсатдан Муштарий.

– Ҳа, майли кўявер, Гулхайри...

...Хасан отасининг йигирмасини ўтказгандан сўнг Муштарий билан хайрлашгани кирди.

– Хасан ака, сиз қачон уйланасиз? Тезроқ қайтмасангиз бўлмайди, шекилли.

– Ҳа тўғри. Лекин буни ҳозирча иложи йўқ.

– Кўп эмас, озроқ топарсиз. Ўзи келиб-кетишингиз, пул юбориб туришингиз билан қандай етказяпсиз, хайронман.

– Тўғри айтасиз. Бир ўзимнинг топишим ҳеч нима бўлмай қолди. Тўғрисини айтсам, менинг аҳволимни тушуниб, доим маблағ билан таъминлаб тураётган яна бир одам бор.

– Нима? Қанақа одам? У ким бўлди?

– Света, яъни хотиним. Бирга ишлаймиз. Бир қизчамиз ҳам бор, исми Ойдин.

Муштарийнинг бошига томдан тараша тушгандек танаси ларзага келди.

– Нима, ахир қандай қилиб? “Онамнинг орзу хаваслари нима бўлади? Ахир у киши туну-кун сизни дуо қилиб тўйингизни кутиб ётибдилар-ку.

– Ҳа. Лекин нима қилай у қиз мени қаттиқ севиб қолганда... Мен унга ҳаммасини тушунтирдим. У барига рози.

– Шу ёққа келишга ҳамми?

– Ҳа. Лекин мен ўзим бунга қарши бўлиб келдим. Ота-онамга бу ҳақида қандай айтишни билолмадим.

– Тўйингиз бўлганми? – сўради Муштарий ўсмоқчилаб.

– Ҳа. Унда Хусан ҳам қатнашган эди.

– Кейин буни биздан сир тутибсизларда-а?

– Ҳа. Шунақа. Энди бу сир бу ёғига иккимизнинг орамизда қоладиган бўлди.

Ишонаманки ...

– Вой, мени сир сақлашни билмайди, деб ўйлаяпсизми? Бўлар иш бўлибди. Майли бир шартим бор.

– Қанақа шарт?

– Ўша Света менга хат ёзиб турсин. Сиз борсиз-ку. Таржима қилиб бераверасизда.

– Бўпти. Келишдик, – деди Хасан.

Унинг кўнгли бир оз ёришгандай бўлди.

Улар самимий хайрлашдилар.

“ҲАЁТ ҚЎШИҒИ”

Орадан бир неча йиллар ўтди. Светлана яна бир ўғил кўрди. Унга Темур деб исм қўйишди.

Светлана қишлоқ зиёлилари хонадонидан бўлиб, унинг отаси Григорий Тимофеевич Заречная қишлоғидаги ўрта мактабнинг директори, онаси Мария Ильична рус тили ва адабиёти ўқитувчиси эди. Светлана оила фарзандларининг кенжаси бўлиб, унинг катта акаси Дмитрий ака-ука Хасан-Хусанлар ишлайдиган ташкилотда бригада бошлиғи эди. Дмитрий Педогогика институтини тамомлаб мактабга ишлаш учун қайтган Светлананинг туғилган кунига “Сюрприз” қилиш мақсадида ўша пайтларда эстрада қўшиқчилиги билан

донг таратаётган Хасанни таклиф қилганди. Бу кеча балоғат ёшидаги Светланада катта таассурот қолдирди. Дастлаб қўшиқларини, сўнгра ўзини ёктириб қолди. Кунлардан бир куни қиз ундан “Хасанчик, нима учун қўшиқларинг бунчалар дардли?” деб сўраб қолди. Шундан сўнг йигит ўз тарихи ва қишлоқда қолган келини Муштарий ҳақида сўзлаб берди. Светлана кўзларига ёш олиб, “Ахир бу савдога қандай чидадинг? Нахотки тўйни тўхтатмадинг, номардлик қилибсан!” – деди куйиниб.

– Йўқ, – деди Хасан изтироб ўтида тўлғониб, – Бундай қилолмасдим.

– Нега? Нима шунчалик журъатсизмисан?! – сўради Светлана таажжубланиб.

– Онам оғир бетоб эди. У ўша пайтда инфарктнинг иккинчи қўзғалишини бошидан ўтказгандилар. Мен бу ердан тўғри бориб аввал онам билан кўришдим. Онам аввал мени бошимни силаб “Умрингдан барака топ, болам. Мана энди менга қарайдиган келин олиб бердинг. Энди мен анча хотиржамман”, дедилар. Агар тўйни бузганимда нима бўларди? Унда тўй азага айланиши мумкин эди-ку!...

Светлана Хасаннинг иродасига тан берган эди, ўшанда... Шундан сўнг рус қизи хушсурат, кўркем, истеъдодли, меҳнаткаш ўзбек йигитини чиндан ҳам севиб қолди. Улар клубларга, рақс кечаларига, хатто, нариги соҳилдаги ярмаркаларга ҳам бирга боришадиган, бирга чанғибозлик қилишадиган, ойдин тунларда дарё соҳилида ўтириб орзуларга берилишадиган ва уларни қўшиқларида ифода этадиган бўлишди. Қишлоқ кичкина эди. Албатта мактаб директорининг қизи бир осиелик йигит билан учрашиб юргани ҳақидаги гап тез тарқалди. Шу туфайли Григорий Тимофеевич ёшларни хузурига чақиртириб “Агар муносабатларинг жиддий бўлса, чўзиб ўтирманглар, ҳар хил гап сўзлар кўпаймасин. Бу ҳол оиламиз обрўсига путур етказиши мумкин”, – деди ва қизининг кўнглини сўради. Қиз бўлса “Мен Хасанни севиб қолдим, ота. У қалби тоза йигит. Бунинг устига унинг қишлоғига бутунлай қайтиб бормаслиги учун асос бор экан. Мен бу ҳақида ойим икковингизга кейинроқ алоҳида гапириб бераман. Хуллас, келгуси ҳаётимни бу йигитсиз тасаввур қилолмайман. Мени кечиринг, ота”, – деди.

– Хўш, йигит сиз бунга нима дейсиз? Қизимнинг бошини тоза-а...? Ишқилиб, уни тузоғингизга илинтириб олмадингизми? – сўради Гриша амаки атайин “сиз”лаб.

– Светлана бизнинг ўзбек қизларидек қалби покиза қиз. Сиз унга яхши билим ва тарбия берибсиз. Шу туфайли у менга ҳам ёқади. Агар сиз рози бўлсангиз кўлини сўраган бўлардим.

– Хўп. Айтайлик розиман. Фақат бир шарт билан.

– Қанақа шарт экан?

– Аввало ота-онангнинг розилигини оласизлар. Иложи бўлса, улар бир келиб кетишсин.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ-да, – деди Хасан.

– Нега?

– Дада, буни мен сизга кейин тушунтириб бераман, дедимку! – деди Светлана гапга араллашиб.

– Сен аралашмай тур! – ўшқирди отаси.

– Ота-онам қариб қолишган. Онам оғир касал, узоқ йўл босиб келолмайди, – деди Хасан.

– Унда ичкуёвим бўласан. Ҳозирча эл-юрт оғзини ёпиш учун чоғроқ тўй қиламиз. Хўш розимисан?

– Хўп де, Хасанчик. Тўйни клубда, ишчи дўстларинг билан бирга ўтказамиз. Ўзинг мен учун қўшиқ айтиб берасан! – дея севиниб кичқирди Светлана.

– Йўқ. Иккимиз дуэт ижро этамиз.

– Бўпти. Келишдик!

– Намунча шошилмасанг, қизим, – деди ота қувониб, – Менинг ахир айтадиган шартим бор.

– Яна қанақа шарт?!

– Тўйда эгиз уканг ҳам иштирок этиши керак. Кейин у ҳам шу ерда ишлайверсин. Унга ҳам бирорта келинчак топилиб қолар.

– Дада, илтимос, сал ўйлаброқ гапиринг. Ахир укаси уйланган-ку, боласи ҳам бор. Кейин тушунтириб бераман.

– Э, шунақами?

– Хусан келади. Биз бирга бўлсак яхши ишлаймиз, бир-биримизни руҳан қўллаймиз, – деди Хасан.

– Яхши. Унда бахтли бўлинглар. Мен розиман. Якшанба куни сени оиламизда кутамиз. Дмитрий ҳам бўлади.

– Дада, ойимни ўзингиз йўлга солинг, хўпми? – деди Светлана нозланиб дадасининг пешонасидан ўпиб қўяркан.

– Хўп қизим. Тўғриси айтсам, сизларни хузуримга чақиришни ойингни ўзи маслаҳат берувди. Бизга миллатнинг фарқи йўқ, энг муҳими, ўртада соф ва самимий

муҳаббат бўлсин, инсонпарварлигимиз йўқолмасин. Сизларга бахт тилаймиз! – деди ота ва келиб куёв бўлмиш билан кучоқлашиб кўришди.

Кейин тўй куни белгиланди. Тўйга Хусан етиб келди ва ҳеч кутилмаганда акасини уйланаётганини кўриб хайрон бўлди. Уни бир четга тортиб сўроққа тутган бўлди:

– Нега отам, онамдан бемаслаҳат уйланыпсиз, акк? Ахир улар бир-икки қизга оғиз солиб қўйишган-ку.

– Шундай бўлиб қолди, ука. Аслида иккимизнинг тўйимиз бир пайтда бўлиши керак экан. Мен ёлғизланиб қолувдим. Мана шу Света жонимга оро кирди. Бир-икки йил яшагач, албатта уни Ўзбекистонга олиб кетаман. Фақат бу ҳозирча орамизда сир бўлиб қолиши керак. Ахир тушун, онам эшитсалар тўғри келмайди.

– Қачондир эшитиб қолишлари мумкинку, ахир.

– Йўқ. Сен-мен айтмасак ҳеч ким билмайди. Энди иккимиз ишлаймиз. Уйга кўп-кўп пул жўнатамиз. Онамизни каттароқ шифохонада даволатамиз. Бунинг учун кўп пул керак бўлади, ука. Энг муҳими, у кишининг ёнларида ҳозирча қарайдиган сенинг аёлинг бор. Кўрасан, ҳаммаси жойида бўлади, хўпми, ука?

– Хўп, куёвтўра, сиз нима десангиз шуда. Ўрис кеннойим билан мени яқинроқ таништирарсиз.

– Бўпти, ҳозир синаб кўрамыз. Қани, ажрата олармикан?

– Хўп. Нима қилишим керак?

Хасан укасининг қўлига бир рюмка шампан виносидан узатди.

– Тўғри бориб келиннинг ёнига ўтир. Қўрқма, дадил бўл, – деди Хасан ва ўзи пардалар ортига яшириниб олди.

Қиёфаси акаси билан деярли бир хил бўлган Хусан тўғри келиннинг олдида борди. Кимдир “Вой, манави бодринг наmunча аччиқ?” дея кесатди. Шу маҳал «Горька, горька!» («Аччиқ-аччиқ!») дея меҳмонлар руслар таомилига кўра, кичкира бошлашди. Светлана шарт ўрнидан турди-да, Хусаннинг лабидан муҳаббат бўсасини олди. Хасан бўлса бу ҳолатга дош беролмади ва тезлик билан дастурхон тўрига етиб келди. Меҳмонлар “Ув-в!!” деб қийқириб юборишди.

– Хусан, бас қил! – дея қичқирди Хасан ўзбекчалаб.

Меҳмонлар қиёфадош йигитларни кўриб қарсак чалиб юборишди. Светлана бўлса, уялганидан шолғомдек қизариб кетди, аразлаб ичкари томонга чопди. Гулдонлар ағанади.

Ноқулай вазият юзага келди. Хусан нима қиларини билмай довдираб турарди. Қишлоқдан келган йигит учун бу кутилмаган синоат эди, албатта.

Хасан келиннинг ортидан чопди. Қуда бўлмишлар хижолатпозликка барҳам бериш учун Хусанга илтифот кўрсата бошладилар. Хасан келин олдида пайдо бўлди.

– Ҳа, сенга нима бўлди, жоним. Нега қочиб кетдинг?

– Сиз кимсиз?

– Мен Хасанман.

– Мени ким ўпди?

– Мен ўпдим.

– Ростданми?

– Ҳа рост. У келган, укам Хусан эди.

– Қизик, одамлар шунчалар ҳам бир-бирларига ўхшаш бўладими?

– Бўсамизни қайтарайинми?

Қиз охиста “ҳа” ишорасини қилди. Улар хотиржам, узундан узоқ бўса билан бир-бирларини сийлашгач, ичкаридан яна ҳеч нима бўлмагандай очилиб-сочилиб, чиқиб келишди. Яна “Горька!!” дея қичкириш бошланди. Бу сафар келинпошша адашмади.

* * *

Шундай қилиб она қишлоғидан йироқда яқинларини фироқда қолдириб Хасан ўзбошимчалик билан уйланиб олди. Хусан учун бир ҳужра ажратиб беришди. Эгизаклар яна бирга ишлаб, бирга ҳаёт кечира бошладилар. Улар нонуштадан то кечки овқатгача, тонги бадантарбиядан то тунги кўшиқларга қадар бирга бўлишар ва фақат Светлана исмли сариксоч хилқат уларни айро қиларди. Қиз шу қадар бахтиёр эдики, гўё исмидек жисми ҳам ойга монанд сертабассум, серсепкил, арчилмаган олма каби юзидан оппоқ нур сочарди.

– Хусан сен ҳам хотинингни олиб кел, шу ерда биргаликда яшайверайлик, – деб қолди Светлана бир куни.

– Бунинг иложи йўқ. У онамга қараяпти.

– Эссиз, мен ўғилчангни бир кўрмоқчи эдим. У кимга ўхшайди-а? Сенгами ё Муштарийгами?

– Менга ўхшайди.

– Қизик, менинг болам кимга ўхшаркин-а? – деди қиз қорнига ишора қилиб.

– У ҳам менга ўхшайди-да, – деди Хусан ҳазил қилиб.

- Бекорни айтибсан!
- Нима, акамга ўхшасинми, бўлмасам?
- Йўқ, у менга ўхшашини хоҳлайман.
- Унда сап-сарик, пучук қиз бўладими?

Светлана Хусаннинг юзига хазиломуз бир туширди.

* * *

Аммо Хусан ҳақ бўлиб чиқди. Кўп ўтмай ойдаи қиздан қора кўзли, сарик юзли, Ойдин туғилди. Аммо бу фарахбахш онлар уларнинг ҳаётидаги энг қувончли дамлар бўлиб қолди. Чақалоқ ҳали бир ёшга ҳам тўлмаганди, музликдаги ўша машъум фожеа юз берди. Светлана жуда ҳам кўрқиб кетди. Ҳайриятки, Хасанни қутқариб қолишди. Бироқ укасини йўқотиш унинг учун кутилмаган руҳий зарба бўлди. У нима қиларини билолмай таҳликада қолди. Агар Хусаннинг ҳалок бўлгани ҳақида қишлоққа хабар қилингудек бўлишса, онасининг юраги дош беролмаслиги ойдаи равшан эди. Светлана ҳам бу ҳақида қаттиқ бош қотирди ва Хусан номидан мактублар ёзишда давом эттириш ғояси аслида шу қиздан чиқди. Дастлаб Хасан бу таклифга эътироз билдирганида, у эрига бир машҳур ёзувчининг сўнги япроқ ҳақидаги ҳикоясини айтиб берди. У жуда кўп китоб ўқирди.

Ҳикоя Хасанда муштипар ва хаста онасининг умрини узайтиришга умид ва ишонч уйғотди. Бу ердаги рус қайнотаси, қайнонаси ва леспромдаги кадрдон меҳнат жамоаси уни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб турдилар. Айниқса маҳаллий маъмурият ҳам бефарқ қараб ўтирмади. Қишлоқ аҳолисига маъқул келиб қолган ака-ука қўшиқчиларнинг бошига тушган жудолик, бошқа бир нечта ҳамюртларининг, қолаверса, Хусаннинг бир болақайни қутқараман деб, ўзи қахрамонона ҳалок бўлганлиги муносабати билан истироҳат боғининг ўртасига ёдгорлик ўрнатишни ва бахтсиз ҳодиса қурбонларини хотиралаш маросимини ташкил қилишга киришиб кетишди.

Мактаб директори Григорий Тимофеевичдан монумент лойиҳаси бўйича ўз таклифларини билдиришни илтимос қилдилар. У бўлса жабрдийда куёви Хасандан бу ҳақидаги фикрини сўради:

– Хасан сен монументни қандай кўринишда бўлишини хоҳлардинг? Укангнинг жасади топилмади. Мана шу ҳайкал уканг учун ҳам қабрдек бўлиб қоларди.

Қайғудаги Хасан учун бу кутилмаган таклиф бўлди. Шу туфайли у қайнотаси ва уларга бефарқ бўлмаётган маҳаллий маъмуриятдан мамнун бўлди.

– Раҳмат, ота. Мен монумент бўйича ўз таклифимнинг хомаки чизмасини шу бугуноқ тайёрлаб бераман, – деди.

– Тайёр бўлиши билан менга қўнғироқ қил, хўпми? Маъмурият бу масалани тезроқ ҳал қилишимизни илтимос қилишяпти. Заречная бўйича ўн уч нафар одам ҳалок бўлибди. Сен аёвсиз муз остида бўлдинг, у ердан қуёшни кўрдинг, ҳаёт учун курашдинг, умр қанчалар азиз эканини қадрига етдинг. Афсуски, уканг бу курашда мағлуб бўлди.

– Йўқ, у мағлуб бўлмади. Унинг жисми йўқолди холос, руҳи тирик уни. Хусан доимо мен билан. Мен онамга ва ҳамюртларимга унинг ўлгани ҳақида ҳозирча маълум қилмоқчи эмасман.

– Нима учун?

– Онам охирги инфарктни бошидан кечирдилар. Агар фарзанди ҳалок бўлганини эшитса, юраги дош беролмайди. Биз бир-биримизга жуда ўхшаймиз, тўғрими?

– Ҳа, тўғри. Тўй куни Света қовун тушурай дегани ҳали ҳам эсимда.

– Шу туфайли мен Хусан бўлиб бориб онамни кўриб келмоқчиман. Кейинги сафар Хасан бўлиб бораман.

– Бироқ бу ёлғон бир куни маълум бўлади-ку? – таажубланди Григорий.

– Ҳа, лекин провард натижада онамнинг умрига яна бир қанча йил умр қўшилади. Хусан ҳам эл назарида, яъни менинг қиёфамда тирик юраверади. Бизлар бир инсонга айланамиз. Бунинг нимаси ёмон.

– Баракалла, ўғлим! Лекин бу иш сендан жуда катта маҳорат ва сабр тоқат талаб этади. Лекин мен сенга ишонаман, актёрликни ҳам қойилатасан.

– Фақат бир муаммо бор.

– Маблағми?

– Йўқ. Бу укамнинг хотини Муштарий. Унга бу сирни ошкора қилишимга тўғри келади. У бардош бера олармикан ишқилиб?...

– Ҳа... – деди ўйчан Григорий Тимофеевич, – Албатта, аёлларга қийин бўлади. Демак гап бундай, монументга она образини киритамиз. Тасаввур қил, у қуёш томон илтижо қилмоқда. Тепасида икки ўғли, муз худди ҳарсанг тошларга ўхшайди.

Хасаннинг кўзлари шу маҳал ярақлаб кетгандек туюлди.

– Қўш ҳарсанг. – Эгиз қоя! Бизнинг тоғда ҳам шунақа эгиз ҳарсанг тош бор, – деди йигит.

– Яхши сен ўша эгиз қояи тасаввур қил.

– Ўртасида қуёшга интилаётган дарахт ҳам бор эди.

– Ана! Тайёр нарса экан-ку. Аёл дарахтнинг танасида бўлсин, шохлари гўё қўллари, қалай?

– Зўр!

– Лойиҳани тез чиз бўлмаса. Мен ишга бормаи қўяқоламан, ҳозир бизга мана шу монумент муҳимроқ. Чунки рассомни чақиртиришган экан. Унинг хизмат ҳаққини ҳисоблаш керак. Лекин тошни топса бўлади. Тайгада бир жойни биламан. Майли мен Светага қаҳва тайёрлатаман. Тайёр бўлиши билан чақирарсан.

– Хўп бўлади, ота. Раҳмат сизга!...

– Ҳечқиси йўқ, бу бизнинг бурчимиз, ўғлим. Худо хоҳласа, сенинг ниятинг яхши. Онангни эъзозлашга жазм қилибсан, отангга раҳмат.

Хасан қоғоз қалам олиб ишга киришиб кетди. Дастлаб хомаки вариантларини чизиб қўра бошлади. Кўз ўнгидан ўша Қурбон булоқдаги эгиз қоя кетмаётганди.

Ниҳоят эскиз тайёр бўлди: икки бир хил қиёфадаги тош гўё тепадан пастдаги илтижо қилаётган она дарахтига қараб туришибди. Уларнинг бошларини гўё нур сочаётган қўёш бирлаштиради. Она эса илтижо қилмоқда...

Григорий Тимофеевич лойиҳани кўриб лол қолди.

– Қойил!... Сени қўшиқчи десам, туппа-тузук рассом ҳам экансан-ку. Кел, шу монументнинг номини “Ҳаёт қўшиғи” деб атайлик.

– Унда бир йигитнинг қўлида ерга тегиб турган гитара, иккинчисида дутор бўла қолсин.

– Баракалла! Бу халқлар дўстлигининг рамзи бўлади. Кетдик!

– Қаёққа?

– Раиснинг ёнига! У бизни кутиб ўтирибди.

Шундай қилиб Заречная қишлоғидаги истироҳат боғига ўрнатилаётган монумент ёдгорлик ҳайкалига қайнота ва қуёвларнинг лойиҳалари асос қилиб олинди. Бу ёдгорлик кейинчалик шундай машҳур бўлдики, бу ерда йирик-йирик очик концертлар, ёш келин-қуёвлар учун эҳтиром қилинадиган, байрамларда ўтганлар ёдга олинадиган хотира майдонига айланди. Бундай маросимларда Хасан гитараси билан қўшиқ куйларди. Қўшиқларининг энг машҳури она хақидагиси эди. Кейинчалик туман маъмуриятининг қарори билан истироҳат боғига “Хасан-Хусан истироҳат боғи” деган ном берилди. Бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар ёки сайёҳатчиларга музликда содир бўлган фожеа

тафсилоти ва бу халок бўлганлар хотирасини ёдга олиш мақсадида қўйилгани, уни лойиҳалаштирган, яратган муаллифлар ҳамда бошқа ёдгорликнинг ҳар бир детал тафсилотлари ҳақида тўлиқ маълумот берилди бошлашди.

* * *

Хасан қишлоғига Хусан бўлиб борган дастлабки даврда ёдгорлик монументини қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилган, Шокарим ота вафот этган вақтида эса аллақачон боғ кўркига кўрк қўшилиб турарди. Аммо Хасан бу ҳақида Муштарийга лом-лим демади. Уни бирор пайт Хусанни зиёрат қилиб кетишга таклиф қилишни ният қилиб қўйди.

“Ўшанда кўрамиз, бу ўша тоғдаги эгиз қоя эканини сезармикан?” – деган ўйга борди у.

Йиллар ўтди. Муштарийнинг ўғил-қизлари мактабда ўқий бошлашди. Улар дадаларининг йўлини кўзлари тўрт бўлиб кутишар ва энди ўзлари ҳам хат ёза бошлашганди. Мактублар оқими ўша-ўша тўхтамас, бир Хасану бир Хусан бўлиб парвоз қилишарди. Айниқса, Хусандан мактуб келган куни Муштарийлар уйи шодликка тўларди. Болалар хатни олиб тўғри Руқия бувиларининг олдига чуғурлашиб олиб кириб, ўқиб беришарди.

Она хатни олиб, уни узоқ хидлар, бағрига босиб йиғларди.

– Болаларим дадаларинга хат ёзинглар, тезроқ бир келиб кетсин, дийдорларига бир тўяй. Энди улар бутунлай қайтиб келишсин. Айтинглар, ҳозир юртимиз тобора обод бўлмоқда. “Узоқдаги буғдойдан, яқиндаги самон яхши”, денглар.

– Хўп, бувижон. Мен, албатта, дадамга шунақа деб айтаман. Отажон, амакижон, сизлар энди Ўзбекистонимизга керак экансизлар, бувим айтяптилар, дейман, – деди анчагина ақли кириб қолган Меҳрибон – Кейин бугун Она ватан ҳақида шеър ёд олувдик. Шу шеърни ҳам ёзиб юбораман.

– Балли қизим, онанг айлансин. Ҳозирги замон болалари жуда бошқачада, “Кампир тур” деган бир асбоб чиқанмиш, бутун илму-амал ичидамиш, тавба қилдим.

– “Кампир тур”мас, компьютер буви! – деди Сардорбек кулиб.

– Вой шунақами “Кампир тур” деса биз қариялар учун атайин ҳукумат чиқарилган асбоб деб ўйлабман-а, тавба...

Болалар кулиб юборишди.

– Сизга бағишланган асбоб ана турибди-ку, – деди Сардорбек маҳалла жамғармаси куни-кеча ташлаб кетган аравагани кўрсатиб. – Келинг, сизни ўтқизиб бир кўчаларни айлантирамиз.

– Э, йўге. Мен бу матоҳингни минолмайман. Керак эмас-э.

– Ахир уйда димиқиб ўтиравермангда, бувижон, – деди Меҳрибон пешонасини тириштириб.

– Вой ўзимнинг меҳрибонимдан айланиб кетай. Бўпти болалар, сизлар дарсларингени қилиб туришлар, унгача ойинг ҳам ишидан келиб қолади. Мени кўтариб аравачага ўтказиб қўяди, хўпми?

– Хўп!!!

– Бора қолинглар. Вой, ўзимнинг асалларим!...

Болалар чопиб чиқиб кетишди. Онанинг ҳаёлидан ўғиллари яна бир-бир ўтди. “Эх, Хасан болам-а. Сен нега шу чоққача уйланмадинг? Ё биздан хафамисан-а? Қизик, ўшанда тўйда муштлишишган эмишсан, кейин тез кетиб қолибсан... Ё ўша олис юртларда бирортасини топиб олдингми-а? Унда нега бу ҳақида ҳечам гапирмайсан? Мени эшитса хафа бўлади, деб ўйлармикансан-а?... Бу сафар келса ундан энди қаттиқроқ сўрайман. “Тўғриси айт болам, мен сендан гина қилмайман, нима гап?” дейман. Хусанчи? Нега у бошқача?... Ўзига сираям ўхшамайди. Хотинини, болаларини шундоқ ташлаб узоқларда юриши тўғримикан?... Ҳе, тирикчилик курсин-а. Ўзимизда ҳам шундоқ ишлар сероб-ку. “Ўзга юртда гўшт егандан, ўз юртингда мушт еган яхши” деганлар. Кўп эмас озроқ еб, ўз она юртингда яшаганинга нима етсин? Болалар ҳозир айни ота тарбиясига мухтож пайт эмасми? Келса унга танбеҳ бераман. “Энди кетмайсизлар, тамом!” дейман...

Шу йил келган Хасан ҳам келаси йили келган “Хусан” ҳам бемор оналарининг панд насихатларини жон қулоғи билан “тинглайдилару, аммо уни ижро қилиш, яъни ватанга бутунлай қайтиш масаласи яна очик қолаверди.

Қайтиш масаласининг ҳал бўлмаётганига бир жиддий сабаб бор эди. Аммо бу Хасаннинг оиласи борлиги ҳақида ошқора айтишдан чўчиш эмасди. Чунки кекса она учун энди бу кўрқинчли эмас, у гапларидан бу ҳолатни, яъни рус қизига бесўроқ уйланиб олганини табиий хол деб аташга тайёр ҳам эди. Эҳтимол, қора қўз, сап-сарик набираларини кўрса аксинча хурсанд бўлармиди. Лекин гап бошқа ёқда, суюкли Светланаинг танасида пайдо бўлган нохуш дард билан боғлиқ эди.

Светлана кейинчалик ўғил кўрди. У севган йигити билан турмуш қурганидан, ота-онасининг бағрида умргузаронлик қилаётганидан ўзини ниҳоятда бахтли аёл деб биларди. Шундай бўлсада, эрининг оиласи, узоқ Ўзбекистондаги муаммоларни ўз муаммолари деб билар, Хасаннинг дардига шерик, унинг ҳаётидаги энг яқин ҳамроҳи ва сирдошига

айланиб қолганди. Аммо мусибат аталмиш ёвузлик бу сафар унинг ўзини нишонга олди. Шифокорларининг айтишича, унинг танасида саратон ўсимтаси пайдо бўлган ва у даволанмаса, жиддийлашиши мумкин экан.

Бу кутилмаган тиббий хулоса Хасаннинг юрагига урилган яна бир зарба бўлди. Бу ерда хотин, қишлоқда яна бир келин, қолаверса, Хусан ролини ижро этиш... Булар ҳаммаси йиғилиб Хасанни руҳан эза бошлади. Энди у кўшиқ айтмай қўйди. Бўш пайтларида у Светланага етаклаб “Хасан-Хусан” боғидаги ўз ёдгорликларига боришар ва “Ҳаёт кўшиғини” узоқ тинглаб, унга тикилиб ўтиришарди.

– Хасан, – деди маъюс Светлана, эрининг елкасига бошини қўйиб.

– Нима дейсан, азизам?

– Мен ўлиб қолсам, унда нима қиласан?

– Э, қўйсангчи, бошимни қотирма. Яшаш учун кураш, умид қил, болаларингни ўйла. Сен таслим бўлмаслигинг керак. Касаллик бу бир ўткинчи дард холос, шифокорлар ваҳима қилаверишади. Ҳозир мен сенга қишлоғимизда бўлган бир воқеани сўзлаб берман. Олтириқ деган жойда Абдуманноп деган бир одам яшайди. Ёши 86да. Лекин унга ҳам 54 ёшида сеникидек ташхис қўйиб, ҳатто, тузалмайди деб хулоса беришган экан. Билсанг у ҳозир тетик ва бардам.

– Қўйсангчи жоним, бундай бўлиши мумкинмас.

– Унда яхшилаб эшит, – деди-да Муштариёдан эшитган “Эчки эмган беданавоз” ҳақидаги хикояни русчалаб айтиб берди.

Қиз уни мароқ билан тинглади ва кўнгли анчагина ёзилди.

– Эҳ, Хасан. Сизларнинг ажойиб юртингиз ҳақида кўп эшитганман. Қани эди, ўша серкуёш ватанингни бир бор кўра олсайдим...

– Албатта кўрасан. Сени, болаларимизни олиб кетаман.

– Онангчи, нима дейдилар? У киши мени қандай қарши оладилар?

– Ҳеч нима демайдилар. Хурсанд бўладилар, мана кўрасан.

– Аксинча бўлсачи, эҳтимол мен ҳақимда эшитиб норози бўлар. Эҳтимол шунинг учун...

– Нималар деяпсан, Света? Онам жуда яхши, тушунадиган аёл.

– Эҳтимол. Лекин бизлар ёмонмиз. Ёшлиқ қилдик. У кишидан никоҳ учун албатта розилик олишимиз керак эди. Нима бўлса ҳам у она, фарзандида ҳаққи бор. Тўйимиз бўлганида отанг ҳам ҳаёт эдилар. Бу ерга Хусан билан келишлари мумкин эди-ку...

Муштарийчи?... У қиз ҳақида ўйласам мен ҳам ўзимни гуноҳкордек сезаман, гўё ундан бахтини тортиб олгандек бўламан, – деди қиз ва кўзларидан ёш дувиллаб тўкилди. – Қани энди у аёлни бир бор кўрсайдим, у билан дардлашсайдим. Эрининг ўлганини ҳали ҳам ҳеч кимга билдирмай юрагида асрамоқда. Ўзбек аёлларининг матонатига, сабр-бардошига қойилман! Бунақаси ҳаётда жуда кам учрайди.

– Ҳа. Анави дарахт – аёл аслида ўша бўлади, – деди Хасан ва қуёшга илтижо қилаётган аёл-дарахтни кўрсатиб.

– Йўғе. Ростданми? У онанг эмасмиди?

– Йўк, бу ўша Муштарий. Гитара ушлаб турган тош бу мен, дутор ушлаб тургани Хусан. Бизнинг тоғда худди шунга ўхшаш эгиз қоя бор, у ерга мени илк бор Муштарий олиб борганди.

– Ростдан-а? Қани энди ўша жойни мен ҳам бир кўрсайдим.

– Албатта кўрасан. Биз у ерга учаламиз чиқамиз.

– Нима, у ер баландми?

– Ҳа, жуда ҳам баланд. У ерда булутлар болалайди. Ўша ердан туриб қўшиқ айтсанг овозинг шундай жаранглайдики, бунақасини тасаввур ҳам қилолмайсан. Атроф шунақа гўзал, ҳавоси шундай тозаки...

– Бас қил. Ҳозир боргим келяпти.

– Кечирасизлар, – деди шу маҳал бир суратчи келиб. – Эсдаликка суратга олиб қўяйинми?

– Майли юр, Хусаннинг ёдгорлиги тагида суратга тушамиз, биттасини Муштарийга жўнатамиз. Нима дединг?

– Бўпти, – деди Хасан ва бемор хотинини даст кўтариб олди-да, ёдгорлик тагига ўтқазиб қўйди ва ўзи ҳам ёнига ўтирди. Светлана сочларини эпақага келтириб, лабига шошилмай памада суртди ва Хасаннинг елкасига бошини қўйиб жилмайди.

– Ана шундай. Ҳа, яхши, олаяпман...

Светлана фотосуратнинг орқасига “Бизнинг энг кадрли, бебаҳо дўстимиз Муштарийга Заречная қишлоғидаги “Хасан-Хусан истироҳат боғи”даги, Хасан томонидан лойиҳаланган “Ҳаёт қўшиғи” номли ёдгорлик ёнида туширилган суратимизни самимият ила эсдалик учун тақдим этамиз! Светлана ва Хасан” деб ёзиб қўйди-да, уни бир бўш конвертга солиб, жўнатиб юборди. Лекин кейинчалик бунга афсус чекди.

“Муштарий уни қайнонасига кўрсатса нима бўлади. Уни кўриб онанинг бевакт юрак хуружи бошланиб қолсачи?” деган ўйдан Светланаанинг ўзи сиқила бошлади. Лекин бу ҳақида Хасанга миқ этмади. Унга бир гал “Эҳтимол бориб онангдан бир хабар олиб келарсан”, – деб қўйди. Йигит эса “Аввал сен соғайиб кет, кейин бир гап бўлар” деб жавоб берди. Бу билан у “Тузалиб кетсанг сен билан бирга борамиз” ёки “Агар бир гап бўлса ўзлари чақиршади” деган маънода тушунди. Шундай тушунди-ю юраги яна сиқилди. “Нималар қилиб қўйдим, мен аҳмоқ” деб ўз-ўзини койиди. Орадан бир ойлар ўтгач, Муштарийдан жавоб олди. Конверт ичида бир сурат бор эди холос. Суратда Муштарий чўққидаги ўша кўш ҳарсанг қоя ўртасидан униб чиққан дарахт тагида жилмайиб ўтириб расмга тушганди. У оддий қишлоқ миллий кийимида бўлиб, бошига рўмол танғиб олган, оёғида калиш эди. У кулиб турган бўлса-да, кўзларидаги алам ва изтиробни англаш унчалик қийин эмасди. Юз-кўзида ҳам пардоз-андоз излари сезилмас, ён сочларининг оқариб қолгани бир оз кўриниб турарди.

Светлана мазкур суратни эрига кўрсатиш ёки кўрсатмаслик ҳақида кўп ўйлади. Касалхонада даволанаётган кунларининг бирида Хасан шошиб кириб келиб қолди.

– Светлана оғир бўл. Мени кут. Мен албатта йигирма кундан кейин келаман, хўпми!

– Ҳа, нима гап тинчликми?

– Муштарий кўнғироқ қилди. Онарни... бериб қўйибмиз...

– Нима?!

– Сен қайғурма, ўзингни ўйла. Албатта тузалиб кетасан. Кейин Ўзбекистонга бирга борамиз, хўпми жоним, – деди Хасан хотинини бир ўпиб қўяркан.

Светлана Хасаннинг қора сочларини силади.

– Соғ бўлганимда албатта сен билан бирга борардим, – деди у кўзларига ёш олиб, – Майли, онанг билан видолашиб кел. Муштарийга айт, мен уни кутяпман. Уни бир кўрсам, бу дунёда армоним қолмасди. Иложи бўлса уни олиб кел.

– Хўп-хўп. Уни албатта олиб келишга ҳаракат қиламан.

– Мендан хавотир олма. Отам, онам хабар олиб туришади.

– Хўп, хайр. Келгунимча соғайиб кет, хўпми!

– Хўп. Яхши бор.

Хасан кетгач, Светлана баттар сиқилди. Онаси кириб келганида у юзига ёстикни босиб олиб, юм-юм йиғлаётганди.

– Ўзингни бос, қизим. Умрингда кўрмаган қайнонанг учун намуноча куйинмасангга.

– Онажон, мен ҳам ўлиб қолсам нима бўлади?

– Унақа ёмон фикрга борма, қизим. Яхши ният қил. Ундан кўра тезроқ соғайиб кетай де. Ахир болаларинг бор.

– Болаларим... Улар кимнинг қўлида қолади, ахир?...

Мария ильигнанинг жаҳли чиқиб кетди ва қизини урушиб берди:

– Бас қил! Нима бало, ҳалитдан ўзингни гўрга тикяпсанми? Сен яшашинг керак, қизим. Бунақа ёмон ўйларни бутунлай каллангдан чиқариб ташла. Ўлимни асло хаёлингги келтирма! Сен эринг ва болаларинг учун яшашинг керак. “Мен яшайман, мен албатта соғайиб кетаман” деб ўз-ўзингни қаттиқ ишонтир!”.

ЭГИЗ ҚАБР

Қуёш мотам нолаларидан куйиб-ёниб, бўзариб, чарчаб Чотқол тоғларининг ортига ёнбошлаётган маҳали Хасан етиб келди. У кела солиб оқ чойшабга ўраб-чирмаб қўйилган онасидан, қолаверса, марҳуманинг бошида кулиб турган сурати ва уст-боши қўйиб қўйилаган укаси Хусандан минг бад узр сўраб фарёд қилди:

– Онамизни бериб қўйдик, укажон! Васиятинга рози бўл! Берган умрингга рози бўл, укажон! Кечиринг, мени онажон! Умрингизга яна умр қўшолмадим. Хусаннинг ўлимини сиздан яширдим. Бу гуноҳим учун мени кечиринг, онажон! Мени кечир, эй парвардигори олам!...

Воқеадан бохабар бўлган масжид имоми Эсон қорининг ҳам боши қотди. У тез маҳалла фаолларини чақиртириб муаммоли масалани ўртага баён қилди. Кўп ўтмай бу ерга Нодирбек ва ҳозиргина Россиядан етиб келган жияни Хасан билан бирга ташриф буюришди.

Хасан ўн йил муқаддам юз берган ўша ҳодиса тафсилотлари чоп этилган газеталарни тўпланганлар эътиборига ҳавола қилди. Уларнинг бирида қўшиқ куйлаётган Хасан-Хусанларнинг сурати босилган бўлиб, “Заречная севимли қўшиқчисидан айрилди”, “Хасан-Хусан паркида монумент” сарлавхали мақолаларни кўриш мумкин. Рус тили муаллими Олимжон ака мақолалардан бирини овоз чиқариб ўқиб эшиттирди, йили ва кунини ҳам айтиб ўтди. Эшитувчилар шу ердан олис ўлкаларга бориб обрў-эътибор топган ака-укаларга таҳсинлар айтишди. Сўнгра Хасан ўртага бир тугун қўйди.

– Бу нима? – сўради имом-хатиб.

– Укамнинг кийимлари. Кейин биз яшаган ўша Заречная қишлоғининг тупроғи, чой ичган идиши, ўқиган китоби, – деди Хасан тугунни ечиб нарсаларни бир-бир кўрсатаркан.

– Ўзи нима бўлганди? У қандай ҳалок бўлди?

– Заречная қишлоғининг ўртасидан катта дарё оқиб ўтади. Соҳилнинг у юзида ҳар якшанба куни ярмарка ўтказилади. Мен кўп йиллар ярмаркада кўшиқ айтардим. Ўн йил аввал Хусанни ҳам чақириб олиб бирга “Леспром”да ишлай бошладик. Кейин унга ҳам кўшиқ куйлашни ўргатдим. Жўр овозли кўшиқларимиз маҳаллий аҳолига жуда маъқул бўлди. У ерда киш узок бўлгани учун одамлар ярмаркага доимо дарёдаги музлик устидан қатнашарди. Кўпчилик музларни тешиб балиқ ҳам овлашади. Лекин кун тез қизиби кетгани бизга панд берди. Синоптиклар огоҳлантиришганди. Лекин биз концертдан кеч қолаётгандик. Кўпчилик қатори чанғида, от-аравада ўтиб бораётгандик. Бирдан ҳалокат юз берди. Кўз олдимизда музлар тарс ёрилиб, одамлар сувга думалай бошлашди. Мен ҳам, Хусан ҳам сувга ағанадик, сўнгра жон-жаҳдимиз билан муз бўлақларига ёпишдик. Сув жуда ҳам совуқ экан. Бир илож қилиб катта муз бўлақларига илиниб олдик. Бизни муқаррар ўлим ўз домига тортмоқда эди. Шунда мен Хусанга қараб “Хусан, сен эҳтиёт бўл! Сен яшашинг керак! Мабодо мен ҳалок бўлсам, илтимос онамга билдирма, юраклари дош бера олмайди. Ўрнимга Хасан бўлиб бориб тур!” деб қичқирдим. Хусан мени тушунди, у ҳам менга жавобан “Ака, агар мен ҳалок бўлсам сиз ҳам шундай қилинг, онамни, болаларимни олдига Хусан бўлиб бориб туринг! Онамиз яна яшашлари керак!” деб қичқирди. Шу маҳал орқадан катта муз келиб урилди. Сув мени ўз домига тортиб кетди. Қулоғимга укамнинг “Акажон!!!” дея қичқиргани эшитилди, холос. Жон ҳолатда музлар орасидан чиқиб кетишга уриндим. Лекин иложи бўлмади. Ўпкам сувга тўлди. Ўзимдан кетдим. Кейин кўзимни очсам касалхонада эканман. Мени ғаввослар қутқариб олиб чиқишибди. Хусан бир ёш болани қутқараман деб ўзи ҳалок бўлибди. Унинг жасади топилмабди. Ўшанда кўпчилик ҳалок бўлди... Кейин касалхонадан чиқиб бу ерга Хусан бўлиб келдим ва бўлган воқеа ҳақида фақат Муштарийга айтиб, ундан буни онамнинг умри охирига қадар сир сақлашини илтимос қилдим. Биз мана ўн йилдирки...

Хасан бошқа гапира олмади. Ўпкаси тўлиб кетди. Ўтирганлар “бай-бай-бай, астағфуриллоҳ” дея бош силташарди.

– Келинимиз Муштарий янгамизни ўз онасидай кўриб меҳр билан парваришлади. Охирги саккиз йил шол бўлиб қолганди, уни ўзи ювиб-таради, – деди Нодирбек.

– Отасига раҳмат ўша келинни. Катта савобга қолибди, – деди Эсон қори тан бериб. – Сизга ҳам ўғлим, катта раҳмат, волидаи муҳтарамангизни шунча йил умрини узайтиришга эришибсиз. Бу билан укангиз марҳум Хусанбойга ҳам, ўзингизга ҳам жаннатни энг мўътабар жойларидан муносиб жой ҳозирлабсиз. Илоҳим волидаи муҳтарамангиз, қолаверса, укангиз Хусанбойнинг борган жойлари обод бўлсин! Сўнгра имом-хатиб ва Қуръон тиловат қилди.

– Таъзияни қай вақтга чақирайлик, мулла ака? – сўради маҳалла оқсоқоли Ҳакимбек.

– Бугун энди кеч бўлди. Эртага жума. Худо хоҳласа, тазияни жума масжидида жума номозидан кейин ўтказсак. Онадек мўътабар зотнинг умрига-умр кўшиш нақадар савоб эканини барча уламолар ҳам эшитишсин. Хасанбой ўғлимиз, Муштарий келинимиз ўз фарзандлик бурчини қандай адо этганлари барча мўмин мусулмонлар учун ибрат бўлмоғи керак. Айтинглар, қабр ҳам ёнма-ён қўшалок тайёрлансин!

Ўша кунлари Муштарий қаттиқ таъсирланди ва вафот этган, ўз онасидек бўлиб қолган, қайнонасига бағишлаб бир шеър битди:

Фасллар айланар, баҳор йўқ,
 Ёз ғамгин, тонг ёлғиз, наҳор йўқ,
 Муштипар, мададкор, рухсор йўқ,
 Энди бу дунёда онам йўқ.

Қалбимнинг тахтида армон шох,
 Кўксима сиғмайди соғинч, ох,
 Кўзларим излайди сизни, вох,
 Энди бу дунёда онам йўқ.

Бир зум ҳам беташвиш юрмаган,
 Халоват нелигин билмаган,
 Ўзичун ўйнаб-а кулмаган,
 Энди бу дунёда онам йўқ.

Вайрона кўнглимнинг кулбаси,
 Кўринмас меҳримнинг шуъласи,
 Ҳеч кимнинг ўлмасин онаси,

Энди бу дунёда онам йўқ.

Хасаннинг онаси ва укасининг қазоси билан боғлиқ маросимлари бир-бир ўтказила бошланди: маракаси, етгиси, йигирмаси... Аммо Хасан қирқига қолаолмаслигини айтиб, амакиси Нодирбекдан ўзи бош-қош бўлиб туришини илтимос қилди.

– Ие, қизикмисан, жиян?! Биз биттамас иккита ўлик чиқардик... Одамлар нима дейди?

– Мени тушунинг, иш жойимдан фақат йигирма кунга жавоб беришганди холос. Биз давлат ташкилотида ишлаймиз, ахир.

– Қайси давлатни?

– Россиянида.

– Россияда пишириб қўйибдими?! Ўз юртимизнинг қаери кам? Билиб қўй, йигит кишининг ватанини йўқотгани – ўлгани, тушундингми?! Мана, сен ўша ёққа кетмаганинга Хусан ҳам кетмасди, ҳалок бўлмасди, болалари етим қолмасди. Тавба, ҳайҳотдай ҳовлида биргина келиннинг ўзи ўтирса-я. Юраверасанми уйланмай, лаллайиб?!... Бирор дардинг борми, ё?... Тўхта-тўхта, сен ҳали ўша ёқда уйланиб олмадингми, ишқилиб? Менга қара, агар ўша ёқда уйланиб олган бўлиб, қайтиб келмасанг Муштарийнинг ҳам жавобини бериб юбораман. Ёш аёл бу ерда нима қилади, умрини ҳазон қилиб? Ундан кўра бирортага тегиб олгани яхши эмасми? Ҳовли-жойни бўлса сотиб юбораман!

– Йўқ ундай қилмайсиз, амаки!

– Бўлмаса келгинда. Кел, яша! Лекин айтиб қўяй, агар бир йилгача келмасанг, ҳалиги гап, нима қилишни ўзим биламан, тушундингми?

– Ҳа, тушундим.

– Унда бор кетавер. Ана, катта кўча, оқ йўл! – деди одирбек кесатиб қўлини бир силтади.

Бир ёқда хотини Светланани ўйлаб сиқилиб юрганида амакисининг бунақа гаплари ортиқча бўлди. У Хусаннинг ўлимида барибир Хасанни айбдор деб биларди. Шу туфайли амакиси билан ортиқ баҳслашиб ўтирмади. Қандай қилиб бўлмасин Муштарийни олиб кетиш ҳақида ўйлади. Уни олиб бориш хотинининг сўнгги илтижоси бўлиши мумкин эди.

– Муштарий, – деди келинни бир четга чақириб.

– Лаббай, ака.

– Сизда муҳим гапим бор эди.

– Қанақа гап?

– Юринг, бирор ҳоли жойда гаплашайлик...

Улар ошхонага киришди. Муштарий хотиржам чой дамлади. У хозирда Хасаннинг тасалли беришини кутарди.

– Мен билан кетмасангиз бўлмайди, Муштарий, – деди Хасан кутилмаганда у узок жимликдан сўнг.

– Нима? Қаёққа?

– Света сизни кўрмоқчи. Унинг меҳри сизга бўлакча.

– Нима? Кечирасиз ака, лекин бундай гапларнинг хозир мавридимикин? – деди аёл таклифдан ранжиб.

– Ҳа, тўғри айтасиз. Лекин ҳар қандай инсон ўз умри тугаётганини ҳис қилиб турса дилидаги армонини кимгадир айтишга ҳақли-ку. Шундай эмасми?

Муштарий ялт этиб қаради. Унинг бу нигоҳида “Нима демоқчисиз, ўзи?” деган саволни англаш қийин эмасди.

– Билсангиз, Светлана жуда оғир дарга чалиниб қолган. – деди Хасан оғир хўрсиниб.

– Ҳозир унинг аҳволи ёмон. Сизни бир бора кўриш истаги унга тинчлик бермаяпти. Мен бу ерга келаётганимда у шундай хайрлашдики, кўзлари...

Хасаннинг кўзидан беихтиёр ёш думалаб тушди. Охирги сўзлари ҳам гўё оғзидан беўхшов тўкилиб тушди.

– Қизиқ, яқингача бунақа гап йўқ эдику? – Хайрон бўлиб сўради Муштарий.

– Ҳа, унинг дарди маълум бўлганига атиги уч ой бўлди. Ўтказиб юборибмиз..., кечикибмиз Муштарий.

– Кечаги ҳафта мен ундан сиз билан тушган суратни олдим. Унинг чехраси кулиб турибдику?...

– Мен уни ўша ерга кўтариб олиб боргандим. Ўша ёдгорлик Хусанга аталган ҳайкал бўлади. Ўрик дарахти танасидаги аёл эса бу сиз. Бунда ўша фақатгина иккимизга маълум бўлган эгиз қоя акс этган.

Муштарийнинг хайратдан кўзлари катта-катта очилиб кетди.

– Демак, аслида у бизнинг муносабатимизга бағишланган ҳайкал бўлади денг?

– Ҳа, шунақа. У бизнинг тақдиримиз – ҳаётимиз қўшиғи. Светлана сизни умидвор кутмоқда. Айтадиган муҳим гапи бор, шекилли. Хуллас мен унга сўз берувдим. Йўл ва бошқа харажатлардан кўнглингиз тўқ бўлсин. Фақат болаларингизга қарашга уйга тоғдаги онангизни чақиртирсангиз бўлгани.

Муштарий жиддий ўйланиб қолди. Борса унинг оқибати нима бўлиши ҳақида ўйларди. Қишлоқда турли гап-сўзлар кўпайиши табиий.

– Эшитган қулоққа қандай бўларкин? – Ўсмоқчилаб сўради ниҳоят Муштарий.

– Сиз бекорга эмас, эрингизга қўйилган рамзий қабрни зиёрат қилгани кетяпсиз. Хусан чўккан дарё ва “Хасан-Хусан” боғидаги ёдгорлик пойида марҳум эрингиз руҳи покларига бағишлаб тиловат қиламиз. Менинг оилам, фарзандларим билан танишасиз.

– Яхши. Лекин мен Наманган шаҳридан нарига бормаган бўлсам...

– Ҳа, дунё кенг, аммо муҳаббат учун у жуда ҳам тор. Бунга сиз тўлиқ амин бўласиз.

– Бўпти. Борганим бўлсин. Лекин қайнонамнинг қирқларигача қайтиб келамизми?

– Агар тинчлик бўлса, Света соғайиб кетса уни ва болаларни ҳам олиб келамиз. Кейин бирга Қурбон булоққа, Терагистонга чиқамиз. Бу Светанинг армони. Мен унга сиз ва ҳаётим ҳақида батафсил гапириб берганман.

* * *

Шундай қилиб қайноға билан келин узоқ сафарга отланишди. Хасан қайнотасига кўнғироқ қилиб, боришаётганликлари ҳақида хабар қилди. Светлананинг аҳволи янада оғирлашганмиш. Унга касалхонадан ҳам жавоб бериб юборишди. Туну-кун Хасанни йўқлаётганмиш...

Хасан йигирма кун аввалги хотинини таний олмади. У озиб-тўзиб, юзлари баттар сарғайиб, қоши кўзи билан бирлашиб кетгандай, жуссаси қартайиб қолгандай туюлди. Муштарий бўлса уни бутунлай танимади. Чунки у суратда кулиб турган қизга асло ўхшамасди. Айнан ўша суратни катталаштириб деворнинг кўринарли жойига осиб қўйишибди. Ёнида Муштарийнинг яқинда юборган сурати ҳам бор эди.

Светлана Хасаннинг қўлини оҳиста силаркан аранг “Яхши бориб келдингми, жоним?” – деди. Сал нарида қизнинг ота-онаси хомуш ўтиришарди. Она Муштарийга ўтиришга жой кўрсатди.

Муштарий рус тилини яхши билмасди. Хасан билан Светлана ўртасидаги сўзлашувни тушунмаётган бўлса-да, аммо улар ўртасидаги мулоқот нима ҳақида эканини қалбан ҳис қилиб турарди. Бу жуда оғир лаҳзалар, бахтли оиланинг бошига тушаётган мусибат юракни ларзага солмоқда эди.

– Мен Муштарийни олиб келдим, – деди Хасан узоқ кўришиб дардлашганларидан сўнг.

– Вой, растданми?! – деб юборди қиз мовий кўзларини катта-катта очиб.

Чамаси у узокни ҳам кўра олмай қолганди. Гўё сўниб бораётган аланганинг бир чўғи лоп этгандек туюлди. “Қани у?” дегандек ингичкалашиб бораётган титроқ қўлларини кўтарди. Қўллар бир лаҳза ҳавода муаллақ осилиб қолди.

– Муштарий келинг, бир кўришиб кўйинг, – деди Хасан.

– Где она? Пусть... – деди Светлана аланглаб.

– Мана мен шу ердан, айланай Светахон, – деди ўзбекчалаб Муштарий ва ётган қизни кучоқлаб олди.

– Ты Муштарий, да. Ангелина ты моя. Вот наконец мы увиделись...

– Да... – деди Муштарий бемор аёлнинг сариқ сочларини меҳр билан силаб кўяркан.

– Хусана похоранили, да? Хороший был парень... Бедная, и маму похоронила... Я очень сочувствую вас. Иди сюда, я тебе что скажу...

Муштарий тушунмади. Аста «Что?» деб кўйди.

– Қулоғингизга бир гап айтмоқчи, шекилли. Эшитинг-чи.

Муштарий қулоғини тутди.

– Муштарий, – деди қиз пичирлаб, – Я тебя очень ждала, понимаешь?...

– Нет, – деди Муштарий секин.

– Ладно, потом... Мама! – дея онасини чақирди.

– Да, доченька. Хочеш, чтонибудь?...

– Гостям, накройте стол, пожалуйста и все тут присят-те.

– Хорошо дочка. Пойдемте Хасанчик. Пошли Муштарий.

– Пусть она со мной немного останется-а.

– Сиз ёнида қолиб бир зум ўтираркансиз.

– Сизчи, қаёққа?

– Мени нариги хонага таклиф қилишяпти. Кейин бирга тушлик қиламиз Света сиз билан ҳоли гаплашгиси келяпти, чоғим.

– Майли, харакат қиламан.

Муштарий қизнинг ёнида қолди. Светлана унинг кўлини маҳкам қисди. Бир-бирларига илиқ табассум ҳадя қилишди. Нигоҳлар тўқнашди. Қизнинг мовий кўзлари алланималар демокчидай жовдирарди.

– Эх, Муштарий. Я про тебя все знаю. Ты такая прекрасная, мужественная.

– А, ты красавитса, – деди Муштарий ҳам рус тилида гапиришга харакат қилиб.

– Спасибо. Но сейчас я болная и страшная.

– Скоро, ҳалиги..., будеш здорова и поедим к нам, хорошо?

– Нет Муштарий, я умерая, – деди Светлана ва кўзларидан ёш думалаб тушди. – Но я очень хочу жить и поехать с тобой.

– Не плачь. Мы обязательно поедим... Без тебя я никуда к-кетмайман...

Улар бир-бирларини кучиб олдилар. Муштарий ўзидан қойил қолди. Чин дилдан айтмоқчи бўлган сўзлари ич-ичидан рус тилида чиқиб келарди. Бу мўжиза эди, албатта. Умрида биринчи марта кўриб турган, Хасаннинг ҳам қалб кўрғонини эгаллаган мана шу қизга меҳри тобланди, уни энг яқин одами деб билди. У негадир Светлана билан узоқ-узоқ суҳбатлашгиси, дардлашгиси келмоқда эди. “У менинг ҳаётим ҳақида яхши билади, тақдиримдан қайғуради. Демакки, бу қиз ҳам менинг яқин одамим, энг яхши дугонам. Бизлар бир-биримиз билан олисда яшасак-да, фикримиз, меҳримиз яқин экан. Афсус энди шу яқинимни ҳам ўлим ўзига чорламоқда. Қуриб кетгур қаро ер, шунча мурда сенга камлик қиляптими. Ахир бу бечора қизнинг гуноҳи нима?...” – деган ўйлар Муштарий хаёлини банд этганди.

– Меҳмон юринг, тушлик тайёр, – деди шу маҳал Светлананинг онаси. – Света, сен ҳам овқатланиб оласан, хўпми?

– Йўқ, ойижон. Мен ҳеч нима емайман.

– Емасанг бўлмайди, қизим.

– Борақол Муштарий, кейин кирарсан.

Муштарий негадир қизни ташлаб кетгиси келмаётганди.

– Я тебя кушать дам, хорошо, – деди Муштарий.

– Бўлмаса сизнинг овқатингизниям шу ерга олиб келаман, хўпми? – деди аёл Муштарийга.

– Хўп, ойижон. – деди Светлана унинг ўрнига жавоб бериб, – Агар мени Муштарий овқатлантурса, еганим бўлсин.

Она овқат қўйилган мис товоқни кўтариб кираркан, ковоғи билан “Албатта егизинг, хўпми” деб қизининг тарелкасига ишора қилди ва кетаётиб “Кечадан буён туз тотмади, бечора” – деб пичирлаб қўйди.

Муштарий дугонасининг бўйнига сочиқча тутиб худди гўдак болаларни алдаб егизгандек, ўзбекча эркалаб егиза бошлади.

– Манави даданг учун, – деди у қошиқни олиб бориб – Ана!... Манависи ойинг учун... Ана!... Манави Хасан акам учун ... Ана!... Вой айланиб кетай сендан, асалим...

– Бўлди. Бошқа емайман, – деди қиз ўз тилида.

– Мен учунчи?... Это же за меня... Ана!... Мана оз қолди. Энди ким қолди? Э, ахир Ойдиной, Темуржонларни унутибмиз-ку. Улар қани-а? Где эти халиги, дети-а?

– В школе. Сейчас придут.

– Вот тепер за Ойдина будем...

– Э, юк-юк, – деб юборди Светлана ҳам ўзбекчалаб.

– Тогда за Темуржон будим. Он хороший мальчик, да? У Суннат қилинганми?

– Что-что?

– Халиги, чушш..., – Қўлини қайчи қилиб кўрсатди у.

– Что за чушь? – хайрон сўради бемор қиз.

Муштарийнинг кўзи қайнатилган сосискага тушди. Бунақа нарсани умрида емагани. Хурсанд бўлиб кетди ва уни олиб гўё ўғил боланинг булбулчасига ўхшатиб кўрсатди. Светлана кулиб юборди ва тўхтовсиз йўтала бошлади. Бироздан сўнг ўзига келди. Муштарий унинг юз-кўзини артиб қўйди.

– Значит у вас эта “чушь” да?

– Да, – деди Муштарий ва пичоқчани олиб уни иккига бўлиб кўрсатди. – Эту чушш, вот так режут.

– Тепер тебя понела, как у Хасана-да?

– Если понила тогда давай кушать, – деди Муштарий ва сосискани ярмини унинг оғзига солиб, қўйиб қолганини ўзи ея бошлади.

– Значить будем делиться, – деди Светлана бу ҳаракатларни ҳазилга йўиб.

Светлана руҳан анча тетиклашди. Овқат егани учун танасига бироз қувватга кирди. Уни кўриб ота-онаси қувонишди. Светлана меҳмоннинг шарафи учун окшом барча яқин қариндошларни тўплашни, у ерга иложи бўлса ўзи ҳам ўтириши мумкинлигини айтиб, илтимос қилди.

– Албатта қизим. Сен истаган дугоналаринг, дўстларингни ҳам чиқирамиз. Фақат ўзингини яхши ҳис қилсанг бўлгани.

Муштарий ҳеч ким йўқлигида бемор қизнинг таглигига қўлини солиб текшириб кўрди.

– Нима қияпсан, Муштарий?

– Хоҳласанг сени чўмилтириб кўяман. Қайнонамни шундай қилардим. Энди сени ўзим қарайман, хўпми?

– Вой қандай яхши. Онам ҳам мени деб ишига боролмаяптилар. Ойи, ойижон!!

– Ҳа, нима дейсан, қизим?

– Бугундан бошлаб менга Муштарий қараркан. Сиз бемалол ишингизга бораверинг.

Илтимос, дугонамни ҳамом, ҳовли-жойимиз билан таништириб чиқсангиз.

– Хўп бўлади, жоним болам. Юринг. Сизни бизга парвардигорнинг ўзи жўнатди.

Қизим анча тузук тфу-тфу, кўз тегмасин! Бу докторлар бизни ғафлатга солиб қўйишдида,

– деди она.

– Ҳечқиси йўқ. Света яхши бўлиб кетади. Мана кўрасиз. Халиги, сизнинг эчкингиз борми?

– Йўғу, уни қўшнилاردан топамиз, нима эди?

– Уни соғиб янги сутидан ичириб туриш керак, – деди Муштарий ҳовли-жой билан зимдан танишаркан.

Муштарийга Светлананинг ёнидан жой қилиб беришди. Ҳамшира келиб осма уколини қилиб, қизнинг ҳароратини ва қон босимини ҳам ўлчаб кўрди. Ташқаридан болаларнинг дупир-дупири эшитилди. Улар секин-аста кириб ойиларини бир-бир ўпиб қўйишди. Оналари “Ўзимнинг куёшчаларим” деб эркалаб қўйди.

– Анави холаларинг билан ҳам кўришингларчи, қани. У меҳмон, Ўзбекистондан келган, – деди у Муштарийни кўрсатиб.

Болалар чуғурлашиб саломлашишди. Муштарий уларни бир-бир кучоклаб, ўпишиб кўришди. Қизалоқ Ойдин тўртинчи, Темур эса биринчи синфда ўқиркан.

– Сиз менинг дадамни синглиси бўласизми? – деб сўради Ойдин.

– Ҳа... – деди Муштарий.

– Сизни ҳам болаларингиз борми? – сўради Темур.

– Бор. Ўғлим Сардорбек еттинчи, қизим Меҳрибон бешинчи синфда ўқийди.

– Ўғлингиз футбол ўйнашни биладими? – сўради Темур шоша-пиша.

– Албатта. У зўр ўйнайди.

– Болалар, ойиларинг энди дам олмоқчи. Ўз хоналаринга боринглар, – деди шу маҳал кириб келган ҳамшира.

Ойдин ширин қилиб “Юринг биз билан” деб шивирлаб Муштарийни етаклаб чиқиб кетди. Унинг қўнғироқ малла сочлари кўз қошларини тўсиб ўзгача жозиба бериб турар, худди кўғирчоқлар каби ширинтой эди. Светлана уларнинг ортидан мунгли қараб қолди. Осма уколдан оқаётган томчига умид билан тикилди. “Наҳотки болаларим етим қолишса.

Ўтиб кетсам уларнинг ахволи не кечади? Уларга бир она керак. Муштарий албатта уларга яхши она бўла олади. Аммо унинг ўз болалари бор. Кейин у Осиё аёли, бу ерга кўника олмайди. Болаларимчи? Улар жануб куёшига аста-секин кўникишлари, тилни ўрганишлари мумкин. Оталари ҳам барибир бу ерларда доимий қололмайди. У ўз ватанига қайтиб кетади. Эҳ, Ўзбекистонни бир кўрмадимда. Эркаклари Хасандек, аёллари Муштарийдек бўлишса, демак бу юртда яхши одамлар яшайди. Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, гуркираб тараққий этаётган давлат дейишади. Бу ҳақ гап. Ватан уруши даврида россияликлар Ўзбекистонда паноҳ топишган. У ер қадимдан илм-фан ривожланган юрт. Демак болаларим у ерга бориб ўқиб-улғайишса кам бўлишмайди”.

Светлана ана шундай ўйлар билан укол томчилари қачон тамом бўлганини ва қачон пинакка кетганини сезмай қолди. Туш кўрди. Тушида у, Хасан, болалари ва Муштарий Ўзбекистонда, пахтазорлар, боғлар ичида юришганмиш. Сўнгра тоғ ён бағрида оқаётган сой бўйида Хасан билан ўтиришганмиш. У гитарасини чалиб Светанинг энг ёқтирган кўшиғини ижро қилаётганмиш:

*Қайдасан севгилим, гўзалим,
Сен менинг борлигим, асалим
Сен ҳали юракда сўнмаган,
Чирогим, битмаган газалим.*

*Ой бўлиб тунларингда отдим,
Нур бўлиб кўзларингга ботдим.
На қилай, ўтқинчи дунёда,
Мен сени топдим, йўқотдим?!*

Светлана кўзини очганида тепасида Хасан гитара чалиб шу кўшиғини ғамгин куйлаб ўтирар, кўзлари намли эди.

– Хасан... – деди қиз оҳиста.

Хасан куйлашни бас қилиб хотини унинг юз-кўзидан ўпди.

– Ҳа жоним, тузукмисан?

– Мен ҳозир туш кўрдим. Тушимда Ўзбекистонни кўрдим. Биз у ерда болаларимиз билан бахтиёр яшаб юрган эканмиз...

– Яхшику. Биз албатта кетамиз...

– Биз билан Муштарий ҳам бирга экан. Кейин мен бирдан йўқолиб қолибман. Сизлар бирга қолибсизлар, анави эгиз қояга чиқибсизлар. Мен бўлса осмонга қуш бўлиб учиб кетибман. Сизлар ва болалар менга қараб қўл силтаётганмишсизлар. Хасан...

– Лаббай, жоним.

– Қулоғинга бир гап айтаман.

– Эшитаман, нима дейсан?

– Мен ўлимимни кўраяпман, Хасанчик ...

– Йўқ ундай дема. Мени кўрқитма...

– Муштарий яхши аёл экан. Энди кўнглим тўқ. Болаларимизни унга топширсак, нима дейсан?

– Болалар бизники, иккимизники-ку?... – деди Хасан қайғуриб бошини сарак-сарак қиларкан.

– Бечора, ўн йил Хусаннинг руҳи билан яшади. Унинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи борку, ахир. Бу умр дегани жуда қисқа бўларкан. Лекин мен яшаган ҳаётимдан нолимайман. Мен бахтли яшадим. Ўз севганимга етишдим. Лекин Муштарий-чи? Унинг юраги яраланган. Фақат Осиё аёлларига хос сабр-бардош уни жисман соғлом қилиб кўрсатади. Унинг юрагига фақатгина сен малҳам бўла оласан, жоним.

– Йўғе, нималар деяпсан?

– Бу менинг васиятим. Болаларимни фақат шу аёлгагина ишонаман. Сен ҳали ёшсан, барибир тоқ ўтмайсан. Муштарийга уйлан, илтимос. Болаларимни бу ердан олиб кетинглар... – деди Светлана аранг ва тўсатдан юраги ҳаприқа бошлади.

– Светлана, ҳой, тинчлан! Сенга нима бўлди? Ҳой ҳамшира, қанисиз?!

Нариги хонада овқатланиб ўтирган ҳамшира югуриб кирди ва тезлик билан тинчлантирувчи укол қилди. Бир соатлар чамаси ўтгач, Светлана яна ўзига келди. Бу пайтда Муштарий болалар хонасида оила албоми билан танишмоқда эди. У ерда Хасан билан никоҳланган кунлари ва Хусан билан тушган суратлари ҳам бор экан. Сўнгра Хасан ва Светлананинг пляжда, тушган суратларига кўзи тушди. “Қадди қомати келишган қандай гўзал қиз...” – деб қўйди Муштарий пичирлаб. Аммо ҳозир унинг озиб, қартайиб қолганини кўриб афсусланди. Болалар унга қариндош-уруғларлари ва ўзларининг суратлари билан ҳам таништиришди. Меҳмонни ташқи ҳовлига олиб чиқиб товуғу кабутарларигача кўрсатишди.

Шу маҳал Хасан ичкаридан хомуш чиқиб келди.

– Муштарий, Светани кийинтириш керак экан. У бир жойга олиб бориб келишимизни сўраяпти.

– Майли, ака. Болалар ҳам борадими?

– Йўқ. Улар билан кейин...

Муштарий шошиб кирди. Света кийим шкафига ишора қилди. Кийимларни битта-битта олиб кўрсатди. Спортчаси маъқул бўлди. Уни бир амаллаб кийинтириб одеалга ўрашди. Григорий Тимофеевич ногиронлар аравачасидан топтириб қўйганди.

– Боғ узокми? – сўради Муштарий.

– Йўқ унчалик эмас.

– Ишқилиб беморни уринтириб қўймасмиканмиз?

– Сизга ёдгорликни ўзи кўрсатмоқчи. Нима ҳам дердим.

Хасан қизни кўтариб чиқиб аравага ўтказди.

– Светлана, ўзингни ёмон ҳис қилсанг дарров айт, ортга қайтамиз, хўпми?

– Хўп.

– Ҳамшираниям олволайликми?

– Йўқ. Керакмас. Айт, кетаверсин.

Улар текис ва озода, дарахтларга бурканган, яшил тўсиқлар ранг-баранг безатилган пиёдалар йўлаги бўйлаб охишта кета бошлашди. Светлана бир қўли билан аравани итариб келаётган эрининг иккинчи қўли билан ёнма-ён келаётган Муштарийнинг қўлини ушлаб олди. Кайфияти анча яхши эди.

“Парк имени Хасана-Хусана” деган пештахтадаги ёзувни кўриб Муштарийнинг юраги хапқириб кетди. – Нахотки бу рост бўлса, кўзларимга ишонмайман, – деб юборди у.

– Ҳозир бундан ҳам антиқасини кўрасиз, – деди Хасан узокда, боғ ўртасида ўрнатилган ёдгорлик хайкалини кўрсатиб.

– Вой, мен уни тезроқ кўргим келяпти. Тезроқ юрсам, майлими?

– Майли... Пусть она побежит.

– Беги Муштарий! Это твоя судьба, твоё счастье!... – деб қўйди Светлана пичирлаб.

Муштарий ўткан-кетганни хайрон қолдириб хайкал томон чопди. У худди ўша ўрикли чўққидаги эгиз қояга ўхшаб кетарди. Фақат дарахтнинг танасини йўғон қилишибди ва унга илтижо қилаётган аёл тимсолини жойлаштиришибди

Муштарий унинг қаршисида лол бўлиб қолди. У шундай хайратда эдики, ортидан Хасан етаклаган араваси билан етиб келганини ҳам сезмай қолди.

– Муштарий, – деди Светлана – Кел, сени бағримга босай.

Айтгандай қилишди. Светлана жуда ҳаяжонда эди.

– Сен ўзингга хайкал ўрнатдинг, Муштарий.

– Раҳмат Светахон, Хасанака! Мен жудаям хурсандман! Бунақасини ҳечам кутмагандим!... – деди Муштарий ҳаяжон билан.

– Хасан, сендан бир нарсани илтимос қилсам майлими? – сўради Светлана бир оз ўтгач.

– Сўрайвер жоним, бемалол.

– Муштарийни бағрингга бос, илтимос.

– Э йўғе, нималар деяпсан. Ахир у...

– Мен учун, йўқ дема. Хафа бўламан-а.

– Қизикмисан, бизлар ахир ёш бола эмасмизку.

Светлана терс ўгирилиб олди ва аразлаганнамо астагина “Да, ладно” деб пичинг қилиб қўйди.

– Ҳа, Хасан ака, у нима деяпти?

– Э кўяверинг, сал эркалик қиляпти. Жа, оширворди.

– Ундай деманг. Кўнгли жудаям нозик экан. Ҳозир унинг айтганини қилишингиз шарт.

– Шунақами? Мана бўлмаса, – деди Хасан ва тўсатдан Муштарийни қучоқлаб олди. – Вот Света смотри.

– Вой қўйворинг! Нима қиляпсиз, жинни?!...

– Хотинимнинг илтимосини бажаряпман. Ўл деса ўламан. У сизни қучоқлашимни сўраяпти.

– Энди ўпишинглар, – деди Светлана бамайлихотир.

– Э йўқ, буниси энди ортиқча, – Эътироз билдирди Хасан.

– Нима деяпти? – сўради Муштарий.

– Ўпишинглар деяпти, ярамас қиз!

Муштарий Хасаннинг оғушида, юраги дукурлаб урмоқда эди. “Белимни қўйворинг, ўзим...” деди у аста Светланага қараб “Ты этого хочеш, да?” деб сўради.

– Да, пожалуйста. Ради меня. Очень прошу...

Муштарий Хасаннинг лабидан оҳиста ўпиб олди. Света ёш боладай қарсак чалди.

– Ур-ра, дуранг бўлди! – деди у.

– Қанақа дуранг? – сўради Муштарий хайрон.

– Тўйим куни мен сенинг эрингни шунақа қилиб ўпганман.

Хасан бўзариб довдираб қолди ва Муштарийни охиста қўйиб юборди.

– Қанақасига? – Сўради Муштарий қизнинг олдига чўккалаб ўтириб оларкан.

– Шундай, адаштириб қўйганман-да. Сен ҳам тўйингда уларни адаштириб қўйган бўлсанг керак-да-а?

Муштарий ўзини ноқулай сеза бошлади. “Ҳақиқатдан ҳам бу жа эрка қиз эканку. Бу билан нима демоқчи, тавба...” деб қўйди.

– Майли, – деди ниҳоят Светлана жимликни бузиб. – Мавзуни ўзгартирамиз. Хасан, илтимос, фотографни чақир, суратга тушайлик.

Суратчи чопиб келди. Юрагидаги хаяжони босилмаган Хасан хотинини даст кўтариб олиб ҳайкал пойига ўтказди. Икки ёнига ўзлари туришди. Муштарий рўмолини эпақага келтирган бўлди. Бемор қиз ўртада, Муштарий ва Хасан унинг қўлларини ушлаб олишди.

– Кулиб туринглар, қани... Ана бўлди. Яна бир марта. Энди узоқлатиб оламан. Жилмайинглар, бўлди! Эртага тайёр бўлади, – деди суратчи.

“Эрка қиз” Хасаннинг бўйнига осилиб олди. У эрини жуда соғинганди. Хасан қизни орқасига опичлаган ҳолда кўтариб олиб, боғнинг сўлим кўчалари бўйлаб кета бошлади. Ортларидан аравани етаклаб Муштарий эргашди. Ҳозирда у кутилмаган ғайриоддий фикр-ўйлар оғушида қолганди.

* * *

Кечки оқшом барча яқинлар тўпланишди. Ҳамма дастурхон атрофида жамул-жам бўлгач, Хасан Светланани кўтариб олиб чиқиб тўрдаги юмшоқ ўриндиққа ўтқазиб қўйди. Ёнига Муштарий ўтирди ва бемор қиз унинг елкасига бошини қўйиб олди.

– Муштарий ол, уялма, – деди қиз унинг қулоғига.

– Аввал сен е, кейин мен, – деди Муштарий ва картошкадан бир бўлагини кесди-да, вилкага қистириб, пуфлаб унинг оғзига тўғрилади..

Светлана эътироз билдирмади. Ўтирганларнинг кайфияти кўтарилди.

– Э, бормисан, Света, мундоқ овқат есанг ҳам бўларканку, – деди акаси Дмитрий севиниб.

– Света бизнинг севимли қушчамиз бўлади-да, – деди отаси кулиб.

– Хасан, синглим сени соғиниб овқат емай қўйган экан-да – деди Дмитрий кулиб.

– Энди емай ҳам кўрсинчи, – деди Хасан ҳам кесатиб.

Муштарий ўзи ҳам картошкадан еди. Кейин тузланган селётка балиғидан кесиб, уни тозалаб дугонасига узатди. Светлана уни ҳам йўқ демади.

Баъзилар қарсақ чалиб юборишди.

– Келинлар, Светлананинг соғлиғи учун ичамиз! – деди амакиси.

– Муштарийга ҳам қуйинлар.

– Э йўқ. У бунақа нарсаларни ичмайди, – деди Хасан шоша-пиша.

– Хасан қариндошларни таништирамайсанми?

– Ҳа-я, бу Муштарий, марҳум укам Хусаннинг хотини, менинг келиним, Светлананинг яхши кўрган дугонаси.

– Бўлмаса, сизларнинг дўстларингиз ва соғлигингиз учун! – дейишди ўтирганлар қадахларни чўқиштираркан.

Муштарий ҳам мева шарбатни уриштириб ичиган бўлди, дугонасига ҳам тутди. Шу куйи бир оз ўтиришди. Қадах устига қадахлар ичилиб овқат ейилди. Светлана яқинларини худди охирги бор кўраётгандай, уларни йўқотиб қўяётгандай, гўё узоқ сафарга кетаётгандай ҳар бир яқинини зимдан кузатиб ўтирарди. Бир пайт ҳолсиз сеза бошлади. Унинг қулоғи энди шанғиллаб, кўзига фақат кулиб турган чехраларгина кўринарди. У ўзидан кета бошлади. Муштарий бунга сезиб Хасанни чақирди. Хасан бу пайт бироз ичиб, эндигина қўшиғини бошлаганди. Хасан шошиб келиб деярли беҳуш хотинини даст кўтариб олдида, хонасига олиб кириб кетди. Ўтирганлар таҳликада қолишди. “Тез ёрдам” чақиришди. Юрагига қувват берувчи укол беришди.

– Қизим яшаб кетадими, доктор? – дея сўради Светлананинг отаси чиқиб кетаётган шифокордан.

– Қанча умри қолгани фақат худога аён, – деди у хўрсиниб.

У бу билан “Иложи йўқ, барибир яшай олмайди” демоқчидай эди. Унинг ёнига Хасан сигарета чекиб келди.

– Ухлаяптими? – сўради қайнота.

– Ҳа.

– Энди нима қиламиз?

– Агар худодан бўлиб тузалиб кетса, мен уни Ўзбекистонга олиб кетмоқчиман. Қолган умри ўша ёқда кечсин. Сиз нима дейсиз, рухсат берасизми, ота?

– Қизимни истаган жойингга олиб кетишинг мумкин. Биз учун соғайиб, яшаб юрса бўлгани. Афсус уни бериб қўямиз, чоғи – деди ота ва Хасанни кучоқлаб йиғлаб юборди.

– Ота, ўзингизни босинг. Ахир у овқат еяпти-ку, ноумид бўлмайлик. Ёки яхшироқ докторларга кўрсатсакмикан-а?

– Буни саратон касаллиги дейдилар. Вақтида олдини ололмадик. Қизгинамнинг юрагига бориб қолибди. Нима деса унинг айтганини қилинглар, токи, қизим бу дунёдан армонсиз кетсин, – деди у оғир хўрсиниб куёвининг елкасидан оҳиста қоқиб қўйди.

* * *

Светлана яна ўзига келди. Бироз кашадан еган бўлди. Чой ичди. Муштарий унинг тагини ва ички кийимларини алмаштирмакчи бўлди.

– Муштарий мени ҳамомга олиб кир.

– У ер иссиқ-ку беҳаловат бўлмайсанми?

– Айт, совуқроқ қилишсин. Сен ҳам чўмилиб оласан, хўпми?

– Хўп, – деди Муштарий ва Хасанга бу гапни бориб тушунтирди.

– Оббо, ахир бу хавфли-ку! У ер иссиқ, сирпанчиқ...

– Бўлмаса ўзингиз чўмилтиринг.

Хасан хотинининг олдига кириб чиқди. У “йўқ. Муштарий билан чўмиламман. Майли Диманинг хотини Даша ҳам кира қолсин”, – деганмиш.

Шундай қилиб, қушдек енгил Светланани икки аёл минг хавотир билан яхшилаб ювинтиришди. Қиз озиб-тўзиб худди концлагердаги маҳбусларга ўхшаб қолганди. Муштарий ва Даша унга ич-ичидан ачинишди. Светланани гўдакни йўргаклаган каби ўраб-чирмаб олиб чиқишди-да, тез жойига ётқизиб қўйишди. Яхшики, бемор қиз ўзидан кетиб қолмади. Хасан ва отаси кириб ундан хабар олишди.

– Ота, Хасан, онам қанилар?

– Онанг ишда, бирровга кетувди. Нима чиқирайликми?

– Ҳа. Муштарий, раҳмат сенга.

Кўп ўтмай Даша Светлананинг онасини чақириб келди.

– Болаларим қани? Ҳали келишмадимми?

– Йўқ. Чақирайликми?

– ... Ҳозирча керакмас. Отажон, онажон, мендан рози бўлинглар. Ўзимни асрай олмадим, мени кечиринглар. Мен ёмон яшамадим. Мен бахтли аёлман. Чунки мени севганимга бердинглар. Шунинг учун мен ҳам сизлардан мингдан-минг розиман, – деди бемор қиз ихраб.

– Э, кўй унақа дема қизим, – деди хозиргина шошиб-пишиб кириб келган она йиғламоқдан бери бўлиб.

Эри унинг елкасига қўлини қўйиб “Жим тур!” ишорасини қилди. Қолганларга ҳам “Жим, уни эшитайлик” дегандек маъноли қарашди.

– Қизим, биз ҳам сендан мингдан-минг розимиз. Лекин касалликка асло енгилма, – деди онаси эрини тушуниб.

– Бир нима демоқчимисан қизим? Бирор илтимосинг ё айтадиган гапинг борми? Бемалол айтавер, – деди отаси зорланиб.

– Ота, сизлардан илтимосим шуки, болаларимни Хасанга беринглар. Эрим уларни ўз ватанига олиб кетсин. Мен у кишига ишонаман. У яхши тарбия беради. Болалар катта бўлишганида сизларни йўқлаб туришади.

– Хўп қизим, айтганингдек бўлади. Ҳозир фақат ўзингни ўйла.

Хотини эрини аста норози туртиб қўйди. Бу билан “болалар шу ерда қолаверсин” демоқчи эканини билдириб қўймоқчи эди.

– Хасан, Муштарий ёнимга келинлар, – деди бемор қиз бор қувватини гапиришга сарфлаб. – Сизлар менинг ишонган икки тоғимсизлар. Мендан рози бўлинглар. Фақат сизлардан бир илтимосим, нима дейди, васиятим бор.

– Нима, яна қанақа васият? – деб юборди она.

– Жим. Видолашаётган одамнинг гапи бўлинмайди, – деди эри.

Аёлнинг кўзлари олайиб кетди “Вой, ўлай!” – демоқчидай изтироб билан ўз оғзини тез ёпди.

– Айтавер жоним, нима демоқчисан? – сўради Хасан.

Қиз бир қўли билан Муштарийнинг қўлини, иккинчиси билан эрининг қўлини ушлаб уларнинг қўлини оҳиста бирлаштирди.

– Сизлар турмуш қуринглар, илтимос.

Муштарий бир сесканиб тушди. Қиз унинг қўлини маҳкам ушлаб олганди.

– Хасан, сен Муштарийни бахтли қил. У бунга ҳақли. Кейин болаларимни сизларга топшираман. Мен сизларга ишонаман. Муштарий, сен уларни эҳтиёт қил, ўз болаларингдек кўр, хўпми? Сизларни худога топширдим.

– Хўп! – деди Муштарий.

– Хасан сен менга ваъда берасанми?

– Ҳа, ваъда бераман.

– Раҳмат сизларга. Энди тинчгина ўлсам ҳам бўлаверади. Ота, болаларим келишса, айтинг уларни кўргим келяпти.

– Албатта, мен уларни ҳозироқ чақиртираман. Бўлмаса биз ҳаммамиз нариги хонага чиқамиз, юринглар.

– Муштарий, сен қолақол, – деди ота. – Онаси, Дмитрий ва бошқа яқинларимизни тез чақиринглар.

Светлана яқинлари ва ўз болалари билан хайрлашиб чиқди. Сўнгра, “Чарчадим, дам оламан“ – деди.

– Муштарий сен алла айтишни биласанми?

– Ҳа, фақат ўзбекчасини, русчасини билмайман.

– Майли ўзбекчаси бўлса ҳам айтавер. Кейин мени ўз болангдай маҳкам бағринга бос, илтимос. Бирам ухлагим келяптики...

Хасан аста кириб “Ҳа, нима деяпти?” деб сўради овоз чиқармай.

– Алла айтиб бер, деяпти – деди Муштарий шивирлаб.

– Эпласангиз, айтганини қила қолинг, – деди Хасан ва ўзи оёқ учида чиқиб кетди.

Ичкаридан ўзбек тилидаги мунгли алла овози тарала бошлади. Ҳамминг вужуди қулоққа айланди. Қўшиқ оҳанглари дераза дарчаси орқали чиқиб, қуёш сари бўй чўзган дарахтлар оралаб енгил парвоз қила бошлади оҳанглар бутуқларда ўтирган қушларнинг елкасига қўнишар ва улар билан кўкка кўтарилишарди... Қушлар бўлса, қалин ўрмонлар, сокин оқаётган дарё бўйлаб майин қанот қоқишарди. Муштарийнинг хаёли эса ўз болалиги кечган тоғлар бўйлаб кезар, унинг кўз олдидан эчки боқиб юргани, бошига гулчамбар тақиб лолаларни тергани, от чоптираётгани, мусобақаларда катнашаётгани, ғалаба нашидасин сураётгани тошқўрғонда қолган қари ота-онаси ва қишлоқда қолган болалари бир-бир ўтарди. Светлана ҳам айни дамда тушида Ўзбекистонни кўрарди...

Осмонда учган қушлар-о, алла,

Секин чиқаринг овоз-о, алла.

Мени солманг қайғуга-ё, алла-ё,

Болам тўйсин, уйқуга-ё, алла.

Алла айтсам юрагим-о, алла,

Тўйиб-тўйиб қонарми-ё, алла.

Юракдаги аламлар-о, алла-ё,

Олов бўлиб ёнарми-ё, алла.

*Мен ўзим куйгандим-о, алла,
Куйган юрагим кўрсатай-ё, алла
Мен сени суйган эдим-о, алла-ё,
Алла айтиб ухлатайин-о, алла.*

Дарахтларга бурканган рус кишлоғининг аллақаерида кўнғироқ оҳиста даранглади, шу пайт ором олаётган Светлананинг боши ёнига осилиб тушди. Аммо “Алла” давом этаверди. Қизнинг руҳи энди кўшиқ оҳанглари ҳамоханг бирга сокин канот қоқарди....

Хонага шошиб поп кириб келди ва қизнинг бўйин томирини ушлаб кўриб “О господи, прими её милую душу!” дея бир чўқиниб олди. Хасан кириб Муштарийнинг елкасини туртди. У чўчиб ўзига келди. Қўшиқ бўлинди...

Муштарий ташқарига чиқаркан, бош кийимларини кўлига олиб чўқинаётган кариндошларни кўрди. Светлананинг онаси Муштарийни маҳкам бағрига босиб “Раҳмат сенга, қизим!” – дея пичирлаб қўйди.

– Юринг Муштарий, биз дарё соҳилига борамиз. Бу ерга кейинроқ келамиз, – деди Хасан ва уни етаклаб олиб чиқиб кетди.

Улар сокин оқаётган улкан дарё бўйига келишди ва қирғоқдаги қалин майсалар устига ўтиришди.

– Нариги қирғоқдаги хув анави чархпалакни кўряпсизми?

– Ҳа.

– Ўша ерда ҳар якшанба Ярмарка бўлади. Биз Хусан билан ана шу ерга кетаётиб чўкиб кетганмиз, – деди Хасан дарёнинг бурилиш жойидаги ораликни кўрсатиб.

– Келинг, Хусан акамни кейин, шу ердан ўтганларнинг руҳларига бир тиловат қилайлик, бўлмаса, – деди Муштарий.

Хасан “хўп” дегандек бошини қимирлатди-да овозини баралла кўйиб Қуръон тиловат қила бошлади. У тиловатни ҳам худди кўшиқлари каби юрагидан чиқариб, гўё куйлаб нола қилди. Қирғоққа урилаётган, чайқалаётган сув овози тиловатга ўзгача оҳанг ва тароват бағишларди. Муштарий ҳам узоқ тилаклар билдириб, дуога кўл очди.

Марҳума Светланани сўнги йўлга кузатиш, дафн этиш, уни ёдга олиш ва бошқа расм-русумлар рус халқининг ўзига хос миллий анъаналари асосида ўтказилди. Заречная қабристонидан яна бир қабр пайдо бўлди. Қабр тошида, гуллар ичида ёш Светлананинг сурати кулиб турарди. Хасан ва Муштарий бу ерга Ойдин ва Темуржонларни ҳам олиб келишди.

– Муштарий.

– Лаббай, Хасан ака.

– Света раҳматли мусулмончиликни қабул қилишни жуда истарди. Нима дейсиз унинг руҳига ҳам тиловат қилсак бўлармикин?

– Агар у чин кўнгилдан шуни истаб, дилига жо қилган бўлса, менимча бўлаверади. Кейин манави болалар сизники, барибир улар мусулмон болалари-да...

– Хўп, раҳмат, – деди Хасан болаларига жим тинглашни буюриб тиловат қилди.

Ҳаммалари кўллари дуога очишди. Хасан тилак билдиргач, кўллари юзларига тортишди. Болалар буни муаммосиз тўғри қабул қилишди.

Муштарий қабристондан болалар билан кўл ушлашиб чиқиб келаркан Хасанга юзланди:

– Хасан ака, ойимнинг ҳам қирқи келиб қолди. Энди болаларни олиб кетаверсак бўлармиди?

– Тўғри, лекин қирқларига эмас, Қурбон ҳайитига етиб борамиз. Манави болалар ҳам таътилга чиқишади. Синфдан синфга ўтишади, кейин мен ишларимни бир ёқлик қилишим керак. Ҳозир қабр совимай кетадиган бўлсак қайнона-қайнотам ҳафа бўлишлари мумкин. Келинг, яна бироз сабр қилайлик. Сиз ҳам болаларга, болалар сизга кўникинглар. Бу ернинг табиатини, Красноярск шаҳрини томоша қилдирай.

– Майли-ю, лекин болаларимни жуда соғиндимда.

– Мен ҳам уларни соғиндим. Айниқса, Меҳрибоннинг меҳри менга бошқача, “Дадажон!” деб бўйнимга шундай осиладики... – деди Хасан чиндан қувониб.

– Ҳа. У сизни ҳақиқий дадаси деб билади.

– Сардорбекчи?

– Сардорбек келиб сизнинг меҳмонхонада ётишингизни ҳеч ҳам тушунолмайди.

– Юраги сезар эканда-а?

– Энди у катта йигит бўлиб қолди.

– Ҳа. Кейинчалик у менга ёрдамчи бўлади, ёнига Темуржон қўшилади. Мен Дмитрий билан келишиб қўйдим, Ўзбекистонга бориб кўп тармоқли корхона очамиз. Бу ердан ёғоч материаллари жўнатиб қайта ишлаймиз. Биздан бу ёққа янги мева-чева, тўқимачилик маҳсулотлари юборамиз.

– Яхши ўйлабсиз. Мен ҳам касаначилик бўйича анча ишлар қилиб қўйдим. Ҳозир Ўзбекистонга борувчи саёҳатчилар йил сайин кўпайиб боряпти. Уларга ўзимизнинг

миллий кашталаримиз, кўл билан тайёрланадиган хунармандчилик маҳсулотлари кўп керак бўлади.

– Сизнинг лойиҳаларингизни меники билан бирлаштирсак яхши бир корхона бунёд бўларкан.

– Яна бир таклифим бор.

– Қанақа?

– Бизнинг тоғларда эчки кўп боқишади. Унинг юнгидан жун рўмол ҳам тўқишади. У рўмоллар бу ерга, яъни шимолий совуқ ўлкаларга жуда ҳам асқотади.

– Жуда тўғри. Унда валенка ҳам тайёрлашни йўлга қўямиз.

– Эҳ-ҳе, унда ариқбўйиликлар тоза иш билан таъминланар экан-да-а?

– Хориж-хориж деймизу, бу “хорижда ишлаш” дегани қанча-қанча одамларнинг тақдирини ўзгартириб юбормоқда. Мана Хасан ака, агар шу ерларга келмаганингизда, нима бўларди?

– Биз иккимиз турмуш қурган бўлардик, – деди дангал Хасан.

Муштарий ялт этиб кулиб қаради.

– Унда манави болалар қаёқда эди-ю?

– Йўқ. Улар ҳам бўлишарди. Фақат иккимизники бўлишарди-да.

Муштарий Темурбек ва Ойдинларнинг сочларини силаб қўйди.

– Фақат сочлари қора бўларди.

– О чем вы говорите, папа? – сўради Ойдин.

– А почему у тебя волос не черная-а? – сўради Муштарий ҳазил қилиб.

– Незнаю! Но мама очен бы хотела.

Муштарий қизчани бағрига босди.

– Ничего. Вырастишь, покрасим. Будешь вот такая красавица, – деди у бош бармоғини кўрсатиб.

– Ўҳ-ҳў рус тилини яхши ўрганиб олибсизми?

– Одамда хошиш, муҳит бўлса, кейин ўша миллатга меҳри баланд бўлса тилини ўзлаштириш ҳеч гапмас, дейишади.

– Ҳа, албатта. Айниқса рус тилини яхши ўзлаштириб олсангиз дунёнинг ҳар қандай давлатида бемалол юра оласиз. Бу дунё тилларидан бири ҳисобланади.

– Папа, а, как по узбекский “Мама”?

– Она.

– А, “Папа”?

– Ота.

– Ана, ата. Тепер ты “Ата”, а она, – деди у Муштарийни кўрсатиб – “Ана”, да?

– Да.

– Ана! – деди у Муштарийга талпиниб.

– Вой, она деган тилларингдан айланай, – деди Муштарий ва Темуржонни маҳкам бағрига босиб олди. – Тепер ты мой сын – “ўғил” понил?

– А она?

– Қиз – дочка.

– Ата я твой ўғил, – деди шу пайт Темуржон Хасанга қараб.

– Хўп, ўғилим. Ты хочешь изучить узбекский язык, да?

– Очень хочу!

– Вот и поедим.

– Куда?

– В Узбекистан. Тепер там будите учитса. У нас кругом сады, фрукты, дыни и арбузы. Они такие сладкие и сладкие...

Хасан фахр билан ўз юрти ҳақида ҳикоя қиларкан, болалар уни худди эртақлардаги мисол қабул қилишмоқда эди. Аммо юртини чиндан ҳам жанатмакон эканлиги ҳақида сўзлашидан ўзининг ҳам ватанини қўмсаётганини англаш қийин эмасди. “Мени бу ер билан боғлаб турадиган Светлана эндӣ йўқ. Кечир мени, азизам. Менга фарзандлар ато этиб берганинг учун, мени севиб қолганинг учун сенга раҳмат. Эндӣ сени ҳар йили келиб йўқлаб тураман. Болаларимизни эҳтиёт қиламан. Худо хоҳласа, улар Ўзбекистон келажигига ўз ҳиссаларини қўшишади” – деди у фикран.

* * *

Орадан уч ойлар чамаси ўтгач, уларни Тошкент поездига кузатиб чиқишди. Болалар бобоси, момоси ва тоғалари билан хайрлашишди-да, купега чиқиб жойлашиб олишди. Вагон деразасида икки болани бағрига олиб Муштарий кулиб хайрлашарди, Хасан бўлса уларнинг тепаларида аста қўл силтамоқда эди. Ниҳоят поезд ўрнидан кўзгалди. Йиғи-сиғи қилаётган момо ҳам, “Хат ёзиб туринглар!”, дея қичқираётган бобо ҳам хадемай ортда қолишди. Кўп ўтмай поезд тарақа-туруғи кучайиб Хусан халок бўлган ўша азим дарё устидаги кўприкдан ўтиб борди. Уларни серқуёш, бағри кенг озод ва обод Ўзбекистон кутмоқда эди.

ОЛАХОННИНГ ҚАЙТИШИ

Марҳум Шомурод тоғанинг совуқ маросимларида иштирок этиш учун Муштарийнинг ота-онаси бир ҳафтача Ариқбўйида қолиб кетишганди. Тоғдаги тошқўрғонда синглиси Сурайё укалари билан қўй-подалару сигир бузоққа қараб қолишди. Укалари Камолдин ва Зайнитдинлар энди катта бўлиб қолишган ва подани бемалол эплай олишарди. Улар эрта тонгданок қўй эчкиларни тоққа олиб кетишиб, окшом хориб-чарчаб қайтиб келишарди.

Йигитчалар қайтгунига қадар она ўрнида қолган Сурайё барча уй юмушларини бажарарди. Тонг саҳарда Олахон лақабли сигирини соғиб олгач, уни озод қўйиб юборар, жонивор ўзи тоғлар бағрига йўл солиб кечда яна тўйиб қайтиб келарди. Аммо бу сафар Олахон қайтмади. Аксига олиб ўша куни укалари ҳам кеч қайтишди. Бир қора қўзилари йўқолиб қолганмиш. Узоқдан аллақандай бегона одамларнинг юрганини кўришганмиш...

Йигитлар хориб-чарчаб келишган бўлишсада, овқатланиб бўлишгач фонарларни олиб сигир қайтиб келиши тахмин қилинган сўқмоқ сари то қаро тоққа қадар бориб келишди, “Олахон!!” дея бетўхтов қичқиравериб толиқишди ва қўрғонга қуруқ қайтишди.

Сурайё эртаси хўроз қичқирмаёқ ўрнидан турдида, укалари учун нонушта тайёрлади. Бир челаққа ҳар эхтимолга қарши дурбин, нон, туршак, қурт ва боклашқада булоқ суви солиб олди. Сўнгра укаларини уйғотиб ўзи Олахонни излаб кетди. Сигирни тезроқ топиши ва уни соғиб олиши зарур эди.

– Опа эхтиёт бўлинг, бегона одамларни кўрсангиз изингизга қайтинг, хўпми, – деди Камолдин.

– Хўп. Мен тез қайтаман. Сизлар подани олиб кетаверинглар.

– Зайнитдин сиз билан бора қолсин, мен ўзим эплайвераман.

– Йўқ. Бормаган-кўрмаган жойиммиди? Тоғларимизни яхши биламан, ҳавотир олманглар, – деди Сурайё ишонч билан ва қоратоққа туташиб кетган тепаликни мўлжаллаб йўл солди. Чунки тепаликлар устидан теварак-атроф кафтдек кўринади. Жонивор қоялар орасидан чиқолмай қолган ёки тойиб кетиб бирор жойи шикаст еган бўлиши ҳам мумкин эди.

Узоқ юрди. Хатто Қурбон булоқ, эгиз қоялар ҳам ортда қолишди. Булоқ сувидан тўйиб ичиб, бир оз тамади қилиб олдида, излашни давом эттирди. Кўп ўтмай қорли чўққиларга туташган тепаликларга етиб келди. У ёғи Қирғизистонга қарашли тоғлар эди.

“Ишқилиб сигир чегарадан у ёғига ўтиб кетмадимикан? Кимдир уни ўғирлаб Қирғизистонга олиб ўтиб кетган бўлсачи?” деган нохуш ҳаёлларга борди қиз ва бир қоя тепасига чиқиб “Олахон!!” дея қичкириб кўрди.

Сўнгра қорли чўққи томон бориб сигир туёғининг изларини қидирди. Қуёш тикликдан ўтиб энди ботиш томонига ёта бошлаган, баъзи жойларда қор эриб лой-сирпанчиқ эди. Сирпаниб йиқилавериш жонига тегди ва нариги тепаликка ўтиб қўрғонга қайтишни мўлжаллади. “Эхтимол сигирим аллақачон қайтиб боргандир. Мен бўлсам бу ерларда дайдиб юрибман” – деди қиз ўзига-ўзи танбех берган бўлиб.

Нариги тепаликка ўтиб эндигина пастлик сари йўл олган ҳам эдики, аллақандай янги изларга кўзи тушди. Улар одамларники экани яққол кўриниб турарди.

Қиз югуриб бориб ўзини қоя тошларнинг бирининг ортига олди. Дурбинни олиб теварак атрофни зимдан кузатди. Пастроқдаги дара ичидан бир жуфт қушлар париллаб учиб чиқишди. “Демак бу ерда кимлардир бор” деган фикрга борди Сурайё. Серқоя дара ичини кузатишга қарор қилди ва охиста пастлик томон туша бошлади. Кўп ўтмай димоғи бир хидни туйди. Бу қуяётган гўшт-кабоб хидига ўхшаб кетарди. Бир оз кўк тутун ҳам кўринди. Дурбин билан тутун чиқаётган жойга эътиборини қаратди. Тутун бир улкан қоятош ортидан чиқаётганди. Унинг ортини кўриш учун эса сертош ва тик ораликни айланиб ўтиши керак бўларди. Қиз бир оз иккиланиб қолди. Вужудини кўрқинч хиси камраб олди. “Булар ким бўлиши мумкин?” деган савол ҳаёлида пайдо бўлди. “Жиноятчилар бўлишсачи? Улар сигиримни сўйиб, кабоб қилиб пишириб еяётган бўлишсачи?” деган нохуш ўйлар кўнглидан ўтди. Амма кўрқинч хисини қизиқувчанлиги енгди ва тик тошли дара айланмасини тошлардан тошларга сакраб кесиб ўта бошлади. Қанчалик эҳтиёт бўлмасин оёғи остидаги тошлар сирпалиб, бир-иккитаси шитирлаб, думалаб ҳам тушишарди...

* * *

Тўлқинбек хизмат қилаётган чегара бўлинмасига ўша куни қандайдир номаълум шахсларнинг тоғларда пайдо бўлгани, аммо уларни мақсад-муддаоси ноаниқ эканлиги ҳақида хабар келиб тушган бўлишига қарамасдан бўлинма аскарлар тоғли чегара назорати учун тарқатиб юборилган ва Марказ билан рация алоқаси ўрнатилганди. Бир гап бўлса Марказга хабар юборилиши ва у ердан ҳарбий верталет орқали ёрдам етиб бориши кўзда тутилганди.

Зобит Тўлқинбек Марказдан чегара назоратини кучайтириш ҳақидаги буйруқни олгач, кичик сардорларга топшириқ бериб уларни жойларга тарқатдида, ўзи тулпорига миниб бирров Ариқбўйига Шокарим тоғанинг маркасига ўтиб қўйишни, сўнгра шарқий чегаралар бўйлаб ўзи отлик Ғова томон бориб қарши тарафдан келишга қарор қилди. Унинг ҳам ёнида дурбин, рация ва ўк отар табелли қуроли бор эди, албатта.

У отнинг бошини тоғ томон буриб дарралараро бораркан фикри ўйи Муштарийда эди. Маросимда унга узокдан кўзи тушди. У бошқа аёллар қатори азадор эди. “Бечора, тақдири шунчалар ачинарли бўлишини қаердан ҳам билибди?” деб қўйди ўзича зобит йигит. “Қизиқ, энди мен яна шундай қизни учратармиканман? Кимга ўйлансам экан?” деган саволларни кўнглидан ўтказди. Тулпор беозор одимлар, тоғ қушлари беармон сайрашар, чигирткалар бўлса қулоқни қоматга келтиришиб чириллашарди. Шу куйи улкан, ғаройиб шаклдаги қоя тоғлар маскани бўлган даралар оралаб узок юрди. Бир маҳал от ниманидир сезиб, хавотирли пишқириб қўйди. Зобит дурбинини олиб теварак атрофни зимдан кузатган бўлди. Юқори қоялар устида турган бир кўк латта парчаси эътиборини тортди. Қаердандир бир тош парчаси думалаб тушгани ҳам сезилди. “Бу ерлардан фақат эчкилар юра олади. Лекин қизиқ, анави латта қаердан келиб қолди экан. Хойнахой чўпонларникидир. Ўша чўпонни топиб бу ерларда юрган бегона одамлар ҳақида суриштириб кўришим керак” деган ўйга борди у ва отнинг бошини тепалик томон буриб, энди қоялар оралаб охиста чиқиб борди.

Кўринган латта кимдандир тушиб қолган белбоғ экан. Унинг янги экани тахи бузулмагани ва ҳали чанг босмаганидан яққол кўриниб турарди.

Тўлқинбек отдан тушиб унга дам берди ва белбоғни қўлига олиб хидлаб кўрди. Димоғи сигарета тутуни аралаш яна қандайдир бир ўткир хидни туйди. Бу наша хидига ўхшаб кетарди. “Эҳ, қани энди хозир овчарка итимиз Лочин бўлганида эди”– дея кўнглидан ўтказди у ва теварак-атрофни, ердаги изларни синчиклаб кузатди. Айтарли шубҳали излар сезилмасди. “Белбоғнинг эгасини топишим керак. Ким экан у?” деди зобит йигит ўйчан ва отни шу ерда қолдириб ўзи тепалик томон чиқишни давом этирди. Чунки тепалик устидан саволига жавоб олиш қийин бўлмасди.

Бу ерларга шартли “чегара чизиғи” яқин эди. Шу туфайли хар хил ниятли шахсларни учраш эҳтимоли йўқ эмас. Улар ҳайвон ўғрилари, қочоқлар, жинойтчилар, контрабанда мол олиб ўтувчилар ва ҳатто наркотик ташувчилар ҳам бўлиши мумкин. Яна чўпонлар, табиблар, саёхатчилар каби маҳаллий ҳалқ вакиллари ҳам учраб туришарди. Чегарачилар

бегона шахслардан ҳужжат талаб қилишар, нима мақсадда юришганини сўрашарди ва ҳаммаси жойида бўлса уларга оқ йўл тилаб қолишарди. Баъзи хорижий қонунбузарлар Тожикистон ва Қирғизистон чегарачиларининг сушт назоратидан фойдаланиб, Ўзбекистонга контрабанда мол олиб киришга ва уларни маҳаллий васитачилар орқали ўз миждоғларига етказишга ҳаракат қилишарди. Айниқса Афғонистон томондан наркотик моддалар ва қурола аслаҳанинг тоғлаб оралаб кириб келиш ҳавфи ҳам йўқ эмасди.

* * *

Сурайё улкан қояга етиб олдида, бир ғор оғзи олдидаги чўғга тоблаб пиширилаётган гўштга кўзи тушди. Бу янги сўйилган кўзичокники бўлиб, гулҳан чўғи ёнида унинг қалласи тери ва ичак-жабдуғи ётарди.

Қиз дурбинни олдида, бу холни яқинроқдан кузатди. Не кўз билан кўрсинки бу уларнинг йўқолган ўша қора кўзилари эди. Буни қулоғига қўйилган темир тамғадан таниб қолди-ю, тўсатдан юраги хапқириб “Вой!” деб юборганини англамай қолди. Ғор олдида бировнинг шарпаси кўринди. У бошига пахмоқ телпак кийган серсақол киши бўлиб, кўлида қуроли бор эди. У кабоб олдида келдида чўғни очиб, гуштни айлантириб қўйди. Сурайё ўзини бир харсанг қоя ортига пана олди. Ғордан яна бир киши чиқиб келди ва теварак-атрофни аланглаб кузатган бўлди.

– Исмат, биров бизни кузатаётганга ўхшайдида. Шу кабобни ҳозир пишириш шартмиди? – деди у шеригаги ўшқириб.

– Нима очдан ўлишимиз керакми? Икки кундан бери йўл босамиз, охир. Қўрқма бу ерларга ҳеч ким келмайди, – деди Исмат дегани тожикча лаҳжа билан.

– Майли, мен тепага бир чиқиб келаман. Анави одаминг қачон келади?

Исмат соатига қараб олди.

– Яна бир соат қолди.

– Бўл тезроқ, пиширу йиғиштир! Кейин ўтти ўчир, изи ҳам қолмасин. Пулни оламингиз-у қуёни сурамингиз. Негадир кўнглим ғаш.

– Ма, бир қултим ичиб ол, – деди Исмат ва ёнидаги ичимликни очиб қопқоғига қуйдида, гўштан бир бўлак кесиб узатди. Шериги уни газак қилиб, тепалик сари йўл олди.

Сурайё кўрқиб кетди ва яшириниш учун ўзига қулайроқ жой излади. Аммо у кўзлаган қоя сал нарида ва у жуда тик эди. Дархол ўша қояга тармашди. Бироқ таги бўшаб қолган

бир тош бўлаги панд бериб, тўсатдан думалаб кетди ва қизнинг тиззаси тош қояга қаттиқ урилгани учун “Вой!” деб юборди.

Номаълум киши бу холни албатта сезмай қолмади ва тепалик сари шошиб чиқиб кела бошлади.

– Тўхта! Кимсан, хозир отаман! – дея қичқирди у

Қўрқиб кетган қиз жон ҳолатда келган изи бўйлаб чопа бошлади. Аммо қияликнинг сирпанчиқ жойлари панд бериб, икки бор йиқилиб тушди.

– Отма, чегарачиларга сездириб қўясан!– деб қичқирди пастдаги шериги.

– Бир қиз экан. Уни тутишимиз керак! У изни кўрди, гувоҳ бўлиб қолади!

Энди қизни икки қуролли кишилар қува кетишди.

– Отма! Уни бемалол қўлга оламиз!

– Ҳой қиз, тўхта! Биз сенга тегмаймиз!

Сурайё бўлса орқа-олдига қарамай қочишда давом этди.

* * *

Даралар оралаб юрган Тўлқинбекнинг қулоғига алақандай овозлар эшитилди. Қиз боланинг чинқиргани ҳам тоғларда акс-садо берган, лекин унинг қайси томондан келганини аниқлаш мушкул эди. Зобит йигит хушёр тортди ва қорли тепалик сари чошиб кетди. Узоқда Қирғизистон тамонда бир ола сигир ва бир неча эшаклардан бўлак ҳеч зог кўринмасди.

Йигит қорли тоғ тепаликларидан бирига етиб олгач, янги изларга кўзи тушди ва рацияни қўлига олиб бўлинмаларнинг бирига ҳабар берди.

– 4-4-1–чига жавоб беринг

– 4-эштади

– Ҳозир қаердасизлар?

– Қизилдарадамиз.

– Бегона шахсларни учратмадиларингми?

– Йўқ.

– Унда тез Қурбон булоқ томонга келинглар. Бу ерда мен янги, шубҳали изларга дуч келдим.

– 1- сизни тушундим, кетаяпмиз.

Изма-из келаётган зобитнинг кўзи тўсатдан даранинг нариги тарафидаги тепалик ёнида бир қизни тутиб турган номаълум кишиларга тушди. Қиз тинмай қочишга чиранар, унинг оғзини ва қўлини боғлаб қўйишганди.

– Тўхта! Жойингдан кимирлама!– дея узоқдан қичқирди Тўлқинбек тўпончасини чиқариб.

Уларнинг бири қизни ўзига пана қилиб олган бўлса иккинчиси ўзини бир қоятош панасига олди.

– Қўлларингни кўтариб олдинга чиқинглар!– дея қичқирди яна чегарачи йигит.

Унга жавобан бир неча ўқлар отилди. Ўқлардан бири харсанг тошга тегиб қайтишида йигитнинг ўнг елкасини яралади. Яраланган йигит ўқ отилган жой томон тўпончаси билан ўқ узди. Аммо қизга тегиб кетишидан чўчиб, бошқа отмади. Нима қилиб бўлмасин қизни кутқаришни ва ўқ еган жойидан оқаётган қонни тўхтатиши, ўзининг яраланганини сездирмаслиги зарур эди.

Шу туфайли Тўлқинбек бор овози билан қичқирди:

– Ҳой, йигитлар! Бўпти сизларга тегмайман, қизни қўйиб юборингларда, йўлларингдан қолманглар! Эркакча гап!

Бир оз жимликдан сўнг Исмаат дегани қичқирди

– Эркак бўлсанг ўзингни кўрсатиб, қуролингни ташла! Қўлингни кўтариб чиқ!

– Хўп, отманглар, мана мен! – деди зобит ва тўпонча ушлаган яраланган қўлини аранг кўтарган холда очиқ жойга чиқиб келдида, қўлидаги қуролни ерга ташлади.

Яхшики, улар отишмади.

– Сизлар кимсизлар?! – дея сўради зобит бор кучини йиғиб.

– Бизлар ҳаккамиз, тилла қидириб юрибмиз! – деди пахмоқ телпакли ҳазиломуз.

– Ҳакка бўлсаларинг бу ердан тез жўнанглар, йўқса хозир шерикларим келишади, қўлга олинасизлар!

– Исмаат, кетдик. Қўйвор уни. Бошимизга бало бўлдику, бу қиз, – деди у шеригига ва чегарачига қараб қичқирди.– Бўпти йигит, қизга тегмаймиз, лекин уни чегара чизигидан ўтиб олгач кейин қўйиб юборамиз! Унгача сен шу ҳолда қимир этмай турасан!

Шундай дея улар қизни пана қилиб қоя тошлар оралаб кетишди. Тўлқинбекнинг қўп қон йўқота бошлагани учун боши айлана бошлади. Қизни гаровга олганлар у томон ҳавотир қараб-қараб қўйишар, мабодо у ўтириб ёки ётиб олгудек бўлса қизни отиб ташлашга ҳам тайёр эдилар.

Бу ҳол юз беришини сезган зобит бор кучини йиғиб то улар кўздан ғойиб бўлгунларига қадар қўлини кўтарган ҳолда тебрана-тебрана тик тураверди. Сўнгра тиззалаб чўккалаб қолдида беҳуш йиқилди. Осмондан беозор парвоз қилаётган бургут хира тортди.

Жиноятчилар хавф ортда қолганига амин бўлишгач, бир оз тин олиш учун тўхташди. Исмаат қизнинг оғзини бўшатиб сўради:

- Анави аскарни сен бошлаб келдингми?!
- Йўқ мен уни танимайман, – деди қиз йиғламсираб.
- Бу ерларда нима қилиб юрибсан?
- Сигиримни қидириб юрувдим.
- Қаерда турасан? – сўроққа қўшилди юзи чандиқ шериги.
- Хув анави ерда, Тошқўрғонда.
- Кимнинг қизисан?
- Сарбардин тоғани.
- Отанг нима иш қилади?
- Чўпон. Мени қўйиб юборинглар!...– дея йиғлаб юборди қиз
- Бизни кўриб қолдинг?
- Анави қўзи бизники эди-да...

– Бўпти, биз сени қўйиб юборамиз. Лекин ўша гўшт пиширган жойимизни ҳеч кимга айтмайсан. Агар айтиб қўйсанг, сени ҳам, отангни ҳам кўрғонингда сўйиб кетаман, тушундингми?

Қиз “ха” ишорасини қилди. Исмаат унинг қўлини ечиб қўйдида, “бор кетавер!” деди. Сурайё атрофига аланг-жаланг хавотир қараб қоқилиб-суқилиб чошиб кетди.

- Эҳ, ҳамма иш расво бўлдику, Жаббор! – деди Исмаат телпагини бир қоқиб олиб.
- Нафсинг бало бўлди, – Жаббор бир тошни алам билан тепиб.
- Анави аскар қаёқдан пайдо бўлди, ўзи?

– Сен бўлсанг бу ерларга ҳеч ким келмайди дейсан-а. Энди нима бўлади? Ишқилиб анави клиентимиз қўлга тушиб қолмасайди.

– У молни олиб пулни ўша ерга яшириб кетаверади. Бунақа вазиятлар юз берган тақдирда биз шунга келишганмиз.

- Молимизни топиб олишсачи?

– Биз ишимизни бажариб қўйдик. Шеф айтган жойга уни етказдик. Хақимизни барибир оламиз. Лекин асло кабобпазлик қилганимизни айта кўрма. Нақд тилингни суғуриб олади.

– Бўлмаса молни қайтариб олиб кетсакчи.

– Йўк. Хозир эмас. Бу ерлар хозир чегарачилар назоратига тушган. Иккинчидан мол бўлмаса, анави биродар ҳеч қачон пулни ташлаб кетмайди.

* * *

Чегарачилар бўлинмаси тепаликлар бўйлаб айтилган Қурбон булоқ сари келишмоқда эди. Шу маҳал Лочин лақабли авчарка ит тўсатдан тўхтадида, қулоқларини динг қилиб пастлик томон ғингшиб қўйди. Бу билан “Мен бир нима сездим” демоқчидай бўлди ва бўйинбоғини тортиб ушлаб турган оддий аскар Пирназаровга қараб маъноли “Вав!” деб қўйди.

– Ўртоқ сержант, Лочин бир шарпани сезганга ўхшайди.

– Икки киши ит ортидан пастга тушинглар. Биз тепаликдан борамиз. Этиёт бўлинглар.

– Хўп бўлади, – деди Пирназаров ва ёнидаги аскар йигитга қараб “Одил, кетдик” деди.

Ит тез тушиб борар аскар йигитлар бўлса тошларда сирпалиб-қоқилиб жонивор ортидан аранг эргашишмоқда эди. Сержант Инояттов бошчилигидаги уч киши тепалик томондан дара ичини зимдан кузатишмоқда эди. Ниҳоят дурбин кўзгусида бир чопонли фуқаронинг жуссаси пайдо бўлди. У атрофга олазарак қараб қоялар ортига яширинди.

– Хой, амаки! Яширинманг, очикқа чиқинг! Акс ҳолда итимиздан балога қоласиз!– дея қичқирди сержант Инояттов.

Лекин жавоб бўлавермади. Чунки бу маҳалда ит аллақачон тушиб борган ва тошлар орасида қисилиб турган кишига қарата ҳуриб уни чопонидан тортқиламоқда эди.

– Лочин, бас қил! – деди Пирназаров.

Аммо ит ғириллаб тураверди.

– Э, олинг бунингизни-е! – деди халиги киши ўшқириб.

– Кўркманг ака, чиқаверинг, тишламайди. Сизни “қочиб кетмасин” деяпти-да.

– Қочиб қаёққа ҳам борардим, – дея ғўлдираб қўйди у ва аскар йигитлар ёрдамида очикқа чиқиб олди.

Пиназаров тепалик томон қичқирди:

– Ўртоқ сержант, ҳаммаси жойида!

– Яхши! Бу ёққа чиқинглар!

Бир оздан сўнг улар тепаликка чиқиб келишди.

– Ассалому алайкум! Узр амаки, йигитларимиз сизни бир оз безовта қилиб қўйишди, хизматчиликда, – деди Иноятов

– Майли ҳечқиси йўқ, тушунамиз.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсиз ?

– Менми, халиги, бир шеригимни қидириб юрувдим. Биз, халиги, дам олгани келувдик-да.

– Яхши, хужжатларингиз борми?

– Э, ука хужжат нима қилади. Наҳотки энди ўз юртимизда ҳам хужжат кўтариб юрсак-а?

– Албатта. Бу ерлар чегара худуди ҳисобланади.

– Узр ука. Янаги сафар олиб юрамизда.

– Исмингиз нима?

– Тохир.

– Тохир ака қаерликсиз?

– Жумашўйлик.

– Ёнингизда нимангиз бор?

Тохирнинг ранги бирдан бўзарди.

– Ҳеч нима. “Дам олгани чиққанман” дедимку.

– Узр, бу бизнинг хизмат вазифамиз. Сиз шахсингизни тасдиқловчи ҳеч қандай хужжат кўрсатмадингиз. Шунинг учун сизни шахсингизни аниқлаш учун олиб кетишингиз ҳам мумкин. Шунинг учун яхшиликча ёнингиздагиларни олиб манави тош устига қўйинг. Бу илтимос, ҳам буйруқ, тушунарлими?

Тохир киссаларини ковлаштириб, калит, пичоқ, нос ва бир оз ўзбек пули ва бошқаларни чиқариб қўйди.

– Мана, йигитнинг гули, одамни жа унақа камситмангларда– дея эътироз билдирди у.

– Ёнингизда бошқа нарса қолмадими?

– Йўқ.

– Шерматов!

– Мен!

– Акамизнинг ёнларини яхшилаб текшириб кўрингчи.

– Эй ука, бу нима қилганингиз?...

– Сиз кўлингизни баланд кўтаринг. Шерматов буйруқни бажар!

– Хўп бўлади!

– Аскар Шерматов ишга киришиб кетди ва Тохирнинг белига боғлаган бир нимани топгандай бўлиб сержантга маъноли қараб кўйди.

– Белингизда нима бор? – сўради сержант

– Ҳ-ҳеч, н-нима...

Сержант бориб белидаги белбоғини ўзи ечиб олди ва тугуни очди. Тугун ичида бир неча пачка доллар пуллар чикди. Аскарлар “Эх-хе!” деб юборишди.

– Бу қанақа пул?

– Буми ҳалиги нима эди, ҳа, бугун машинамни сотувдим.

– Қанақа машина?

– “Нексия”.

– Бу ерда неча пул бор?

– Ўттиз...

– Шерматов.

– Лаббай, ўртоқ сержант.

– Даданг кечаги куни “Нексия” сини неча пулга сотиб олувди?

– Ўн мингга, ўртоқ сержант.

– Ака, бу хорижий пулни тоғда нима учун олиб юрибсиз?

– Ахир машинада қолдиrolмайманку.

– Қанақа машина? Хозиргина уни сотдим дедингизку, – сўради Шерматов.

– Ха-ха, хали ўтказиб бермадимда.

– Қаерда ўша машинангиз.

– Тоққа чиқолмайди. Пастроқда қолди.

– Яхши. Унда биз билан юрасиз.

– Қаёққа?

– Ўша шеригингизни бирга излаймиз. Пулингизни олинг.

Тохир сохта кулиб энди ялиниб-ялтоқлана бошлади.

– Хой, командир ука. Мен бора қолай энди. Шеригим ўзи келиб қолар.

– Йўқ. Буни командиримиз хал қилади. У шу атрофда, бўлинг тез!

– Бу пулни мен ўз пешона терим билан халолдан топганман.

– Халол пулни, амаки, тоғу тошда олиб юрилмайди – деди Пирназаров кўшилиб.

Тохир аскар йигитга олайиб қараб қўйди. Пулни энди белига боғлашди. Омонат пул кўлини оловдай куйдирмоқда эди.

Аскарлар шубхали фуқаро билан бирга йўлда давом этишаркан, сержант Иноятов тез-тез зобит бошлиғини рация орқали чақириб кўрар, аммо қора қутичадан жавоб чиқмас, шиғиллашидан бўлак овоз келмаётганди. Бу ҳол чегарачиларнинг хавотирлигини янада оширди.

* * *

Омон қолган Сурайё тошлардан-тошларга сакраб шошиб келаркан, тепаликлардан бирида яёв юрган эгарланган отга кўзи тушди. “Бу хойнахой анави, аскар аканики бўлса керак”, деган ўйга борди у ва кўз олдида охири бор қараганида унинг беҳол йиқилганини келтирди “Унга бир нима бўлган шекилли ё анавуларнинг отган ўқи тегдимикан-а? Ҳа у ярадор, тезроқ ёрдам беришим керак”, – деди қиз ва аскарни қидириб кетди.

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай, қонга беланган Тўлқинбек устидан чиқиб қолди. У беҳуш ётар бир томонда тўпончаси, бир ёнда аллақандай қутичаси шиғиллаб турарди.

Қиз аскарни таниди. Бу ўша опасининг тўйида хадеб рақс тушаверган, кейин бўлса Хасанакаси билан муштлашган йигит эди. Елкасидан яраланибди, ўқ орқадан тегибди, кўп қон йўқотибди. Сурайё рўмолини ечдида, йигитни қонталаш ярасига босди. Ярадор аранг нафас оларди.

“Сув керак. Акани аввало ўзига келтириш зарур”, деган ўйга борди қиз ва челаги қаерда қолганин эслаб ўша ёққа чопиб кетди. Чунки бакалажқада тўла сув бор эди.

... Ярадор йигит аранг ўзига келиб бошини бир ёнга ташлади, аммо қизнинг “Хой, кўзингизни очинг! Бу ердан тезроқ кетишимиз керак!” дея қистовларини у гўё тушида эшитаётгандай ҳис қиларди.

Қиз энди чопиб бориб тулпорни етаклаб олиб келди. От ҳам “Нима гап!” дегандай бир пишқириб, ачиниб ер депсиниб қўйди.

– Хой ака, туринг. Бир бало қилиб отга мининг, йўқса ўлиб қоласиз! – деди қиз йиғламоқдан бериб бўлиб.

Сўнгра йигитнинг соғ кўлини елкасига олиб, кўтариб кўришга ҳаракат қилди. Аммо зил-замбилдай аскар йигит аранг кўтариб турғазишга муваффақ бўлдию, отга миндира олмади.

– Бўпти акажон, сиз қимир этмай тулинг мен хозир укаларимни чақириб келаман, – деди қиз ва отни миниб дарани ёнлаб кета бошлади. Бир оз юриб текисроқ тепалик устига чиқиб олдида, тулпорни чоптириб кетди.

Яхшики, опасидан хавотир олган Камолдин укаси Зайнитдинни отлик юборган экан. Улар ярим йўлда дуч келишди ва тезликда ортларига қайтишди.

– Олаxonни топдингизми, опа?

– Э йўқ. Тоғда қуролланган кишилар юрибди. Бир чегарачи акани отиб қўйишди. Юр тезроқ! Унга ёрдам беришимиз керак – дея қичқирди қиз гапни қисқа қилиб.

Шундай қилиб опа-укалар ярадор зобитни бир илож қилиб отга юклаб қўрғонларига олиб кетишди.

Тўлқинбек ўзига келганида тепасида юм-юм йиғлаб Сурайё турарди. У худди Муштарийга ўхшаб кетларди ва уни қўрган йигит беихтиёр “Муштарий!” деб юборди.

– Вой, ўзингизга келдингизми, акажон, хозир “тез ёрдам” келади. Укам мотоциклда уни чақиргани кетди. “Ўлиб қоласиз” деб қўрқиб кетдим. – деди қиз севиниб.

– Муштарий, нима мен туш қўраяпманми?

– Вой, қанақа туш. Мун Муштариймас Сурайёман. Муштарий опамку. Ахир унинг тўйида ўзингиз тоза ўйнагансизку, эсингиздами?

– Нима?... Мен хозир қаердаман?

– Тоғда, қўрғонимизда. Сизни ануви кишилар отиб қўйишди, яраландингиз.

– Сиз, халиги...

– Ҳа, улар мени ушлаб олишувди. Сиз мени кутқариб қолдингиз, раҳмат акажон, “Қўйвор дема”, гапингизда, мени қўйиб юборишмасмиди.

– Сиз у ерда нима қилиб юрувдингиз?

– Ола сигирим Олаxon йўқолиб қолувди.

– Кейин уни топдингизми?

Қиз бошини қимирлатиб “Йўқ” ишорасини қилди. Шу маҳал Зайнитдин чопиб кириб келди.

– “Тез ёрдам” келаяпти, – деди у қувониб.

Кун ўтмай шифокорлар чопиб кириб келишди-да, аскарни машинага юклаб олиб кетиша бошлашди.

– Бўпти акажон, тезроқ яхши бўлиб кетинг, – деди қиз қўлини узатиб.

– Рахмат сизга Сурайё. Кейин ўзим сизни топиб оламан, – деди йигит табассум қилиб ва қизнинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

Сурайё машина ортидан сархуш қараб қолди.

* * *

Кунлар ўтди. Тўлқинбек тез орада оёққа туриб кетди. Фақат қўли боғлиқ елкасига илиб юрарди. Жиноятчилар ҳам қўлга олинишди. Ғорда катта миқдорда наша ва наркотик топилди. Айтишларича ўшанда аскарлар Тўлқинбекни топа олишмабди. Аммо ит ерда тушиб қолган белбоғ ва қўзи кабобни топиб олиб жиноятчилар изидан тушибди. Улар қўлга олиниб ғордаги мол уларга тегишли эканини тан олишибди. Тохир эса бир воситачи ҳамюртимиз экан...

Кунлардан бир куни Усмон ота тошқўрғони томон бир харбий машина кела бошлади. Сурайё бу маҳалда тоғ тепаликларидан бирида эчкиларини боқиб, гуллар териб, бўлиб ўтган воқеаларни ва негадир ўша ярадор йигитни эслаб қўшиқ хиргойи қилиб юрарди. У ҳам Муштарий каби халқ термаларини яхши кўрарди. Олаҳоннику бутунлай унутишган ва баъзан ундан қолган ола бузукқа қараб онаси Саломат хола билан хасратлашиб олишдан нарига ўтишмаётганди. Узоқдан келаётган харбий машина қизнинг ҳам эътиборини тортди. Бу ёғларда умуман машиналар жуда кам ўрмалар ва келиб кетаётганлари ҳам тепаликдан кафтдек кўриниб турарди.

– Анави, чегарачилар бўлишса керак, – деди қиз ўзича ва негадир юрагини ширин ҳислар чулғаб олди. Бир эчки боласини қўлига олдида қўшиқлардан бирини баранг қўйиб тоғ томон ўрмалаб чиқиб келаётган машинани кузатиб ўтирди.

Тоғдан келар тўрт отли,
Тўртови ҳам бўз отли
Бўз отлининг ичида,
Менинг ёрим сумбатли...

* * *

Сарбардин тоға кўрғонига келган харбий машинага хайрон бўлиб пешвоз чиқди. Кабинадан сержант Инояттов тушиб келиб мўйсафид билан илиқ саломлашишди.

- Мени командирим юборди, – деди аскар йигит жилмайиб.
- Халиги ғовалик йигитми, келинлар. У тузукми?
- Ҳа қизингиз Сурайёхон у кишини қутқариб қолган экан, уйдаларми?
- Йўқ, тоғда эди, нима гап?

– Бошлиқ, менга қизингиз учун бир нарсани бериб қўйишни топширувдида.

– Майли, ташлаб кетаверинглар, бериб қўярман, – деди мўйсафид хайрон.

– Йўқ, тоға, халиги биз... – деди сержант бошини қашлаб.

– Берадиган буюмларинг катта нарсами? – сўради чол қўлини “каробками” дегандай кўрсатиб.

Сухбатни зимдан кузатиб турган Зайнитдин аскар йигитга савол назарида тикилди.

– Опангни чақириб кела оласанми, йигитча.

– Нега?

– У командиримизни қутқарибди. Шунга бир совғани шахсан ўзига топширишимиз керакда.

– Мен чақириб келаман, – деди шу маҳал Камолдин ва отига чаққонлик билан миниб уни тепалик томон йўртириб кетди.

Шу маҳал машина борти томонидан шариллаган овоз келиб тагидан сув оқа туша бошлади.

– Ие, ўғлим машиналарингни карбюратори тешилибди шекилли. Бу тоғларга унчамунча машина чидам беролмайдида.

– Э отахон, бу карбюратор эмас, молингиз сийворди – деди хайдовчи томдан тараш тушгандай.

– Хой Махмудов, бу нима қилганинг? – жахли чиқиб урушиб берди сержант.

– Нима машинани сиз тозларминдигиз. Уни тезроқ туширмасак ҳамма ёқни расво қилади-да.

Зайнитдин чопиб бориб машина бортига қаради ва қувончдан қичқириб юборди.

– Урре! Олахон кепти, Олахон!!!

Сурайё етиб келганида сигир тутга боғлиқ турар, унинг шохларига негадир атлас қийиқча боғлаб пешонасига гул қистириб қўйишибди.

Қиз ҳам, Камолдин ҳам қувонганидан қийқириб юборишди. Аскарлар сўрида ўзлари билан олиб келган бир талай ширинликларни ўртага қўйиб чой ичиб ўтиришарди.

– Ота, нега сигиримизнинг шохига гул боғлаб қўйишган? – сўради Камолдин қизиқиб.

– Буми, тўй бўлади, дегани ўғлим.

– Қанақа тўй?

– Сигиримиз шохига гул боғлаган одам опангнинг кўлини сўраб совчиларини юбормоқчи, шекилли.

Аскарлар кулиб юборишди.

– Қойил, топдингиз отахон! – деди сержант Иноятов.

– Кўрғонингизда бир гул ўстирибсиз, бизнинг боғдаги булбул шу гулнинг шайдоси бўлиб қолибди, сайрайвериб жонга тегди – деди хайдовчи аскар Махмудов.

* * *

Шундай қилиб кўп ўтмай Тўлқинбекдан совчилар келишди. Тўйни ҳам кўп чўзиб ўтиришмади. Фақат бу тўйда Россияга ишлагани кетган Хасан-Хусанлар иштирок этишолмади. Аммо Муштарий анчагина хотиржам кўринар, елиб-югуриб хизмат қилрди. Тўлқинбекака мард йигит, худо хоҳласа, синглимни бахтли қилади – дерди у фикран.

ХОТИМА ЎРНИДА

Кейинги йили Чотқол тоғларига баҳор барвақт келди. Наврўзни интиқ кутаётган болалардаги хурсандчиликнинг чеки йўқ эди. Меҳрибон толпопук ясаб бошига кўндириб олдида, синглиси малласоч Ойдинга ҳам уни қандай тайёрлашни кўрсатиб бера бошлади. Лекин Темур варрак яшашни қойиллатар экан. Сардор иккиси уни чуғурлашиб тайёрлашар ва қандай қилиб уни баланд учуриши ҳақида бош қотиришарди. Шу маҳал узокдан ўзбекча қўшиқ кулаб келаётган чегарачи аскарларнинг сафи кўринди.

– Ойи, дада, қаранглар, аскарлар келишяпти! Ур-ре! – дея қичқирди Сардорбек ва дарвозалари томон чопди.

Ховлида тулпорини алқаб турган Хасан ҳам, сўрида юнг рўмол тўқиб ўтирган Муштарий ҳам хушёр тортишди. Сўнгра “Юрингчи, нима гап?” дегандай бирин-кетин дарвозадан чиқиб келишди. Хасан Муштарийга “Эхтиёт бўлинг” дегандай маъноли қараб кўйди. Чунки севимли аёлининг ой куни яқин эди. Шифокорларнинг замонавий текширув хулосаларига кўра у эгиз фарзанд кутаётганмиш. Иккаласи ҳам қизмиш...

Хасанни хозирда хайратлантираётган аскарлар сафи эмас, балки уларнинг ёнида салобат ила келаётган девкелбат божаси бўлмиш зобит Тўлқинбек эди. Ниҳоят нигоҳлар тўқнашди. Ҳар иккала жўраларининг юзида табассум қалқиди.

Тўлқинбек сафдагиларга “Тўхтаманглар”, дегандай ишора қилдида, келиб Хасан билан қучоқлашиб кўришар экан ҳомиладор Муштарийга кўзи тушиб алланечук бўлиб кетди. Аёл “Яхши юрибсизми, почча?!” деб кулиб қўйди.

Тўлқинбекнинг хаёли бу маҳал “олма териб” кетганди. Уни Хасаннинг “Ҳа, дўстим, тинчликми? Биз томонларга қайси шамол учирди?” – деган саволи бузди.

– Ҳарбий машқ сафарига чикувдик. Янгилар ... – деб қўшиб қўйди зобит.

– Қачон бемалол бўлиб келасизлар-а? Сурайё яхши юрибдимми?

– Ҳа, яхши. Худо хоҳласа, шу дам олиш кунни келмоқчимиз. Майли, омон бўлинглар..

– Синглимга салом айтинг, Тўлқинака!

– Сизларга омад, эсон-омон қутулиб олинг, – деди зобит самимий кулиб, – Хўп, хозирча, хайр!

У шундай дедида, саф ортидан чопди ва тез орада етиб олди. Саф охирида Темур, Сардор ва яна бир-икки мҳалла болалари ҳам шахдам одим ташлаб боришарди.

– Сизлар ҳам катта бўлсангизлар мана шундай аскар бўласизлар, – деди Тўлқинбек болаларга қарата.

– Йўқ, мен сиздай зобит бўламан! – деди Темур хозиржавоблик билан.

– Хўш, кейинчи?

– Ўзбекистонга хизмт қиламан! – деди у ғурур билан.

– Баракалла, – деди Тўлқинбек ва унинг малла, Сардорнинг қора сочларини тўзғатиб, эркалаб қўйди.

... Аскарлар қўшиғи узоқ вақт эшитилиб турди ва лолақизғалдоқлар билан бирга тебранаётган оқшувоқлар оханги билан уйғунлашиб кетди.

Муштарий билан Хасан қўл ушлашиб, улар ортидан орзуларга берилиб, узоқ ўй суриб қолишди.

“ЗАМОНДОШЛАРНИ ЁЗАЁТГАН АДИБ”

(Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармасининг нашри) “ОГОҲ” газетасининг ўн йиллигига бағишлаб эълон қилинган мақоласидан (“ОГОҲ” _____ 2011 йил №____ (____)).

Адабиётни жон-дилидан севуви Набижон Хошимовнинг асли касби матбаачилик муҳандисидир. Китобларга иложи борича яқинроқ бўлиши учун у шу касбни танлаган бўлса ажабмас. У ҳаётида турли босмаҳона, нашриёт ва тахририятларда раҳбарлик қилган. Республика мустақиллигининг дастлабки йилларида эса фермерлик ҳаракатининг илк қалдирғочларидан бўлди. Қишлоқ хўжалигининг мураккаб соҳаларидан бўлмиш балиқчилик, шоликорилик билан шуғулланиб, яхшигина муваффақиятларга эришди. Шунга қарамай, нима иш қилмасин, адабиёт ҳар доим яқин йўлдошига айланди. У бошқа ёзувчиларга ўхшаб фикрларини қоғозга туширишни истар, лекин иккиланар, ўзидан адиб чиқишига сира ҳам ишонмасди. “Ёзувчи бўлиш учун адабиёт соҳасини чуқур ўргатувчи олий ўқув юртининг бирида таҳсил олиш керак-ку” деб ўйларди.

Шундай қилиб Набижон қораламаларини узоқ вақт яшириб, асраб юрди. Аммо бир куни ниҳоят “ёрилди”– қисиниб-қимтиниб бир-икки кишига кўрсатди. Қувонарлиси, ёзганларини ёмон эмас, деб баҳоладилар.

Жумладан **“Чорраҳадаги хангомалар”** номли мусиқали комедия пьесаси унинг дастлабки уриниш маҳсули бўлди. Фарғона вилоят театрининг Бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадсоли Юсупов Набижондаги иқтидорни кўра билди ва умумий дафтарни тўлдириб келган унинг қораламасини 1996 йили сахналаштирди. Бу дебют асар Набижон учун дастлабки туртки бўлди.

Шундан сўнг мустақилликка эришган ёш республикамизнинг конституцион тузимини кўра олмайдиган “Ҳиз-бут-тахрир”, ваҳхобийлик ҳаракатининг авж олиши мамлакатимиз тинчлиги йўлида жиддий муаммо бўлиб турарди. Набижон эса террорчилар тўғрисида кўп гаплар эшитган, улар юрган жойларни илгари кўрган эди. Ўша тоғларнинг бекиёс, гўзал манзаралари, у ерларнинг дилкаш одамлари кўз ўнгидан намоён бўлаверарди. Ҳаёлида чарх уриб тинчлик бермаган воқеа, ходисалар **“Зира ҳиди”** номли детектив қиссасига айланди.

Асарнинг Тошкент шаҳар ИИББ нашри “ОҒОҲ” газетасида давомли равишда босилиши, қолаверса, кўпчиликка манзур бўлиши бошловчи адибга ишонч ва қанот бағишлади. У 2003 йил нашр этилган **“Зира ҳиди”** китоби устида астойдил ишлашга аҳд қилди ва акаси Неъматжон билан Тожикистон ва Қирғизистоннинг бепоён тоғлари томон сайёҳатга жўнашди. Мужоҳидлар бўлган жой манзаралари, шохидлар гапириб берган воқеаларни хотирасига жойлади. Табиатни, гўзалликни, гуллар ва зира ифорини ҳис қилди. Бу ифорни ватан ҳиди ва туйғуси деб ифодалади. Натижада асар анча

мукаммаллашди. Марказий Осиёнинг турли миллатга мансуб аскарларининг душманларга қарши олиб борган мардонавор кураш тасвирлари ишонарли чиқди.

Қайта ишланиб, кенгайтирилиб 2007 йил “Фарғона” нашриёти орқали чоп этилган китобини **“Мужоҳидлар изидан”** деб номлади. Мазкур асар Набижан Хошимовнинг ижод ва адабиёт пиллапоясидаги дастлабки поғонаси бўлди.

Шундан сўнг, у ўша пайтда долзарб бўлган фермерлик ҳаракати мавзусида ёзишга киришди ва 2009 йили нашр этилган **“Эр либосли аёл”** романи дунёга келди.

Адибнинг мазкур мавзуни қаламга олишига унинг 1993 йили “Жаҳон андозаси” хусусий фирмасини ташкил этгани ҳам сабаб бўлди. У Олтиариқ тумани Повулғон қишлоғи атрофидан 10 гектар ер олиб, фермерлик билан шуғулланган. У ерда шоли, балиқ, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда яхши самараларга эришиб, 1996 йилдаги “Ташаббус-96” республика кўрик танловида махсус соврин ва дипломига сазовар бўлган, қолаверса, самарали меҳнати учун Фарғона вилояти хокимлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Ана шу фермерлик воқеа жойида кўрган-эшитганлари кейинчалик унинг **“Аросат дунё”** (**“Ёввойи куёв”**) воқеий саргузашт романида ҳам ўз ифодасини топди.

Шундан сўнг Набижон Хошимов ўзи ёқтирадиган “Табиат ва инсон” мавзусига оид асарлар ярата бошлади. Уларда инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги тўла тараннум этилади. “Аросат дунё” қаҳрамони Мамажон деярли бир умр тўқайзор, камишзор ва ўрмонларида **“Ёввойи келин”** деб номланган детектив саргузашт романидаги Сабоҳат исмли ўғирлаб кетилган келинчак бўлса, тоғу тошларда, ғорда танҳо истиқомат қилишади. Бу бизга машҳур севимли қаҳрамонлар Робинзон Крузо ҳамда Дерсу Узалаларни эслатади.

Адибнинг юқоридаги асарлари китобхонлар даврасида доврўғ қозонди. Чунки унинг қаҳрамонлари Мамажон ота ҳамда Омонча аялар ҳозирги кунда Повулғон қишлоғида, исми ўзгартирилган Сабоҳат (Манзура) бўлса Кўқон шаҳрида истиқомат қиладилар. Шунингдек 2004 йили чоп этилган **“Топталган гулбадан”** (**“Зебузар”**) деб номланган детектив қисса қаҳрамонлари ҳам замондошларимиз бўлиб, асар реал воқеаларга асослангандир.

Инсон савдосига қарши курашишга бағишланган **“Зебузар”** асари асосида республика телевиденияси 2008 йили миллий сериал фильмини яратди. Мазкур фильм энг долзарб ва ҳозиржавоб асар сифатида ҳозирги кунда кенг томошабинлар оммасига қайта-қайта намоиш этилмоқда.

Набижон Хошимов асарлари қаҳрамонлари серҳаракат, изланувчан, “қизиқ” одамлар. Улар бир ерда тинч ўтиришмайди. Чет элларда, овлоқ тўқай, кимсасиз тоғу-тош, ўрмон хатто Сибирнинг олис ўрмонларини кезиб юради. Миллати ҳам турлича–ўзбек, козоқ, қорақалпоқ, рус, татар, тожик ва хоказо.

Лекин қаҳрамонларини замондошларимиз орасидан топаётган изланувчан адибнинг энг диққатга сазовар асари – **“Чимилдиқли уй ноласи”** романидир.

Мазкур асар Набижон Хошимовнинг адиб сифатидаги маҳоратини яна бир поғона ошганидан далолатдир.

Ёзувчи Набижон Хошимов кейинги етти йил ичида ўзини кўп тармоқли ижодкор сифатида ҳам намоён қила олди. 2004 йилда Муқумий номли мусиқали драма театрида сахналаштирилган унинг **“Додагинам”** номли мусиқали комедияси, 2008 йилда экранлаштирилган **“Зебузар”** номли миллий телесериали унинг мохир драматург сифатида ҳам намоён этди. Шунингдек бу даврда **“Покланган фирибгар”** (2009), **“Осмон кўрмаган юлдуз”** (2010) каби воқеий ҳажвий қиссаларни ҳам нашр этириб, жамиятимиз ва турмушимизда учрайдиган баъзи нуқсонларни ўткир сатира қалами остига ола билди.

Айниқса, **“Осмон кўрмаган юлдуз”** асари ўз туғилиб ўсган қишлоғи ва замондош Олтиариқликлар ҳақида бўлиб унинг қаҳрамонлари ҳақиқий бор одамлар, қолаверса, исмлари ва воқеа жойларининг ўзгартирилмаган ҳолда ёзилганлиги билан кескин фарқ қилади. Жумладан, ўз акаси Неъматжон машҳур Олтиариқ бодринглари ўрнига бошқа экин эқмоқчи бўлган полосонлик ўртоғи Анварга (ҳозирда уни “Анвар патиссон” деб чақиришади) патиссон уруғини берган. Аммо Анвар патиссон қанақа экин эканлигидан ва хосилни қай вақт йиғиштириб олишдан беҳабар бўлгани учун патиссон меваси жуда йириклашиб кетиб худди чиройли ўзга сойёра кемасига ўхшаб қолади. Асар қурилмаси ана шу воқеа атрофида кечиб муаллиф Повулғон қишлоғидаги бошқа хангомаларни ҳам усталик билан шу воқеа атрофида жамлай олган. Шунингдек, қишлоқнинг тарихи, унинг дилкаш, кулгусевар одамлари қиёфасини ўзида акс этдирган. Қолаверса, муаллиф ҳам ўзини ана шу қишлоқ ахлининг бири сифатида фахрланади ва ўзи устидан ҳам мириқиб кула билади. Бу унинг ўз туғулиб ўсган юртини чин дилдан севиши, миришкор ва тадбиркор Олтиариқликларга бўлган чексиз ҳурматидан далолат беради.

Умуман олганда ҳамқишлоқ, ҳамюртлар, ватан туйғуси Набижон Хошимов асарларининг диққат марказида туради. **“Аросат дунё”** (**“Ёввойи куёв”**), **“Осмон кўрмаган юлдуз”**, **“Гастарбайтер Мусабек”** асарларида ўзи туғилиб ўсган қишлоғи ва

қўшни қишлоқлар ҳақида ёзилган бўлса, **“Чимилдиқли уй ноласи”**, **“Эр либосли аёл”** романларида Боғдод ва Қува туманларини, **“Ёввойи келин”**, **“Мужоҳидлар изидан”** асарларида қўшни республикалар жойлари Зарафшон, Сўх туманлари ва Тошкент шаҳрини акс этира билган.

Эндиликда адибнинг ижодий географияси тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда хорижга кетувчилар, жумладан Россия ўлкаларига ноқонуний йўл билан ишлагани кетиб турли тақдир синовларига дуч келаётган баъзи замондош юртдошларимиз эндиликда унинг қахрамонларига айланиб бормоқда. Жумладан **“Чимилдиқли уй ноласи”** романи Олтой ўлкаси ва қисман Қозоғистон тасвирланган бўлса **“Гастарбайтер Мусабек”** номли саргузашт қиссаси Санкт-Петербург шаҳри, **“Тоғлик қиз қисмати”** роман-новелласида бўлса, Красноярск ўлкалари қаламга олинган.

Адиб ҳозирги кунда ўзбек адабиётида танқисроқ бўлиб қолган илмий-фантастика мавзусига ҳам қўл урди. Бу унинг 2009 йили нашр этилган **“Самовий муҳаббат”** номли лирик фантастик қиссасидир. Бунда адиб нафақат юртимизнинг гўзал гўшаларини, балки ҳаёт мавжуд бўлган орзудаги ўзга сайёра табиат манзараларини ҳам тассавур қилишга уриниб кўрган. Бу Набижондаги бадиий маҳорат, ижодий ҳаёлотнинг тубсиз, чегарасиз эканидан далолат беради. Хуллас, адибимиз замондошларимиз образларини яратишда адабиёт ва драматургиянинг турли жанрларидан фойдаланиб тадқиқот олиб бора олувчи ўз ижодий лобараториясини ярата олди.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Бухородаги янги театр очилиши муносабати билан билдирган **“Замон қахрамони”** образини яратиш борасидаги тақлифларига **“лаббай”** деб жавоб берган Набижон ҳозирги кунда бу борада тинимсиз меҳнат қилмоқда. Жумладан, **“Эр либосли аёл”** драмаси **“Осмондан тушган куёв”**, **“Окагинам”**, **“Безовта уй”** каби мусиқали комедия сахна асарлари, **“Шаҳарлик шаҳзода”**, **“Халоват”** деб номланган киносценарийлар ёзиб тугатди. Уларда замон қахрамонлари, қишлоқларнинг шаҳарга яқинлиштириш, шаҳарлик ёшларнинг қишлоққа интилиши ва ёш оилаларнинг янги типдаги уйларда истиқомат қила бошлашлари, янги ишчи ўринлари яратиш, хусусий тадбиркорлик ҳамда хорижий инвестицияларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича саясий-ҳаракатлар, миллий кадриятларимизни эъзозлаш ва ватанпарварлик руҳида камол топаётганларини тараннум этувчи асарларни қаламга олмоқда.

Биз Набижондан “Сизни қандай орзуларингиз бор?” деб сўраганимизда у “Юртимиз ҳар соҳада тарақий этмоқда. Миллий қадриятларимиз эъзозланиб, спорт ва санъат соҳида ҳам дунё миқёсида Республикамиз нуфузи тобора ортиб бормоқда. Афсуски ҳозирги замон ўзбек адабиёти халқаро миқёсига чиқа олгани йўқ. Қани энди асарларимиз таржима қилиниб дунё юзини кўрса, юртимизнинг замона қахрамонлари ҳақидаги китоблар хорижлик китобсеварларни ҳам лол қолдира олса” деб жавоб берди.

Биз кўп қиррали ижодкор, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Набижон Хошимовга ўз орзуларидаги долзарб асарларни дунёга келтира олишида омадлар ҳамда ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

“КУЛГИДАН КАСАЛЛИКЛАР ЕНГИЛАДИ”

“ШИФО-ИНФО” газетасининг махсус муҳбири Ўктамой Холдорова билан суҳбат (“Шифо-инфо” 24 март 2011 йил №12 (319)).

Набижон ҲОШИМОВ “Зебузар” телесериали орқали кўпчиликка таниш. Унинг “Чимилдиқли уй ноласи”, “Ёввойи келин”, “Самовий муҳаббат”, “Осмон кўрмаган юлдуз”, “Эрлибосли аёл”, “Ёввойи куёв”, “Покланган фирибгар”, “Гастарбайтер Мусабек” каби ўнлаб саргузашт ва ҳажвий асарлари китобхонлар томонидан илик кутиб олиниб, аллақачон ўз мухлисларини топган.

Бугунги суҳбатимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва драматург Набижон ҲОШИМОВ билан бўлиб ўтади.

Савол: - Набижон ака, сизнинг насрий асарларингизни ўқиб бораман, айтинг-чи, асарларингиз қахрамонлари тўқима образларми ёки ҳаётдан олинганми?

Жавоб: - Асарларим қахрамонлари асосан ҳаётдан, замондошларимиз, юртдошларимиз орасидаги турли тақдирли одамлар ҳаётидан олинган. 2003 йилда “Зебузар” асарини ёздим, бу асар одам савдосига бағишланган долзарб мавзу бўлгани учун ЎзТВнинг Ёшлар канали билан ҳамкорликда телесериал ишланди ва ана шу долзарблиги туфайли бугунги кунда ҳам қайта-қайта намойиш этилмоқда.

Мен асосан детектив, мелодрама, воқеий-саргузашт асарлар ёзаман, бундан ташқари, фантастик қиссаларга ҳам кўл урдим. “Самовий муҳаббат” номли фантастик саргузашт қиссам Ўзбекистон Кино Миллий агентлиги ижодий кенгаши тасдиғидан муваффақиятли

ўтди. “Ёввойи келин” номли асарим қахрамони кўқонлик Манзура исмли аёл бўлиб, у кишининг ўзлари хикоя қилиб берган бошидан кечирганлари ҳақида ёзилган.

Саргузаштларни жуда яхши кўраман. “Ёввойи келин” детектив-саргузашт романида гиёҳванд бир йигит қизни чимилдикдан ўғирлаб кетиб, уни Чуст тоғидаги катта бир ғорга яширган экан. Асарни ёзишдан аввал ўша ғорни ўз кўзим билан кўриб келдим. Қиз қочиб кетмаслиги учун уни занжирбанд қилиб кўяркан. Бир тасодиф туфайли йигит ўлиб кетади, қиз эса тирик қоларкан. Қиз бир ярим йил шу ғорда яшаб, ёввойилашиб кетаркан...

Савол: - *Халқ табобатидан ҳам анча мунча ҳабарингиз борга ўхшайди, чунки асар қаҳрамонларини даволашда турли гиёҳлардан самарали фойдалангансиз, шундай эмасми?*

Жавоб: - Тўғри, мисол учун “Ёввойи келин” асаримда Маржон табиб яримжон бўлиб қолган аёлни ғордан топиб олиб, уни даволашда халқ табобатидан фойдаланади. Бу асарни ўқиган баъзи китобхонлар мактублар ёзиб шу табибнинг манзилени ҳам сўрашмоқда. Мен бу асарни ёзишдан аввал инсон саломатлигига оид кўплаб тиббий рисоаларни ўқиб чиқдим. Айниқса Ибн Сино асарларидан кўп фойдаланганман. Гиёҳвандларни “нарвон” усули билан даволаш сирларини Ибн Синонинг бир рисоласидан топиб олдим. Бу республика Саломатлик институти мутахассисларини ҳам қизиқтириб қўйди ва улар ушбу асаримни ўқиб чиқиб, сўзбоши ёзиб беришди.

Савол: - *Билишимча, сиз адабиёт оламига кечроқ кириб келдингиз. Шундай бўлсада турли жанрларда асарлар ёзиб ўзингизни синаб кўряпсиз, жумладан фантастика жанрига ҳам қўл урибсиз. Фантастик асар ёзиши учун дунёқарагининг кенг бўлиши баробарида ижодкорнинг тасаввур олами ҳам жуда бой бўлиши керакми?*

Жавоб: - Албатта, биринчи навбатда бундай асар ёзиш учун ёзувчининг кўрган-кечирганлари, ўқиган адабиётлари камлик қилади. У кенг фантазияга (хаёлот), тасаввур оламига эга бўлиши билан келажакни олдида тасаввур қила олиши ҳам керак. Гарчи техника олийгоҳига адашиб кириб қолган бўлсам-да, бадиий адабиётга жуда қизиқиб келганман. Ёшлигимдан Мопассан, Даниел Дефо, Жюль Верн каби жаҳон адибларининг дурдона асарларини кўп ўқиб ёзувчиликка ҳавасим уйғонган.

Жюль Верннинг ҳам асосий касби муҳандис бўлиб, у ҳам ижодини жуда кеч бошлаган экан. Лекин оламга машҳур бўлган 12 та асарини 45 кун давомида ёзиб тугатган. 12 та асарини ёзиш учун аввало 12 та стол ясаб, қайсидан чарчаса бошқасига ўтиб, айланиб юриб ёзган экан. Бир пайтда ёзилган бу асарлари бир вақтнинг ўзида босилиб, уни машҳур қилиб юборганлиги бизга маълум. У фантастик асарларида тасвирланган

тасаввур оламининг маҳсули сифатида бугун роботлар, сув ости кемалари, самолётлар, ракеталар яратилди ва бугунги кунда инсониятга хизмат қилмоқда. Чунки бу асарларни мутолаа қилган кейинги авлод вакиллари орасида кўплаб мухандис ва конструкторлар етишиб чиқишди ва техника тараққиётига улкан ҳисса қўшишди.

Савол: - *Эшитишимизча, илк муסיқий комедиянгиз “омадли” бўлган экан...*

Жавоб: - Театр сахналари учун сценарийлар ҳам ёзиб тураман ва улар бир қатор театрларда сахналантирилмоқда. “Чорраҳадаги хангома”лар номли муסיқий комедия биринчи асарим бўлиб, (1996 йилда ёзилган) унинг сахналашишига истеъдодли драматург Шароф Бошбеков сабаб бўлганлар. Мен бу асаримни Фарғона вилоят театри Бош режиссёри Мамасоли Юсуповга кўрсатган эдим, у кишига манзур бўлди ва асарни Шароф акага ҳам бир кўрсатайлик, дедилар. Тошкентга келиб уни Шароф акага ўқишга бердик ва у киши асарни ўқиб чиқиб: “Бу асар менга ёқди, жуда долзарб экан, сахналантирса бўлади”, деган таклиф киритдилар. Хуллас, комедия Маданият вазирлиги томонидан Фарғона вилоят театри режасига киритилиб, тез орада сахна юзини кўрди.

Савол: - *Кулгитератия ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик. Чунки табиатингиздаги ҳажвга мойиллик ёзган асарларингизда ҳам сезилиб турибди.*

Жавоб: - Агар ёзувчининг ўзи кулмаса, ҳеч қачон ўқувчини кулдира олмайди. Ҳажвий асарлар ёзсам аввал ўзим ўқиб, мазза қилиб куламан. Юракдан келган кулгидан касалликлар чекинаркан. Қувноқ кишилар тез тузаладилар ва узок яшайдилар, деб ҳақимлар бежизга айтишмаган.

Ҳозир Россиянинг баъзи шифохоналарида ҳар қандай оғир касални кулги йўли билан даволаш мумкинлиги исбот қилинган. Кўплаб “Кулгитератия (Смехотерапия)”лар очилиб, беморларни даволаш яхши самара берилаётгани ҳақида матбуотларда ёзилмоқда.

“Тоғлик қиз қисмати” номли китобимдаги “Эчки эмган беданавоз” ҳикоясидан бир шингил айтиб берай. Олтиариқда Абдубанноп исмли, 86 ёшли беданавоз яшайди. Унинг 200 тага яқин беданаси бор. У беданаларнинг ҳар бирига исм қўйган ва уларнинг ва-ваклашига қараб қайси исмли бедана сайраганини бемалол ажрата олади, беданалар сайраганда “Ваҳ-ваҳ” деб завқланиб кетади. Нима бўлибди-ю у ёши олтмишларга борганида саратон касалига йўликади. “Бу ёғи Худодан, қўлимиздан келганини қилдик” дейишади шифокорлар. Унинг сўлиб бораётганини кўрган яқинлари йиғи-сиғини бошлаб юборишади. Ўша куни Абдулла қассоб исмли бир кадрдон ўртоғи уни кўргани келади, қараса аҳвол чатоқ. Ҳеч кимга ҳеч нарса демай Абдулла ака ўсал бўлиб ётган беморни

шарт кўтариб машинасига солиб жўнайди. Уни соғин эчкиси бор тоғлик оғайнисининг уйига олиб бориб, ўша эчки ёнига похолдан жой тўшаб беради. Ҳар куни эчки сутини соғиб, унга ичираверади. Бемор кундан кун ўзига кела бошлайди. Бир куни дўсти бедана овига кетиб, Абудбанноп ота ёлғиз қолади. Бир пайт унинг яқинида ўтлар орасида бедананинг ва-вағи эшитилади, у хушёр тортади, товуш яна такрор эшитилади. Беданавоз ортиқ тоқат қилолмай аввало эчки тагига эмаклаб бориб уни тўйиб эмиб олдида сўнгра овоз келган томон аста эмаклай бошлайди. Қуш уни яна чорлайди. Охири бор нима бўлса бўлар деб, бемор ўрнидан туриб беданани қувлаб кетади ва унинг устига чопонини ёпиб ушлаб олади. Қараса тепасида дўсти кулиб турганмиш. У атайлабдан беданани ипга боғлаб ўртоғини ўрнидан тарғазиш учун шундай чора қўллаган экан. Шундай қилиб Абдулла ака дўстининг умрини узайтиришга сабабчи бўлади-ю, аммо ўзи барвақт ўлиб кетаркан.

Савол: - *Сиз туғилиб ўсган Повулгон қишлоғи нима учундир ҳангомаларга бойлиги билан эътиборда. Бунинг бирон сабаби борми?*

Жавоб: - Бу қишлоқни Ўзбекистон Халқ шоирлари Анвар Обиджон Шакарқишлоқ деб ёзган бўлса, Эркин Воҳидов Донишқишлоқ деб атаган. Қишлоқ қадимда икки булоқ атрофида пайдо бўлган. Ҳангомалари жудаям кўп. Уни Болгариянинг Габровоси билан ҳам тенглаштиришади. Габровода ўта тежамкорлик ҳақидаги ҳангомалар бўлса, бизда одамларнинг соддалиги, самимийлиги ва паришонхотирлиги туфайли келиб чиққан ҳангомалар кўп. Қишлоқ тарихини қизиқиб ўрганганман, бу паришонхотирликнинг сабаби бор экан. Мен бу булоқни “Осмон кўрмаган юлдуз” номли хажвий қиссамда “Кулги булоғи” деб номлаганман. Қишлоқдаги бу икки булоқ қўшилиб суви бир ариқда оққан, бири тоза сув бўлган, иккинчисининг суви истеъмолга яроқсиз бўлиб, ундан ичиш мумкин бўлмаган, фақат чўмилишгина мумкин экан. Одамлар ана шу ариқ сувидан не замонлардан буён ичиб келишган ва бу сувни одамни ичгани ҳамоно сал паришонхотирроқ қилиб кўяркан.

1920 йилларга келиб сув таркиби мутахассислар томонидан ўрганилиб, бу сув истеъмолга яроқсиз деб топилади ва маҳаллий аҳоли бу булоқни хашар йўли билан кўмиб ташлайди. Шундан сўнг шакарқишлоқликлар устидан бошқалар кулмайди, одамлар паришонхотир бўлмайди, энди бу пок бўлди деб, қишлоқнинг номини “Пок бўлғон” деб аташади. Кейинчалик бу ном маҳаллий шевада Повулғон бўлиб кетган экан. “Кулги

булоғи” бекитилган бўлса-да, қадимги аждодларимиздан қолган юзлаб ичакузди ҳангомалар ҳозирга қадар ўзбек халқ оғзаки ижодини бойитиб келмоқда.

– *Тилақларингиз!*

– “Шифо-инфо” муштарийларига баҳорий илиқлик, кўнгил хотиржамлигини тилайман. Кўпроқ очиқ ҳавода пиёда сайр қилиш, боғларга, тоғларга, кўнгил-очар жойларга тез-тез бориб туриш билан биргаликда ҳажвий ва саргузаштларга бой асарларни тез-тез мутолаа қилиб туриш ҳам инсон руҳиятига ижобий таъсир қилиб, аъло кайфият бағишлайди.